



«Ўткинчи дунё»
Эркин ЖҰРАЕВ асари

Хурматли журналхонлар!

*2023 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока”
журналларига обуна давом этмоқда.
Журналларимизга барча матбуот етказиб берувчи
ташкилотлар ёки тахририятимиз орқали обуна
бўлишингиз мумкин.*

*Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911
“Звезда Востока” – 831*

2 / 2023

SHARQ YULDUZI

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK

Шарқ юлдузи



Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

2 / 2023

Унутилмас лаҳзалар



Суннатулла АНОРБОЕВ
(1922 – 2003)



Суннатулла АНОРБОЕВ ҳаётидан лавҳалар

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева



УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Ғафур ҒУЛОМ



Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди кадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шухрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.
Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб,
Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак бас.

НАСР

Рўзимбой ҲАСАН

ОСМОН ЯҚИН, ЁР ЮМШОҚ



Аммо, лекин, бироқ танловда шу блогер деган балои
гўрларнинг қатнашгани чатоқ-да! Шу балоғўрлар қачон,
қай гўрдан чиқишди – энди ҳожатга бориб ҳам бемалол
ўтира олмайсан. Ҳамма жойда ҳозир нузир булар.

...Мадрим шўронинг ўзи ҳам бир пайтлар жазмани
билан тўшакнинг ўзидаёқ қўлга тушиб, беш дақиқали
тасвир жараёнларидан туғилганига минг пушаймон
бўлгани бор. Эртага бу тасвирлар анов ижтимоий
тармоқларга чиқиб кетса, аёли-ку майли, болалари-ю
қудаси олдида ер билан бир бўлишини оний лаҳзаларда
кўз ўнгига келтирган. Ишдан ҳайдалиб, хонанишин
бўлишини ўйлаб, юраги хуруж қилишига сал қолган...

НАЗМ

Дилмурод ДЎСТ



КҲНММ КАИФА ДЕСА,
БОШ ОЛИБ КЕТИСАН

Худодан сўрадим...
Барини берди.
Ниятинг – йўлдошинг, дегани ҳақдир.
Бироқ дил истайди телба ошиқлик,
Қақраган юрагим ишққа илҳақдир.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ

ШАҲЛИ

БАДИИИ МАҲОРАТ ДАРСИ

Шаҳодат Исахон асарида Гавҳаршод бегимнинг қанчалар ақлли, тадбиркор, топкир шахс бўлишига қарамай, аввало, аёл ва она экани тасвирига урғу беради. Уни аёллик, оналик, бибилик туйғулари оғушидаги оқила момо сифатида кўрсатади. Асарда ичкилик туфайли хароб бўлган ўғли Бойсункурни кўргандаги ҳолатининг: “Сизни бул аҳволда кўргунча... – деди лаблари йиғига шайланган Гавҳаршод бегим гапининг давомини ичига ютиб” тасвири аёл руҳиятига хос энг турғун қиррани кўрсата билиши билан эътиборни тортади. Ёзувчи маликани ўз туйғуларини сиртига чиқармайдиган метиндай мустаҳкам ирода эгаси сифатида эмас, балки бир оддий аёл йўсинида кўрсатгани учун ҳам асарнинг ўқишлилиги, образнинг ҳаётийлиги ортган.



Ибодат РАЖАБОВА

МАТЮЛАА

ҚАШ ҚИЯРИМИ

Биргапичимдасиғмаяпти. Ёрилмасимдан олдин айтиб, қўяй. Эмишким, “Аёллар шеърятини ўқиб бўлмайди”. Бу шўрланган деворнамо гапни Зебинисобегим йиқитиб, сурма қилиб, кажрафторлар юзига сепиб юборган вақт 1660 йиллар эди. Шунинг учун ҳам Бегим:

“Гарчи ман Лайли асосам, дилчу Мажнун дар ҳавоет” деб қўшиқ айтган эди, шонга кўмилиб. Кейин Ҳалимахоним Худойбердиева, Фароғат Камолова бу ўргимчак торларини узиб, шамол ихтиёрига топширганларида, ёмғир шаррос қўйилиб, узматорлардан асар ҳам қолмади



Содиқ АНВАР

НАСР

ШАҲЛИ

– Ана, холос! Бунча тақиқларинг кўп?! Копток бўлиб сакраёлмасанг, дарахт бўлиб юролмасанг, устига-устак гапириш ҳам мумкин эмас бу қанақа ҳаёт ўзи?! – деб тутатди САО. – Энди сенлар ўйлаб топган қаёқдаги мақолни деб умрбод бир жойда қолишим керакми?! Минг йилдан буён қоқилган қозикдай шу ерда қотиб турганим камлик қилдими?! Камига саёҳатдан ҳам воз кечишим керак, шундайми?! Тагин қанақа шартларинг бор, яна қайси тартиб-қоидаларни йўлимга кўндаланг ташламоқчисан?! Тупурдим ҳаммасига!.. – дея ўшқириб, яна бир томирини шиддат билан силтаб тортган эди, омонат кулбамиз ҳам тебраниб кетди.





Ғафур ҒУЛОМ

Умримиз боқийдир, умримиз боқий

Вақт

Гунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик,
Баъзида бир нафас олғулик муддат –
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Яшаш соатининг олтин капгири
Ҳар бориб келиши бир олам замон.
Койнот шу дамда ўз куррасидан
Ясаб чиқа олур янгидан жаҳон.

Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб,
Яшаб, умр кўриб ўтгувчилар бор;
Кўз очиб юмгунча ўтган дам – қиммат,
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.
Нурлар қадами-ла чопган секунднинг
Барини тутолмас ай(ю)ҳаннос овоз.

Йигит термилади қизнинг кўзига,
Киприк сузилиши, майин табассум...
Қўша қаримокқа муҳр бўлади
Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.

Ғафур ҒУЛОМ – (1903–1966). Ўзбекистон халқ шоири, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Унинг “Шум бола”, “Нетай”, “Ёдгор”, “Тирилган мурда” сингари қиссалари ҳамда “Сен етим эмассан”, “Кузатиш”, “Вақт”, “Согиниш” каби шеърӣй ҳамда кўп томликлари нашр этилган. Ғафур Ғулом “Отелло”, “Қирол Лир” сингари жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига ўзгирган.

Яшаш дарбозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам,
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.

Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.
Ўзбекнинг барҳаёт авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.

Қатрада осмон акс этганидек
Жаҳондай маънодор қорачигимиз.
Ғолиб асримизга куёшдан машғал,
Замон кўрасининг сўнмас чўғимиз.

Замона соати занг урар мудом,
Минглаб ҳодисалар минутларга қайд,
Қаҳрамон туғилди, шаҳар олинди,
Бир гигант қурилди шарафли бу пайт.

Рейхстаг устига ғалаба туғин
Қадашда отилган адолат ўқи –
Ялт этган умри-ла барқарор қилди
Башарнинг муқаддас, олий ҳуқуқин.

Ғалаба амри-ла, мағлуб немиснинг
Генерали қўл қўйди. Уч секунд фақат...
Шу малъун имзода одамлар ўқир
Миллион йил фашистнинг умрига ланъат.

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.
Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб,
Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак бас.

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал,
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

Соғиниш

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш!

Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид.
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртаги умид.

Хоки анжир тугаб, қовун ғарқ пишган
Бахтли тонг отар чоғ уни кузатдим,
Бир малъун гулшанга қадам қўймишкан,
Жони бир жондошлар қолармиди жим!

Унда етук эди мерос мард ғурур,
Остонани ўпиб, қасамёд қилди.
Укаларин эркалаб, ўзимдай мағрур,
Яъни обод уйимни у дилшод қилди...

Иблиснинг ғарази бўлган бу уруш
Албатта, етади ўзин бошига.
Ўғлим омон келар, ғолиб, музаффар,
Гард ҳам қўндирмасдан қора қошига.

Не қилса отамен, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор,
Қутаман, узоқдан кўринса бир от,
Келаяпти, дейман кўринса ғубор.

Баҳор новдасида бўртган ҳар куртак
Соғинган кўнгилга берар тасалли.
Кўчатлар қоматин эслатганидек,
Нафасин уфурар тонг отар ели.

Кечқурун ош сузсак бир насиба кам,
Қўмсайман бировни – аллакимимни,
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни.

Балки бир ғалат ўқ ё хавфу хатар
Ҳазинаи умримдан йўқотди олмос...
Йўқ, у ўлмас, қадами олам яратар,
Ҳаётий бу олам сизу бизга хос.

Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чикди офтоб.
Лойқа ҳаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.

Ўроғу гулкайчи, истак кўтариб,
Ховримни босишга боққа жўнадим.
Хашарчи қўшни қиз – унинг севгани,
Маъюс босар эди орқамдан одим.

Боғда сарвинозим йўқ эди гарчанд,
Кўмакчим арғувон ёринг Нафиса,
Сени соғинганда қилдим гул пайванд –
Бу баҳордан ҳаёт оларди бўса.

Дур бўлиб тақилур ёринг бўйнига,
Садафдай кўзимда, беҳуда бу ёш.
Икковинг икки ёш, лабинг лабига
Қўяр, васвасамдан кулади куёш.

Асалдан ажраган мумдай сарғайиб,
Ини йўқ аридек тўзғиганим йўқ.
Улуғ эътикодда ўламан қариб,
Абаддир мендаги падарий ҳуқуқ.

Сизларни келди, деб эшитган куни –
Ўзинг тўқиб кетган катта саватда
Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман,
Ғалаба кунлари яқин, албатта.

Яёв, кўксим очик, бошда шафтолу,
Худди мўйлабингдек майин туки бор,
Ҳар битта шафтолу мисоли кулгу,
Шафақдай нимпушти, сарин, беғубор.

Суйганинг лабида реза тер каби
Унда титраб турар сабухий шабнам.
Мунчалик мазани топа олмайди
Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.

Е ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг, данагин сақла.
Шу мерос боғингни ўз қўлингга ол,
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.

Боғда товус каби хиромон бўлиб,
Умид данагини бирга экингиз,
Ғолиб келажакни сайр қилайлик
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.



Ташриф

Қисса

Содиқ АНВАР

Сиз бизнинг дунёмиз билан ёнма-ён жойлашган, аммо кўзимизга кўринмайдиган олам ҳақида эшитганмисиз? Ҳайрон бўлманг, балки бу каби ғаройиботларга ишонмассиз. Мен ҳам бошда ишонмагандим, бироқ кейин тасаввурим буткул ўзгариб кетди.

Ўша куни бобом саҳарлаб уйга кетиб, бутун бошли боғни қўриқлаш зиммамга тушганди. Дарвозадан кираверишда кўримсиз пасткамгина кулбамиз жойлашганди, олдида чоғроқ супаси ҳам бор. Унинг тепасида ёғоч валиш, ўзимиз учун беш-олти туп токни чиқариб, тараб қўйганмиз. Сал нарида суви қуриган ҳовуз, давомидан мевали дарахтлар қатор тизилган.

Мен супага ташланган эски шолча устида ёнбошлаб, шундоқ тепамдаги валишга илинган кўнғироқ ипини эринибгина тортиб ўйнаб ётардим. Кўнғироқ меваларга ҳужум қиладиган кушларни ва баъзи дайди ҳайвонларни ҳайдашга мўлжалланганди. Унданам атрофда ўралашадиган бегона кимсаларга боғ эгасиз эмаслигини, унинг кўрикчиси борлигини эслатиб туриш учун ҳам керак эди. Баъзида боғдан ташқарига ўйнаб чиқиб кетиб, ҳаяллаб қолсам, бобом мени чақириш учун ҳам шу кўнғироқни босиб-босиб чалади.

Дарахтлар соясида Олапар итим мудрамоқда. Кўнғироқнинг бир маромда жиринглаши уни аллалаётганга ўхшарди. Қўрикчимнинг бундай бепарволиги менга ёқмади-да, кўнғироқ ипини илкис силтаб тортиб юбордим, унинг жаранги бутун боғни ларзага келтирди. Олапар сергак тортиб бошини кўтарди, кулоқларини диккайтириб теваракка аланглади, кейин менга қараб ириллади.

Итни чўчитиб юборганимдан хурсанд бўлиб, мийиғимда кулимсираб қўйдим. Энди қандай эрмак топсам экан, деб ўйланиб тургандим, боғ этагига қараб чўзилиб кетган қувурга кўзим тушиб қолди. Кўнғироқни унинг оғзига тутиб кўрсам, қандай бўларкан, деган фикр миямга урилди. Унинг ўткир овози темир қувур ичида қай тарзда акс садо берар экан – шунга қизиқиб қолдим.

Содиқ АНВАР – 1960 йилда туғилган. Фарғона педагогика институтини (ҳозирги ФарДУ) тамомлаган. Ҳикоялари республика матбуотида нашр этилган.

Ҳовуз лабида осилиб турган қувур бир қариш баландликдаги бетон устунлар устига ўрнатилган, боғ бўйлаб бориб, ундан нари қир устидан тоғ этагига қараб тортиб кетилганди. Кўклам келиб, ҳаво илиши билан баланд чўққилардаги қорлар эриб, ирмоқ бўлиб ошиқиб-шошиб югургилаб қуйига оқа бошлаган пайтда бир оғзи ўзан йўлига тўғрилланган қувур ҳам сувга лиммо-лим тўларди. Темир қувур тоғ тупроғидаги озуқалар билан тўйинган муздай сувнинг бир қисмини қир бағирлаб олиб ўтиб, боғ оралаб етаклаб келарди-да, ҳовузга қуярди. У ерга тўпланган лойқа сув ариқчалар орқали ҳар ёққа тармоқланиб-таксимланиб, дов-дарахтлар оралаб оқарди.

Ҳозир тоғдан сув келмай қолган, қувур бўм-бўш, ҳовуз қуриганди. Ичимлик суви ҳам тақчил, қудуқ йўқ, қишлоғимиз булоқдан оқиб келувчи билакдай жилға билан жон сақларди. Ўзани жуда пастда бўлгани боис уни “Жарарик” деб аташарди.

* * *

Хуллас, бўш қувур оғзига қўнғироқни тутиб чалиб кўргим келди. Валиш устунига тирмашиб чиқиб, тўсинга илинган қўнғироқни ечиб тушдим. Қизиқиш билан уни қувур оғзига тутиб, аста жиринглатдим. Афсуски, кутганимдай бўлиб чиқмади – қўнғироқ товуши темир қувур ичида анчайин бўғиқ эшитилди. Қўнғлим тўлмай қўнғироқни қайта-қайта чалдим ва қувур оғзига энгашдим. Овоз узоқ-узоқларга кетгани рост, лекин қувур уни ютиб юбораётганга ўхшарди, бошдаги тиниқ янғроқлик секин-аста пасайиб-сусайиб кучсизланиб бориб, охир-оқибат сўниб битарди. Мен қўнғироқни яна жиринглатмоқчи бўлдим, бироқ бунга улгуролмадим, чунки шу тобда қувурнинг нариги томонидан туйқус бошқа бир қўнғироқ овози эшитилиб қолса денг! Буни қарангки, товуш жуда тиниқ ва ўткир эди. Аммо қувноқ эмасди, балки вазмин ҳам салобатли, олисдан эшитилаётгани учун алланечук жозибадор эди. Аввалига қўрқиб кетдим, бутун вужудимни титроқ босди. Қанча муддат қотиб турганимни билмайман, аммо кейин сал ўзимга келиб, қўлимдаги қўнғироқни қайтадан оҳиста чалиб кўрдим. Унинг овози тиниб битмасдан у ёқдан яна жавоб овози янгради. Бу гал кўрқмадим, чунки ўзимни тутиб олгандим. Шу пайтда мен билан ҳазиллашаётган ким экан, деб ўйлаб қолдим: ёшмикан ё кексам, таниш ёки бегона – турли-туман тусмоллар ҳаёлимдан ўта бошлади, минг хил қиёфа кўз олдимдан келди.

– Сен кимсан? – деб сўрадим ниҳоят юрак ҳовучлаб.

Худди шу дамда у ёқдан ҳам:

– Ўзинг кимсан? – деган дангал савол эшитилди.

Ана шу дадиллик менга ҳам юкди ва бу соҳада ундан ошиб тушгим келди.

– Менинг исмим Тўлқин. Хўш, ўзларидан сўрасанг? – дедим кўрсайиб.

– Танишганимдан хурсандман. Менинг исмим “С!” – деб жавоб қилди номаълум суҳбатдошим.

Унинг гапидан ҳайрон бўлиб қолдим.

– “С” дедингми? Тўғри эшитдимми? Мени калака қиляпсанми?

– Сени калака қилиш ҳаёлимнинг бир чеккасига ҳам келгани йўқ. Рост айтяпман: исмим оддийгина “С.” Бизда шунақа қисқа исм қўйишади.

– Сен қаерликсан? Бу ерга қандай келиб қолдинг? – дея яна ҳам қизиқсиниб сўрадим.

– Ёндош дунёданман, яъни сизлар яшаётган оламга ёнма-ён жойлашган маконданман! – деб изоҳ берди “С”.

Ҳайратим ошди, ақлим шошди.

– Ёндош дедингми? Бу қанақаси энди? Ё тавба! – дея таажжубландим.

Ростдан ҳам, унинг айтганларини тасаввуримга сиғдиролмасдим. Ҳайратдан ёқа ушлаганимни сизди чоғи, “С” менинг ҳаяжонимни босиш учун вазмин оҳангда сирли ташрифи сабабини тушунтира кетди:

– Ҳа, шунақаси ҳам бўлади! Бир маконда ёнма-ён яшаймизу, сизлар бизларни кўрмайсизлар, бизлар эса сизларни кўрмаймиз. Ҳатто бир-биримизнинг овозимизни эшитмаймиз. Фақат гоҳи-гоҳида ўзаро чорловлар қулоққа чалиниб қолади, холос. Уни ҳам эшитган эшитади. Бунга қачонгача чидаш мумкин ахир?! Тўғриси, мен ана шу нарсага чек қўймоқчиман, яъни икки олам аро сўқмоқ очмоқчиман. Бунинг учун эса мен ҳаётингизнинг мазмун-моҳиятини, оламингиздаги ҳар бир жисм, ҳар бир жонзотнинг ичи-ю ташини, хуллас, асл қиёфасини синчиклаб ўрганишим керак. Шу мақсадда сизларинг дунёнгизга йўл топиб келдим. Қадимги китобларингизни титкилаб, турмуш тарзингиз билан озроқ танишдим. Тан оламанки, ҳали билимларим етарли эмас, тажрибаларим кам. Режаларим ҳам анча хом; бу соҳада камчиликларга йўл қўйишим тайин. Олдинда ҳал этишим керак бўлган анчайин масалалар бор. Айтайлик, мен сизларни кўриб турганим ҳолда, сизлар мени умуман кўрмайсизлар. Мен сизларга кўринишим учун ҳам анчагина бош қотиришим керак. Қисқаси, бир-биримиз билан ростмана мулоқотга киришишимиз учун ҳали кўп тер тўкишимизга тўғри келади, дўстим!

Унинг ўзига яқин олиб менга “дўстим” деб мурожаат қилишидан юрагимда илиқ меҳр уйғониб, алланечук енгилликни хис қилдим.

Олапар итим нимадандир сезиб, югуриб ёнимга келди. Қувур оғзига тумшуғини тираб, ҳид ола бошлади. Уни итариб юбордим-да, гавдам билан қувурни тўсиб, чала қолган суҳбатимизни давом эттирдим.

– Балли, сен икки олам ўртасига кўприк ташлабсан, офарин! Ишонаманки, тез орада дунёларимиз бир-бири билан топишади! – деб ундан яна гап олмоқчи бўлдим, чунки янги дўстимнинг гаплари мени жуда қизиқтириб қўйганди. Олапар энди тўғридан келиб тумшуғини чўзди. Уни яна нари суриб, қувурни иккала қўлим билан маҳкам ушлаб олдим. Қулоқларим динг, ғаройиб суҳбатдошимнинг овозига маҳтал эдим.

– Бунга ҳали анча вақт керак, – деди у ниҳоят. – Ахир шу ишларни бажариш учун ҳам нақ эллик йил умримни сарфладим!

– Ўҳ-ҳў! – деб юбордим ҳайратим ошиб ва уни ёши улуг қария ҳисоблаб, сизлаб гапиришга ўтдим. – Анча кексайиб қолибсиз, бу ёғига улгурармикансиз?

Саволим ёқмади чоғи, унинг бироз жаҳли чиқди.

– Нега улгуролмас эканман, Худо хоҳласа мактабни битиргунимча охирлатиб қўяман!

– Нима?! Сен ҳали мактабда ўқийсанми?! Шу ёшда-я! – деб қичкириб юбордим.

Бу гал ўзим сезмаган ҳолатда унга сенсираб мурожаат қилдим, чунки энди нотаниш дўстимни ўзим тенги ёш бола каби тасаввур этаётгандим.

– Ҳа, шунақа! Нега ҳайрон бўласан? – деди “С.”

– Унда яна неча йил мактабда ўқимоқчисан? – дея баттар қизиқсиниб сўрадим.

– Тагин йигирма йилда битираман, – деди у бамайлихотир.

Буни эшитиб ҳайратим ошди. Тилим қалимага келмасди, қулоқларимга ишонмасдим. Елкаларимга иккала оёғини қўйиб олган Олапарни жаҳл билан итариб юбордим-да, кейин сабрим чидамай ўзга дунёликка устма-уст савол ёғдира бошладим:

– Тагин йигирма йил дейсанми?! Эсинг жойидами ўзи?! Ўйлаб гапиряпсанми?! Унда умринг фақат ўқиш билан ўтар экан-да!

– Бунга қара-я, сенга айтишни буткул унутибман: бизда мактаб даври юз йил, университетда ўқишга ўртача эллик йиллик умримизни сарфлаймиз! – деб уқтира кетди “С” босиқлик билан.

Бу изоҳдан кейинги ҳолатимни тасаввур қилаверинг; оғзим ланг очилиб, қотиб қолдим. Унинг айтганларини ҳазм қилолмасдим.

– Юз эллик йил-а!.. Айтмоққа осон!.. Ўзи... шунча яшайсизларми?! – дедим зўрға дудуқланиб.

У ёқдан чўзиқ ва вазмин хўрсиник эшитилди.

– Мени хафа қилдинг, азиз дўстим! – деди кейин. – Ўтиборинг учун, биз ўртача минг йил яшаймиз. Бундан узоқ умр кўрганлар ҳам бор. Бир ярим минг йил умр кўрганлар ҳам бор, лекин улар жуда кам. Агар бизда биронтаси юз ёшида бандаликни бажо келтирса борми, нақ қиёмат-қойим бўлади, ишонавер! “Жуда ғўр кетди-да, бечора, дунёга келиб нима ҳам кўрибди!” дея роса афсус-надомат чекишади!

Бу ёғига нима дейсиз? Ўзга оламда бўлса-да, бирор жонзотнинг минг йил умр кўриши етти ухлаб тушимга кирмаганди! Камига бир ярим минг йил яшаганлар ҳам бор экан! Ё тавба! Ҳеч ақл бовар қилмайди! Сал инсоф билан-да, шунчалик ҳам узоқ ҳаёт кечиришадими?!

Янги дўстимнинг гапларига унча ишонгим келмаса-да, суҳбатга жуда берилиб кетганимдан қувур оғзига маҳкам ёпишиб олгандим. Олапар қайси томондан суқилса, ўша ёққа орқамни қилиб, тирсакларим билан уни нарига суриб ташлардим. Ит ҳам ўчакишиб, қайта-қайта менга ёпишаварарди. Чамаси, у ҳам ажабтовур суҳбатимизга жуда қизиқиб қолганди. Лекин мен ғаройиб таассуротлар уйғотаётган суҳбатимизни шу онда ҳеч ким билан баҳам кўришни истамасдим.

– Эшитяпсанми, нега жим қолдинг? – деб кичкирди у.

– Менга қара, сенинг кўринишинг қанақа ўзи? Бизга ўхшайсанми? – деб қизиқсиниб сўрадим ундан.

– Афсус, – деди у, сизларга сира ўхшамайман! Кўринишимни-ку, кўя тур, ҳатто тана тузилишимни ҳам изоҳлаб беришим қийин. Яхшиси, сен мени қандай кўринишда бўлишимни истасанг, шундай тасаввур қила қол! Кўзга кўринмасам, қанақалигимнинг нима аҳамияти бор!

– Ҳа, тўғри! Унда айт-чи, ҳозир қаердасан?

– Сенга яқин жойдаман.

– Яна ҳам яқинроқ кела оласанми? Қувур орқали гаплашиш анчагина ноқулай-да, – дея нақ бошимга олдинги оёқларини ташлаган Олапарни итариб юбордим.

– Албатта, – деди “С”.

Уни ёнимга чорлашга чорладиму, аммо бироз чўчидим. Юрагимга яна қўрқув оралади. Хиёл ўтмай ёнгинамда қўнғироқнинг тиниқ жаранги янгради. Кейин, “Қалайсан?” деган овоз эшитилди. Турган жойимда қотиб қолдим; қўл қимирлатиш қаёқда, ҳатто аланглашга ҳам журъат етмасдим. Ёнимга салгина кўз қиримни ташлай олдим, холос. Яқинимда ҳеч зог кўринмасди. Фақат тўғримдаги манзара худди тўлқинланган каби секингина тебранди, шунинг баробарида юзимга салқин елвизак урилди. Демак, у шундоқ рўпарамда, деган хаёлга бордим. Вужудимни ҳаяжон босиб, юрагим тез-тез ура бошлади. Бахтга қарши, ҳалидан бери гингшиб асабимни бузаётган Олапар ҳам куруқ пўписадан нарига ўтмади; бир-икки хурди-ю, кейин думини ликиллашиб кулба томонга қочди.

– Қа-а... ердасан? – сўрадим дудукланиб.

– Бунча қалтирайсан? Қўрқма, сени еб қўймайман! – дея “С” менга тасалли берган бўлди.

Орият кучли, танамга қалтироқ югурди-ю, шунда ҳам ўзимни дадил тутишга уринаман, сир бой бергим келмайди.

– Қўрқаётганим йўқ! – деб қўйдим.

Ўзга дунёлик дўстимдан ақлли бир таклиф чиқиб қолди:

– Кел, сени чўчитмайин-да, бирон-бир буюмнинг ичига кириб олиб, ўша нарса бўлиб кўрина қолай. Шунда қаердалигимни билиб турасан, ҳам ҳадиксирамайсан. Ўзи кўринмайдиган жонзотнинг овозидан ҳар қандай киши қўрқади, албатта.

– Майли, – дедим зўрға.

– Мана бу коптокнинг ичи жуда маъқул кўринади. Нима дединг?

Супа ёнида коптогим турган экан, ҳеч мулоҳаза қилмасдан:

– Бўлади, – дедим. – Мабодо, торроқ эмасми? Калладек буюм ичида кийналмайсанми?

– Йўқ, бемалол сиғаман!

Унинг гапидан таажжубланганимни яшира олмадим:

– Шунақа кичикмисан? – деб юбордим.

Янги дўстим менга яна изоҳ берди:

– Бизнинг танамиз ўзгарувчан; шароитга қараб кенгайиб-сиқилиб турамиз. Ҳар қандай шароитга осон мослашамиз.

Танишимни дастлаб қўнғироқ шаклида тасаввур қилгандим, чунки унинг овози худди қўнғироқники каби жарангдор ва тиник эди. Энди эса икки кўзим коптогимда: ёндош дунёлик дўстимни кўра бошлагандим. Туйқус у худди жонланган каби ҳаракатлана бошлади. Аввалига секин-секин, оҳиста қимирлаб-тебраниб турди-да, кейин ростмана юмалаб кетди. Кўзларим олайиб, бакрайиб қолдим. Сал бўлмаса, овозимни баралла қўйиб бақириб юбораёздим. Олапар мендан кўра дадилроқ чикди, дарров югуриб келиб, коптокнинг ортидан кува кетди. Бу ғайриоддий ҳолатдан унинг жаҳли чиқаётганди, албатта.

– Қалай экан? – деб сўрадим ёндош дунёлик дўстимдан. – Янги маконинг маъқулми?

– Ё пирай! Копток эмас, худди меҳмонхонанинг ўзи дейсан! Рост, бунинг ичи менга жуда ёқди, ниҳоятда қулай экан! Бундан ортиғини қаёқдан топасан?! Сал кичиклигини айтмаса, бизнинг уйларга ўхшаб кетаркан!

– Сизлар шунақа юм-юмалоқ уйларда яшайсизларми? – сўрадим ажабланиб.

У саволимга жавоб беришни истамади-да:

– О-о! Қандай соз! – деб қўйди.

Чамаси, янги дўстим ўз оламидан узоқлашишга ҳаракат қилар ва бизнинг дунёмизга, аниқроғи, копток ичидаги ҳаётига тезроқ кўникиш пайида эди. Очиғини айтсам, “С”нинг тўпга айланиши менга ҳам жуда маъқул тушди, чунки энди уни кўзим билан кўриб туришим, ҳатто қўл билан ушлашим ҳам мумкин эди. Шу боис, меҳмонимдан ҳайиқмай қўйдим.

“С” деганимиз анчагина чаққон экан, у копток бўлиб, дарахтлар оралаб юмалаб бораркан, Олапар унинг кетидан қолмасди; тутиб олишга шахд қилиб, жон-жаҳди билан ирғишлаб ташланса ҳам, ҳеч ниятига етолмасди. Копток – “С” итга чап бериб, ўзини олиб қочар, сира тутқич бермасди.

– Копток бўлиш мазза экан! – деб қичқирарди у. – Мени тутиб ол!

У тез ҳаракатланиши билан бирга йўналишини ҳам жуда осон ўзгартирарди; ўзини ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа ташлаб сакраб ўйнарди. Ит тўпнинг ортидан ҳаллослаб чопавериб тили осилиб қолди. Бечора охири ҳолдан тойиб, югуришни бас қилди. Шунда “С” унга раҳми келдими, ҳайтовур, юмалаш қолиб, тап-тап сакрашга тушди. Унинг бу ҳаракати ҳам Олапарга ёкмади, ит оёғини узатиб ўтириб олиб, тўхтамай ақиллай бошлади. Копток баланд-баландларга кўтарилиб сакраб, шитоб билан ерга урилар ва яна ҳам юксакроққа учарди. Бундан Олапар баттар асабийлашарди, хуришдан ҳеч тўхтамасди.

Мен итдан эмас, бобом ёки бошқа биров келиб қолишидан хавотирда эдим. Уларнинг беллашувларини завқланиб кузатарканман, хаёлим бобомда, икки кўзим кулба ёнидаги эски дарвозада эди; худди ҳозир унинг бир қаноти очилиб, кимдир кириб қоладиганга ўхшарди. Фурсатдан фойдаланиб, қўнғирокни жойига илиб тушдим.

– Чарчаб қолмагин! – дедим уни тўхтатиш мақсадида.

Аксига олиб, копток – “С”нинг завқу шавқи ортиб борарди; қийқириб янада баландлаб сакрарди.

– Бас қил! – дедим охири. – Ҳозир бобом келиб қолади! Сени бу ҳолатда кўрса, шайтонлаб қолади.

– Нега? – ҳайрон бўлди копток – “С”.

– Ҳар қандай одамга ҳам коптокнинг ўз-ўзидан ҳаракатланиши ғалати кўринади! – дедим уни мурасага чақириб.

Копток – “С” сакрашдан чарчамасди, жилла курса секинлашишни ҳам ўйламасди.

– Тушунмадим...

– Копток дегани бир жойда тек туради-да, ўзича ҳавога кўтарилиши мумкин эмас!

– Коптокка ҳаракатланиш тақиқланганми? Шундоқ демоқчимисан?

– Қандай тушунсанг тушунавер, тўхтасанг бас!

– Ё тавба, шунақа ҳам бўладими?!

“С”нинг эътирозларига тайинли жавоб қайтармадим, чунки ҳозир бош қотиришга қунтим ҳам, вақтим ҳам йўқ эди; эс-хушим бобомда, дам-бадам дарвоза томонга қараб-қараб кўярдим.

– Шу сакрашинг устига бобом келиб қолса, унга қандай тушунтираман?! Мени ёмон аҳволга соляпсан! – дедим ёлворган оҳангда.

– Оббо, жуда хит қилиб юбординг-ку! Бунча мижғовландинг! – дея сакрашдан тўхтаб, мурасага юрган бўлиб, оёқларим остига юмалаб келди. – Хўш, унда нима қил дейсан?

Унга ўз вазифасини ҳижжалаб тушунтиришга тушдим:

– Хуллас, копток экансан, мустақил ҳаракатланмайсан! Тушундингми?!

– Бундан чиқдики, копток умр бўйи бир жойда қотиб туриш учун яратилган экан-да!

– Бирпас жим бўлсанг, ҳаммаси ўтиб кетади! Кейин озодликка чиқамиз! Озгина сабр қилиш кўлингдан келадими?! – дедим уни йўлга солиш мақсадида.

– Хўп, ҳаракат қилиб кўраман, – деди копток – “С” мурасага юриб.

У сўзининг устида туриб, супа ёнида тўхтади, Олапар югуриб келиб, коптокни ҳидлашга тушди. Кейин тилини чўзиб ялаб кўрмоқчи эди. Копток – “С” яна юмалаб кетди. Шу тобда ит туйқус сергак тортди; бошини кўтариб, қулоқларини диққайтирди ва дарвоза томонга қараб устма-уст ҳурди. Буни қаранг, бобом етиб

келган экан. У хассасини белига кўндаланг қўйиб, билаклари билан ўзига тортиб олган, энгашиброқ қадам ташларди. Бобом эти бориб суягига ёпишган, қотмагина киши эди; бўйи узунлиги ва кийимлари кенг-мўллиги учун, у яна ҳам озгинроқ кўринарди. Негадир авзойи бузук, уйдан дили хуфтон бўлиб қайтганди.

Хавотирим ошди, дарҳол коптокни қўлимга олиб, қўлтиғимга қисдим.

– Бобо, от билан бузоққа ўт солдим, – дея эрталабки қилган ишларим ҳақида шоша-пиша ахборот бердим.

Бобом менга босиброқ тикилди, афтидан гапларимни тузук – қур укмади. Анчайин йўл юриб хансираб қолганди, ора-сира ишлатадиган хассасини деворга суяб, белбоғини ечиб, юзидаги терни артди. Сўнг дарахт шохига осиглиқ илгакдаги пақирдан чўмичда сув олиб, ютоқиб ичди. Нафас ростлаб, менга қаради.

– Одам деган ўрнини билиши керак экан! Ҳе йўқ – бе йўқ, остонамдан ҳатлаб ўтиб, ҳаддидан ошиши нимаси?! Шу ҳам инсофданми ахир?! – деб тутакди бобом. – Итни боғлаб қўйсанг-чи! Овози ўчсин!

Тинмай хураётган Олапарга пўписа қилгандим, сал нари кетди, аммо ҳуришдан тўхтамади.

Бобомнинг гапларини тушунолмадим, бироқ юрак ютиб оғиз очишга ботинолмасдим. Боиси, ўзимдан илҳақ эдим.

Бир маҳал бобом:

– Бунча қилпанглайсан?! – деб бакириб қолди. Қўрқиб кетдим, қалтироқ тутди. Аслида, қилпанглаётган мен эмасдим, қўлтиғимдаги копток эди. Эҳтиёткорлик қилиб, каттиқроқ қисиб юборган эканманми, копток ичидаги ғаройиб дўстим бетоқатланиб ўзини ҳар ёққа ураётганди. Яхшики, овоз чиқармади. Акс ҳолда, сиримиз фош бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Вазиятдан чиқиш учун бу ердан тезроқ жуфтакни ростлаш керак. Коптокни қўлтиғимдан олиб, ерга бир-икки уриб турдим.

– Бобо, ўйнаб келсам майлими? – дея ўтиндим.

– Ўйин дейсанми? Ҳа-я, қисматнинг ўйинини қара: Тўғонни ҳеч жиним суймасди, яна мени шунга рўпара қилди-я! Энди одам куриб кетгандай қаёқдаги ямоқчи билан қуда бўламанми?! – дея ўсиқ қошларини кериб менга тикилди. – Қараб тур, мен ҳали шундай тўй қилайинки, овозаси етти маҳаллага ёйилсин, эшитганларнинг оғзи очилиб қолсин! Нақ қирқта қозон остираман, бутун водийни меҳмонга чақираман! Токи юз йилгача гапириб юришсин! – деди у. – Амали ниҳояти ямоқчилик, бунча сарф-харажатга қурби етармикан?! Яъни мен билан бўйлаша олармикан?! Айтмоқчиманки, тенг тенги билан-да! Ҳар ким ҳам кўрпасига қараб оёқ узатиши керак! Ахир қачондан бери читтак бургут билан емиш талашадиган бўлиб қолди?! Дарвоқе, бургутдан хабар олдингми? – деб сўради бобом ҳеч қутилмаганда.

Эҳ, хаёлимдан кўтарилганини қаранг, бизнинг овчи қушимиз ҳам бор. Уни бобом полапонлигида тоғдан топиб келган. Исми Ўткиркўз. Биргаликда қўлга ўргатиб, вояга етказдик. Энди овга ташлаяпмиз. Бобом бургутни жуда эъозлайди, унга меҳри бўлакча. Ўткиркўзни мен ҳам яхши кўрардим, уни ҳар куни сайрга олиб чиқардим. Қафасдалигидаёқ кўзига ниқоб тақиб кўярдим, албатта. Шунда бургут ҳеч қаёққа қочиб кетолмасди, доимо орқамдан эргашиб юарди.

– Кечаги овқатдан ортгани бор эди, идишига солиб бердим, – дедим унинг кўнглини тўқ қилиш учун. – Бирга сайр қилдик...

Аслида, бобомга ҳозир бунинг ҳеч қизиги йўқ эди, сабаби у ҳали ҳам ўз дарди билан андармон бўлаётганди.

– Э, воҳ! Бу нимаси?! Қани ҳақиқату қани адолат?! Энди ёруғ дунёнинг тош-тарозисини қаёқдан излаймиз?! Мен кимсан Хидир хўжайин билан бир дастурхонда ўтираман! Ҳатто Боки бошлиқ билан ҳам танишман! Тегирмончининг эшагини ит тишлаб олган йили шахсан раиснинг ўзи боғимизга келиб, мен билан қўл бериб сўрашган! Ана, кўрғончалик Турдининг ўғли гувоҳ!.. Хўш, ўша ямоқчини ким танийди?! Қайси мард унинг ҳурматини жойига қўяди? Пойафзали йиртилганларни демаса, уни ҳеч ким назарига илмайди!.. – дея бобом яна чўмичдан интилди. – Сув олиб келиб қўйдингми?

– Идишларни тўлдирдим...

– От билан бузокни суғориш ҳам эсингдан чиқмасин! – дея у яна ўзича жаврай кетди: – Тағин битмайдиган хом ишга мени овора қилгани ортиқча! Яна уялмай-нетмай, “Ёшлар аҳдлашибди”, дегани-чи! “Бир маҳаллаликмиз, шу вақтгача эш-қўш бўлиб яшаб келдик”, дейди-я яна! Қачон менга оқибат қилган экан – ҳеч эслаёлмадим! Ҳе, ўша отиб берган куёнингдан ўргилдим!

– Бобо, овга чиқмай қўйдикми? – деб сўрадим унинг чалғитиш ниятида.

– Ҳозир иш кўп: эрта-индин олмага харидор келади! – Бир камим энди қаёқдаги ямоқчини уйимнинг тўрига ўтказиш эди! – дея бобом айна адолатсиз танловдан димоғи куйиб нолирди.

У кўзимга тик қараб гапирарди, гўё буларнинг барига мен айбодуру энди бор дардини олдимга тўкиб солиб, аламини олаётганга ўхшарди. Шундоқ ҳам ўзимни айбдор ҳисоблаб, унинг дийдиёларини жимгина эшитишга мажбур эдим.

Юлдуз аммам билан Тўғон этикдўзнинг ўғли бир-бирларига кўнгил қўйишганидан хабарим бор, ўртада воситачилик қилиб турганим ҳам рост, аммо бобом уларнинг муносабатларига бунчалик қарши бўлишини хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Коптокни бир ерга уриб, бир қўлим билан илиб олиб, ўзимни худди катта ўйин олдидан чигилёзди машқларини бажараётгандай кўрсата ётибману унинг беҳос бошқа ёққа қочиб кетишидан хавотирланаётгандим; мабодо назоратдан чиқариб юборсам борми, сирим очилиши аниқ. Бобом боққа бегоналарни ҳеч қўймасди, ким бўлмасин юзхотир қилмасдан ҳайдаб соларди. Агарда ўзга дунёлик меҳмонимдан хабар топиб қолсами, унда томошани кўраверинг. Буни ўйлаш ҳам даҳшат! Ўйнаб келиш учун бобомнинг рухсат беришини интиқлик билан кутардим. Бобом чўмични илгакка илаётганди:

– Энди кетсам, майлими? – дея яна сўрадим.

У ўсиқ қошларини бурчак-бурчак қилиб менга кўз қирини ташлади.

– Итни ҳам ола кет! Ақиллаб қулоқ-мияни еди! – деди.

Худди шуни кутиб тургандим, коптокни тап-тап уриб ўйнаб, оёғимни қўлимга олиб боғ оралаб югурдим. Олапар ҳам зўрға турган экан, оркамдан қувлай бошлади. У тезда менга етиб олиб, коптокка қараб хуриб қўйди. Ит ниманидир сезаётганди.

– Итинг бунча баджаҳл? Меҳмонга ҳам шунақа муносабат кўрсатадими?! – дея норози бўлди копток – “С”.

– Унга парво қилма! Секин-аста кўникиб қолади! – дея меҳмонимни тинчлантиришга уриндим.

– Қаёққа кетяпмиз?

– Буниси муҳиммас! Озодликка чиқдик, бизга шунинг ўзи етарли!..

Гапим унга маъқул келди чоғи, бошқа эътироз билдирмади. Қолаверса, унга копток бўлиб сакраш ҳам жуда ёқаётганди. Бобомнинг олдида ҳар қалай одоб сақлаб турди, тишини-тишига қўйиб чидади – сабр-бардошига қойил! Энди

бунинг хузуруни кўриши керак-да. Айниқса, кўкка қараб ирғишлаш уни жуда завклантираётганди. Ортидан зўрға етиб юрардим, қўлларим унга тегмасди ҳисоб.

– Бу йил ҳосилларинг мўл бўлибди-ю, – деб қўйди копток – “С” меваларга боқиб.

Боғимиз катта эди, мевалар ҳам турли-туман. Гилосни аллақачон йиғиштириб олганмиз; олмалар ғарқ пишган, новдаларини эгиб, осилиб турган шигил-шигил мевалари куёш нурида товланади. Чилги узум ҳам шира боғлаб, ранг кўрсатиб колганди.

– Ҳаммаси ўзларингникими?

– Йўқ, Хидир хўжайинга қарашли. Бобом боғбон ҳам қоровул. Мен унга ёрдамчиман.

– Унда Хидир хўжайин деганинг нима иш қилади?

– Хўжайинчилик қилади.

– Тушунмадим...

– Ҳали сен тушунмайдиган ишлар жуда кўп! Вақти-соати билан билиб оласан!

– Ғалати-ку!..

– Ана шунақа! – деб қўйдим-да, мавзуни ўзгартиришга уриндим. – Айтмоқчи, исмингни “С” дедингми?

– Худди шундай! – деб тасдиқлади у,

– Бунча қиска? – деб таажжубландим. – Битта товуш бир исми билдирадими? У саволимга савол билан жавоб қайтарди.

– Шуниси маъқул эмасми? Узундан-узоқ исмининг нима кераги бор?! Бизда ҳамманинг исми битта товушдан иборат! Айтишга осон, ёзишга қулай. Масалан, отамнинг исми, яъни оталигим “А”, шажарам эса “О”.

– Ана, холос! – деб юбордим ҳайратим ошиб. – Наҳотки, бутун бошли бир жонзотни битта товуш билан чақиришса-я! Ҳеч йўқ иккита бўлса ҳам майли эди!.. Унда адашлар кўпайиб кетмайдими? Ахир, товушлар санокли-ку!

– Нега энди? – деди у хотиржамлик билан. – Товушлар бизда етарли! Шу кунгача 997 та товуш аниқланган!

Ҳаяжон босдим, шу пайтда йўталиш тутиб қолса денг. Камига ўқчиб йўталаётиб, пешонамни дарахт шохига уриб ҳам олдим.

– Уҳ, қанча дединг?

– 997 та!

– 997 та?! Вой бошим!

– Ҳа, шунақа! Аммо биз бу билан чекланганимиз йўқ, ҳали изланишлар давом этапти! Яқинда товушларни мингтага етказмоқчимиз! Сал ғайрат қилсак, ундан ҳам ошириб юборишимиз ҳеч гапмас! – деди у ғурурланиб. – Сизларда нечта товуш бор?

– Шунга яқинроқ, – дея мужмал жавоб қайтардим сир бой бермасдан. – Сенга айтмоқчи бўлганим, биз битта товушли исмларга ўрганмаганмиз. Шунинг учун исмингни ўзимизга мослаб ўзгартирсак, қандай бўларкан? Айтайлик, сени “Қўнғироқ” деб атасак, нима дейсан?

– Қўнғи-роқ, – дея аини сўзни бўғинлаб такрорлади дўстим. – Бунча узун бўлмаса! Сал қисқароқ от тополмадингми? Бу сўзни айтгунча ярим умринг ўтиб кетади-ку! Кейин нима учун айнан “Қўнғироқ” деб атамоқчисан? Нега “Копток” эмас?!

– “Копток” деб аташни ҳам ўйладим, аммо бу ном сенга унча ёпишмади. Ундан кейин бир умр копток ичида қолиб кетмайсан-ку, тўғрими?!

– Тўғри, – деб тасдиқлади у. – Мен ҳали сизлардаги жуда кўп нарсаларни ўрганиб чиқишим керак!

– Тилимизни яхши ўрганиб олибсан! – деб уни мақтаб қўйдим.

– Мустақил шуғулланганман. Лекин исм танлаш борасида тажрибам етарли эмас.

– “Қўнғироқ” демоқчи бўлганимнинг сабаби, сен қўнғироқ чорлови билан бизнинг дунёмизга кириб келдинг. Қолаверса, иккаламиз дастлаб қўнғироқ орқали гаплашдик, – дея фикримни далилладим.

– Майли, менга унча фарқи йўқ, – деди дўстим, чунки унинг таклифимга рози бўлишдан бошқа иложи қолмаганди.

Уни кўндиришга кўндирдим, аммо айна исм ҳам ёндош дунёлик мусофирга мос тушмаётганини сезиб турардим. Шунда ҳаёлимга бир фикр келиб қолди: уни ўзининг, отасию шажарасининг исмларини қўшиб атасак-чи? Яъники, САО!..

– Расмий равишда мурожаат қилишганда мени шундай аташади, – деб қолди у.

Бу гапни эшитиб қувониб кетдим. Сабаби, ниҳоят ёндош дунёлик дўстимни қандай аташ масаласи ҳал бўлганди.

– Боядан бери бошимни қотирмасдан шуни аввалроқ айтсанг бўлмайдими?! Демак, энди сени “САО” деб чақаришимиз мумкин экан! Аммо буни расмий мурожаат ўрнида қабул қилмайсан!

– Албатта!..

Хурсанд бўлганимдан копток – САОни зарб билан урмоқчи эдим, у чаққонлик қилиб ўзини олиб қочиб, янада баландроқ сакради. САО Олапарнинг таъқибига ҳам парво қилмай қўйганди, чунки унинг имкониятлари кенгайиб борарди, тобора юксакка учарди. У мисоли жўшқин сой эди: ўзанига сиғмас, тўлиб-тошиб кетаётганди. Ғайрат-шижоатига гап йўқ эди, ўзини ҳар ёққа урарди. Мен унинг ана шу шижоатидан фойдаланиб қолмоқчи бўлдим. Айтайлик, копток – САО билан биргаликда футбол ўйнасак, ҳар қандай жамоани ҳам доғда қолдиришимиз аниқ. Тайёр имкониятни нега қўлдан чиқаришим керак?!.

Боғ атрофи шох-шаббалар билан ўралганди. Ҳар йили эрта кўкламда дарахтларнинг мевага ётган шохларини қолдириб, сурх новдаларини қирқиб олардик. Уларни боғлаб, қўрага тикка қилиб чиқардик. Гарчи боғ тевараги яхши ўралган бўлса-да, бобом шохларни яна устма-уст босаверарди. Уларни ўтин сўраганларга бермагани каби, ўзи ҳам уйга ташиб кетмасди. Шу тариқа энига ва бўйига қўшилавериш, қўра мустаҳкамланганди. Ундан ўтиш осон эмас. Мен шохлар орасига тиқилиб, буралиб-эшилиб, баданим тилиниб-тимдаланиб, ташқарига зўрға ўтиб олдим. Олапар ҳам ўзини шу тешикка урди. Копток – САО эса бир сакради-да, қўрадан ўтди.

Худди ўйлаганимдек бўлиб чиқди: боғ этагидаги қирга туташ ўтлоқда кеча ўзимизга рақиблик қилган қўшни маҳаллалик болалар тўп тепишаётганди. Аслида, бу жойда доимо мол-қўй боқилса-да, икки томонига ёғоч дарвоза ўрнатилиб, футбол ўйнашга ҳам мослаштирилганди. Шу боис ўтлоқ ҳамини гавжум, қўшни маҳаллалик болалар ҳам тез-тез келиб туришади.

Ўтлоқ четида икки бола сигирларини қирғоқдаги дарахтларга боғлаб қўйиб, олма ғажииш итирарди. Бўйдорроғи ялангбош, малла сочли, пачоқроғи дўппи кийиб олган; кулоғи хиёл қайрилгани боис, калласига нисбатан каттароқ кўринарди. Чамаси, улар ёшлиги учун ҳайвонлари билан бирга четга ҳайдалганди. Эгар устида камчи ўйнатиб ўтирган Тўра ўзимиздан, майдоннинг қоқ ўртасида

эшагини ўтлатарди. У кўзларини қисиб, болаларнинг ўйинини кузатар, эшаги тумшугини чўзиб ўтга интилиб, бир-икки қадам ташласа-да, ҳеч парво қилмас, майдондан кўз узмасди.

– Сен билан бир иш қилсак бўладими? – деб сўрадим – САО дан.

– Қанақа иш? – деб қизиқди у.

– Қўшни маҳаллалик болалар билан копток ўйнаймиз. Кеча биз ютқазгандик, бугун бир аламимизни оламиз, – дея уни қизиқтира бошладим.

– Хўш, мен нима қилишим керак? – деб сўради САО.

– Гап бундок, – дея ўйин тартибини тушунтиришга киришдим. – Хуллас, икки жамоа бўлиб копток тепамиз. Мен рақиб дарвозасига тўп киритаман, улар эса бизникига. Ким кўп тўп киритса, ўша жамоа ғолиб бўлади. Мен тепганда, тўғри рақиб дарвозасига кириб кетишинг керак. Улар зарба берганда эса, одоб сақлайсан.

– Ҳали мени тепасанларми? Бу қанақаси бўлди? Ўйин деганинг бориб турган ваҳшийлик-ку! – дея норозилик билдирди САО.

Уни тинчлантиришга уриниб, ўйин тартибини батафсил тушунтиришга ҳаракат қилдим:

– Қоида шунақа: копток кимнинг оёғига тушса, ўша тепаверади. Муҳими, сен кўпроқ рақиб дарвозасига киришинг керак. Шунда ғолиб чиқамиз. Лекин рақиблар ҳийламизни пайқаб қолмасин.

– Ё тавба! Шу ҳам ўйинми?! Икки томондан мени ўртага олиб тепишса-я! Меҳмонга ҳурмат шуми ҳали?!

– Ёмон минғирладинг-да! Қўрқма, ҳали ҳаммаси яхши бўлади! – дея уни юпатдим.

– Бу жумлани шунчалик яхши кўрасизларки, қайта-қайта такрорлашдан ҳеч чарчамайсизлар-а? Ҳатто ўлимга кетаётганларни ҳам худди шу сўзлар билан кузатиб қоласизлар: ҳали ҳаммаси яхши бўлади! Тфу!

– Менга ишон: сени ростакамига тепмайман, оёқ кўтаришим билан ўзинг билиб учиб кетаверасан! Шуни ҳам ўргатишим керакми сенга! Рақиблар тепишса ҳам худди шу усулни қўллайсан, фақат қаёққа йўналишни яхши билиб ол! Адаша кўрма!

– Хўп, майли, – дея САО сал мурасага юрди. – Демак, мен рақиб дарвозасига кириб кетишим керак. Қайтиб чиқиб бу ҳаракатни яна такрорлайманми? Хўш, машғулот неча марта давом этади?

– Ўзинг қайтиб чиқмайсан, сени рақиблар олиб чиқади! Эсингда турсин: ўз ҳолингча дарвозага кириб кетаверма! Сени тепишади, шунда йўналиш оласан!

– Жин урсин! Шу гапни яна қайтаряпсанми?! Мени тепишларини бунча кўп эслатасан?! Нима, копток бўлганимга пушаймон едирмоқчимисан?! – деб асабийлашиб бақириб қолди САО.

– Хўп-хўп, тинчлан!.. – дея уни юпатдим. – Сен кўпроқ рақиб дарвозасини ишғол этишинг керак, ана шунда биз ғолиб чиқамиз. Бошида, майли, ўзимизнинг дарвозага бир-икки кира қол, шу тариқа уларда ишонч уйғотасан; кейин шубҳага боришмайди! Умуман, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳушёр бўл! Улар ҳийламизни сезиб қолмасин!

Ана шундай ҳижжалаб тушунтиришлардан сўнг коптокни қўлда ўйнатиб, рақибларга яқинлашдим. Бунгача Олапар майдонни гир айланиб чиқди. Кейин атрофимда ўралаша бошлади. Чамаси, у ҳам ўйинга қўшилиш ниятида эди. Халақит бермасин деб итни майдон четидаги дарахтга боғлаб қўйдим. Кейин рақибларга карата:

– Ҳой, болалар, футбол ўйнаймизми?! – дея ишонч билан қичқирдим.

Каминадан бунақа журъатни кутишмаган чоғи, улар ҳайрон бўлишиб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Тўпни оёқларида ўйнатаётган Берди жасоратимни синдириш учун мийиғида кулиб, пичинг қилди:

– Шу гапни сен айтяпсанми?! Йиқилган курашга тўймас экан-да! Шунча ютқазганларинг камлик қилдими?!

Шериклари эса менга беписанд назар ташлаб қўйишди. Уларнинг қарашларида яхшигина эрмак топилганидан мамнунлик ифодаси бор эди.

– Биздан нима кетди, ўйнасак ўйнайверамиз-да! Лекин сенинг жамоанг қани? Ё битта ўзинг тўп сурмоқчимсан? – дея хиринглашди улар.

Кучимга, маҳоратимга шубҳаланмаётганимни кўз-кўз қилиш учун:

– Худди шундай! – дедим тантанали оҳангда. – Ҳаммаларингга қарши бир ўзим ўйнайман!

Болалар мени калака қилиб кулишди. Шунда ҳам пинагимни бузмадим, коптогимни бир маромда ўйнатиб турдим.

Берди икки қўлини белига тираб, менга яқинлашди. Гапларим, туришим унга сира ёқмаётганди.

– Мабодо, катта кетиб юбормаяпсанми? Шунча ютқазикдан ўзингга сабоқ чиқармадингми? Бугун жуда шаштинг баланд, тинчликми, ахир?! – деб у кинояли илжайиб қўйди.

– Битта ўзинг қийналиб қоласан, ана бу чурвақаларни сафингга тортсанг бўларди! – деди бошқаси, қирғоқда ўтирган болақайларга ишора қилиб.

Улар мени масҳара қилишиб, хўп яйрашди, кўнгиллари чоғ, бир-бирларига енгил-енгил тўп узатиб туришди. Уларнинг таҳқирли муомалаларидан хафа бўлиш ҳаёлимга ҳам келмади. Ҳатто кайфиятим бузилмади, чунки ўзимга ишончим, аниқроғи, САОга ишончим катта эди. Фақат унинг сабр-бардошидан хавотирланаётгандим: айни гап-сўзлардан тутақиб бақириб юборса-я, унда ҳолимиз не кечади?! Барча режаларимиз чиппакка чиқмайдими?!

– Яхши эшитмадиларинг, шекилли, сизларга қарши битта ўзим ўйнайман! – дедим керилиб.

Болалар ҳадеганда ўйинга рози бўлишавермади; сабаби, улар мени эрмак қилишдан кўпроқ ҳузурланишаётганди. Шунда айни можарони зимдан кузатиб турган Тўранинг сабри тугаб, эшагини биз томонга ҳайдаб келди-да, баҳсга аралашди.

– Бунча майнавозчилик қияпсанлар?! Йиғиштир олифтагарчиликни! – деб дўқ урди. – Бунинг юраги бакувват экан, бир ўзи тўртталангга бас келмоқчи! Бош тортсанг, енгилган ҳисобсан! Кейин бу жойдан қорангни ўчирасанлар!

Унинг пўписасидан болаларнинг дами ичига тушиб кетди, менга ортик тегажоклик қилишмай дарҳол ўйинга ҳозирлик кўра бошлашди. Тўранинг менга ёнбосганидан руҳланиб, яна ҳам дадилландим-да, коптогимни майдонга ташлаб, оёғим учида тепиб ўйнаб турдим. Бу бир ёғи коптокнинг ўз ҳолича ҳаракатланишини сездирмасликка қаратилган бўлса, бошқа томондан айнан шу тўпда ўйнаш кераклигига писанда эди.

* * *

Ҳакам ҳам дарров топила қолди: Тўра эгар устида ўтириб ўйинни бошқарадиган бўлди: Рости, Тўрани унча хушламасдим, аммо ҳозир ҳакам танлайдиган пайт эмасди. Қолаверса, у маҳалладошим сифатида менга хайрихоҳлик кўрсатаётганди.

Майдон четида киритилган тўплар сонини ёзиб туришга мўлжалланган хат-тахта ҳам бор эди. Жамоалар номи ва тўпларни кўрсатадиган катаклар қора рангга бўйлиб, устидан бўр билан ёзишга мўлжалланганди. Тўра эшагини ўша жойга олиб бориб, эгар устида тик туриб, жамоалар номини битишга шайланди. У бир муддат тараддуланиб турди-да, кейин овози борича қичқирди. Бу вақтда бор диққатим САОда эди; уни бошим билан уриб ўйнаб, ўзаро шивирлашиб, режамизни яна ҳам пухталаштирадик. Хаёлим қочиб, Тўранинг гапини уқолмай қолдим.

– Ҳакам нима деяпти? – сўрадим САОдан.

Бахтга қарши, у ҳам мужмал жавоб қилди.

– Ўйинни ким бошлайди, деб сўраяпти, чоғи.

Биринчи галда тўпга тегинган жамоага омад кулиб боқади, деган гапни эшитгандим. Шу боис ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, “Мен”, деб юбордим. Бундан Тўра бироз ҳайратланди.

– “Мен” дедингми? Ажойиб ном! Жамоага жуда мос! – деди сўнг жонланиб. – Қисқа ва лўнда!

Кейин билсам, Тўра жамоага қандай ном танлашни сўраган экан. Ана шундай англашилмовчилик сабаб жамоамиз номи “Мен” деб аталадиган бўлди. Бунга эътироз билдирмадим, чунки ҳакам чўнтагидан бўр олиб, хаттахтага номни битиб улгурганди. Қолаверса, бутун бошли жамоада битта ўзим тўп сурганимдан кейин бу ном ўзини оқларди. Тўра рақибларни ҳурмат қилди чоғи, уларни ортиқча безовта этишни истамасди-да, жамоага ўзи ном бериб қўя қолди.

– Мезбонлар “Мен” бўлганидан кейин, меҳмонларни “Сен” деб атасак тузук!

Бир вақтнинг ўзида дарбозабон, ҳимоячи ва ҳужумчи вазифасини бажарганим каби, Тўра ҳам ҳакамлик билан бирга шарҳловчиликни қўшиб олиб борадиган бўлди. Аслида, у ёшлигидан отга ишқибоз, айни дамда бу соҳага ҳам ҳаваси кучли чоғи, маҳалладошим майдонда тўп ўйнашдан кўра, гапларини эшагидан бошқаси эшитмаса-да ҳар доим шарҳловчиликни маъқул кўради. Овози ҳам ўткиргина, ҳам ширали эди, ўша машҳур шарҳловчиларнинг нафасига ўхшаб кетарди. Буни қарангки, ўзига жуда муносиб жой ҳам топди: у эгарга ўрнашиб ўтириб, қамчи дастасини овоз кучайтиргич қилиб оғзига тўғрилаб, шарҳлашни бошлаб юборди:

– Азиз томошабинлар! Санокли дақиқалардан сўнг мавсумнинг энг қизиқарли ва мурасасиз ўйинига гувоҳ бўламиз! Ўйингоҳ мухлислар билан тўлиб-тошган! – дея шарҳловчимиз майдон четида чордана куриб ўтириб, бамайлихотир олма бўлагини кавшаётган икки болага қараб қўйди, чунки атрофда улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди-да. – Ишқибозларнинг ҳайқириқлари еру кўкни ларзага келтирмоқда! Бугун ўйингоҳга ҳақиқий мухлислар ташриф буюргани аниқ!.. Фурсатдан фойдаланиб, жамоалар билан таништириб ўтамыз! Бизнинг ўнг томонимизда мезбон “Мен” жамоаси, чап ёнда эса меҳмонларимиз “Сен” жамоаси тўп суради! Ҳар икки жамоа ҳам жуда кучли таркиб билан ўйинга ташриф буюришган ҳамда ўзларига хос ва ўзларига мос анъанавий либосларида, яъни уй кийимларида майдонга тушиб келишмоқда! Биз уларга омад ва куч-ғайрат тилаб қоламиз!

Ҳакам майдон четида ўтирган шалпангқулоқ боланинг дўпписини олиб, куръа ўрнида фойдаланди. Қарангки, нафасим кетган экан, охир-оқибат ўйинни бошлаб бериш ҳуқуқи чекимизга тушиб турибди-ку! Коптогимни майдоннинг қоқ ўртасига қўйиб, ўз-ўзидан ҳаракатланиб кетмаслиги учун ўнг оёғим билан босиб турдим. Ниҳоят, узок қутилган ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Ҳакамнинг хуштаги янграши ҳамона тўпни ўйинга киритиб, олдинга интилдим. Режага кўра, дастлаб рақиблар ҳисобни очишлари керак эди. Шунинг учун осонгина тўпни йўқотдим.

– “Мен” жамоаси ҳужумчиси чаққонлик билан тўпни олдириб қўйди! – дея Тўра тантанали тарзда ўйинни шархлай кетди. – Энди меҳмонларимиз ҳужумга ўтишмоқда! Ҳимоячи тўпни олдинга оширди ва рақибларни шоширди! Ҳужумчи эса ўйинни жарима майдонига қўчирди ва мухлисларнинг эътирозини ўчирди! Ана, Берди тўпни зарб билан тепди!.. Ва ҳисоб очилмоқда! Нолу бир! Нима ҳам деймиз? Кучлига тараф йўк! “Сен” жамоаси олдинга чиқиб олди!

Рақибларга қўшилиб майдон четидаги болалар ҳам қўлларини кўтаришиб, қийқириб қўйишди. Айни ҳолат ҳам шарҳловчининг назаридан четда қолмади.

– Ўйингоҳ росмана ёнмоқда! Сон-саноксиз мухлислар атрофни ларзага келтириб ҳайқиришиб, ўз жамоаларини қўллаб-қувватлашмоқда! Уларнинг қувончи чексиз! – дея шарҳини давом эттираркан, эгар устида тик туриб ҳисобни ёзиб қўйди.

Копток майдон марказига қўйилиб, қайтадан ўйинга киритилди. Меҳмонларнинг иззати битган эди, шу боис уларни ортик аяб ўтирмадим-да, дадил ҳужумга ўтдим. Тўғрироғи, рақибларнинг ҳали у ёғидан, ҳали бу ёғидан четлаб ўтиб борардим, холос; оёқларим остига мутлақо қарамасдим, чунки тўпга тегинмасдим ҳисоб, САОнинг ўзи ўйинчилар орасидан йўл топиб учиб борарди. Тайинки, дарвозани ҳам менсиз топиб олди, оёғимни қаттиқ силтаб, кучли зарб берган бўлиб кўриндим.

– Ура! Ҳисоб тенглашди! Биру бир! – дея шарҳловчимиз хаттахтадаги ёзувни ўзгартиришга киришди.

Майдон четидаги икки бола яна қўлларини баланд кўтариб қийқиришди. Чамаси, улар учун қайси жамоага мухлислик қилишнинг ҳеч фарқи йўқ эди, муҳими, дарвозага тўп киритилса, бас!

Ўйин табора қизиб бораётганди. Ҳакам ҳам мамнун, ўйиндан илҳомланиб, тўлиб-тошиб шарҳлашда давом этарди.

– “Мен” жамоаси ҳужумчиси алдашга киришиб кетди! Меҳмонлар ҳимоячиси қойиллатиб йиқилди! Тасанно! Ҳали бунақаси бўлмаган! Тўп яна зарб билан тепилди ва дарвозабон бор маҳоратини ишга солиб... тўпни ўтказиб юборди! Шундай қилиб, азизлар, ҳисоб ўзгаряпти: икки-ю бир! Мезбонлар олдинга чиқиб олди!

Шу тариқа ўйин суръати тезлашиб, ҳисоб ҳам тўхтовсиз ўсиб, ана-мана, хашпаш дегунча йириклашиб кетди. Ўйин режа асосида кунгилдагидек кетаётганди. Ҳисоб катталашгани сайин рақибларнинг умиди сўниб, руҳи сўниб борарди. Бунга сари иштиёқим ошиб, кўксим тоғдек кўтарилди. Шарҳловчининг илҳоми жўш урганини айтинг! Оғзи гапиришдан тўхтамасди, лаби-лабига тегмасди.

– “Сен” жамоасида тезлик анчагина секин эканлиги билиниб қолмоқда! Меҳмонлар мағлуб бўлишни зўрға уддалашмоқда! – деб давом этарди у. – “Мен” жамоаси эса кучли таркиб билан ташриф буюргани шундоқкина кўриниб турибди! Улар фақат ғалаба учун майдонга тушганлари аниқ!

Бу гапда жон бор эди: биз, яъни камина ва рақибларни мағлуб этиш учун зўр бериб ҳаракат қилардик ва ғалабага жуда яқин турардик. Бундай пайтда чаққон, истеъдодли ўйинчи бўлиб кўриниб, мухлислар олдида ўз маҳоратининг кўз-кўз қилиш айни муддао! Токи улар бизни узоқ йиллар эслаб юришсин! Аксига олиб, томошабинлар хийла камроқ. Шу боисми, ҳакамнинг эшаги иккала томонга ҳам мухлислик қилаётган болаларнинг олқишларига қўшилиб, чўзиб қанграб қўярди.

САО маҳоратини гапирмаслиқнинг ҳеч иложи йўқ; у жон-жаҳди билан тиришиб, мутлақо имконсиз юмушларни рўёбга чиқараётганди – таърифлашга тил ожиз! Мен доимо ҳужумда ҳаракатланганимдан, дарвозам бўш қолаётганди. САОнинг шарофати ва ҳаракати билан шундай ҳолатда ҳам уни рақиблар ишғол

этишолмаётганди: тепган тўплари қирғоққа чиқиб кетар ёки дарвоза тўсинига тегиб қайтиб, тўппа-тўғри менинг оёғимга келиб тушарди. Бу ёғини ўзингиз ҳам тахмин қилаётган бўлсангиз керак, чаққонлик билан коптокни тепиб юбораман, қарабсизки, у учиб бориб рақиб дарвозасидан жой олиб турибди-ку! Хуллас, копток ўз вазифасини аъло даражада уддалаётганди, ҳатто баъзида ошириб ҳам юбораётганди. Ишонсангиз, бир гал рақиб дарвозабони тепган тўп ҳеч кимга тегмагани ҳолда айланиб келиб ўзининг дарвозасига кириб кетса денг! Бердининг тепа сочи тикка бўлди.

– Бу нима қилганинг, аҳмоқ?! – деб ўшқирди у дарвозабонга. – Қаёққа тепяпсан?!

У бечора ҳайрон эди, киприкларини пирпиратиб, кўзларини катта-катта очиб қотиб турарди.

– Тўғри тепгандим, тўп негадир бурилиб кетди! – деди у ўзини оқлаб.

– Оёғинг қийшиқ экан! Тўпни ҳам шунақа тепадими?!

– Ўзинг-чи, бўш дарвозага ҳам уролмаяпсан-ку! – деди дарвозабон хуноби ошиб. – Яна бакирганинг ортиқча!..

Тўғриси, копток – САО ростдан ҳам жуда ҳаддидан ошиб кетаётганди. У баъзан шунчалик тез учардики, орқасидан югуриб етолмасдим. Бундай пайтларда бақириб-чақиришнинг сира иложи йўқ, ҳатто бирор имо-ишора қилиб, уни огоҳлантириш ҳам имконсиз эди. Шунда мен иложсизликдан бор кучимни тўплаб, ўхшатиб тепиниб қўярдим-да, югуришдан тўхтардим. Албатта оёғим тўпга тегмасди, чунки у анча илгарилаб кетган бўларди.

Тайинки, бир кишидан мағлуб бўлиш рақибларга ёқмаётганди. Шунинг учун улар асабийлашиб, бир-бирларини айблашга тушиб кетишди. Ғалаба қилиш учун эса, ўйинда бурилиш қилишлари шарт эди, роса тортишишди ва охир-оқибат бир тўхтамга келишди.

– Тўпни алмаштирамиз! – дея таклиф киритди Берди.

Буни қарангки, меҳмонлар бошқа чора топишолмаганди. Ўйин давоми бунақа қалтис тус олишини ҳеч кутмагандим, шошиб қолдим. Ахир бошқа тўпда ўйнасак, шармандам чиқиши тайин эди-да!

– Асло мумкин эмас! Ўйин давомида копток алмаштирилмайди, бу қоидага мутлақо зид! – дея қаршилиқ кўрсатишга уриндим.

– Нега энди мумкин эмас экан?! Яроқсизлиги аниқланса, алмаштирилади-да! – деб эътироз билдирди рақибларим.

– Қани яроқсизлиги?! Қусурини айт! Тўппа-тузук сакрапти-ку!

– Тўпинг нобоп экан, текис кетмаяпти!

– Ўзинг нобопсан! Тўғри теполмасанг, коптокда нима айб?!

Ўзаро даҳанаки олишувимиздан ҳеч натижа чиқмади-да, бунга ҳакам аралашишга мажбур бўлди. Тайинки, якуний фикрни айтишга фақат у ҳақли эди.

– Ўйин ҳалол ўтиши керак! – деди Тўра. – Меҳмонлар норози экан, майли, уларга ҳам қулоқ соламиз: тўпни алмаштирамиз!

Тўғриси, бу гапни эшитиб, жуда бўшашиб кетдим. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, бу ёғига қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида ўйлаб, бошим қотиб турганди, буни қарангки, яна копток – САО ёрдамга келди: қулоғимга беҳосдан оҳистагина қўнғироқ овози чалинди. Дарров сергак тортдим. Айни товуш орқали у нимага ишора қилаётганини осонгина фаҳмладим. Менинг коптоғимга кирган ёндош дунёлик дўстим нима учун бошқасига жойлашолмас экан?! Ана, муаммо ҳал!

Қўнғироқ овози бошқаларнинг қулоғига ҳам етиб борди, албатта.

– Бу қанақа товуш бўлди? Қаёқдан эшитилипти? – деб таажжубланди дарвозабон.
 – Нимадир жирингладим? – деди Берди.
 – Қорнинг гўлдираяпти чоғи, – дея уларни чалғитишга уриндим. – Одам ночор қолганда, кўзига алланарсалар кўриниб, қулоғи шанғиллар экан!

– Бас қил! – деди Берди жаҳл билан. – Ҳали ўйин тугамади! Бизнинг тўпда ўйнасақ, ўшанда кўрамиз ҳолингни!

Бердининг жигига тегиш мақсадида, ундан ҳам кўра сир очилиб қолмаслиги учун, ўзимни бепарво тутишга ҳаракат қилдим.

– Менга қайси тўпда ўйнашнинг ҳеч фарқи йўқ! Майдон ҳам, тўп ҳам танламайман! Иши ўхшамаган баъзи бировлар шунақа баҳоналар ўйлаб топишади! – дедим кўрсайиб.

– Кўп керилма! Жўжани кузда санаймиз! Ҳисобни ўнглашга вақтимиз етарли! – деб қўйди Берди.

Шу тобда рақибларнинг коптоғи қимирлаётганини пайқаб қолдим.

– Бошла бўлмаса! – дея уларнинг шошилтирдим-да, ўз коптоғимни Олапарнинг олдига тепиб юбордим.

Ит югуриб тўпга яқинлашди, уни ҳафсала билан ҳидлаб кўрди. Лекин хурмади, нари бориб, унга бошқа қизиқмади.

Ўйиннинг давоми шиддатли тус олиб, жуда тезлашиб кетди. Тўра шарҳлаш қолиб, ҳатто натижани қайд этиб боришга ҳам улгуролмай қолди. “Мен” ёзувининг тагига “6” рақамини ёзиб бўлмасдан яна навбатдаги тўп дарбоза тўрига келиб тушарди; мажбур уни ўчириб, энди “7” сонини битгунча ҳисоб ундан-да йириклашарди. Мен жуда хотиржам эдим, чунки ғалаба деярли нақд! Жониқиш қаёқда, оёғимни номига кўтариб-силташим кифоя, қолганини САО қойиллатарди-кўярди! Хуллас, ошиғим олчи, кайфиятим чоғ. Вақт ўтказиш учун сал-пал югуриб кўйсам бас! Бу ёғи қандок кечаркан, деб ўйланишга ҳам ҳожат йўқ, чунки копток ўйинни тўлиғича ўзи назорат қилаётганди. Майдон четида ўтирган бўз болалар қўлидаги олмасини еб тугатмасидан ҳисоб ўну бир кўринишига келди. Ўйин тақдири узил-кесил ҳал этилганди. Шунинг учун меҳмонларнинг руҳи тушиб кетди, тўп тепишга ҳам ҳоллари қолмади. Берди коптоғини ушлаб олиб, жуфтакни ростлаш тараддудига тушди. Шериклари ҳам кийимларини йиғиштира бошлади. Мен ўз коптоғимни жўрттага Бердига қарата тепдим. У эса жаҳл билан каминага қайтарди. Шу қисқа муддат ичида ёндош дунёлик дўстим ўз маконини ўзгартиришга улгирган бўлса ажаб эмас.

Ҳакам эшак эгари устида тик туриб, якуний натижани ёзаётганди. Рақибларнинг натижаси ўзгаришсиз қолаётганди, аммо “Мен” жамоасига тегишли катакка рақам битаётиб муаммога дуч кеди: бахтга қарши, катаклар жуда тор бўлиб, икки хонали сон сиғмасди. Чамаси, уни тайёрлаётганлар ҳисоб йириклашиб кетиши мумкинлигини инобатга олишмаганди. Тўра ўннинг бирини ёзиб, нолини сиғдиролмай боши қотди.

– Энди биру бир бўлдим? – дедим натижани шахсан ҳакамнинг оғзидан тантанали равишда эълон қилинишини истаб.

Тўра ниятимни тушунмади-да, менга кўз қирини ташлаб, норози қиёфада ҳўмрайди.

– Бунча бесабрсан! Ҳали ёзиб тугатмадим-ку! – деб тутакди-да, майдон четидаги болаларнинг кичикроғини чақирди: – Ҳой, Шалпангқулоқ, қани, бери кел-чи!

Шалпангқулоқ ўрнидан тура солиб, югургилаб унинг ёнига борди.

– Нима дейсиз?

– Дўшпингни узат!

Бола унинг гапини уқмадими, ё бош кийимини бергиси келмадими, хайтовур, бир муддат анграйиб турди.

– Нега? – деб сўради сўнг.

– Узат дегандан кейин узат-да! Негалиги билан нима ишинг бор?! – деб бакириб берди Тўра.

Унинг ортидан келган ялангбош малласи гапга осонроқ тушунди: шеригининг дўпписини бошидан шартта юлқиб олиб, чаққонлик билан Тўрага узатди.

– Мана бу бошқа гап! Яша, Маллабой! – дея у энгашиб дўппини олди-да, бир рақами ёзилган катакча ёнидан туртиб чиққан михга илди. – Ана, бўлди! Дўппи нолни билдиради! Демак, якуний ҳисоб ўну бир! Ура-а!..

Тўра ўзининг тадбиркорлигидан ҳаяжонланиб, бор овози билан ҳайқирган эди, эшаги хуркиб кетиб, ирғишлаб юборди ва ҳақамимиз мувозанатини йўқотиб, эгар устидан ўмбалоқ ошиб, ерга гурсиллаб йиқилди. Бир ёғи маҳалладошим, кейин бутун ўйин давомида мени қўллаб турди, дарҳол ёрдамлашим керак, дея энди ҳаракатга тушгандим, у тезда гавдасини ўнглаб, қўлларини кўтарди; демоқчи бўлдики, ҳаммаси жойида, келишинг шартмас!..

Ракиблар орқа-олдиларига қарамасдан жўнаб қолишган, томошабин болаларнинг эса кайфи учиб кетган, анграйиб туришарди. Хуллас, майдонда Тўранинг ҳолига куладиган одам топилмади.

– Ҳа, қаёққа шошпа сизлар?! – дея ракиблар ортидан кичкириб қолдим.

Берди ўзини эшитмаганга олди. Дарвозабон эса ўгирилиб қаради.

– Буниси ҳисобмас! Ғирт ғирром ўйин бўлди! – деди у.

– Нимаси ғирром?! Боя тўп нобоп деяётгандинг, энди майдонни айблайсанми?! –

– Тўғри, майдон текис эмас экан! Буни ўзинг ҳам биларкансан-ку! – дея гапга аралашди Берди.

– Ютқазиб қўйиб, энди чидамасликка ўтдингми?! Бу кунингдан ўлганинг яхши! – деб ғолибона қийқириб қолдим.

Коптокни қўлтиққа қисиб, Олапарни ечаётгандим, ит яна асабийлашиб ириллади. Бунга парво қилмадим, чунки ғалаба нашаъсидан кайфим чоғ эди. Бу пайтда Тўра анча ўзига келиб қолганди. Ўйин суръати тезлашиб кетганидан шарҳлашга кўп ҳам улгурмагани боис хумори босилмаганди чоғи, ўтирган ҳолда қамчи дастасини оғзига тутиб, севимли машғулотини давом эттиришга тутинди. У ўзига савол назари билан тикилиб, тараддудланиб турган Шалпангқулоққа қарата гапира бошлади.

– Азиз томошабинлар! Ўйин ниҳоясига етса ҳам мухлислар ўйингоҳни тарк этмаяптилар! Улар ўз жамоаларини тарихий ғалаба билан чин дилдан қутлашмоқда! Шодон қичқириқлар еру кўкни ларзага келтирмоқда! Мана, бир мухлисимиз ўз хурсандчилигини биз билан баҳам кўрмоқ ниятида яқинлашиб келмоқда! Марҳамат, сўз сизга! – дея қамчи дастасини унга тўғрилади.

Болакайнинг фикру ёди бош кийимида эди.

– Энди дўппимни олиб берасизми? Ўйин тугади-ку! – деб қолди у.

Айни “дил изҳори”дан шарҳловчимизнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– Ғоят таъсирли гап айтдингиз! Тасанно! Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам севимли жамоангизни қўллаб-қувватлашда давом этасиз!

Шундоқ ҳам оғрикдан Тўранинг алами келиб турганди, бу ёқда эшаги узоқлашиб кетган, дўппини олиб беролмайди; боланинг мўлтираб қараб туришидан жаҳли чиқиб кетди.

– Ана, калтакни олгин-да, бир урсанг, тушади! Шу ҳам муаммоми?! – дея ўшқириб берди.

Шалпангкулоқ нари кетиши ҳамоно ёнгинасида Малла пайдо бўлди. Шарҳловчимизга яна жон кирди.

– Ҳурматли томошабинлар! Тагин бир мухлисимиз ташриф буюрдилар! Ҳозир сўзни у кишига берсак-да, ўйин ҳақидаги фикрларини тингласак!

Тайинки, Малла ҳам ўз дардини айтишга тушди.

– Сигиримизни ўтлоқда боксак майлими? Ҳамма кетди-ю!

Унинг гаплари ҳам шарҳловчимизни тамоман лол қолдирди.

– Қандай ажойиб! Офарин! Гувоҳи бўлганингиздек, азизлар, ишқибозларнинг таассуротлари олам-жаҳон! Кувончлари чексиз! Ўйин томошабинларни тўлкинлантириб юборгани шундоққина кўриниб турибди, ғалаба шукуҳи барчани ҳаяжонга солгани рост! Фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам мухлисларимизга ўзимизнинг самимий тилаклиримизни изҳор этамиз! – дея Тўра Маллага ўқрайиб қаради. – Қани, бу ердан тезроқ туёғингни шиқиллатиб қол-чи! Эшагини хуркитиб юборасан!..

* * *

Кучимни шунча тежаганим билан барибир чарчоқ ўтганди. Ахир ғалаба қозонишнинг ўзи бўладими?! Ҳолдан тойиб, ўтлоққа ёнбошладим. Шу пайт кўксимга ёқимли тоғ шабадаси урилди денг, ана роҳату мана роҳат! Бор чарчоғим чиқди десам, камлик қилади! Бундай хузурни ҳеч туймагандим. Ўзимни кушдек енгил ҳис этаётгандим. Ахир ёндош дунёлик дўстим билан ҳамкорлигимиз самарасини берганди; бундан жуда мамнун эдим.

Энди фурсатни бой бермай, яна ҳам тўғрироғи, САОни куттирмай, бу ердан тезроқ жўнаб қолишимиз керак. Тўпни қўлимда уриб ўйнаб бокқа қараб кетдик.

Сезиб тургандирсиз, қайтишда ҳам копток олдимга тушиб, баланд-баланд сакраб, яйраб-яшнаб йўл бошлади. Мен қўлимни кўтариб-силтаб, худди уни ураётгандай, ортидан эргашдим. Тайинки, тўпга тегинмасдим ҳисоб.

Олапар бизни изма-из таъкиб этиб, ҳадеб асабийлашиб хуларди. Шох-шаббалар орасини ёриб, чиққан жойимиздан қийнала-қистала ичкарига ўтиб олдик. САО эса кўрага яқинлашиши билан сал баландроқ сакради ва ўзини боғ ичида кўрди.

Ит хануз безовта эди, у кўрадан ўтибоқ дарахтлар оралаб югуриб кетди. Пайтдан фойдаланиб, САОни мурсага келтирмоқчи бўлдим.

– Сакраб роса хуморингдан чиқдинг, энди мириқиб дам олсанг керак? – дедим ва атрофига аланглаб бобомни кидирдим; у негадир кўринмасди.

– Топган гапингни қара-я! Ҳамма ёғимни дабдала қилишди-ю, қандай дам оламан?! Номардлар ҳеч тап тортмай устма-уст тепишса-я!

– Ваҳима қилма! Бирон марта тепки едингми ўзи?! Негадир эслаёлмаяпман! Ёлғонни ҳам қийиб юборар экансан!!

Дарахтлар тагида энгашиб ўт ўраётган бобомга кўзим тушиб қолди. САОни қўлимга ушлаб олдим.

– Ўзимни эҳтиёт қилишим шарт эди, акс ҳолда, ўйиндан соғ чиқмасдим!

– Оёқ тегмасдан учиб кетишни қойиллатдинг! Тагин нолиганинг ортиқча!

– Бунга улгурмаган пайтларим ҳам бўлди-да, шунга биқиним оғрияпти! Қаттиқ ушлама! – деб зорланди копток.

Унга яна-да кўпроқ босим ўтказсам, бошқариш осонлашади, деб ўйлаб, тергашда давом этдим:

– Бас қил! Баҳонанг ўтмайди! Тан олишинг керакки, бирон марта ҳам дарвоза устунига урилмадинг, ҳар гал ярим қадам беридан қайтдинг!

– Айтишга осон! Жон ширин-да, ҳаракатингни қилмасанг қийин!

Ана шундан кейин секин-аста муддаога кўчдим:

– Копток ичида яшашинг ўзини оқламади! Одамларда шубҳа уйғотяпсан! Сенга бошқа ишончлироқ макон топишим лозим! Унгача сабр қил! Бир жойда тек туришга кўниксанг яхши эди! – дея уни қўлтиғимга қисиб, дарахтлар оралаб бордим.

– Бунинг иложи йўқ! – деб эътироз билдирди копток – САО.

– Нега?

– Сенга бир муддат нафас олмай тур, дейишса рози бўлармидинг?

– Нафас олмасдан яшаш мумкин эмас-да!

– Ана шунақа! Пичокни аввал ўзингга ур, оғримаса бошқага ур! Ҳозирча копток эканман, ҳаракатланмасдан тура олмайман! Буни тақиқлашинг адолатдан эмас!

– Бир дақиқа овозингни ўчира оласанми? Бобомга яқинлашяпмиз! – дея ўзим ҳам овозимни пастлатдим.

Копток билан мурса қилолмаслигимни тушуниб етдим ва ортиқ тортишиб ўтирмадим. Шундоқ ҳам унинг мустақил ҳаракатда бўлишини қайсар дўстимни тўхтатиб қололмаслигимни сезиб турардим. Айни муаммони битта ўзим ҳал қилишга мажбур эдим.

Бобом ишга астойдил шўнғиб кетганиданми, ё ўз ўй-хаёллари оғушида бўлгани учунми, ёнгинасидан югуриб ўтиб кетган Олапарга аҳамият бермади. Тайинки, менинг келганимни ҳам пайкамади. Вазиятдан фойдаланиб, САОни кўздан панага жойлаб келдим. Боғдан ташқарида – кўча томонда минг йиллик азамат чинор дарахти бор эди; танаси жуда йўғон, беш кишининг қулочи етмасди; бўйи ҳам шунга яраша, учига қарасанг, бошингдан дўппинг тушиб кетарди. Шохлари атрофга ёйилган, кулбамиз устига ҳам соя ташлаб туради. Пастга эгилган билакдай шохларига кўзим тушиб, муаммонинг ечимини осонгина топдим-қўйдим: САОни шох айрисига кистириб қўйсам, у қаёққа қочиб кета оларди?! Қимирлашнинг ҳам иложини қилолмасди! Фақат овозини ўчириб турса бас, олам гулистон!

Шундоқ ҳам қилдим: САОни бақувват шохнинг қўлтиғига ниқтаб ўрнаштирдим. Бу унга ёқмади, албатта.

– Ҳой, энди бу нимаси?! Меҳмонга иззат-ҳурмат шуми?! Уят эмасми?! Ахир қисилиб кетяпман, зўровонликни бас қил! – деб тутатди.

Рости, ёндош дунёлик дўстимга қўполлик қилганимдан ҳижолат бўлдим, лекин бошқа иложим ҳам йўқ эди-да!

– Узр, озроқ сабр қилишингга тўғри келади. Сўз бераман: тутқунликда узок турмайсан, салгина кутсанг кифоя, кейин яна омон-омонлик, хуррият! – дея уни тинчлантиришга уриндим.

САО таклифимга рози бўлишни сира истамасди.

– Биз бунга келишмагандик! – деди у чорасизликдан чийиллаб.

– Кечирасан, дўстим, шошиб турибман, мен энди кетишим керак! Сендан илтимос: зинҳор овозингни чиқара кўрма, ўзингга жабр қиласан! – дея бобомнинг олдига чопдим.

САО ортимдан нимадир деб чинқирди, лекин ҳозир унга қулоқ тутишнинг мавриди эмасди. Эрталабдан дили хуфтон бўлган бобомга озроқ тасалли бериб, кейин дўстимга янғ макон топиш ҳақида бош қотирсам тузук, деб ўйладим.

Бобом чуқур ўйга ботган ҳолда ҳамон ўт ўраётганди, ит эса гингшиб, унинг атрофида айланарди. Мен ўрилган ўтларни ташишга киришдим. Бобомнинг даромади камлиги боис, Хидир хўжайин боғда бир-иккита туёқ қилишга рухсат

берганди. Бизнинг битта отимиз билан бузоғимиз бор. Дарахтлар орасидаги ўтларни ўриб-қуришиб, бир қисмини ҳайвонларга берсак, қолганини қишга ғамлаймиз. Шунинг учун қўлимиз бўшади дегунча ўт ўришга киришамиз.

Боғ асли Хидир хўжайинга қарашли эди, аммо барча юмушлар бобомнинг гарданига юкланган. Мен унга ёрдамлашаман. Отам жуда ёшлигимда вафот этган экан. Шундан кейин онам бошқа турмуш қуришга мажбур бўлган. Ҳали жуда ёш, дея мени ўзи билан олиб кетишни истагану бунга бобом қашилик кўрсатган. “Ўғлим менинг ёлғиз умидим эди, умидим бир синди, энди сен уни таг-туғи билан юлиб олма”, дея ёлворган. Бу ёқда бувим, “Хонадонимизнинг чироғини ўз зурриёдимиз ёқиб ўтирсин, бегоналарга муҳтож қилмагин”, дея кўзёши тўккан. Хуллас, биргалашиб мени олиб қолишган. Онам боласидан кўзи қиймаси ҳам, уларни ортиқ қийнагиси келмаган. “Бечоралар шу гўдак билан овунишса-овунишсин, майли, розиман”, дея норасида гўдагини қайнота-қайнонасига ташлаб кетган экан.

Рости, бунинг учун мен уни сира айбламайман. Ахир у ҳам шароитга қараб иш кўрган. Ишонасизми, йиллар ўтгани сайин онамга нисбатан меҳрим ортса-ортдики, асло сусаймади. Эсимни танибманки у мен учун энг қадрли ва меҳрибон бир сиймо сифатида гавдаланади. Онам мени кўргани тез-тез келиб туради. Ҳозиргача ёш боладай бағрига босиб эркалаб-суйишни канда қилмайди. У ҳали ҳам мени ёш бола деб билади, кап-катта йигит бўлиб қолганимни тан олгиси келмайди. Онам бефарзанд кишига турмушга чиқиб, қаторасига тўртта қиз кўрди. “Тўнғичим ўғил эди, уни ўзим вояга етказолмадим, бошқаларнинг қўлида қолдириб келдим, шунинг учун Тангри жазолади – ўғилга зор қилди”, дерди у доим. “Сингилларингга ўзинг бош бўласан”, дея ҳозирдан масъулиятни бўйнимга юклагиси келарди. Бундан анча улғайиб қолганимни ҳис қилардим. Шундоқ ҳам аллақачоноқ бобомнинг яқин ёрдамчисига айлангандим. Боғни кўриклашдан тортиб, меваларни парваришлагача барча ишларни у менга ишониб топширарди. Ҳатто меваларни қирқиш ҳам қўлимдан келарди. Ҳосил йиғиштиришда эса ҳашарчиларни бемалол бошқараман. Қарамоғимиздаги ҳайвонлар парваришини эса айтмасам ҳам бўлаверади – тўлиғича каминанинг назоратида. Уларга ўзгача меҳр билан қарайман. Бузоқни Юлдуз аммамнинг тўйига атаб боқаётгандик. Ҳар сафар уйга борганимда бувим бузоққа доимо кўз-қулоқ бўлиб туришни бот-бот тайинларди. “Кўз тикканимиз шу биргина туёқ, бошқа нажотимиз йўқ; от – эр кишининг қаноти, бобонг Қашқани ўлса ҳам сотмайди, ундан умид қилиш бефойда”, дейди у.

Ўрилган ўтларни дарахтлар орасидаги бўш жойга ёйиб ташладим. Бобом менга бир қур кўз қирини ташлаб қўйди-ю, лекин индамади; чамаси унинг гапиришга ҳам тоқати йўқ эди. Атрофида айланаётган Олапарга норози қиёфада тикилди. Қўлида ўроқ, ўтларни пайхон қилаётганидан аччиқланиб, уни ҳайдаб солмоқчи бўлаётганди, туйқус ит сергак тортиб, безовталаниб қисқа-қисқа ҳурди-да, кулба томон учиб кетди. Боққа кимдир келдимикан, деб ўйлаб унинг ортидан қараб турдим. Шу маҳал бобом илкис менга юзланди-да:

– Ўтир, ўтир! Ер кимираяпти! – деди хавотирланиб ва ўзи дарҳол ўтлар устига чўнкайди.

Мен буни сезмаётгандим, шу боис тепамиздаги дарахтларга кўз ташладим. Негадир уларнинг шохлари қотиб турарди, барглари ҳам кимир этмасди. Фақат минг йиллик чиноргина чайқалаётганди; ўша ёқдан ғувуллаган ёкимсиз сурон эшитилиб, чанг-тўзон кўтарилаётганди. Бир зарбдаёқ дарахтдаги қушлар гув учиб кетди. Чинорга такаб тортилган қўра тамоман вайрон бўлиб, дарвоза қулаб тушди.

Қўркувдан рангим ўчиб, журъатсизгина бир-икки қадам ташлашимни биламан, кўкка бўйлаган азим чинорнинг шох-шаббалари қаттиқ тебраниб, қасир-кусур овоз чиқара бошлади. Эс-хушимни йиғиб олганим ҳам йўқ эдики, бирдан айни ҳаракат тезлашиб, эшитилаётган овоз ҳам ваҳимали тус олди. Дарахтнинг йўғон танаси вазмин чайқалиб, теваракка ёқимсиз ҳаво уфуриб, атрофни тўзғитиб юборди. Новдалардан чирт-чирт узилаётган япроқлар ҳам худди қушлар каби ҳар ёққа сочила бошлади. Улкан чинор гўё кучли шамолдан зарб еган каби эгилиб-букилиб тебранарди. САОни шу дарахтнинг шохига кистирганим эсимга тушиб, ўша ёққа қараб чопдим. Бобом ортимдан ҳай-ҳайлаб қолди. Унга қулоқ соладиган аҳволда эмасдим, ёндош дунёлик дўстимдан хавотирланаётгандим. Олапар чинорга қараб тинмай ҳурарди. Унга яқинлашмасимдан коптокнинг ўзи оёқларим остида пайдо бўлди. У дарахт тебранаётганда шохлари орасидан отилиб чиқиб кетганди. Бундан сира ажабланмадим, аммо унинг ҳаракатсиз туриши диққатимни тортди; копток жонсиз танага ўхшаб қотиб қолганди. Туйқус миямга урилган фикрдан бутун вужудим титраб-қақшаб кетди ва жаҳл устида тўпни зарб билан тепиб юбордим. У қўрадан ошиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Бобомнинг бакириб-чакиришларига парво қилмасдан даҳшатли чайқалаётган улкан чинор қаршисида қаддимни тик тутиб, юзма-юз турдим. Буни қарангки, САО деганимиз ҳеч кутилмаганда коптокдан чиқиб, худди шу дарахт танасидан макон топганди. Энди у баҳайбат чинор бўлиб ҳаракатланаётганди; яна ҳам тўғрироғи, чинор САОга айланганди ва менинг кўз ўнгимда эшилиб-букилиб, қари танасини ҳар ёққа ташлаб – буриб, зўр бериб томирларини суғуриб олаётганди. Ёндош дунёлик дўстимни ҳаракатдан маҳрум қилиб, масалани ҳал этдим, деб ўйлагандим; чучварани хом санаган эканман. Копток – САОни ҳатто бобом ҳам пайқамаганди, улкан чинорнинг ҳаракатланаётгани узоқ-узоқлардан-да кўринаётганди; кўзи тушганлар кўркувдан дағ-дағ титрашиб, тумтарақай қочишаётганди. Бобомнинг қандай ҳолатга тушганини-ку айтмай қўя қолайин.

* * *

– Ҳой, бу қанақаси?! – деб қичқирдим. – Энди чинор бўлгинг келиб қолдими?! Дарҳол ниятингдан қайт! Одамларни ваҳимага соляпсан! Оқибати ёмон бўлади!

Шу тобда чинор – САО ён томонидаги узун ва йўғон илдизини суғуриб олиб, тупроғини силтаб қоқа бошлади; унинг томирлари боғ оралаб чўзилиб кетганди, тортаётганда дов-дарахтлар қаттиқ тебрланди. У ғазабини яширолмай ижирғаниб жавоб қайтарди:

– Буни аввалроқ ўйлашинг керак эди! Сен тирранча мени шохлар орасига кистириб қўйиб, оппа-осонгина ниятимга етдим, деб ўйладингми?! Рости, бориб турган аҳмоқ экансан, имкониятларимни баҳолашга ақлинг калталиқ қилар экан! Шунақа калтафаҳмлигингни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим!

Тан олишим керакки, унинг гапларида жон бор эди: САОнинг нималарга қодир эканлигини тасаввуримга сиғдирилмасдим. Ахир у ўзга дунёдан келган бўлса, куч-қудрати-ю имкониятини қаёқдан ҳам билишим мумкин?! Минг йиллик улкан дарахтни ҳаракатга келтириши тушимга кирибдими?! Қудратини қаранг, бир неча дақиқа ичида яна битта илдизини суғуриб олса-я!

– Ўзи нима қилмоқчисан, мақсадингни айт? – деб сўрадим сал паст келиб.

– Сенга ҳисоб беришим шартми?! – деди у беписанд оҳангда, кейин суғуриб олган илдизини жаҳл билан силтаганди, бир уюм тупроқ тўкилди. – Яхшиси, итингни бу ердан даф қил, ақиллаб асабимга тегяпти!

Олапарни ҳайдаб солишдан наф йўқ эди, у барибир жағини ўчирмасди, қолаверса, бунақа қилиш ҳозир юрагимга сиғмасди. Ортимдан ҳолсиз келаётган бобомга кўзим тушди, у ҳадеб қўлларини силкитар, овози қулоғимга кирмасди.

– Сендан ҳисоб сўраётганим йўқ! Мақсадингни билмоқчиман, холос! – дедим тушқунликка тушиб. – Чинор бўлишни хоҳлаган экансан, бу ёғига дарахтга ўхшашинг керак-да! Бунинг ўзига яраша шартлари бор!

– Оббо, яна қанақа шарт?

– Бизнинг дунёмизда дарахтлар ҳаракатланмайди! Тушундингми?

– Кўп бошимни қотирма! Нима қилишни ўзим яхши биламан!

– Унда нега томирларингни суғуриб оляпсан, бу ҳаётинг учун жуда хавфли-ку! Улар баҳайбат танангни ушлаб туради; илдизинг тутмаса, мувозанатингни йўқотиб, ағнаб тушишинг тайин! Унутма, сен шулар орқали озикланасан! Тупроқдан узилишинг билан умринг поёнига етади!

Чинор – САО гапларимга эътибор ҳам бермади, қолган илдизларини ҳам суғуриб олишда давом этди.

– Огоҳлантириб қўйганинг учун раҳмат! Буни қара-я, меҳрибонлик қилишни ҳам биларкансан! – деди у бироз юмшаб. – Биз ажралмас дўст бўлиб қоламиз, деб ўйлагандим, шунинг учун қўшни маҳаллалик болаларни ютишингга ёрдам бергандим, афсуски, бунинг қадрига етмадинг! Энди ақл ўргатишинг шарт эмас! Модомики, чинор эканман, қандай йўл тутиш кераклигини ўзим белгилайман! Менинг дарахтлик ҳаётим ҳақида эса қайғурмай қўя қол! Минг йил давомида керагича озуқа тўплаганман – умримнинг охиригача етади! Энди мақсадга ўтадиган бўлсак, хуллас, олам кезмоқчиман! Ёруғ дунёга келиб, ўзим учун ҳам яшайми, ё бир умр сенларнинг қош-қовоғинга қараб ўтишим керакми?! Ахир минг йилдан буён бир жойда қотиб турибман! Барига чидадим, аммо битта армон менга сира тинчлик бермади: доимо саёҳатга чиқишни орзу қилардим. Бугун ана шу орзуйимни рўёбга чиқаришга бел боғладим. Ўзинг ўйлаб кўр, шунча йил яшаб, ўз сайёрангни ақалли бир маротаба айланиб чикмасанг, дунёга келишдан не наф: ҳаётингда қандай мазмун-маъно қолади?!

Бу гапдан кейин қай ҳолатга тушганимни ўзингиз тасаввур қилаверинг! Ишонсангиз, ҳайратдан ёқа ушладим; кўзларим олайиб, оғзим ланг очилиб қолди.

– Сен... ҳали саёҳат қилмоқчимисан? – деб сўрадим зўрға.

– Тўғри тушунибсан: мен дунё бўйлаб саёҳатга чиқмоқчиман! – деди САО хотиржам.

Иложсизликдан ўзимни худди тубсиз жар ёқасида турган каби ожиз сезардим. Боши берк кўчага кириб қолганим чин эди.

– Эсиз, коптоклигинг минг марта яхши экан, ҳар ҳолда бошқариш мумкин бўларди. Қаёқдан ҳам сени чорлаб – чақирдим, шунча ғалва йўқ эди! Энди нима қиламан, бошимни қайси деворга ураман?! – дея зорландим.

– Яхшиси, бошингни тошга ур, қаттиқроқ тегади; шунда зора ақлинг кирса! – деб копток – САО жиғимга тега бошлади.

– Ахир бунақа қилишинг мумкин эмас! Бизнинг дунёмизда дарахтлар бир жойда туради, улар асло ҳаракатланмайдилар! Нега тушунмайсан?! – дея алам билан қичқирдим.

Янроқ овозим бутун боғ бўйлаб ёйилди; дарахларнинг япроқларига урилди, қушларни хуркитди, аммо чинор – САОга кор қилмади, аксинча, бундан унинг туппа-тузук жаҳли чиқди.

– Ё тавба! Бу қанақаси энди?! Сенларга мумкину менга мумкин эмасми?! Қани бу ерда тенглик?! Қани ҳақиқату қани адолат?! – деб бақирди у ғазабланиб.

Тўғриси, ўзимни ҳеч қачон бунчалик ночор ва чорасиз ҳис қилмагандим. Чинор – САОга қандай жавоб қайтаришни билмай, уни йўлга сололмасдан бошим қотарди.

– Секинроқ гапир, биров эшитиб қолади!

– Ҳали гапириш ҳам мумкин эмас дерсан?

– Худди шундай! Сенга жоним садақа, азиз дўстим! – деб ёлвордим унга охири.

– Қўлимдан нима ҳам келарди, ахир тартиб-қоидаларимиз шунақа, бўйсунишга мажбурмиз! Дунёмизда дарахтлар униб чиққан ерида ўсиб-улғаяди! Бизда дарахт бир жойда кўкаради, деган мақол ҳам бор! Мана сенга ҳақиқат!

– Ана, холос! Бунча тақиқларинг кўп?! Копток бўлиб сакраёлмасанг, дарахт бўлиб юролмасанг, устига-устак гапириш ҳам мумкин эмас бу қанақа ҳаёт ўзи?! – деб тутатди САО. – Энди сенлар ўйлаб топган қаёқдаги мақолни деб умрбод бир жойда қолишим керакми?! Минг йилдан буён қоқилган козиқдай шу ерда қотиб турганим камлик қилдимми?! Камига саёҳатдан ҳам воз кечишим керак, шундайми?! Тағин қанақа шартларинг бор, яна қайси тартиб-қоидаларни йўлимга кўндаланг ташламоқчисан?! Тупурдим ҳаммасига!.. – дея ўшқириб, яна бир томирини шиддат билан силтаб тортган эди, омонат кулбамиз ҳам тебраниб кетди.

Атроф чангиб, даҳшатли шовқин-сурон кучайиб борарди. Чинор – САОнинг баҳайбат танаси қайишиб-майишиб, ҳар ёққа буралиб-эшилиб тўлғонарди ва ер қаъридан тезроқ суғурилиб чиқишга уринарди; ҳар буралганида эски пўстлоқлари тарс-турс ёрилиб, йўғон танасидан кўчиб тушарди.

Олапарнинг ҳам дами ичига тушиб кетди; думини қисиб ғингшиб, бостирма томонга қараб қочди. САОнинг борган сари ғазоби ошиб борарди. Унинг қўпол ҳаракатларидан теварак-атроф ларзага келди; дов-дарахтлар безовталаниб тебрланди. Бобом орқамдан етиб келиб:

– Ҳой, бола! Бу ерда нима бор сенга?! Ҳозир чинор қулайди, тезроқ қочсанг-чи! – деб бақириб берди.

Очиғи, кўз ўнгимда юз бераётган ҳодисалардан ўзим ҳам кўрқаётгандим, тезроқ кетишим керак. Қолаверса, бобомни ҳам тинчлантиришим, хавфсиз жойга олиб боришим лозим. Энди чинор – САО билан тортишиш фойдасиз эканлигини тушуниб етгандим. У ўқилдизларини бир-бир суғуриб олиб, чачала илдизларини силтаб-силтаб тозаллади-да, қаддини ростлади. Шунда бутун вужудидан оғир хўрсиниққа ўхшаш чўзиқ товуш эшитилди. Буни қарангки, кейин вазмин тебрана-тебрана одимлай бошлади.

Чинор – САО бизнинг дунёмиздаги тартиб-қоидалар қолипига сиғмаётганди; уларни ҳеч писанд қилмай эзиб-янчиб ўтаётганди.

– Эй, Яратган Эгам, ўзинг мадад бер! – дея ёлборарди бобом. – Қайси гуноҳларим учун мени синаяпсан?! Бундай азобларга дучор қилганинг нимаси?! Тўғонни хафа қилганим рост, аммо зинҳор қарғамадим! Уни ранжитган бўлсам, ўзинг кечир! Тавба қилдим!..

Унинг илтижолари сабабми, ё ёндош дунёлик дўстим бизга раҳм қилдимми, ҳар тугул кулбамиз омон қолди. Бобомни ўша ёққа бошладим. У худди алахсираган каби беҳол пичирларди:

– Бултурги зилзилада ҳам бунчалик даҳшатни кўрмагандим! Иморатлар қулагани рост, лекин дарахтлар томири билан суғурилиб кетмаган! Ахир булар тушимми-ўнгимми?! Кўрганларим тушда кечаётган бўлса, тезроқ уйғот, эй Тангрим! Жуда қийналиб кетдим!..

Бу ёкда жисмоний чарчокка, руҳий зўриқиш кўшилиб, уни толиктириб қўйган, бечора бутунлай ҳолдан тойганди. Боғ атрофидан хатар аригач, уни дераза ёнидаги ўрнига ётқиздим. Ўзим бостирмадаги ҳайвонлардан хабар олиш баҳонасида тагин ташқарига отилдим. Чинор – САО гурсиллаб одимлаб боғдан узоқлашаётганди. Бошқаларга ҳам зиён етказмасин деб, уни яна бир бор инсофга чақирмоқчи бўлдим:

– Сен кетсанг, шов-шув кўтарилмайдими?! – деб кичқирдим унинг ортидан. – Ахир барчанинг кўзи сенда! Тўсатдан ғойиб бўлиб қолишинг мутлақо мумкин эмас! Қолаверса, бўй-бастинг ҳам шунга яраша: ўн чақирим наридан ҳам кўриниб турасан! Бу ҳаракатинг билан ҳаммани ваҳимага соласан! Шунини тушунапсанми?!

– Ҳар кимнинг ўз ҳаёти бор, уни ўзгалар бошқара олмайди! – дея чинор – САО йўлида давом этади.

– Энди кунимиз қандай ўтади?! Ахир Хидир хўжайин бизни тинч қўймайди! Бундан Бўрибой бошлиқ хабар топса борми, ҳолимизга маймунлар йиғлайди! – деб зорландим.

Чинор – САО эса қайрилиб ҳам қарамади, ҳарсиллаб-гурсиллаб одимлаб кетаверди. Ялиниб-ёлворишларим унга таъсир қилмаётганди. Чўкаётган киши хасга ёпишгани каби мен ҳам дарахтнинг ортидан қолмасдим. Бир маҳал сал инсофга келган бўлиб, менга гап қотиб қолди:

– Билишимча, Хидир хўжайин деганинг боғ эгаси, шекилли? Бунини ўзинг айтгандинг, аммо Бошлиқ деганинг ким бўлди?

– Бошлиқ бошлиқ-да! Идораси қир тепасида жойлашган, оқ бино! – деб тушунтириш бердим унга.

– Майли, Бошлиққа учраб ўтаман, сизларга босим ўтказмайди! Хўжайин билан эса ўзинг келишасан! Ахир мен ҳамма эшикка бош суқиб чиқолмайман-ку! – деди чинор – САО.

– Бизга ёрдам бермоқчи бўлсанг, саёҳатдан воз кеч, ўз ўрнинга қайт! – дедим унга.

– Ҳеч қачон! – деб кичқирди у.

– Бошлиққа учрасанг қош қўяман деб, кўз чиқарасан!

– Менга ўргатма! Нима қилишни ўзим яхши биламан! – дея чинор САО вазмин одимлай кетди.

У йўғон ва бесўнақай томирлари ёрдамида ҳаракатланаркан, ҳар қадам ташлаганида ер юзаси ларзага келар, ўт-ўланлару ўсимликларнинг барглари кучли зарбдан титрарди. Дарахтнинг кенг ёйилган шох-шаббалари икки қирғоқдаги дов-дарахтларга урилиб, уларни қулатгудай бўларди. Шунча илтижоларим бекор кетганди, чинор – САОнинг аҳдидан қайтиш нияти йўқ эди.

* * *

Боғнинг киравериши вайронага айланганди: ҳаммаёқ тўзғиган, синиб тушган шох-шаббалару барглари ҳар томонда сочилиб ётарди. Қўра қулаб тушган, дарвоза пачоқланган, энг ёмони, кекса дарахтнинг ўрнида нақ одам бўйли каттакон ўра ҳосил бўлганди; унинг атрофида уюм-уюм тупроқ кўтарилган, баланд-паст ўнқир-чўнқирликлар ҳосил қилганди. Ҳолатни кўриб кўнглим озар, бунини Хўжайинга қандай тушунтиришни ўйлаб, бошим котарди. Ундан ҳам чатоғи, чинор – САОнинг бемаврид саёҳати қандай хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тасаввуримга сиғмасди. Туёқлардан хабар олиш қаёқда, икки ҳаёлим чинор –

САОнинг бузгунчилик ҳаракатида: яна қандай ташвиш-муаммолар туғдиради – шулар калламни ғовлатмоқда эди.

Бобомга чой дамлаб бердим, уни бироз тинчлантирдим. Кекса эмасми, шунча кўргиликлардан кейин чарчаб қолганди. Бир пиёла чой ичдим-йўқми, кўзи илиниб уйкуга кетди. Уни холи қолдирдим.

Чинор – САО анча узоқлашганди; у қир ёқалаб чўзилган катта йўл билан идора томонга қараб йўрғалаётганди. Мен дала сўқмоғи бўйлаб тиккаламоқчи бўлдим; шунда вақтдан ютиб, манзилга ундан аввал етиб борардим. Фурсатни бой бермай оёғимни қўлимга олиб югура кетдим. Икки кўзим чинор – САОда, ундан нигоҳимни узмасдим. Яхшики, қир йўли камқатнов, бесўнақайга ҳеч ким йўлиқмади ҳисоб; фақат биргина пичан ортилган эшак арава учради, холос.

– Четроққа чиқсангиз-чи, бобой?! Ниҳояти, бир ҳовучгина юкинғиз бор, бутун йўлни эгаллаб олганингизни қаранг! – дея ҳазиллашди чинор – САО ва унинг устидан ҳарсиллаб ошиб ўтиб кетди.

Қария беихтиёр эшакнинг жиловини тортди ва нурсиз кўзлари олайиб, бақрайиб қолди. Чамаси, унинг қулоғи вазмин эди, шунинг учун бесўнақай дарахтнинг гурсиллаган қадам товушини эшитмаганди; айти дамда кўзларига ҳам ишонмаётганди. Не ажабки, шундоққина яқингинасида баҳайбат чинор ҳаракатланаётганди! Бу ҳолатни қандоқ қабул қилсин чол бечора?! Чинор – САО эса ҳазилига жавоб қайтмаганидан, ундан ҳам кўра қариянинг таққа тўхтаб қолганидан ҳайрон эди.

Қир белига етганида, узала тушиб ётган йигит кўриниб қолди. Ёнгинасида сарғайиб пишган буғдойзор шабадада тебранади; сомоннинг ачқимтир ўткир хиди димокқа урилади. Эрта кунда бир қисмига ўроқ урилиб ётқизилганди. Ҳали офтоб тобига келмагани боисми, у қулайгина текис йўлда бошини қўлларига қўйиб, дўпписи билан юз-кўзини ёпиб, пинакка кетганди. Чинор – САО йигитни безовта қилмасдан четлаб ўтиб кетса ҳам бўларди, тагин бояги чолга ўхшаб қўрқиб кетмасин, дея уни олдиндан огоҳлантириб қўйишни лозим топиб, анча беридаёқ секинлашди. Йигит қадам товушидан ҳам уйғониб кетиши мумкин-да, чўчитиб юбормаслик учун шовқин-суронсиз оҳиста одимлаб унга яқинлашди. Хиёл эгилиб, ён шохини чўзиб, баргли новдаси билан йигитнинг бўйнини астагина сийпалади.

– Ҳой, Суйди! Бундан бошқа қилиғинг йўқми?! Қуйилмаган қизларга ўхшаб қитиқлашга бало борми?! – деб тажанглашди йигит. – Ундан кўра, дастурхонни ёз, овқатингни тайёрла, қорин хуштак чалапти!..

– Кечирасану, йўл устига ётиб олибсан-да, ёнингдан ўтиб кетсам бўладими? – деб сўради чинор – САО.

Йигит бу гапни эшитиб, дўпписини аста юзидан олиб, шундоқ бошини кўтаришини билади, тепасида улкан дарахт энгашиб тебраниб турибди-ку! Буни кўриб, бечоранинг қай ҳолга тушганини ўзингиз тасаввур қилаверинг! Адирлик яп-яланг, ён-атрофда дарахт тугул бута ҳам йўқ, бу бесўнақай қаёқдан пайдо бўлди экан, деб боши қотди-ю, бир муддат ранги ўчиб, лаблари титраб турди-да, кейин буғдойзорга қараб ура қочиб қолди.

Тайинки, унга далда беришни чинор – САО уддалай олмасди, шу боис тилига жўяли бир гап келмади; йигитнинг ваҳима ичида югуришини тек кузатиб турди, холос. У ҳайрону лол эди: “Мендан бунча қўрқишмаса, минг йил давомида соямда салқинлашган, атрофимда парвона бўлишган, танамни силаб-сийпалашган, бўй-бастимдан ҳайратланишган, нега энди барчанинг кўзига балодек кўриняпман?! Ахир менинг уларга ёмонлигим йўқ, зиён-захмат етказмоқчи эмасман-ку?”

Хайриятки, идорага якин қолганди; шундоқ қир устида оқ бино кўриниб турарди. Мен ундан анча олдин етиб бордим. Бошлиқ ҳам ҳозиргина етиб келган экан; қоп-қора “Волга”сидан тушаётганди. Бошлиқ уни эркалаб “қора тулпор” деб атарди. Ёнида ёрдамчиси Қўзибой тавозе кўрсатиб, қўлларини кўксига қўйиб эгилиб турибди. Бошлиқ тушиши билан шошиб унинг қўлидаги чарм сумкасини олди.

– Яхши келдингизми, ўртоқ Бошлиқ? – дея ҳол-аҳвол сўради.

Бошлиқ деганимиз энги калта оқ қўйлакка ола бўйинбоғ боғлаб олган тепакал, паканаю семиз, қисқаси, юм-юмалоқ киши эди. Ёрдамчисига бир қўз ташлаб қўйди.

– Бош бошқармадаги йиғилиш жуда чўзилиб кетди! Мингта топширик, қай бирини бажаришни билмайсан! Ўзимизда нима гаплар? – деб сўради ундан ва жавобини кутиб ўтирмасдан идорага кириб кета бошлади.

– Ҳаммаёқ тинч, – деди Қўзибой унинг ортидан эргашаркан. – Қабулингизга келганлар бор, ўнтадан ошиқ; эрталабдан бери кутиб ўтиришибди.

– Кутганлари яхши! Қанча кўп кутишса, шунча обрўйинг ошади! – дея Бошлиқ ўзини ичкарига олди.

Қабулхонанинг бурчагига ҳайбатли шер тулumi ўрнатилганди, у каттакон бошини баланд кўтариб, мағрур қараб турарди; ўтли нигоҳи ҳар қандай кишини сескантириб, кўнглига гулгула соларди. Бошлиқнинг унга меҳри бўлакча эди, “Идорамизнинг кўрки ва ўзига хос рамзи”, дея эъзозларди; ҳар ўтганда унга бир қараб қўйишни канда қилмасди. Шерни ўзининг куч-қудратига, обрўсига ишора деб биларди. Бошлиқ эшикдан ўтибоқ тўғри шернинг олдига борди ва унинг баданини меҳр билан силаб, кейин қабулдагиларга юзланди.

Хонада арзга келганлар қатор саф тортиб навбат кутиб туришарди. Бошлиқ жуда талабчан раҳбарлардан эди, аввало кутувчиларнинг сафи унга хуш келмади. “Ёшу қари баланд-паст бўлиб тартибсизу пала-партиш тизилишгани майли, аммо ёшгина болали аёлнинг уялмай-нетмай котибаси ёнига туриб олиб, хархаша қилаётган чақалоғини тинчлантириш баҳона, бамайлихотир у билан лақиллашаётганига қандай чидаш мумкин?! Камига қари бир чол ўтирган жойида пинакка кетиб, баралла хуррак отаётганди – бунга нима дейсиз?! Нега масъулият йўқ?” Ана шуниси унинг энсасини қотирди. Боз устига қабулхонада унинг пайдо бўлиши ҳеч кимни сергаклантирмади; кутаётганларнинг жағи тинмасди, жилла курса, овозлари пасаймасди. Одамлар шунақа сурбетлашиб кетганми, ҳай-ҳай, ўзинг сабр бер!

– Қачон интизомга ўрганамиз, Қўзи?! Бу қанақаси ахир?! Интизом бор жойдагина барака бўлади! Дарҳол сафни тўғрила! Шуни ҳам мен ўргатишим керакми?! – дея дўқ аралаш танбех бериб ўз хонасига кириб кетди.

Котиба дик этиб ўрнидан туриб, болали жувонга ўпкаланиб қараб қўйди; унинг чақалоғи ҳамон инжиқлик қилиб йиғлаётганди. Қўзибой ҳам кутувчиларга таҳдид билан ўқрайди, уларни интизомга чақирди, кейин чарм сумкани бағрига босиб, Бошлиқ ҳузурига ошиқди. Мен ҳам югургилаб бориб унинг орқасидан кирмоқчи бўлдим, лекин эшик оғзида кимдир билегимдан тутиб қолди.

– Ҳой, қаёққа?! – деган дўриллаган овоз эшитилди; ўгирилиб қарасам, барваста барзанги киши менга савол назари билан қараб турибди.

– Бошлиқ билан учрашишим керак! – дея унинг чангалидан чиқиб кетмоқчи бўлгандим, барзанги бунга йўл қўймади.

– Қаторга тур, зумраша! Ҳамманинг иши зарур! – деб тўнғиллади у.

– Уни хавф-хатардан огоҳлантиришим лозим! Бу – сизлар учун ҳам фойдали!
– Нима бало, сел келяптими, ё бўрон бошланяптими?! – дея кишилар калака қилиб хиринглашди.

– Ундан ҳам баттар!– дедим аччиқланиб.
– Жим бўл, маҳмадона! Осмон узилиб тушса ҳам, барибир навбат билан кирасан! – дея барзанги овозимни ўчирди.

Қатордагилар менга хушламайгина назар ташлаб қўйишиб, ҳозирги ёшларнинг сурбетлашиб кетишаётгани хусусида гап сота бошлашди. Жигибийрон бўлиб, бир ўзимдан жаҳлим чиқса, бир одамларнинг бепарволигидан ғазабланардим.

Бўрибой бошлиқ халққа яқинлигини ва оддий инсонлар билан бир тану бир жон эканлигини писанда этган каби, хонасининг эшигини ойнаванд қилдирганди, шу боис ичкари ҳам яққол кўриниб турарди; ҳатто у ёқдаги овозларни ҳам бемалол эшитиш мумкин эди. Бошлиқ зўр қониқиш ва мамнуният билан кўп таъкидларди: “Бизнинг эл-улусдан яширадиган ҳеч қандай сиримиз йўқ, ҳаммаси очиқ-ошкора!”

У рост айтганди, гапларининг тўғрилигига ўзим ҳам бир неча бор иқроор бўлганман. Бу пайтда Бошлиқ оромкурсига ёйилиб ўтириб олиб, ёрдамчисига буйруқ бераётганди:

– Қўзи, шу кунларда ноқонуний дарахт кесиш ҳолати учрамадими, мабодо?

Қўзибойнинг ранги оқарди, бошлиғига босиброқ тикилиб, яна ҳам энгашиброк олди.

– Мени кечирасизу, шу пайтгача бирорта ўғирлик содир этилмади! – дея ҳисоб бера бошлади у.

– Ўғирлик содир этилмаган бўлса, уни уюштириш керак эди! – дея жаҳл қилди Бошлиқ. – Шуни ҳам ўргатишим шартми, ўзинг каллангни ишлатсанг бўлмайдимми?! Идоранинг кунлик чиқимлари бор, уни ёнимдан қоплайманми?! Биронтасини жаримага тортмасанг, пул ўзидан ўзи осмондан тушиб қолмайди-ку, ахир! Тўғриси, қачон ўғирлик бўлар экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ғирт текинхўрликнинг ўзгинаси, ундан бошқа нарса эмас! Бундай ўзибўларчиликка тоқайгача тоқат қилиш мумкин?!

Қўзибой бошлиғининг саволига қандай жавоб қайтаришни билмай, бошини эгиб, хижолат тортиб турарди. Бундай оғир вазиятдан уни яна Бошлиқнинг ўзи кутқарди.

– Ҳеч бўлмаса, Жарарик қирғоғидаги теракларга харидор топарсан?! – деб қўйди у.

– Харидор доим тайёр, – деб Қўзибой қандайдир мулоҳаза билан бир муддат жим қолди.

– Унда нима муаммо? – деб сўради Бошлиқ.

– Шахсан ўзингизнинг буйруғингиз билан ҳамма дарахтлар хатлов қилиниб, муҳофазага олинган; барчаси қатъий назоратда, шунча теракни рўйхатдан қандай чиқарамиз?! – дея Қўзибой кўлидаги чарм сумкани қаёққа қўйишни билмасдан атрофга аланглади.

Бошлиқ деганимиз жуда зукко эмасми, унинг безовта бўлиш сабабини дарров фаҳмлади ва бармоғи билан дераза тоқчасини кўрсатди. Ёрдамчисининг мижғовланиши унга ёқмади, албатта.

– Ҳар сафар қандай йўл тутаетган бўлсанг, бу гал ҳам худди шундай қиласан!– деди Бошлиқ ҳуноби ошиб.

– Авваллари табиий офатларни, баъзи тарихий заруриятларни рўқач қилардик...

– Яхшиси, энди янгилик яратасан, яъни теракларни оралатиб кестирасан; шунда сиз ҳам куймайди, кабоб ҳам!.. Қолаверса, уларни ўзимиздан бошқа ким ҳам санарди?!

Эшикдан чойнак-пиёла кўтарган котибаси кўринди. Бошликқа табассум ҳада қилиб, чойнакни стол устидаги ликопчага қўйди. Тавозе билан пиёлага чой қўйиб узатди. Бир кўлида пиёла, бошқасини кўксига қўйиб энгашганда, бўйнидаги тилла занжири ярқ этиб кўзга ташланди. Бошлик бир занжирга, бир котибага қаради. Қўзибой ташрифи охирлаб қолганини дарҳол тушунди ва хонани тарк этди.

– Қутлуғ бўлсинми, жуда чиройли экан! Дидинг чакки эмас! – деб қўйди Бошлик пиёладан чой ҳўпларкан.

– Бошқаларнинг диди қатори-да! – деди котиба ишва билан жилмайиб.

– Ясан-тусан бўлакча, тинчликми ахир? – деб сўради Бошлик қув табассум қилиб.

– Бугун қанақа кунлиги ёдингиздан кўтарилдими? Авваллари ҳеч эсингиздан чиқмасди! – дея ўпқаланди котиба.

– Хабаринг бор, кейинги пайтда ташвишлар кўпайиб, ҳаёлим паришон бўлиб қолди! Еган овқатим ҳам эсимда турмаяпти, – дея Бошлик гавдасини орқага ташлаб, ҳаёл ўйга толди.

Ишонасизми, шу пайт котиба чойнакни намоишкорона нари суриб, ҳеч тап тортмасдан стол устига ялпайиб ўтириб олса денг.

– Муғамбирлик қилманг! Жигимга тегиш учун атайин шундай деяпсиз – билиб турибман!

– Оббо, энди ҳол-жонимга қўймайсан, шекилли, – дея Бошлик ўрнидан туриб, дераза томонга қараб юрди ва сумкадан кичкинагина қизил кутичани олиб, тантанали равишда котибасига узатди. – Бу кунни унутиб бўларканми?! Туғилган кунинг билан!..

Котиба кутичани кўриб, кўзлари порлаб кетди ва дик сакраб стол устидан пастга тушиб, шоша-пиша уни кўлига олди ва ичини очди.

– Унутмаслигингизни билардим! Худди шунақасини орзу қилардим, раҳмат! – дея тилла узукни бармоғига солиб кўрди.

– Қуруқ раҳматнинг ўзи етарли эмас! Билсанг, эрталабдан буён шунинг дардида юрибман! Дўкон кезавериб тилим осилиб қолди! – деб Бошлик кўп азият чекиб елиб-югургани хусусида тушунтириш бераётганди, кутилмаганда эшикнинг очилиши унинг гапини бўлиб қўйди.

Бошлик истамайгина, хушламайгина ўша ёққа ўтирилди. Буни қарангки, боя қабулхонада мудраб ўтирган чол эшикни ланг очиб, ҳассасини дўқиллатиб ичкарига кириб келаётганди! Унинг бемаврид ташрифидан Бошлик тажанглашди: бу тарбиясиз ёввойилар қачон тартибга ўрганишади?!

– Ҳой, отахон, қаяққа?! – дея котиба унинг йўлини тўсишга уринди, аммо чол аёлни писанд қилмади.

– Саҳарлаб қабулга ёзилганман, кутавериб ҳолим қолмади! – дея у атрофга аланглади.

Рухсатсиз кириб келгани камлик қилгандай, қўйиб берса, ёнгинасидаги курсилардан бирига ўтириб олишдан ҳам тоймасди бефаросат! Яхшики, Бошлик чакконлик қилди ва бунга йўл қўймади.

– Ўша жойда тўхтанг! – деб буюрди у қовоғини солиб. – Гапираверинг, қулоғим сизда!

Қария ўтиришга рухсат берилмаслигини тушуниб, ҳассасига қулайроқ таяниб олди.

– Хуллас, мен сенга айтсам, болам, – деб гап бошлади чол, – хирмоннинг орқасида ёлғиз ўсган бир туп садақайрағоч бор, ўтганда-кетганда кўзинг тушгандир, хойнаҳой. Ўша қайрағочни бултурмикан, ундан олдинги йилимикан, қачонлиги аниқ эсимда йўқ...

Тузукрок эътибор берса, қариянинг боши тўхтовсиз тебраниб турар экан ва оёқ-қўли ҳам айна шу маромда қалтираркан. Бошлиқ энсаси қотиб ўйлади: “Бечора жуда пишиб қолибди-ку! Қаёқдаги ўткинчи машмашаларни деб, арз-дод қилиб, идорама-идора югуриб юргунча, бундоқ ўзига қараса бўлмасмикан?” Бошлиқ ана шундай мулоҳаза борди ва унга астойдил кулоқ солаётган бўлиб жим қотиб турди, кейин қайноқ-қайноқ чой хўплади-да, қотибасига бир қараб қўйди.

Котиба деганимиз хипча-ю новчагина эди, унинг ёнида Бошлиқ жуда пакана ва ҳатто пачоккина кўринарди. Иккови ёнма-ён турганда, бу хушқад жувон худди ўз раҳбарининг салобатига путур етказаётганга ўхшарди. Улар ёлғиз қолишгандагина ўрталаридаги тафовутни сезишмасди. Бундай пайтларда икковлари тўйиб суҳбатлашишарди, чакчақлашишарди, ҳатто хандон отиб кулишарди, хуллас ҳаммаси мумкин бўларди. Бегоналар борлигида эса жуда ўнғайсизланишарди. Шу боис котиба Бошлиқнинг нигоҳидаги ишорани дарҳол укди-да, ташқарига чиқди.

Ишга алоқадор ҳеч бир нарсани назардан четда қолдирмайдиган Бошлиқ вақт тушга яқинлашаётганини ҳам эсдан чиқармади; деразанинг бир қанотини очиб, бошини чиқариб, ён томонга кўз ташлади. Ўша ёқда – бинонинг давомида ошхона жойлашган, олдида пастқам ва кўримсиз айвонча, девори ва ёғочлари тутундан қорайиб кетган; ўчоқ бошида қоровул ўт қалаётганди. Ошпазлик ҳам унинг зиммасида.

– Тушликка масаллиқ етарлими? – деб сўради ундан. – Кўзи гўшти олиб келиб бердими?

– Ҳа, аммо ёғимиз озроқ қолган экан, – деб жавоб қайтарди қоровул ва Бошлиқдан кўрсатма кутиб, унинг оғзига тикилди.

– Бугунча борини эпла, эртага бир гап бўлар...

Бошлиқ яна чой қуйиб ичиш мақсадида стол устидаги чойнакка яқинлашаётганди, ўзига бакрайиб қараб турган чолга кўзи тушиб қолди.

– Сиз давом этаверинг, тўхтаманг, вақт кетяпти! Бизнинг ҳар бир дақиқамиз ўлчовли! – деди бармоғини осмонга ниқтаб.

– Кейин оқсоқол билан маслаҳатлашдим... – дея чол узилиб қолган гапини давом эттира бошлади.

– Шунақами? – дея қўйди Бошлиқ ва чойнакни баланд кўтариб, шариллатиб пиёлага чой қуйди, аммо қайноқлиги боисми, ичишга шошилмади-да, яна дераза олдида борди.

Йўл-йўлакай бурчакдаги кўзгуга бир назар ташлаб ўтди: бўйинбоғи тўғри турибдими-йўқми – шунга кизиқди. Хайриятки, ҳаммаси жойида экан: кўнгли тўлиб, деразадан ўзалиб ташқарига қаради.

– Ҳой! – дея тагин қоровулга гап қотди. – Гуручни битталаб тер, тоши ўтиб кетмасин! Иштаҳа билан овқатланаётганда, қарсиллаб тишингга тош тегишидан ёмони йўқ!

– Хавотир олманг, ўзим кўриб чиқаман! – деди қоровул.

Бошлиқ кўнгли тўқ, пиёладаги чойни ичиш мақсадида стол олдида қайтди. Шу тобда чолнинг жимиб қолганини пайқади. Тезгина унга қаради.

– Гапираверинг! – деб қўйди.

– Нимани? – хайрон бўлди қария.

- Қанақа муаммо билан келгансиз, шуни айтасиз-да!
- Ҳаммасини айтиб бўлдим-ку!
- Э, шунақаи? – дея Бошлиқ зўрма-зўраки илжайди. – Буни қаранг-а, қандай ажойиб! Унда сиз бўшсиз, чиқишингиз мумкин!
- Энди бу ёғи нима бўлади?– дея яна мижговланди чол.
- Кутасиз! – деди Бошлиқ қатъий оҳангда.
- Кўп кутаманми? – деб қайта сўради чол.
- Бошлиқнинг пешонаси тиришди.
- Неча ёшдасиз? – деб сўради у.
- Саксон еттида!

– Жуда соз! – деб юборди Бошлиқ, алланечук қониқиш билан. – Сиз кўп кутмайсиз, масалангиз ҳал бўлишига жуда оз қолибди! Ҳадемай бир йўла барчасидан қутуласиз! Тез фурсатда у ёқдан хабар келиб қолса ҳам ажаб эмас!

Қария унинг киноясига тушунмади ва меровланиб турди; қайта савол беришга энди ўзида ҳам ҳафсала қолмади-да, кетишга чоғланди. У ҳассасига таяниб, довдираб аранг бурилиб олди. Яхшики, котиба кузатиб турган экан, қарияни кўлидан тутиб, ташқарига чиқариб қўйди. Кейин Бошлиққа юзланди.

- Навбатдагиси кираверсинми? – деб сўради у нимтабассум билан.

Бошлиқ пиёладан чой ҳўплаётганди, негадир тўхтаб қолди ва котибасига кўз қирини ташлади.

- Нима, мени ақлдан оздирмоқчимисан?! Бирпас нафас ростлагани ҳам қўймайсан-а! – деб жеркиб берди у. – Ўзим чақираман, кутиб туришсин!..

Котибаси чикиб кетгач, Бошлиқ оромкурсига ястаниб ўтириб олди-да, чой ичиш асносида – вақт бекор кетсинми, ўз ишларини хаёлан тафтиш қила бошлади. У зўр қониқиш билан ўйлади: “Нима бўлганда ҳам, халқ менга ишонади ва ҳурмат қилади, акс ҳолда, қабулхонада соатлаб навбат кутишмасди, ҳузуримда дарду ҳасратини тўкиб солишмасди; уларни эшитмаслигим мумкин – буниси аҳамиятсиз, муҳими арзларига кулоқ тутаётган бўлиб кўринишни эпласам бас, шунда улар тўлиб кетган ва тарс ёрилишга келган юракларини бўшатиб олишади-да, анча енгил тортишади. Ҳатто бир муддат ўзларини бахтли ҳис қилишлари ҳам мумкин. Ҳузуримга келувчиларнинг бор мақсади ҳам шу-да аслида, бошқа яна нима ҳам бўлиши мумкин?! Қолаверса, бундай имконият тагин қаерда бор?!”

* * *

Эшикнинг ғикиллаб очилиши хаёлини бўлди. Хонада Қўзибой пайдо бўлди. Буни қарангки, у ваҳима ичида қалтирар, алланечук саросимага тушганди.

- Ўртоқ Бошлиқ, сизни ташқарида чақиришяпти! – деди у ранг-кути ўчган ҳолда. – Чиқаркансиз...

Ёрдамчисининг бемаврид келгани майли, рухсатсиз кирганига ҳам чидаса бўлади, лекин илтифотсизлик қилишини қандай тушуниш керак?!

- Ким экан у менга буйруқ берадиган?! – дея ўшқириб берди Бошлиқ жаҳли чиқиб.

- Биттаси... – дея олди Қўзибой ночор киёфада.

- Қанақа гапи бўлса, ўзи келсин! Каттачилигини қара-ю! Қолаверса, навбат билан кирсин! Тартиб ҳаммага бир!..

Қўзибойнинг афти бужмайди, йиғламоқдан бери бўлиб турди.

– У... навбатда туролмайди, – деди ёрдамчи ҳолсизланиб. – Кейин... ичкарига ҳам киролмайди, ўзингиз чиққанингиз маъкул...

Бошлиқнинг тепа сочи тикка бўлди, ғазаби қайнаб ўрнидан туриб кетди.

– Киролмайди деганинг нимаси?! Ё эшикка сиғмайдими?! – деб жеркиб бақирди у.

– Эшикка сиғмаса майли эди, у бутун бошли бинога ҳам сиғмайди!.. – деди Қўзибой киприкларини тез-тез пирпиратиб.

У кичкина бошини елкалари орасига тортиб, ғарибгина бўлиб турарди; овози ҳам синиқ эди.

– Бундан чиқдики, хузуримга дев ташриф буюрибди-да! – деб тажанглашди Бошлиқ.

У тоқатсизланиб, қўлларини орқага қилиб хонада нари-бери юра бошлади. Қўзибойнинг гап-сўзлари-ю недандир қўрқувга тушиб, қалтираб довдирашлари ўзининг мансаби-ю обрўсига нисбатан бориб турган ҳақорат эди. Энг ишончли ходими арзимаган муаммо сабаб чорасиз ва нотавон ҳолда кўриниши унинг энсасини қотирди.

– Шундоқ деса ҳам бўлади...

– Алжирашни бас қил! Туппа-тузук ақлдан озибсан! Бошингни совуқ сувга тик, сал ўзингга келасан! – дея вазоҳат билан бақирди Бошлиқ. – Мен билан бекинмачоқ ўйнашга кимнинг ҳадди сиғди?! Билиб қўй: қаршимдан чиқадиган ҳар қанақа зўравоннинг бўйини синдираман!

У жаҳли чиқиб столни зарб билан муштлаган эди, чойнак билан пиёла шарақлаб барабар кўтарилиб тушди. Бошлиқ овозини яна ҳам баландлатиб ўшқирмоқчи эди, лекин гапи оғзида қолди; шу тобда деразанинг иккинчи қаноти ҳам тарақлаб очилиб, кучли зарбдан ойналари чил-чил синди ва етмиш бўлак бўлиб кетди. Ё ажабки, хона ичига узун, йўғон дарахт шохи кириб борарди. Энг даҳшатлиси, унинг айриси узая-узая Бошлиқнинг нақ ҳиқилдоғига қадалди. У кўз ўнгида кечаётган ажабтовур ходисани дабдурустдан ақлига сиғдиролмади; қўрқувдан кўзлари олайиб, оёқ-қўли дағ-дағ титрай бошлади; бояги вазоҳату дағдағадан асар ҳам қолмади.

– Вой-дод! Қутқаринглар! Ҳой, ким бор?! Ер ютгур, Қўзи, қай гўрда колдинг?! – дея жон ҳолатда бақирди Бошлиқ.

Бахтга қарши, Қўзибойнинг ҳам капалаги учиб кетганди, унга ёрдам беришдан ожиз эди; ҳар дақиқа ҳозир у нозир ёрдамчиси айни дамда худди ўзи каби қўмак, далдага муҳтож бўлиб, бакрайиб қотиб турарди. У бошлиғига ёрдамлашиш тугул, кимирашга ҳам журъат этолмасди.

– Бекорга чинкиряпсан, додлашдан фойда йўқ! – деган йўғон ва ёқимсиз овоз эшитилди. – Сени ҳеч ким қутқара олмайди!

Дарахт шохининг айриси қаттиқ қисилиб, юқорига кўтарилган эди, Бошлиқнинг оёқлари ердан узилди. У жон талвасасида иккала қўли билан айрига ёпишиб типирчилади, аммо ҳаракатлари бесамар кетди. Зеро, чинор – САОнинг чангалидан қутулиш амримаҳол эди.

– Ҳали шунақа зўрмисан?! Қани, бу ёққа чиқ-чи, бир гаплашиб олайлик! – дея у бақувват шохлари билан Бошлиқнинг бўйнидан қаттиқ қисиб, ташқарига тортиб чиқарди. Шовқин-сурондан хавотирланиб хонага шошиб кирган қотиба бошлиғининг учиб кетаётганини кўриб, хушидан айрилиб, Қўзибойнинг оёқлари остига шилқ этиб йиқилди. Ёрдамчи деганимиз узала тушиб ётган жувон бечорага қараб ҳам қўймади; унинг ҳоли эса фақат ўзига аён эди.

Чинор – САО Бошлиқни намоишкорона юқорига кўтарди. У терак бўйли баландликда дарахт шохида осилиб турарди; калта оёқларини тўхтовсиз типирчилатар ва даҳшат ичида дод соларди.

– Бошлиқ деганлари сен экансан-да! – деди чинор – САО. – Кечирасан, хузуригга ўзим кириб боролмадим. Мен бесўнақайманми, ё бино кичиклик қилдими, хуллас, идорангга сиғмадим... Мени танияпсанми?

Бундай ҳолатда кўркувдан юраги ёрилаётган Бошлиқнинг тили калимага келмай ранги бўзариб-гезариб бош тебратди. Чиқмаган жондан умид, зора фойдаси тегса, деган ҳаёлда тутила-тутила:

– Қай... қайда... дир кўр... ганман, – деб қўйди.

Чинор – САО уни пастга туширди-да, айрисини бўғзидан тортиб олди. Бошлиқ ҳолдан тойган эди, гавдасини букчайтириб иккала қўлини тиззаларига қўйиб турди; сал тинчланган бўлди ва совуқ тер босган юз-кўзларини кафти билан артди, қизариб кетган бўйинини сийпалади. Кейин чинор – САОга ёқиш мақсадида:

– Кўзимга иссиқ кўриняпсиз, – деди.

– Хўш-хўш?..

– Ҳа-а! – деди Бошлиқ ненидир эслаган каби. – Тўйчининг тўйида бирга бўлганмиз! Э, йўқ! Ундай эмас! Мабодо, кеча мажлисда ёнма-ён ўтирмаганмидик?

– Валдирама! – деди САО аччиқланиб.

– Чехрангиз жуда таниш, аммо... узр, кимлигингизни негадир эслаёлмаяпман. Хаяжонланганимдан бўлса керак! – дея Бошлиқ бошини қашиди.

Чинор уни ортиқ саволга тутишни истамасди, чамаси Бошлиқдан жўяли бир фикр чиқишига кўзи етмади.

– Танимасанг, таниб ол: мен боғ ёнидаги минг йиллик чинорман! – деди у тантанали равишда.

Бошлиқнинг сал кўнгли жойига тушди; хиёл чехраси ёришиб, лабларига умидбахш табассум тўлқинлари ёйилди. “Буни қарангки, кўрққанимиз ўзимизга қарашли чиқиб қолди; бегона эмас экан-ку, озроқ юзхотир қилар”, деб ўйлади.

– Э-э, ҳа-а! Тўппа-тўғри! Сиз бизнинг ноёб дарахтимизсиз, танимаганимни қаранг! – деди Бошлиқ. – Хўш, хизмат? Биздан нима ёрдам керак?

Бошлиқ бўйинбоғини тўғрилаш асносида яна бўйинини силаб қўйди. Идора томонга бир кўз ташлаб ўтди: “У ёқда нима гап экан? Мабодо, биронта нажоткор топилиб қолмасмикан?” Аксига олиб идора ёнида ҳеч ким кўринмасди, аллакимлар деразадан ва эшик тирқишидан ваҳима ичида шу томонга қараб турардилар. Чамаси, улар ҳам ёрдамга муҳтож эдилар.

– Мен сенга айтсам, битта жойда қотиб туриш жонимга тегди! Хуллас, саёҳатга чиқмоқчиман, олам кезмоқчиман! – деди чинор – САО салмоқлаб.

“Дарди шу экан-ку, дунёни остин-устун қилиб юборди-я! – дея кўнглидан ўткази Бошлиқ. – Бунинг истак-хоҳиши маълум; озроқ хушомаду иззат-хурмат ва яна йўлни кўрсатиб юборилса бас!”

– Жуда соз-да! Ахир баъзида ҳордик чиқариб туриш ҳам керак-да! Текин йўлланмага нима дейсиз?

– Ёрдамингга муҳтож эмасман! – деб чўрт кесди чинор – САО. – Бунинг учун келмадим! Мени танидинг, боғнинг қоровули “кекса боғбонни” ҳам танисанг керак?

– Таниганда қандоқ! – деди Бошлиқ ва яна идора томонга кўз қирини ташлади: қабулга келганлар деразадан кўркув аралаш хаяжон билан шу томонга мўралашаётганди; улар олдида ноқулай бўлса ҳам, қўллари кўксида, мулозамат кўрсатиб турди.

– Боғни тарк этганим учун чолни айблама! Барчасига ўзим сабабчиман, унга итоат этмадим! Хуллас, боғбонни тинч қўй!

– Гап йўқ! Ҳаммаси сиз айтганингиздай бўлади.

– Сендан илтимосим фақат шу! – дея САО енгил хўрсиниб қўйди. – Балки бир кун ўзим қайтиб келарман; яна ким билади дейсан!..

У баҳайбат гавдасини силкитиб вазмин тебраниб олиб, йўлга тушди; аста одимлаб қир томонга қараб кетди. Бир муддат ундан кўз узмай турдим. Биласизми, чинор-САОнинг ҳаракатлари бизнинг дунёмизга сира мос келмасди, унда қандайдир номутаносиблик бор эди – ана шуниси ҳаммани тахликага солиб қўйганди. Бизга таскин берадиган томони Чинор – САО узоқлашгани сайин хавф-хатар ҳам ортга чекинаётганди.

Ўзимни анча хотиржам ҳис қилдим, аммо ундан хавотирлигим аримади. Бизнинг дунёмизга мослашмаган бўлса, яна қандай муаммоларга дуч келар экан, деб ўйладим. Ҳар нечук бир муддат дўст тутиндик, ҳеч йўқ хайр-хўшлашиб қўймадим-да! У боши оққан томонга кетди, биз бошқа учрашмасак керак, деб кўнглимдан ўтказдим, бироқ бундай бўлиб чиқмади.

* * *

Бошлиқ енгил нафас олди; кийимларини тартибга келтирди, ҳар ёғини пайпаслаб-силаб, бўйинбоғини қайтадан тўғрилади. Кейин кал бошининг четидаги тарови бузилган сийрак сочини сиполик билан текислади. Шунинг баробарида: “Кетсанг кетавермайсанми, менга нима! – деб тўнғиллади. – Демак, боғда бир дарахт ғойиб бўлган, яъни қонун бузилган! Жиноят содир этилса бас, жиноятчини ўзимиз топиб оламиз!”

Арзга келганлар ваҳима ичида тумтарақай қочиб кетишган, қабулга ҳам ҳожат қолмади. Бино ичидан энг охирида Қўзибой чиқиб келди. У бошлиғига ёрдам беролмаганидан ўзини айблаб, ҳижолат тортиб турди-да, котибасининг сал ўзига келиб қолгани ҳамда аҳволи яхшилиги хусусида минғирлаб ахборот берди. Бошлиқ унга қулоқ ҳам солмади, хўмрайиб қараб қўйди, холос. Бироздан сўнг:

– Бу қанақаси, Қўзи?! – деб гап бошлади. – Кўрганларимиз ўнгимизда бўлдимиз, ё эртақлар оламига тушиб қолдикми?

– Ростдан ҳам ҳеч ақл бовар қилмайди! – деди Қўзибой. – Бунақаси етти ухлаб тушимга кирмаганди! Қабулга келганларнинг ўтақаси ёрилаёзди! Ҳаммаси ҳар ёққа қочиб қолди!

– Терак сотишни кейинга сурамиз, бу ёқда тайёр ўлжа чиқиб қолди! – дея у кўрсаткич бармоғи билан “қора тулпор”га имо қилди.

Қўзибой бошлиғининг ҳар бир ишорасини сўзсиз тушунарди, дарҳол ишга киришди: “Волга”га ўт қўйиб, буриб келиб, шундоққина хўжайинининг ёнгинасида тўхтатди. Бошлиқ орқа ўриндикқа ўтирди. Сезиб турибманки, улар тўппа-тўғри бизнинг боғимизга боришади. Шунинг учун мен ҳам тезликда ўша ёққа равона бўлдим. Муаммолар тугаб битмаганди, ҳали ўйламасдан қилган ишимнинг бадалини тўлашим керак эди. Дала сўқмоғи бўйлаб оёғимни қўлимга олиб югурсам ҳам, улардан кейин етиб бордим, албатта.

* * *

Бобом кутилмаган меҳмонлар келишини олдиндан сезганми, аллақачон оёққа турганди. Унинг ранг-рўйи бир ҳолатда, эс-хуши жойида эмасди; кўзлари

маъносиз боқар, ниманидир йўқотгандай атрофга аланглар эди-ю, ўша нарсани ҳеч тополмасди.

Бошлиқ теварагида уюм-уюм тупроқ сочилиб ётган ўранинг тепасига борди; узалиб унинг тубига назар ташлади.

– Адашмасам, шу ерда каттагина чинор бор эди, ҳозир негадир кўринмаяпти, ё кўзим ўтмаяптимики?! – дея у бобомга таҳдидли назар ташлади.

Бошлиқнинг талмовсирашидаги ўткир кинояни бобом тушунмади ва бир менга, бир ўрага қараб турди. У айна ҳолатга изоҳ тополмай қийналарди. Дарҳол тош босадиган тузукроқ важ топиш керак эди, лекин калласига ҳеч вақо келмасди.

– Ғойиб бўлди, – деб тўнғиллади у ниҳоят.

– Нима?! – деди Бошлиқ кўзлари олайиб. – Ўйлаб гапиряпсанми?! Эсинг жойидами ўзи?! Бошимни қотирмасдан чинорни кимга сотганингни айт! Тўғриси гапирсанг, айбинг енгиллашади! Акс ҳолда, аяб ўтирмайман!

– Уни сотганим йўқ, Худо ҳақи! Ўзи кетиб қолса, менда нима айб?! – деди бобом койиниб.

– Бас қил! Бу гапингга ким ишонади?! – дея Бошлиқ ёрдамчисига маъноли қараб олди. – Қўзи, қоғоз-қалам ол-да, зудлик билан ҳолатни расмийлаштир!

Боядан бери можарога аралашмасдан одоб сақлаб турган Қўзибой ўзига навбат текканини дарров тушуниб, гарданига юклатилган вазифани бажаришга киришди. Аввал бобомни бир четга тортди-да, паст овозда тушунтириш ишларини олиб борди.

– Отахон, сиз содир этган жинойатингизнинг қўламини тўғри баҳолай олмайсиз. Бу чинор оддий дарахт эмас, эътиборингиз учун у махсус рўйхатда туради. Шунчаки ғойиб бўлиб қолиши асло мумкин эмас. Бунинг учун кимдир жавобгарликка тортилиши керак. Хатга тушдинг – ўтга тушдинг; бошим балога қолмасин десангиз, дарҳол чорасини кўриш лозим. Мен Бошлиқни мурасага чақириб кўраман, аммо қуруқ қошиқ оғиз йиртади – пича кичинмасангиз ҳеч иложи йўқ.

Бобом унинг муддаосини дарров тушунди, зим-зиё қоронғилик ичида милтиллаган шуъла кўрган каби шошиб қолди.

– Қанча сўрайсан? – деб дангал сўради у.

Қўзибойнинг юзига ясама табассум ёйилди, Бошлиқ томонга зимдан назар ташлаб қўйди-да, оғзини бобомга яқинроқ олиб борди.

– Жуда зийрак экансиз, отахон, – деди у. – Масаланинг моҳиятини осонгина тушуниб етдингиз. Энди бу ёғи от билан туя бўлармиди! Ўзимизникисиз, сизга енгиллик яратайлик, от билан бузоқ бўла қолсин! Шу билан иш битади, биров сизни безовта қилмайди!

Қўзибой деганимиз бисотимиздаги бор туёқни аллақачон сарҳисоб этиб улгурганди. Бобом ўсиқ қошларини кериб, унга илкис қаради.

– Ўлсам ҳам Қашқани бермайман! – деди у қатъий оҳангда.

Ёрдамчи хўжасига яна бир қараб олди, Бошлиқ чолнинг қайсарлигидан илҳақ бўлмаяптимики, дея бироз саросимага тушганди.

– Мен сизга энг тўғри йўлни таклиф этяпман, фойдаланиб қолинг, – деб шивирлади Қўзибой бобомнинг қулоғига. – Акс ҳолда, жавобгарликка тортилишингиз тайин. Шу ҳайвонлар жонингиздан азизми?

Бобомга ташвиш орттирганим учун ўзимни айблардим, албатта. Бечорага жуда раҳмим келарди, бироқ унга қандай ёрдам беришни билмасдим. Қолаверса, кўз тикканимиз шу туёқлар, уларнинг қўлдан кетиши оиламиз учун чинакам фожиа эди. Бунга чидаб тура олмасдим.

– Чинорни бобом сотмаган ахир! Нега тушунмайсизлар! – деб чинқирдим.

– Энди бу аҳамиятсиз! Муҳими, дарахт ўз ўрнида йўқ, жавобгарлик эса сенларнинг бўйинида!.. – дея Қўзибой яна бобомга юзланди. – Ёшингиз ҳам бир жойга бориб қолибди, ўзингизга раҳмингиз келсин, жонингизга жабр қилманг!

– Пешанамда борини кўраман! – деди бобом умидсизликка тушиб.

– Жавобгарликдан қочиб қутулиб бўлмайди! Сизга жуда ачинапман! Хўп, майли, яна ёнбосаман: отни бермасангиз, ҳеч йўқ бузоқни қурбон қиласиз!

Бобом четроқда турган Бошлиққа хўмрайиб қаради, чамаси у бузоқдан воз кечишга тайёр эди. Шундоқ ҳам бўлди: бобом хомуш бош силкиб қўйди.

Қўзибой Бошлиқнинг ёнига пилдираб бориб, унинг қулоғига аста шивирлади; чамаси ёрдамчи хўжайинидан шу қурбонлик билан қаноатланишни сўраётганди. Бошлиқ бош чайқади ва ҳадеганда мурасага юравермади; айна таклиф унга ёқмаётганди, ахир қармоғига илинган ўлжа анчайин салмоқли деб ўйлаганди-да.

– Бу бўладиган иш эмас! Ортиқча ғалва кимга керак?! – деб тутатди у. – Ўзи шундоқ ҳам муаммолари кўпайиб кетяпти! Одамларнинг бебошликлари етмагандай энди қаёқдаги шох-шаббалар ҳам дўк-пўписа қияпти! Бунақада менинг обрўйим қаёқда қолади?! – деяётганди, калта ва йўғон бўйини кимдир сийпалаб ўтгандай бўлди.

Бошлиқ аччиқланиб жаҳл билан ўгирилди-ю, қотиб қолди, чунки тепасида ўша баҳайбат дарахт вазмин чайқалиб турарди! На қадам товуши эшитилди, на бирон шарпаси – худди осмондан тушгандай тўсатдан пайдо бўлди-қолди. Бошлиқнинг эси чиқиб кетаёзди. У ўзини ҳимоя қилиб, жон ҳолатда орқага тисарилаётганди, бир уюм тупроқ устига йиқилиб тушди; шу кўйи ёнбошлаганча дарахтнинг танасидан тортиб, то учигача тезгина кўз югуртириб чиқди.

Чинор – САО бироз энгашган бўлди.

– Мен ҳақимда бир нима дедингми?

– Асло! Бунга қандай ҳаддим сиғади?! – деди Бошлиқ шошиб ўридан тураркан.

– У ҳолда бу ерда нима қияпсан? Ё чолнинг бошини оғритяпсанми?

– Йўқ-йўқ, шунчаки ҳол-аҳвол сўраб ўтмоқчи эдим! – дея Бошлиқ тезгина бобомга қаради, чамаси гапини тасдиқлашидан умидвор бўлди.

Бобом яна бир қутилмаган ташрифдан хангу манг эди, меровланиб турарди; тайинки, у Бошлиқнинг илтижоли нигоҳига аҳамият берадиган ҳолатда эмасди.

– Бунга кара-я, кетишим билан боққа йўл олибсан-да! – деди чинор – САО. – Қўзинг ўйнаб турган эди-я, ниятинг бузуқлигини ўшандаёқ сезгандим.

– Мени ногўри тушунибсиз... – дея Бошлиқ ўзини оқлашга уринаётганди, чинор – САО чўрт кесиб қўйди:

– Важ кўрсатма, барибир ишонмайман!

– Раҳм қилинг, болаларим бор...

– Бунга болаларингни аралаштирма! – деди чинор – САО. – Майли, сенга яна бир имконият бераман! Қарияни безовта қилмасанг бас, ҳаётингга аралашмайман! Тагин ўз билганингдан қолмасанг, сени энг юқоридаги шохимга илиб қўяман, умрингнинг охиригача ўша жойда осилиб турасан! Тушундингми?!

– Тушундим-тушундим! – дея Бошлиқ миннатдорлик тариқасида қўлини кўксига қўйди.

– Унда дарҳол бу ердан даф бўл! Бошқа кўзимга кўринма! – деб буюрди чинор – САО.

Бошлиқ сафари қариганини сезиб, ёрдамчисига ишора қилди ва биргаликда “қора тулпор”га ўтириб, ўша заҳотиёқ жўнаб қолишди.

Чинор – САО ҳам кетишга чоғланиб, ўрнидан кўзгалди. Мен яна бир бор уни инсофга чақирмоқчи бўлдим.

– Кўриб турибсан, ножўя хатти-ҳаракатларинг ҳаммани саросимага солиб қўйди! – дедим унга. – Ҳали ҳам кеч эмас, ҳозирок аҳдингдан қайт! Агар билсанг, бебошлик қилиб, ўз ҳаётингни хатарга қўймоқдасан! Одамлар сенинг хатти-ҳаракатларингга жим қараб турмайдилар; ўзлари кўниккан турмуш тарзининг бузилишини сира ишташмайди, асло бунга рози бўлишмайди! Тайинки, ўзбошимча чинорни майда-майда қилиб ташлашадилар! Битта дарахтнинг увалига қоласан!

– Орзу-умидларим одамларга ёқмаса, мен айбдор эмасман! – дея чинор – САО оғир тебраниб, силкиниб бурилиб, йўлга тушди. – Қолаверса, дарахт бўлиш менга ёқяпти. Чинор ҳам ўзимизданми, бизларга ўхшаб узоқ яшаркан. Ишончим комил, қандайдир боғлиқлигимиз бор! Қариндош чиқиб қолсак ҳам ажаб эмас!

– Шундай бўлиши мумкинми?! Ахир биз бошқа-бошқа дунёларданмиз! – дедим жаҳл билан.

– Тўғриси, сен менга хасад қилияпсан, саёҳатга кетаётганимни кўролмааяпсан.

– Ҳеч-да, бу гапни қаёқдан олдинг?!

– Шунақа!.. – деди чинор – САО охиста одимлаб бораркан. – Биласанми, атрофимдаги дарахтлар худди ухлаб ётгандек туюляпти менга. Бир замонлар пинакка кетишгану қотиб қолишган, ширин-ширин тушлар кўриб, умрларини ғафлатда ўтказишмоқда!

– Унда қадамингни секинроқ бос, тагин улар ҳам уйғониб кетишмасин! – деб ҳазиллашган бўлдим. – Акс ҳолда...

– Хўш, акс ҳолда нима бўлади?

– Дунёмиздаги мувозанат бузилади, тартибсизлик бошланади, – дедим хавотирим ошиб, теваракка разм соларканман: гўё шу дамда боғдаги бошқа дарахтлар ҳам ҳаракатга тушиб, қаёққадир отланаётганга ўхшаб кетди.

– Бундан чикдики, мувозанатни сақлаб туриш учун баъзи тоифадагилар ухлатиб қўйилган экан-да! Тўғри тушундимми?

– Э, жуда эзиб юбординг-ку! Сенга гап уқтиргунча, эсдан оғиш ҳеч гапмас! – дея ҳафсалам пир бўлиб, таққа тўхтаб қолдим.

– Жин урсин! – деб тўнғиллади чинор – САОва қадамини тезлатди.

– Сўнгги умидим ҳам пучга чиққанди, унинг орқасидан хомуш қараб қолдим.

Давоми бор



Дилмурод ДЎСТ

Кўнгил қайга деса, бош олиб кетсанг

* * *

Илҳомсиз ёзилган шеърдек ҳиссизман,
Туйғулар рангини йўқотди кўнгил.
Рўзгор ташвишида ҳориди таним,
Тош бағирлар ичра тош қотди кўнгил.

Худодан сўрадим...
Барини берди.
Ниятинг – йўлдошинг, дегани ҳақдир.
Бироқ дил истайди телба ошиқлик,
Қақраган юрагим ишққа илҳақдир.

* * *

Неки топдим, бариси сўз билан бунёд бўлди,
Сўзларки, гоҳ раҳмоний, гоҳ кўнгилга ёт бўлди.

“Шеър билан қорин тўймас”, деганларинг ёдимда,
Лек, қараки, сўз билан ҳаётим обод бўлди.

Бахтни ахтариб кетдинг, зебу зарлар оралаб
Оқ-қора катакларда сароб умринг мот бўлди.

Не истасанг муҳайё, лек севги йўқ, вафо йўқ...
Шулмиди муродинг, айт, наҳот шу ҳаёт бўлди?!

Дилмурод ДЎСТ – 1989 йилда тузилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. Дўрмонда бўлиб ўтган “Истеъдод мактаби” Республика ижодкор ёшлари семинари иштирокчиси. “Ташириф” номли илк шеърий тўплами чоп этилган.

* * *

Сиз ўшал ҳилолсиз, ўшал ойдинсиз,
Ҳеч кўкдан тушмайсиз. Қўлларим етмас.
Хусну латофатда ҳурдан олдинсиз,
Висол – манзил. Аммо йўлларим етмас.

Ишқ – бу дард. Кўнгилни даволовчи дард,
Кундан висол излаб Мажнунга дўндим.
Не тонг, моҳ дийдори оқшомда насиб,
Сизни кўрмоқ учун тунларга кўндим.

Сиз кўкда, мен ерда. Азал қисмат шу,
Ишқ бўйсунмас дунё тенгликларига.
Ойсиз зулмат ичра қолмасин, кўчинг
Кўнглим осмонининг кенгликларига.

* * *

Сен ҳақингда узоқ гаплашадиган
Атрофимда бирор одам қолмади.
Бари Қуёш билан ботиб кетгандек...

Мен эса расмингга термиламан жим
Ва сезаман соғинч кузранг дарахтдай
Қалбим узра томир отиб кетгандек...

Сен келмас йўлларга ёмғир бўлсин, дея
Кўзёш сочарми деб, кўзимга боқсам
Хижронзада дийдам қотиб кетгандек...

Ҳар кун узр сўрайман покиза ишқдан,
Оқламоқчи бўлсам сени, негадир
Кўринасан ишқни сотиб кетгандек...

* * *

Сени кўп ўйладим, ўйлаб соғиндим,
Елиб бораверди умр – бешафқат.
Минг рангда тусланди фасллар, аммо
Ўзгармади дилда ҳисларим фақат.

Йилларин етаклаб вақт ўтди шошқин,
Ер-осмон ўзгарди, ўзгарди иқлим.
Дўстлар ҳам ўзгарди, дўст эмаслар ҳам,
Фақат ўзгармади ишқим ва исмим.

Исмим ҳамон ошиқ,
қисмат экан ишқ...
Ўтар умр...
Юракдан ишқ аримайди.
Билдим, бу эскирган дунёю дунда
Висолсиз муҳаббат ҳеч қаримайди!

Минг бир қиёфа

Омон Мухторнинг шу номдаги романини ўқиб...

Бир ажиб қамоқхона —
Деворсиз, панжарасиз.
Бунда турфа қиёфа
Дев, орсиз, шажарасиз.

Бунда ҳеч ким ўйламас,
Маҳкумман, мазлумман, деб.
Ҳамма ўз дарди билан
Юрибди умрини еб.

Ҳукмфармо зиндонда
Гоҳ у, гоҳи бу банда.
Ҳур руҳлар нафси ила
Бандиланган ҳар танга.

Ҳар жойда бўлганидек
Бу ерда ҳам бўлиб тўп.
Бир-бирин сотмоқ бўлган
Ниқоб таққан хоин кўп.

Деворсиз, панжарасиз.
Зиндонда на ҳакам бор.
Ҳеч бандининг исми йўқ,
Фақатгина рақам бор.

Туғилган ва ўлган вақт
Қўшилиб жисм бўлмиш.
Шу рақам то қиёмат
Бандига исм бўлмиш.

Бунда ҳеч ким ўйламас,
Маҳкумман, мазлумман, деб.
Ҳамма ўз дарди билан
Юрибди умрини еб.

Ҳукмфармо бўлмоқ-чун.
Хоинлар баҳс этарлар.
Маҳкумларнинг ризқини
Сотмоқ учун элтарлар.

Маҳкумлар насибаси
Қўшни зиндонга кетар.
Неки бор бари-бари
Бу манзилни тарк этар.

Вақт кўзига қум тўлар,
Кун сайин, соат сайин.
Хоинлар иши бир кун
Ошкор бўлмоғи тайин.

Хайратланмас кўриб ҳеч,
Бунда кўзлар кўз эмас.
Ичга ютилар мудом
Ҳатто сўзлар сўз эмас.

Аждодларин унутган
Маҳкумлар – шажарасиз.
Бу зиндон шундай ажиб
Деворсиз, панжарасиз.

Хукмфармолар учун
Маҳбуснинг қиммати йўқ.
Бир тийин – темир матоҳ,
Тийинча қиймати йўқ.

Лек ҳеч маҳбус ўйламас,
Бандиман, деб ҳеч қачон.
Чунки эркинмиз, дея
Уқтиришади ҳар он.

Хуллас, тушимда шундай
Манзилда яшаб ўтдим.
Умримни минг тақсимлаб,
Минг жойга ташлаб ўтдим.

Тушимни сувга айтдим,
Сув элтар, балки сизга...
Дунё – зиндон, девори
Кўринмас сизу бизга.

Биз шундай озод тутқин,
Нафс эрур кишанимиз.
Қачон уйғонур юрак,
Ғурур, иззат, шаънимиз!?

Варракнинг армонли қўшиғи

Парвоз – тирикликдир. Маънодир – парвоз!
Эркин парвоз этсанг қушлар базмида.
Кўнгил қайга деса, бош олиб кетсанг,
Қолмасанг ҳеч қачон шамол измида.

Шунда шўнғиганда осмонга бошинг,
Завқ юракка сиғмай, ортиб қолади.
...Чиқиб кетмасин деб, шамол измидан,
Пастдан ипни кимдир тортиб қолади.



**Ҳалима
АВАЗМУҲАММАД**

Ишонаман, мўъжизалар бор

* * *

Майда-майда ёғаётир қор,
Ҳаво тоза, ҳаво мусаффо.
Кўнглим аро аллақандай куй,
Жаранглайди бирам дилрабо.

Майда-майда ёғаётир қор,
Мен ўзимдан чиқиб кетганман.
Сен қор бўлиб ёғма ёдимда,
Анча бўлди мен унутганман.

Ёғаверсин қорлар бешафқат,
Зорланмайман, ҳеч зорлангим йўқ.
Учиб юрган қорлар остида,
Дилимдаги милтираган чўғ.

Ёғаётган қорнинг ичида,
Одам, сенинг соғинчинг оғир.
Ёғиламан қор билан бирга,
Мен Ҳаввоман, Ҳаввоманахир.

Қор ёғади, ёдингда бу тун,
Мен кетяпман ўзимга қараб.
Музлабб ўлди эҳ, қандай яхши,
Севги тўлиб қолган эски қалб.

Ҳалима АВАЗМУҲАММАД – 1959 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Кўнғил мулки”, “Кўнғил манзиллари”, “Соғинч дарахти”, “Муҳаббат ороли” ва “Жалолиддин Мангуберди” номли китоблари чоп этилган.

* * *

Алдангай аёлнинг бахтидай қаро,
Эзгин хаёлларга бурканади тун.
Осмон юрагидан титраниб чиқар,
Ой қувғин қилинган қадимий афсун.

Дераза ортида туриб ўйлайман,
Ишқимни қаерда йўқотган эдим.
Сукунат ичидажаранглаб кетар,
Нью-Йорк осмонига сиғмас соғинчим.

Юрагим ичида ғичирлай бошлар,
Тиғи ўткир ҳамда қиррали бир тош.
Жисмига оғирлик қилади ҳозир,
Қайғумдан ситилиб чиқаётган ёш.

Аммо йиғлагим йўқ, кўтаргум бошни,
Мени танимайди ғариб илинжим.
Яна жаранглайди ошиқ юрагим,
Ишқимни қаерда йўқотган эдим.

* * *

Йигитлари жасур, қизлари ўктам,
Бағрикенг, ҳар бири одилу хотам.
Ҳа қайтар, бошига қилич келса ҳам,
Марду майдони бор Қорақалпоқнинг.

Ҳеч ўчмас номи бор тарих тошида,
Кўк жилмайиб турар мудом бошида.
Эртаси битилган бахт қуёшида –
Нурдан айвони бор Қорақалпоқнинг.

Ажиниёз ҳикмати ҳар дилда ниҳон,
Орзулари каби дашти-бепоён.
Иброҳим Юсуфлар айлаган баён,
Порлоқ довони бор Қорақалпоқнинг.

Тўлипберган айтган тарих улугдир,
Ўтган кунлар бари дил узра туғдир.
Бугуни мунаввар, тонги ёруғдир,
Катта имкони бор Қорақалпоқнинг.

* * *

Кўнар сани англагандайман,
Кўп нарсани тушундим бесўз.
Ҳаёт таъмин ҳис қилдим бешак,
Ўлим билан келиб юзма-юз.

О, кимлардан қолмаган дунё,
Гоҳ атадим уни бир қафас.
Онажон, деб атадим уни,
Юрагимга ураркан нафас.

Ношукурмиз азалдан бизлар,
Йўқдир бизда сабру қаноат.
Гинам йўқдир сендан, эй дунё,
Аразлама, сен биздан фақат.

Кечагина суҳбат курганим –
Аёл кетди дорул бақога...
Қолганларни асрагин дея
Ёлвораман кодир Худога.

* * *

Ишонаман, мўъжизалар бор,
Юрак ўйнар рангин, зиёда.
Ғариблашиб кетарди ҳаёт –
Бўлмасайди улар дунёда.

Кўп алданиб, адашдим гоҳо,
Талаб кетди кўнглимни ағёр.
Ўлар эдим, лек мўъжизанинг
Нажотида тирилдим минг бор.

Яшаяпман унга ишониб,
Ва Эгамнинг ҳайратига ҳам.
Кечагина ғуссада эдим,
Қочиб кетди алла қайга ғам.

Барқ ураркан кўзимда ҳаёт,
Қулоқ тутгум тонг қадамига.
Ва умидим чаяр юзини,
Сахархез гулнинг шабнамига.

Ишонаман мўъжизалар бор,
Кўнглим аро нурларнинг сайри.
Ёнгинамда юрганди ажал,
Омон қолдим улар туфайли.

* * *

Тикка боқиб кўзимга,
Олов кириб сўзимга.
Бир тун дедим, ўзимга:
Кетаяпсан қай томон –
Ноаёнсан, ноаён...

Дўстимсан, ғанимимсан,
То ҳануз нега жимсан?
Айт менга, ахир кимсан?
На дарёсан, на уммон –
Ноаёнсан, ноаён...

Севдинг қайғуларимни,
Ҳайдаб орзуларимни.
Сотдинг ёғдуларимни –
На замонсан, на макон
Ноаёнсан, ноаён.

Бир қучоқ кўнгил эдим,
Шудрингдаги гул эдим,
Номард узди, турдинг жим.
На исёнсан, на тўфон,
Ноаёнсан, ноаён.



Рустам ЭМИН

Гувуллайти Сирнинг шамоли

Илҳом

Баъзан сўз топмайман, баъзида имкон,
Ўзимга сигмайин қоламан бирдан.
Бўғзимга тикилиб боради жоним,
Бўш қопдай ҳилвираб туради бу тан.

Туркий луғат титиб, сўзлар кидириб,
Қоғозга сингишиб кетаман шул дам.
Рухим тарк этади гўё танамни,
Пиру комил билан бўлади ҳамдам.

Тез-тез шундай бўлар, ўзни унутиб,
Ўзга оламини мен макон тутаман.
Бирда Ҳаллож билан суҳбатга кирсам,
Бирда Румий ила эл-юрт кезаман.

Гулюзлар хаёлим тортади баъзан,
Машрабдек жўшаман улар ишқида.
Баъзан майхонанинг тўрида бўлсам,
Баъзида сузаман Аршнинг кўшқида.

Майнинг қули бўлар аҳли ижодкор,
Ёрнинг ишқида у қилади ҳузур.
Ўзини топади ўзидан кечиб,
Қочиб кетар баъзан ўзидан базўр.

Рустам ЭМИН – 1962 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “РИД”, (Рухларни излайман дунёда), “Кўнглим сувратлари”, “Дайди шамоллар”, “Эл эъзозида” номли шеърӣй китоблари нашр этилган.

Шундай сониялар, шундайин онлар,
Баъзан йиллаб уни топиб бўлмайди.
Мунир лаҳзаларни тутиб қололса,
Шоирнинг шеъри ҳам асло ўлмайди.

Ўзимга келаман кўп ҳам ўтмайин,
Дарддан фориғ бўлган онадай хушнуд.
Кўнгил бўшаб қолар, йиғлоқи кўнгил,
Унда ҳукмронлик чалар яна уд.

Сенга шукроналар айтаман, Эгам,
Шундай дард берибсан, Ўзингга шукр.
Балки яна бир байт қоғозга тушди,
Бунга сен сабабсан, яна ташаккур.

* * *

Кетмоқчими, қайтади балки,
Қайтиб келар қоғозга кўнгил.
Тушларимни бузган у малак,
Осилади мисли атиргул.

Юрагимга тортади ханжар,
Ханжарида қон изи қолмас.
Ва юракда яратар бир жар,
Бил, у жардан ҳеч ким чиқолмас.

Кетаверар, маъюс кўзлари,
Дилгинамга оғриқлар ортар.
Йиғлашни ҳам унутган кўнгил,
Нафратини бир менга сочар.

Йиғлоқи дил, билмам, қаёққа,
Қаёқларга кўмдинг юракни?
Қаёқларга отилди кўзлар,
Наҳот энди гуллар кераксиз?

Нега ҳар кун, нега савол-ла,
Тонгда кўзин очади булбул.
Наҳот яна қонга тўлади,
Осилади шохга атиргул?

Осилади, осади тинмай,
Юрагимда унган чечакни.
Наҳот менга лозим кўрмайди,
Ёлғон дунё ўшал малакни?

...Наҳот кўнгил хўрсинар ҳар тун?

* * *

Бўйин кўрсатмаган сўз бор кўксимда.
Сирожиддин РАУФ

Ярадор дил,
Изтироб – остонам.
Қалити йўқолган қасрда
Йиғлайди кўнгил,
Титрайди дир-дир.
Кўксимни ёрдилар хотиржам
Топмоқ истадилар тилло ёхуд зар
Аммо топмадилар истаганларин
Ва кетдилар кўчага ташлаб.
Керак эмас эди уларга
Гадойдек мўлтираб қолган гавҳар – Сўз
Керак эмас эди уларга!
Кетдилар, Сўз қолди кутиб кимнидир
Гавҳар Сўз, етим Сўз кутади ҳамон
Қалити йўқолган қасрда қолган
Ўша етим кўнгилни!

* * *

Қаҳратон қиш, мўъжиза ясар,
Кўз-ўнгимда ожиз парчалар
Юзларимни силайди майин,
Шамол эса найини чалар.

Шу окликка кўзим тикканча,
Баъзан ўйга толиб қоламан.
Ғижимлайман, совқотса кўлим,
Сескангандай тортиб оламан.

Шовқин солар болалар тинмай,
Чўчиб тушар ухлаган дарахт.
Бўғотларда осилиб турар,
Сумалаклар совуқдан карахт.

Ғичирлайди қадам ташласам,
Ким зор бўлган ҳосилдор замин.
Дехқон бобом кетмонин пешлар,
Эрта кунин еяркан ғамин.

Шундай, бу юрт қиши ҳам ажиб,
Бир қарасанг тиклайди ҳайкал.
Совқотгандай кўрпасин ёпар,
Элим каби очик кўл пайкал.

Гувуллайди Сирнинг шамоли,
Бу сеҳрга қойил қоламан.
Уйга кириб, печнинг ёнида,
Қоғоз узра излар соламан.

Саёҳат

Баъзан тошбакадай, баъзан шер бўлиб,
Олтмиш чангалзордан ўтиб боряпман.
Кимдан ортда қолдим, кимдандир ғолиб,
Дўстларим, чўққида бироз толяпман.

Ўзимнинг унимдан хамирим қориб,
Нон ёпдим бир-икки, борица чиқди.
Энди кулчалари йўлимга пешвоз,
Нимадир бор экан, уларга юқди.

Бу узун йўлларда кимларни суйиб,
Ортидан эргашдим, нимадир топдим.
Аввало онамдан олдим қўп ҳикмат,
Борини ўзгамас, элимга сочдим.

Устозлар ўгити дилимга малҳам,
Ҳамон содиқ қулдек юргум ортидан.
Ҳамдам, йўлдош бўлди доимий дард ҳам,
Дардни ичга ютдим, мевасин бердим.

Чойчақа улашар замонкан, ҳайҳот,
Менга ҳам кимлардир садақа отди.
Итдек олқишлашди турли томонга,
Қандай жирканчлик бу – юракка ботди.

Чидасанг яшайсан, йўқса йўл очик,
Биласан қаёнга кетишни дўстим.
Балки шунинг учун инграб Насимий,
Олчоқ оломонга топширган терин?!

Яссавий ва Машраб, сўнг Фуркат, Муқим,
Чўлпон, Қодирий ва ёшгина Усмон.
Миллатга пурвиқор устунлар бўлди,
Лек йикди баъзисин ёвуз ёсуман.

Умр ўтар экан, йўлларда кўрдим,
Миллат ҳайқиригин, қувонч, йиғиси.
Ким аччиқ куйинди, баъзан севинди,
Бўғзини тимдади халқин қайғуси.

Шукр, мен ҳам бироз тебрана олдим,
Денгиз тўлқинлари бағрига тортди.
Шу денгиз ичида ўзимни топдим,
Шу куч балки мени халқ узра отди.

...Олтмиш чангалзорда тердим ризқимни,
Олтмиш ботқоқликка оёқлар ботди.



Мансур ЖУМАЕВ

У ўтли кунларни қўмсайман ҳануз

Биз кутган фасл

Неча бор қалбингда тикладим қаср,
Айрилиқ бўрони бузди муттасил.
Нечун яна қаттиқ қиш келаётир,
Баҳор эмасмиди биз кутган фасл?!

Саҳройи севгимиз кўкарган даштим,
Соғинч ўрдасида мунча саваштим?..
Наҳот, адаштирдим, наҳот, адашдим,
Баҳор эмасмиди биз кутган фасл?!

Севилдик – севиндик, аммо ақлли
Зотлардек бўлмадик сипо шаклли,
Эртароқ нишонлаб қўйдик шекилли,
Баҳор эмасмиди биз кутган фасл?!

Азизим, асалга эврилсин заҳр:
Севгида сахий бўл, нафратда – бахил,
Баҳорга айлантир қишни ҳам, ахир,
Баҳор эмасмиди биз кутган фасл?!

Баҳор эмасмиди биз кутган фасл?!

Мансур ЖУМАЕВ – 1991 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультетини тамомлаган. “Оқ орзуларим”, “Ҳайрат қўшиқлари” каби шеърӣ тўпламлари нашр этилган.

* * *

Бир ўтли тунлардан ўтди кунларим,
бир ўтли кунларим кечди кечамда...
Энди босилдими у жунунларим?
Ҳечам-да!

У ўтли кунларни қўмсайман ҳануз,
у ёлқин ўтларда ёнгим келади
ва ҳануз
ҳаттоки сизга ҳам,
эй дўст,
ишонгим келади.

Ичимдаги урушлар

Тўлмоғинг истадим, эй умарий жом,
тўкилмоқ истадим —
тўкилгандайман:
яна шеър,
яна ишқ,
яна соз,
илҳом...
севиб қолганга ўхшайман.

Яна ривоятлар айтадир ғалат
Лев Николаевич,
Лондон,
Кафка,
Рей...
ва Шойим Бўтанинг “Шох”ин варақлаб,
мозийни пуллайди Бродвей.

Темур қаптолида сарбоз курантлар
бонг ураркан тўққиз яримга,
митти кулоқчинлар нажиб дунёдан
хабар келтирадир кулоқларимга.

“Фарсча шарқилар”¹да бир гўзал турку:
Муҳаммад Муътамид Ҳофиздан айтар.
“Узхитс нуқта нет”²,
сендан илтимос,
замонамга қайтар.

1 FarscaSarkilar — “Ютуб”даги мусикий канал.

2 uzhits.net — мусикий портал.

Етар,
оқизмасин кўздан ёшимни
устоди Муҳаммад Ризои Лутфий,
Муъину
Сиймою
Абдулхай Вафо
ва Ажмал Порсо³нинг жунуний лутфи.

Ичдан шарафлаган ашрофим ғариб,
ичим машриқдиру атрофим мағриб,
юлдузлар чирмашган дарахт пойида
кезаман қаландар Шарқни ахтариб.

Олтин гитарали олтинсоч йигит
олтин қўшиқларин сочадир жонли,
ғариб севгиларни қиладир таъкид:
“Ай нов ю вон ми ту,
ай нов ю вон ми...”⁴

Олтинсоч,
“Раъно”⁵ ни айтсайдинг,
ҳечам
иккиланмай борим бериб ғамбода,
Ботирим⁶ ҳурмати,
Югнакий⁷ гача
кетган бўлар эдим пойи пиёда.

Олтинсоч,
тушунгин,
талху шўр дарё
ўстирган қамишдан туғилган найман,
яна саҳройиман,
боз устига, о,
севиб қолганга ўхшайман.

Олтинсоч,
керакмас майда туйғулар,
қўксимда чайқалар бир умарий жом,
қўявер,
ўлдирса ўлдирсин шулар:
ишқу ишқ,
ишқу ишқ
ва шеър
ва илҳом!

3 Эрон ва афгон қўшиқчилари.

4 Қўшиқдан: Биламан, сен ҳам мени хоҳлайсан (I know You want me too).

5 Қўшиқ номи.

6 Ботир Зокиров.

7 Тошкент шаҳридаги Аҳмад Югнакий мавзеси.

* * *

Қарши даштларига сабзалар келди,
Тошкент боғларига майсалар келди...
Найзалар келдию кўксимга ботди,
кўксимга ботгувчи ғамзалар келди.

Сўз келди,
соз келди,
хуш навоз келди,
оғоч кокилига қушлар боз келди...
менинг хаёлимга гавжум давраю
тиллараг қандилу гулқоғоз келди.

Жанубдан куйдиргич бир насим келди,
шимолдан яхлаган нафасим келди...
жулдур китобимни жавонга отдим,
одамсиз кўшқларга ҳавасим келди.

Яна нелар келди?
Яна ким келди?
Дардимга на табиб, на ҳаким келди;
фақат мен ҳакимда ўйланг дейди У,
мен улар ҳақида ўйлагим келди...

Дилга довури келган ҳар ўйу ҳар ён,
Танграм,
бир чора қил,
руҳим емасин!
Бўғзимгача келди бу лойқа дарё...
Сен қачон келасан,
Нуҳнинг кемаси?!

Йигирма биринчи аср табиби

Қалбимдан ненидир юлди ҳабибим,
қолгани оҳмиди,
нолами,
войми...
йигирма биринчи аср табиби,
тузай олурмисан
қалб деган жойни?!

Руҳим қанотини кесди қарибим,
ё алам,
ё нафрат,

ё ғамдир жазо...
йигирма биринчи аср табиби,
айт,
қандай тузалгай
руҳ деган аъзо?!

На қалбсиз жасадда қолди тароват,
на руҳсиз баданда топилди маъни;
ким дейсан,
“жон қуши рам қилиб”,
фақат –
тан отига хашак берган кимсани?!

Табибим,
танамга тилаб фароғат,
насихат ўқирсан:
катбий⁸,
шифоҳий⁹;
энг аввал қалбимни қилгил табобат,
энг аввал руҳимга шифо қил.

То фалак пойимга тўшалса,
энса,
то мажруҳ заминни кўтарсам бошга...
табибим,
даво қил,
қўлингдан келса,
келмаса,
мен табиб ахтарай бошқа.

То юлуқ қалбимга қайтарсин чиндан
шабоб ҳисларимни –
содда,
самимий,
қаноти бут руҳим учсин ичимда,
йигирма биринчи аср табиби!

Нега лол қарайсан кўзимга,
бор-йўқ –
шу десам биргина ўтинч,
ўй,
тилак;
наҳотки мендайин бошқа бемор йўқ,
наҳотки табиб йўқ
ўзимдан бўлак?!

8 Ёзма.

9 Оғзаки.

Зилзила

Жужуқлар кифтида тош қўтарганда,
Менинг ҳам ингради, тўлғонди жоним.
Туркий силсилалар бош қўтарганда,
Туркий зилзилалар уйғонди, жоним.

Менинг ҳам руҳимда тургай дам-бадам
Сурёний титроқлар, туркий титроқлар.
Ишқсиз авлодларнинг дастидан пурғам
Ошиқ аجدодларим ётган тупроқлар.

Ғозиантеп каби титрадим, толдим,
Қаҳрамонмарашдек вайрондир дилим,
Ҳижрон хароботи остида қолдим,
Ковлаб олмайсанми мени, севгилим?!

* * *


Икки дунё ҳар бошда пойдор,
ҳар жуссада топган ифодат:
ҳар кўнгилда битта Худо бор,
ҳар қадамда битта ибодат.

Ҳар куртакда битта сано бор,
ҳар япроқда битта китобат;
ҳар гиёҳда битта дуо бор,
ҳар ёмғирда битта ижобат.

Ҳар киприкда битта имо бор,
ҳар абруда битта ишорат;
ҳар манглайда битта ҳумо бор,
ҳар юмруқда битта иморат.

Ҳар ёнокда битта ибо бор,
ҳар дудокда битта муҳаббат;
ҳар курсокда битта Исо бор,
ҳар бешиқда битта Муҳаммад.

Икки дунё ҳар бошда пойдор,
ҳар заррада улвий иродат:
ҳар кўнгилда битта Худо бор,
ҳар қадамда битта ибодат.



**Шукур
ЖАББОР**

Аяман дафинаси

Ҳикоя



Дунёда тиллар кўп. Буларнинг орасида оз сонли кишилар мулоқот қиладиган тиллар ҳам бор. Ҳатто Мексиканинг олис қишлоғида атиги икки киши гаплашадиган тил бўлиб, унинг номи – аяман. Энг ажабланарлиси, аяман тилида гаплашадиган ўша икки қария бир-бири билан аразлашиб қолган эди. Нафсиламрини айтганда, бундай ғалати ҳолатга бу чўтир дунё кам гувоҳ бўлган...

Аяман ҳақида эшитиб қолган лингвистика бўйича тадқиқотчилар – Харвард университети магистрантлари бўлмиш Сара Жонсон, Элла Стив ва Спенсер Руди мана икки кундирки, ўша ўжар қарияларни ўзаро гаплаштиролмай ҳалак. Қайсики, улар гаплашса, бу тилни диктофонга ёзиб олиб, таҳлил қилишар эди... Шунинг учун тадқиқотчилар бир-биридан атиги ярим чақирим келадиган масофада яшайдиган бу қарияларнинг уйига зир қатнаб, уларни учраштириш, яраштириш таъбирида парвона эдилар. Уларни учраштиришдан мақсад – қариялар бир-бири билан гаплашса тил таҳлили учун сўз ворид бўлади-да. Йўқса, айтилик, ёзиб олишсин деб чоллардан бири осмонга қараб гапирармиди?!

Қуёш чошгоҳдан ўтган пайт чўлларнинг гармселига учраган – кўринишига сафар заҳматлари уриб кетган тадқиқотчиларнинг раҳбари Николас Олби Мехикодан ижарага олган дала шароитига мослашган “Jeep” автомобилида етиб келди. У келганида ҳамма аяман тилини биладиган шимол томондаги қария Эстебан Торрознинг уйи олдида тўпланган эди. Афтидан Руди Николасга бу ерда нима бўлаётганини телефон орқали тушунтирган кўринади. Шунинг учун Николас маҳаллий аҳолига, умуман қарияларга ёқиш учун кенг барли мексикача шляпа кийиб, эгнига шу ердаги одамлар байрамда киядиган йўл-йўл рангли тайласон ташлаб олган эди. У мошинадан тушибоқ кўлидаги совға-саломларни кўз-кўз қилиб мексиканча тилда бақирди:

***Шукур ЖАББОР** – 1975 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Ошиқман”, “Мансур Халлож сири”, “Зиқна махсум” каби китоблари нашр этилган.*

– О, Амего!

Бу сўз ўжар қариянинг ғашига тегди. Унинг бу кўриниши ва ясама қилиғи чолнинг бадтар ғазабини кўзғади. Руди чолни зўрға кўндирган эди – энди ҳаммаси чиппакка чиқди. Ҳатто чол ғазабланганидан юзини буриб, саломлашиш учун Николас узатган қўлни ушлаб ҳам қўймади. Николас эса ҳавода қолган қўлини жинси шимининг чўтагига тикиб шерикларига “Нима қилдим?” дегандай савол назари билан қаради. Бўлмасам-чи?! Нима қилдиммуш?..

Николас чўнтагига қўлини тикқанда хаёлига бир фикр келиб қолди. У пулларини чиқарди. Айниқса, ҳамма бошқатдан қарияни нариги чолнинг ёнига боришга кўндирай деб турган пайт Николас яна “қовун туширди”. Яъни, чол кўниб ўрнидан энди тураётган пайт Николас қўлидаги бир тахлам доллар пулни намойишкорона кўрсатиб “Мони, мони, коман, коман” деди. Унинг бу қилигидан кейин қайсар чол шартта жойига ўтириб тўнини тескари кийди-қўйди. Бу ерга келиб ҳамма нарсани “америкача усул”, яъни пул ҳал қилмаслигини англаб етган, кўнгилни топиш энг муҳим нарса эканини тушунган тадқиқотчилар “Нима қилиб қўйдинг?!” деган маънода Николасга ёзгира кетишди...

Бир-бири билан уришиб қолганини мустасно қилиб айтганда, аяман тилининг сўнгги ворислари бўлмиш икки қария – Эстебан Торроз билан Сото Эскобарнинг АҚШ фуқароларидан, умуман АҚШ ҳукуматидан ғазабланишга етарлича асослари бор эди. Масалан, Эстебан Торрознинг ўғли бир қанча ўртоқлари билан ёлланма ишчи бўлиб ишлаш учун АҚШ ҳудудига ўтиб кетаётган пайт ҳарбийлар қувганида чегарадаги сим тўр қорни ва юзини йиртиб юбориб, қонига инфекция тушиб, шунинг оқибатида ўлган эди. Нариги қария – Сото Эскобарнинг ўзини илгари “оқ танли” бир ковбой қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Ковауила чўлида росса дўппослаб отини олиб қўйган эди. Сабаблар кўп. Лекин ҳаммасидан ёмони – Николаснинг қилиғи Эстебан Торрознинг ёдига АҚШ чегарачилари туфайли ўлган ўғлини ёдга солиб юборди.

Тадқиқотчилар ўжар қарияга бошқатдан ялина бошлашди. Чол Николасни кўрсатиб “Бу нусха менга ёқмаяпти” деб тўғрисини айтиб қўя қолди. Ҳамма чолнинг ҳовуридан тушишини кутди. Тадқиқотчилар Николасни аралаштирмаган ҳолда ўзлари яна чолга хушомад қила бошладилар. Ахийри қария Эстебан эриди. Лекин бир шарт қўйди:

– Мен сигара чекмоқчиман. – деди. Бу гапни эшитиб тадқиқотчилар енгил нафас олиб, “жонланишди”. Айниқса Руди хурсандлигидан ёнидан Марлборо тамакисини чиқариб лутф қилди:

– Марҳамат жаноб Эстебан!

Чол эса қўлини бошининг атрофида ўйнатиб “Йў-ў-ўқ!” деди. У “Но-о-ов, но-о-ов” деганда “о” ҳарфини чўзиб айтди.

– Қандай сигара чекаси, жаноб Эстебан?

– Кубалик дўстим Мориснинг сигарасидан.

Тадқиқотчилар Моррис дегани ким бўлди яна деб турли сигара номларини айта бошлашди. Ахийри кубаликлар сигараси эсига тушган Руди:

– Гаванами? – деди.

Қария “Ҳа” деган ишорани қилди. Ҳамма яна енгил тин олди. Гавана сигарасини қаердан олишади энди? Тадқиқотчилар “қовун туширгани” учун жарима ўлароқ сигара олишга Николаснинг ўзини жўнатмоқчи бўлишди. Лекин энг даҳшати – бундай чўл ҳудудда жойлашган дўконнинг масофаси 150 километр олисда эди. Бунини эшитган Николаснинг “қапалаги учиб кетди”. Тихирликнинг вақти эмаслигини билган Николас ғудраниб, ичида сўкиниб, Јеерга ўтириб сигара олиш учун жўнаб кетди...

* * *

Николас чўл чангига беланган Јеерда сигара олиб келганида кун ботай деб қолган эди. У қанчалик ғазабланган бўлмасин сигара узатаётганида чолга табассум қилишни унутмади. Гапиришга ўзи ҳам кўркиб қолди: гапирсам яна қовун тушираман деб ўйлаб, сукутни аъло билди. Кун кеч бўлгани учун аяман тилининг сўнгги иккинчи вориси Сото Эскобарнинг уйига эртага боришга келишишди. Сотонинг ўзи касал бўлиб, тўшакда михланиб ётгани учун қария Эстебан уришиб қолганига қарамай тадқиқотчилар билан бирга боришга розилигини, эртага эрталаб йўлга чиқишларини айтди.

Қария Эстебан меҳмоннавозликни унутмади. Қизлар – Сара ва Эллага ички айвонга, йигитлар – Руди ва Николасга ташқаридаги айвонга ўрин солиб, уларга қаерда ухлашларини кўрсатиб қўйди. Лекин Руди кечроқ ётишларини, унғача ҳовли ташқарисида хас-хашакларни тўплаб ёкиб, гулхан атрофида ўтиришларини айтди. Чол маъкул дегандай бошини қимирлатиб қўйди ва қуёшнинг ботиш томонига қаратиб қўйилган курсига ўтириб, гавана сигарасини ёқди. Уфқ сигара учидаги чўғдай қирмизи тусга кирган эди. Афтидан чол қирмизи шафаққа тикилиб, тамаки тутатишни ёқтиради чоғи...

* * *

Эрталаб Эстебан Торроз тадқиқотчилар билан бирга Сото Эскобарнинг уйига равона бўлишди. Эстебан Торроз билан келган меҳмонларни хушламай қабул қилишди. Тўшакда ётган Сото уларни кўриб юзини буриб олди. Тадқиқотчилар дарров диктофонни ёкишди. Қария Эстебан унга қараб аяман тилида бир нарса деди. Сото ҳам шу тилда жаҳл билан жавоб қайтарди. Эстебан яна аяман тилида унга гапирган эди, Сото дарғазаб бўлиб жавоб қайтараман деб йўталиб, бўғриқиб қолди.

Бундан жаҳли чиққан Сотонинг бир қариндоши бақириб уларни ҳайдаб солди. Қария Эстебан ҳам қўлини силтаб жаҳл билан чиқиб кетди. Тадқиқотчилар шунча ҳаракат қилиб аяман тилида атиги беш-олтита сўзни эшитишди, холос. Эстебанни уйига етиб келишгач, чолнинг ўзидан аяман тилида гапиринг бизга, деб уларнинг эси кетди. “У нима деди, сиз нима дедингиз” каби саволлари жавобсиз қолди. Чол бошқа лом-мим демади...

Тамоман умидлари кесилган тадқиқотчилар чол билан хайрлашиб, ўз шаҳарларига қайтиб кетишар экан, йўлда муҳокамани давом эттиришди. Асқотмаса улар аяманнинг сўнгги ворислари гаплашган бояги беш-олтита сўзни таҳлил қилишдан бошқа чоралари қолмади:

– Билишимча Сото бизнинг қария Эстебанга “Капалакни нега ўлдирдинг?” деди. Эстебан эса “Яна ўлдираман” деди. Шундан уни жаҳли чиқиб кетди.

– Қўйсанг-чи Сара! Капалакнинг нима алоқаси бор?

– Аяман тилида “паррак” деган сўзни ишлатди. Парракдан эса капалак деган сўз ясалади. Кейин у “мур” деган сўзни қўллади. “Мур” дегани дунёдаги жуда кўп тилларда “ўлдирмоқ”, “ўлим”, “ажал” деган сўзлар ясалади.

– Эътибор бердингларми? Сото Эстебанга жавобан “чил” деган сўзни ишлатди. “Чил” дегани нима дегани?..

– “Чил” ҳиндулар тилида “Ернинг охири” дегани эмасми?..

* * *

Тадқиқотчилар жўнаб кетганидан икки кун ўтгач, Сотонинг қариндошлари Эстебанни чақиртиришди. Қария Эстебан боришга унамади. Бироқ Сото жон беряпти, сени чорлади деганларидан сўнг у йўлга тушди. Икки қария яна кўришди. Улар бу сафар бир-бирига жаҳл қилганлари йўқ. Улар аяман тилида узоқ сўзлашишди. Қани энди тадқиқотчилар яна икки кун сабр қилганларида эди – ажойиб суҳбатга гувоҳ бўлишарди.

Бири ўлим тўшагида, бири унинг қўлини ушлаган ҳолда аяман тилида кечгача гаплашишди. Кечга бориб эса, қария Сотонинг жони узилди... Қариндошлари тўпланишди...

Кечқурун Эстебан марҳум дўсти Сотонинг уйдан қайтар экан, у йўлда тинмай аяман тилида ўзига гапириб кетди. Энди бу тилда гапирадиган одам битта қолди.

Тун қоронғисида аяман тилининг ягона – сўнгги вориси бўлмиш бу қария ҳеч ким тушунмайдиган, эски туркийчага ўхшаб кетадиган бу тилда ҳамон ўзига ўзи гапириб борарди...



**Абдурашид
МАХМАТОВ**

Сирли таёқ

Ҳикоя



Қорабулоқ Ҳисор тоғлари бағрида жойлашган, мўъжазгина, хушманзара кишлоқ. Ён-атрофлари паст-баланд қирлар билан ўралган бу ерларда деярли йил бўйи яшиллик сақланиб туради. Тоғ этагидан пастрокда қор сувларнинг йиғилишидан кичикроқ бир қўл ҳосил бўлган. Қорабулоқ кишлоғидан ўтиб, кун чиқар – Ҳисор тоғи тарафга қараб кетишда бир неча катта-кичик булоқлар ҳам бор. Улар орасида, тоққа энг яқин жойлашган Қорабулоққа етадигани йўқ. Айтишларича, бу булоқдан бир дақиқада минг литргача сув қайнаб чиқаркан.

Ана шу кишлоқда яшайдиган Қиличхон эшон бобо, менга бир пиёла чой устида, қизиқ бир воқеани гапириб берганди.

Тожикистоннинг тоғ кишлоқларидан келган чўпонлардан бири бу ердаги яйловларда чорвасини боқиб юрган пайти ёмғир ёғишни бошлаб, бир зумда селга айланади. Чўпон ҳар қанча уринмасин, отарини панароқ жойга ҳайдашга улгурмай, анча-мунча қўйлари оқиб кетади. Мол аччиғи – жон аччиғи: сел оқизиб кетаётган қўйларини кутқариш учун югуриб-елиб юрган чўпоннинг оёғи тойиб, ўзи ҳам йиқилиб тушади. Шунда шўрлик чўпоннинг қўлидаги заранг таёғи ҳам қўйлар изидан сувга тушиб, оқиб кетади. Заранг дарахтидан ясалган таёқ ниҳоятда каттиқ бўлиб, унинг учун қурол вазифасини ҳам ўтар, отарни бўйрилардан ҳимоя қилишда ҳам асқотарди. Иложсиз қолган чўпон ёмғир тўхтагунига қадар, тоғ бағридаги камарда жон сақлайди.

Селнинг лойқа, бўтана сувлари йиғилиб қўлга бориб қуюларди. Бир неча кун ўтиб, чўпон яна қўл бўйига қайтиб келиб, йўқотган таёғини излай бошлайди. Аммо заранг таёқдан дарак йўқ, ҳойнаҳой, қўл тубига чўкиб кетган эди. На илож, чўпон уйига таёқсиз қайтишга мажбур бўлади...

...Кунларнинг бирида худди шу ерда, булоқ атрофида қўйларини ўтлатиб юрган қорабулоқлик Султон чўпон булоқ кўзидан дарахт шохига ўхшаш нарса чиқиб

Абдурашид МАХМАТОВ – 1952 йилда туғилган. Тошкент тиббиёт институтини тамомлаган. “Етим қизнинг қисмати”, “Еттинчи чироқ шўъласи”, “Умидли дунё”, “Ташивишли дунё”, “Мармар тошдаги сирли битик” каби насрий китоблари, “Муаттар Ватан” деб номланган шеърый тўплами нашр этилган.

турганини кўриб, яқинроқ келиб, синчиклаб қараса зарангдан ясалган яхшигина чўпон таёғи экан. Сувда узоқ вақт қолиб кетганидан бўлса керак, таёқ анча оғир эди. Султон топилмасини уйга олиб келиб, обдон тозалаб, офтоб яхши тушадиган жойда куришти олиди. Шу-шу бу заранг таёқ унинг ажралмас ҳамроҳига айланади.

Султон ҳар доимгидек эрта тонгданоқ отарини тоққа олиб чиқиб, тушга яқин суғоришга кўл бўйига ҳайдаб борган. Бу ерларда анчадан бери кўринмай кетган кўшни тожикистонлик чўпоннинг яйловда кўйларини боқиб юргани устидан чиқди.

Отарини боқиб юрган бу одам Султонга яқинлашаркан, беихтиёр кўзи унинг кўлидаги заранг таёққа тушди. Бирдан юраги ўйнаб, ҳаприқиб кетди. Қандай “ох” деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Бу ўша сел бўлган куни анча-мунча кўйлари билан оқиб кетган заранг таёғи эдида. Чўпон балки адашаётгандирман, деган гумонда, қолаверса, дабдурустан “Бу таёқ меники” дейишга ҳадиксираб, секин Султон чўпонни гапга солди:

– Таёғингиз яхши экан, ҳақиқий чўпонники, – деди унга тикилиб. – Қаердан олгансиз?

Бу сўрокдан хушёр тортган Султон ўйлаб қолди: “Нега у бу таёққа қизиқиб қолди, худди йўқотиб-топгандай гапиради-я?”

– Отамдан мерос бу таёқ, – деб қўя қолди Султон чўпон хушламайгина. Сўнг янада ишончлироқ тарзда кўшиб қўйди: – Отамга бобомдан мерос ўтган. Энди эса менга тегди.

– Таёғингизни бир кўрсам бўладими? – ҳамон қизиқсинишини кўймай сўради чўпон. Энди у бу таёқ ўзиники эканлигини тасдиқловчи жойни топишга интиларди.

Султон бундай тасодифий суҳбатни кутмаганди. Лекин қаршисидаги инсоннинг илтимосини қандай рад этишни ҳам билмади.

– Марҳамат, – деди у таёғини узатаркан.

– Ҳа айтмоқчи, танишмадик ҳам... Исмим Султон, – чўпонга кўлини узатди.

– Меники Ҳамро, – Султон билан кўл бериб кўришаркан, мамнун деди: – Хурсандман, Султон ака.

– Мен ҳам.

Султоннинг кўлидан таёқни олган Ҳамро олдин унинг салмоғини текширгандай бўлиб, юқорига кўтариб енгилгина отди, кейин ушлаб олди. Бунга кўриб Султоннинг ажабланиши ҳали ҳам тўхтамаган эди. Кейин таёқни у ёқ, бу ёғини пайпаслагандай бўлди: “Таёқ олдингидан анча дағаллашган, бу сув тагида қолиб шишганидан бўлса керак”, – ўйлади Ҳамро.

– Ростдан ҳам бу таёқ сизга меросми? – қайта сўраётган Ҳамро шу орада синчиклаб таёқ дастасига ўйиб битилган кичикроқ “Х.Б” ҳарфларни топди ва қувонганидан юраги ҳаприқиб ўйнаб кетди. Ҳақиқатдан ҳам бу ўша – ўзининг таёғи эди. Аммо сир бой бермай, гапида давом этди: – Таёғингиз оғир экан. Заранг дарахтидан ясалган бўлиши керак. Бу дарахтнинг ёғочи шундай қаттиқ, худди пўлатдек...

– Ҳа, шундай, – унинг гапини тасдиқлади Султон.

– Сиз бу таёқни ота-бобомдан мерос қолган дедингиз, аслида шундайми? – сўради Ҳамро, аммо нимадандир қувончини яширолмаётгани овозидан билиниб турарди.

– Ростдан ҳам бу таёқ меники. Мана, кўлимда эканлигини кўриб турибсиз-ку.

Ўртага бироз жимлик чўкди. Ҳар ким ўз хаёллари билан банд эди. Султон чўпон, “Майли, мен энди борай”, деб хайрлашиб кетмоқчи эди, Ҳамро чўпон уни тўхтатиб қолди.

– Ҳақиқатан ҳам бу таёқ сизга ота меросми? – қайтадан сўради Ҳамро.

– Нега шу таёққа ёпишиб қолдингиз?! – саволга савол билан жавоб берди Султон, – худди бу таёқ сизникидай?!

– Ҳа, Султон ака, чунки ростдан ҳам бу таёқ меники! Эсингизда бордир, бундан икки йилча олдин шу ерларга катта сел келганди. Ўшанда мен тоғда қўйларим билан шу селда қолиб кетгандим. Бир неча қўйларим ва мана шу таёғимдан айрилгандим... Ўзим эса зўрға омон қолдим. Ўшандан буён бу ерларга фақат мана шу таёқ илинжида келадиган бўлдим. Бу таёқ меники, – деб Ҳамро анча узоқ гапирди. – Ишонмасангиз мана таёқнинг учидаги ёзувни кўраяписизми? Таёқнинг дастасига ўйиб ёзилган мана бу ҳарфларга қаранг: таёқнинг учидаги “Х.Б” деган ёзув бу – Ҳамро Барноев дегани! Яъниким, – деб у кўрсаткич бармоғини ўзининг кўкрагига қаратди, – бу эса, мана мен, олдингизда турибман.

– Сиз мени қаллобга чиқараяписизми? Нима, мен сизнинг таёғингизни қўлингиздан тортиб олибманми? Бундан чиқади, мен ёлғончи экан-да? Кейин, тўғриси айтмай, бу таёқни мен шундоқ ўзимизнинг Қорабулоғимиздан топиб олганман. Кўл қайда-ю булоқ қайда! Ўйлаб гапиринг, – бўш келмади Султон ҳам, аммо ичида, “Бу чўпоннинг бир балоси борга ўхшайди”, деб ўйлаб қўйди ҳам шу топда.

– Султон ака, мен сизни ёлғончи демадим. Йўқ! Таёғимни шу ерда йўқотгандим дедим, холос.

Буни эшитган Султон бироз ҳовуридан тушди.

– Хайрият, – деб терлаган пешонасини белидан ечиб олган белбоғининг учи билан артиб қўйди сўнг барибир яна сўради:

– Хўп, бу таёқ ҳақиқатан ҳам сизники дейлик. Лекин нега у селда оқиб бу ердан анча узоқ бўлган бизнинг булоқда қадалиб ётибди?

– Ўзим ҳам шунга ҳайрон бўлиб турибман.

Султоннинг бундай мулоқотдан кейин бирданига эсига “ялт” этиб боболаридан эшитган бир афсона келди: бу ердаги баъзи булоқлар ва тоғдаги кўл бири-бирдан анча узоқ бўлишига қарамай, ер ости сув йўллари орқали бирлашган эмиш. Аслида мана шу булоққа сув ҳам шу кўлдан келармиш. Демак, кўлга чўккан таёқ ер ости дарёси оқимига тушиб, булоққача етиб келган бўлиши ҳам мумкин дир? Бундан чиқди, Ҳамронинг гапи нахотки тўғри бўлса? Қорабулоқ билан кўл ўртасидаги оралиқ ўн-ўн беш километр чиқса-да, булоқнинг кўлдан анча қўйироқда жойлашгани ҳисобга олинса, Ҳамронинг айтганига ишонса бўлади. Ундан ҳам қизиғи – агар шундай бўлса бу мўъжиза эди.

Султон шу ҳақда ўйларкан, барибир таёқнинг энди ўзига тегишли эканлигига ишончи комил тарзда, “Топган тополоқники, ахир”, деб ўйлади. Шундай экан, бу таёқни хоҳласа Ҳамрога беради, хоҳламаса йўқ. Ва ўзининг бу мулоҳазасини Ҳамрога ҳам айтди.

– Султон ака, – бирдан ёлворишга тушди Ҳамро тожикча талаффузда. – Сиз уни қаердан топиб олгансиз, кўлданми ёки булоқданми, у ёғини билмайман... Лекин қандай қилиб уни бу булоқдан топиб олганингизга ҳеч ақлим етмаяпти?

– Сиз менинг гапимга ишонмаяписизми? Умуман, уни қаердан топганимнинг нима аҳамияти бор? Барибир бу таёқ энди менга тегишли.

– Йўқ, Султон ако, таёқнинг меники эканлиги барибир аниқ бўлди. Лекин хафа бўлманг: топиб олганингиз учун сизга мукофоти бор. Таёқ учун сизга битта, йўқ иккита, э, боринг бешта қўй бераман розимисиз? – деди Ҳамро. Сўнг ҳазиллашмаётганини билдириш учун яна қўшимча қилди: – Ўзингиз отардан хоҳлаган қўйингизни танлаб олишингиз мумкин.

Бунни эшитган Султон чўпоннинг эси оғай деб қолди. У ўзича: “Битта оддий заранг таёққа бешта қўй?! Э, бўлмаган гап, у мени калака қиляпти, шекилли”, деб ўйлади.

– Рост гапираяпсизми? – сўради Султон таажжубланиб.

– Бўлмасам-чи, – бамайлихотир сўзида давом этди Ҳамро. Лекин у ҳам кўринишидан титраб турар, пешонасида пайдо бўлган терни қўли билан сидириб ташларди. Айни пайти Султон ҳам, “Нима қилсам экан, алмаштирсаммикин?!” деган ўй билан овора. Нега энди битта таёққа бешта қўй?! – хайрон ҳам эди. – Бу ерда бир гап борга ўхшайди”. Султоннинг ўйлари чувалашиб кетди: “Ё уйдагилар билан маслаҳатлашсаммикин? Оддий таёққа шунча бойлик тикиш?!”

Ҳамро Султоннинг ўйланиб қолганини бошқа нарсасига йўйди: “Бешта қўйни камроқ деяптимикин? Албатта-да, ҳали унинг ичидаги тилла тангалардан беҳабарлиги учун ҳам хайрон бўлаяпти. Лекин у нега ҳадиксираяпти? Агар тезда бу таёқни бугуноқ қўлга киритмаса, эртагача нима бўлиши биргина Оллоҳга аён. Лекин мен ҳам уни қилган таклифим билан ўйлантириб, шубҳага солиб қўймадиммикин?! Жуда катта кетвормадимми ўзи? Билмадим, лекин қандай бўлмасин таёқни олишим керак-ку! Ичида аллақанча танга бўлса...” Тезда ўзини тутиб олиб, яна Султонга уқтира кетди:

– Султон ако, бунинг қимматлиги шундаки, таёқ бобомиз Қудрат хўжадан қолган эсдалик. Айтдимки, мен туғилганимда бобом менга атаб олиб келган экан. Шунинг учун, келинг, пачакалашиб ўтирмайлик: сизга мен йигирмата қўй, сиз эса менга шу қўлингиздаги таёқни берасиз. Энди бундай яхши таклиф ўйлаб ўтирилмайдига, ако! Яна кейин мени бу ерга келиб тухмат қилади, десангиз адашасиз. Мен бир сўзли Саидлар авлодиданман. Айтганимиз айтган: туфлаган тупугимизни қайтиб олмаймиз. Сўзим эркакча, – деди қатъий Ҳамро чўпон.

Аммо Султон ҳамон миқ этмаётганини кўриб:

– Шунча гапдан кейин ҳам ишонмаган бўлсангиз, майли, энди мен кетдим, – деди ва орқага бир-икки қадам ташлади. Бу ҳаракат эса Ҳамронинг савдодан воз кечгани эмас, муғамбирлигидан дарак берарди.

Султоннинг ажабланиши янада ортди.

– Ҳамро ака, лекин битта таёққа шунча қўй? Бу таёқни шунча қиммат баҳолаяпсиз? Сабабини билсак бўладими? – энди Султон ҳам суриштира кетди.

– Биласизми, Султон ако, боя айтганимдек, Қўдратхўжа бобомиз ана шу ўзининг заранг таёғини менга атаб берган ва исмимни ҳам ўзлари қўйган экан. Кўрдингизми, эшон бобомиз номимни шу таёққа ёзганлар. Ҳамма сир шунда!

Султон ҳам энди гап нимадалигини англагандай бўлди. Ҳамронинг гапига энди ишонди. Шуларни ўйлаб, мардларча унга қўлини узатди.

– Қани, бойвачча, қўйни сананг бўлмаса, – деб охири келишувга қўнди. Аммо шунда ҳам ҳамон бу келишув ростлигига унча ишонқирамай турди.

Ҳамро чўпон эса, ўзи айтганидай, ўйлаб ҳам ўтирмасдан шартта Султон кўрсатган қўйларни бирма-бир унинг отарига қўшиб юбора бошлади. Ниҳоят келишув якун топди. Султон чўпон энди кадрдон бўлиб қолган заранг таёққа охириги бор разм солдида, Ҳамрога узатди. Худди бир нарсасини йўқотгандай бўлди. Анча ўрганиб қолган экан-да! Лекин начора, жонсиз таёқдан кўра йигирмата қўй – унга маъқул бўлди. Улар қўл ташлашиб хайрлашди.

Султон бугун бениҳоя хурсанд эди. Нега хурсанд бўлмасин, бир пасда ортиқча йигирмата қўйга эга бўлиб қолди. Бу бойлик осмондан тушгандай гап. Уйга келганда унинг хурсандчилигини фақат биргина хотини пайқади.

...Орадан чамаси, бир ҳафта ўтар-ўтмас Ҳамро чўпон бир ёшроқ соқолли йигит билан Султонниқига келди. Таёқ туфайли, қолаверса, нақд йигирмата қўйини бергани учун Ҳамрони анчайин қадрдонидай кўриб қолган Султон уни меҳмонга келган бўлса керак деб ўйлади. Шунинг учун уларни яхши кутиб олди.

– Ҳамро ака, хуш келибсиз қишлоғимизга! Қандай шамоллар учирди биз тарафларга яна? – деб сўради овқатланиб бўлишгач.

– Ўзимиз, шундай сизни бир кўрайлик деб келдик. Яна бир маслаҳатли ишимиз ҳам чиқиб қолди, – жиддий, шу билан бирга совуқроқ оҳангда деди Ҳамро.

– Ҳар қалай бобомерос таёғингизга алмаштирган қўйларингизни олиб кетгани келмагандирсиз? – ҳазиломуз сўради Султонбек.

– Йўқ, менинг гапим битта, лафз ҳалол, лекин сиз мени алдабсиз!

– Сизни, мен алдабман?! Нима учун, қандай қилиб? – баттар ҳайрон бўлиб қолди Султон.

– Сиз таёқнинг ичини очиб кўрганмидингиз? Тешигини очдингизми?

– Қанақа тешиги? – Султон ҳайрат билан Ҳамронинг саволига савол билан жавоб қайтарди.

– Ўзингизни гўлликка солманг. Сиз таёқнинг тешигини очиб, ичидаги нарсаларни олгансиз, яна алдамадим дейсиз. Устига-устак, яна қўйларни ҳам олдингиз, сизда иймон борми ўзи?! – у энди қизишиб, кўполроқ гапира бошлаганди.

– Э, оғайни, оғзингизга қараб гапиринг! Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, жуда ошириб юбормадингизми, меҳмон? Бу ҳақорат-ку! Яна саидларданман дейсиз! Бу қанақаси? Тагин ўз уйимда, тузимни еб туриб, а?! Лекин нима бўлганда ҳам меҳмон отадай улуғ дейишади бизнинг юртимизда. Гапингизни кўнглимга олмайман.

Буни эшитган Ҳамронинг энсаси қотсада, истар-истамай Султондан узр сўраган бўлди:

– Мени афв этинг, Султон ака, озгина қизишиб кетибман, ҳали гўрмиз-да...

– Ҳечқиси йўқ. Сизнинг ўрнингизда мен ҳам шундай гаплашган бўлармидим, – деди мезбон меҳмонга илтифот кўрсатиб.

Аммо ўзи ҳаёлидан ўтаётган ўйлардан боши ғувуллай бошлади: “Ўшанда ҳайрон бўлгандим-а, бу ерда қандайдир сир бор деб. Мана сенга Султонбой! Бир заранг таёқ учун йигирмата қўй олишнинг ўзи сирли иш эмасми?”

Лекин бу савдолашувда Ҳамронинг ўзи уни ҳоли-жонига қўймади-ку? Ўша куннинг ўзидаёқ таёқни тезроқ қўйларга алмаштиришга ундади-ку? Агар сал ялинганда, ҳар қанча ўрганиб қолган бўлса ҳам, эҳтимол, шундай бериб юбора қолган бўлармиди? Султон оддий бир таёқда шунча бойлик яширилганини туш билиб-дими?! Таёқнинг ичида нима бўлиши мумкин? Тиллами ё олмос тошлар? Йўқ, бу ерда тилла танга, ҳа, тилла бўлган! Шуниси ҳақиқатга яқинроқ эди. Ахир тешиб олгансан деяпти-ку. Демак, унинг ичи тўла олтин танга бўлган экан-да?! Шунинг учун таёқ оғир экан-да! Султон бунақа ҳангомаларни бир пайтлар телевизорда кўргандай бўлувди. Лекин тиллаларни чет элга олиб ўтишда уларни чегарада тутиб олишганлигини кўрсатишганди. Бугун эса чўпон таёққа тилла танга солиб юришдек жуда ғалати бир воқеанинг гувоҳи бўлиб турибди. Эҳ-хе, мана сенга йўқ жойдаги жумбок! Агар буни олдинроқ пайқаганда эди, тангани олиш учун бир уриниб кўрган бўлармиди?! Хом сутган эмган банда-ей, деди Султон чўпон ўзига ўзи. Хўп тангани олди ҳам дейлик, ўзича мулоҳаза қилиб кетди яна, кейин-чи, кейин нима қиларди уни? Тишининг қавагида сақлармиди?

– Ҳамро ака, менга шу таёқни қўйларга алмаштир деб ҳоли жонимга қўймаганингиз сабабига сира ақлим етмаганди, мана ўзингиз жавобини топиб бердингиз. Демак, бу таёққа тилла танга жойлаб, уни сотиш билан шуғулланган экансиз-да? Сизнинг гапингиздан шундай хулосага келиш мумкин. Тўғрими? Тўғри. Лекин мен таёқни тешган ҳам, очган ҳам эмасман. Бунга ақлим ҳам етмаган, ҳатто ҳаёлимга ҳам келмаган. Бундай нарсани шуғулланиб юрганлар билади. Сиз эса менга қаёқдаги гапларни айтаяпсиз, мени гуноҳкор қилаяпсиз. Мен бу таёқни бермаслигим ҳам мумкин эди. Балким сиз ўзингиз тангаларни таёқдан олиб, кейин менга тухмат қилаётгандирсиз, ким билади яна? – деди Султон ҳам дадиллашиб.

Султоннинг гапи ҳақиқатга яқин эди. Шунинг учундир соқолли йигит Ҳамрога кўзининг қири билан қараб қўйди. Тилла билан боғлиқ бу гаплар чувалашиб кетса, охири нима билан тугашини пайқаган Ҳамро чўпон ҳам суҳбатга нуқта қўйгандек, фотиҳага қўл очганди, Султон яна чидай олмади:

– Нега ўша таёқни қайтариб олиб келмадингиз? Яна ичини очиб иккинчи бор текшириб кўрармидик?

Ҳамро қараса, иш чигаллашадиган кўринади. Таёқни олаётганида унинг бутунлиги бузилмаганлигини текшириб кўрганди. Салмоғи ҳам жойида эди. Агар бу олтин тангаларни Султон олмаган бўлса ким олади?! Кўлда баликлар еб кетмагандир, ҳарқалай? Ҳамронинг миясида ҳар хил фикрлар чарх урарди.

– Султон ако, таёқни кимгадир берганимизнингиз, масалан, ўғлингизга ёки уканингизга?

Ҳамронинг гапидан кейин у ўйлашиб қолди. Таёқ ҳар доим ўзи билан эди. Келганида уйда – ҳовлида турган. Ҳеч ким олмагани аниқ. У кечқурун отарини ҳайдаб келиб, ҳовлидаги кўтонга қамайдиди-да, таёқни янтоқ ғарамига шундай сукиб қўярди, холос. Бошқасини билмайди.

– Ҳеч ким олгани ҳам йўқ. Кимгадир берганимни ҳам билмайман. Ҳовлида турарди. Хашаклар орасида. Бор гап шу.

Уларнинг гапларига кулоқ солиб турган соқолли йигит тожикчалаб бир нарсаларни Ҳамрога тушунтиргандай бўлди.

– Бизларга жавоб Султон ака, керак бўлса яна келамиз, – деди.

Улар дастурхонга қайта қўл очиб, фотиҳа қилишгач ўрнидан туришди. Султон уларни ташқарига, катта йўлгача кузатиб қўяркан, қандай қалтис ишга араллашиб қолганини энди тушунди.

“Энди нима бўлади? Улар уйимгача келган экан, яна қайтиши мумкин. Бундайлардан ҳар нарса кутиш мумкин. Султон шуларни ўйларкан, ёз пайтлари отарни бир қариндоши – амакисининг ўғлига икки-уч кунга қараб туришини тайинлаб, Тошкентга хотинини дўхтирларга кўрсатгани олиб кетганини эслади. Лекин таёқни қўлига берган эмасди. Балким у қўйларни ҳовлидан чиқараётганда ғалати таёққа кўзи тушгандир, ким билади дейсиз яна? Ҳар қалай бу ишларнинг ҳаммаси унга қоронғи. Аммо ўша жиянидан ҳар балони кутса бўлади. Минг тешикка кириб чиқадиган – учар йигит. У олган бўлса олгандир. Лекин унинг олганини ҳеч ким кўрмаган-ку?! Таёқнинг оғирлигини пайқагандир-да... Ҳамро ҳам унинг оғир-енгиллигини текшириб кўрди-ку. Бирор нарса пайқаганда ўша пайтнинг ўзидаёқ менга таёқ ҳақидаги фикрини айтмасмиди? Айтарди. Султон ўзини ўзи койиди. Наҳотки шу нарсаларни олдинроқ пайқамадим, сезмадим. Ҳамро таёқни олаётганида нега текшириб кўраяпти, деб ҳам ўйламадим. Ҳаммаси бир пасда ҳал бўлди-қўйди. Унинг кўз олдидан ўша кунги бўлиб ўтган учрашув гавдаланди. Шуларни

ўйлаб ўтираркан, Султон ўзига ўзи “аҳмоқ” деб қўйди. Томоғи куриб колганини сезган Султон пиёладаги совиб қолган чойдан бир қултум хўплади. Кейин яна ҳаёлга чўмди.

“Бундай одамлар шунақа қинғир ишлар билан шуғулланган экан, демак, улардан жуда эҳтиёт бўлиши керак. Керак бўлса йигирмата қўйини қайтариб беради. Оч қорним – тинч қулоғим деган экан машойиҳлар”. Султон улар яна бу ерга келиб қоладиган бўлса, қўйларини қайтариб беришни кўнглига тугиб қўйди. Энди ҳар қандай нарсага тайёр туриши керак. Бундайлардан кўрккулик!

Султон чўпоннинг уйкусидан ҳаловат қочди. Шуларни ўйлаб, тун яримдан ошганда ухлаш учун тўшакка чўзилди.

Эрталаб туриб нонушта ҳам қилмасдан ўша қариндошиникига йўл олди. Рўзимурод уйда йўқ эди. Хотини уни бир неча кун олдин қаёққадир кетгани бўйича ҳали қайтмаганини айтди.

– Келин, агар келиб қолса менга учрашсин, озгина олди-бердимиз бор эди. Шунини етказиб қўйсангиз, – деб тайинлади Рўзимуроднинг хотинига.

– Ҳали бери келмаса керак, қаердандир иш олган эмиш. Эндигина икки-уч кун бўлди ўзиям кетганига, – деди хотини бамайлихотир.

Келиннинг ҳеч нарсадан беҳабарлиги шундай кўриниб турарди. Қолаверса, Рўзимуроднинг муқим қиладиган аниқ иши йўқ. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда сандирақлаб юради. Баъзан Душанбега, гоҳ Тошкентга кетди дейишади. Кейин эса қайтиб келиб, ойлаб уйдан чиқмай арақ ичади.

Султон кундалик ишларга шўнғиб кетди. У ҳар доимгидек отарни ҳар куни яйловга ҳайдайди. Уларни кўл атрофида боқиб, ўша ердан суғоради, кечкурун эса, яна уйига қайтади.

Ҳамро Султонникига кейинги келганида ҳам қуруқ қайтишига тўғри келди. Лекин Ҳамронинг қўйларни қайтариб олмайман деганига қарамай, уларни отардан ажратиб, катта йўлгача кузатиб қўйди.

Орадан анча вақтлар ўтди, Ҳамро ҳам тақдирга тан бердими ёки тангаларини топа олмаслигига кўзи етдими, бошқа қорасини кўрсатмади. Бир йиллар чамаси вақт ўтган бўлса-да, тоғ бағрида Ҳамронинг қўйлари ҳам, ўзи ҳам қайтиб кўринмади. Баъзан Султон Ҳамро кизишиб, савдолашиб бериб қўйган қўйларини қайтариб олиш учун ҳам шу баҳонани кўллагандир? Ҳар нарса бўлиши мумкин. Ким билади, дейсиз, у ёғи ёлғиз Яратганга аён! Агар Ҳамро рост гапираётган бўлса-чи? Унда таёқ ичига яширилган тангалар қаёққа ғойиб бўлди? Афсуски Султон чўпон бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очолмасди.

Айтганча, амакисининг ўғли эса одамларга кўриниб-кўринмай юрди, қишлоққа келганида ҳам айш-ишрат билан машғул бўлар, баъзан эса маст-аласт ҳолда бирров кўриниб, яна қаёқларгадир ғойиб бўларди. Уни ҳар кўрганда яна ўйлайди: “Ҳақиқатан таёқнинг ичида тилла бўлганмикин? Рўзимурод буни билганмикин? Аммо индамайди. Нима ҳам десин ахир?”

Орадан ўн йиллар чамаси вақт ўтиб, қишлоқда, “Рўзимурод чет элда узоқ вақт ишлаб қайтибди” деган гаплар билан бирга, “Қанақа чет эл? Россияда бир ишқал ишга аралашиб қолиб, қамалиб чиқибди”, каби миш-миш тарқалди. Бир неча йилдан кейин эса туман марказида ҳашаматли икки қаватли уй ва бу яқин-атрофда тенги йўқ каттагина тўйхона қад кўтарди. Одамларнинг айтишича, бу жойлар қорабулоқлик Рўзимуродбойники экан.

Бадий маҳорат меваси



Қозокбой
ЙЎЛДОШ

Эгаманлик туфайли миллий тафаккурнинг барча жабҳаларида бўлганидек, тарихни бадий акс эттириш борасида ҳам соғлом ёндашиш имкони туғилди. Олдинлари бадий асарда тарихда юз берган бирор бир ҳодисани тўғри тасвирлаш муҳим саналган бўлса, эндиликда ўша ҳодисани юзага келтирган омилар, бу жараёнда қатнашган одамларнинг руҳий дунёсини акс эттириш аҳамиятли саналмоқда. Энди ҳодисанинг ўзи билан бирга унинг юзага келиш сабаблари ва бу жараёнда қатнашган одамларнинг қиёфасини кўрсатишга устуворлик берилмоқда. Шу йўсин миллий адабиётда одамга тарихнинг яратувчиси сифатида қараш амалга ошмоқда. Саъдихон Мавлавихоннинг “Таназул”, Лукмон Бўрихоннинг “Имом Мотуридий”, Исмоил Шомуроднинг “Қамал” каби бадий юксак романлари ана шундай ёндашув самараси ўлароқ юзага келган. Ёзувчи Шаҳодат Исахоннинг “Гавҳаршод бегим ёхуд қиёмат ўйини” романи ҳам шундай асарлар сирасига киради.

Тарихий мавзуда асар яратишнинг қийинлиги шундаки, муаллиф битигида қачондир яшаб ўтган тарихий шахсларни тасвирга тортар экан, уларнинг ҳар бири зиммасига ўзига яраша юк орта билиши, уни тарихдаги ўрнига муносиб ўй-фикр ва амал билан таъминлай олиши керак бўлади. Шаҳодат Исахон ўз романидаги нафақат ҳар бир тарихий шахс, балки барча тўқима образларга ҳам ўзига яраша муносиб юк орта билгани сабаб асарининг бадий ва маърифий жиҳатдан қийматли бўлишига эришган.

Асарда бош қаҳрамон Гавҳаршод бегимнинг табиати, ўйлари, руҳияти, кайфияти, кечинмалари жуда пухта ва аниқ тасвирланган. Романда табиатан ақлли, гўзал, олижаноб, соғлом фикрли, доим одамларга яхшилик соғинган, узоқни кўра билган ва айнан шу сабабдан ҳам буюк темурийлар салтанатида юз бераётган деярли барча воқеалар марказида бўлган бу аёлдан тахт учун бир-бирининг бошини ейишга ҳам тайёр ҳар бир темурий шахзода имдод кутиб, маслаҳат сўраши, аммо барчаси малика кўрсатган йўлнинг тескарасидан юриши батафсил акс эттирилган.

Қозокбой ЙЎЛДОШЕВ – педагогика фанлари доктори. 1949 йилда туғилган. Сирдарё давлат педагогика институтини (ҳозирги Гулистон давлат университети) таъмомлаган. “Ёниқ сўз”, “Алпомиш талқинлари”, “Йўл одами” номли китоблари нашр этилган. Адабиёт бўйича бир қатор дарсликлар муаллифи.

Чексиз салтанат худудиди айтгани барча томонидан бажариб келинган Гавҳаршод бегимнинг ўз фарзандлари ва невараларига фикрини ўтказолмагани, уларни ақлу иймон йўлидан юритолмаганидан қанчалар қийналиши унинг ҳаёт йўлидаги саноксиз тўқнашувлар мисолида кўрсатиб берилади. Нафақат ақл, балки қўнгил одами ҳам бўлган малика Гавҳаршод бегимнинг сиртига чиқармаса-да, қалбининг тез ва чуқур яраланиши асарда унинг энг яқинлари билан муносабатлари тасвири орқали жуда ишонарли тасвирланган. Жумладан, Улуғбек мирзо ўғли Абдуллатифни Гавҳаршодбегимга қўшиб, Хиротга кузатар чоғи онасига қарата: “Сиздин рижойим шулки, авлодларнинг барчасини бир кўзда кўриб, барчаларига бир хилда меҳр беринг”, деганида бунга жавобан маликанинг: “Сиз фарзандларингизнинг қайбирини айрича кўрурсиз, султон ўғлим? – деди лаблари титраганича Гавҳаршод бегим, бўғзига тикилган аччиқ изтиробни базўр ютаркан” тасвирлари юқорида қўйилган талабга нисбатан жавобида шу тариқа ўта нозик ва ҳаққоний акс эттирилган. Лабдаги титроқ, бўғизга тикилган аччиқ изтироб тасвири она руҳий ҳолатини яққол кўрсатишга хизмат қилади. Романдаги “Ўғлининг сўзларидан Гавҳаршод бегимнинг вужуди қақшаб, кўзларидан ўт чақнагандай бўлди, беихтиёр оппоқ юзлари қизариб, пешонасига тер қалқди” тасвири шу ҳолатдаги онанинг изтироблари қўламини ёрқин акс эттириши билан эътиборга лойиқ.

Ўзи тириклигида барча ўғиллари, бир қанча неваралари ўлимини кўрган, ҳукмдор бўлмагани ҳолда мудом салтанат ташвишлари оғушида яшашга маҳкум бўлган қудратли аёлнинг ожизликлари, имконсизликлари романда ғоят таъсирли акс эттирилган. Муаллиф асарда ретроспектив тасвир усулидан фойдаланиб, Гавҳаршод бегимнинг бутун умр йўлини кўрсатиб беради. Унинг беғубор болалик ва ўсмирлик даври, Шохрух мирзо эътиборини қозониб, у билан кечирилган гоҳ изтироб, гоҳ шавку завқларга тўла ҳаёти, фарзандлар туғилиши ва улар камолини кўргандаги шодланишлар, Бойсунқур мирзо ва Муҳаммад Жўкий мирзо ҳаётидаги нохушликлар сабабли чеккан изтироблар, темурий шаҳзодалар ўртасидаги адоқсиз қирпичоқлик сабаб тортган руҳий азоблар тасвири романда бутун қўламини билан акс эттирилган.

Шаҳодат Исахон асарида Гавҳаршод бегимнинг қанчалар ақлли, тадбиркор, топқир шахс бўлишига қарамай, аввало, аёл ва она экани тасвирига ургу беради. Уни аёллик, оналик, библик туйғулари оғушидаги оқила момо сифатида кўрсатади. Асарда ичкилик туфайли хароб бўлган ўғли Бойсунқурни кўргандаги ҳолатининг: “Сизни бул аҳволда кўргунча... – деди лаблари йиғига шайланган Гавҳаршод бегим гапининг давомини ичига ютиб” тасвири аёл руҳиятига хос энг турғун қиррани кўрсата билиши билан эътиборни тартади. Ёзувчи маликани ўз туйғуларини сиртига чиқармайдиган метиндай мустаҳкам ирода эгаси сифатида эмас, балки бир оддий аёл йўсинида кўрсатгани учун ҳам асарнинг ўқишлилиги, образнинг ҳаётийлиги ортган. Унинг “лаблари йиғига шайланган” ҳолда тасвирланиши ифоданинг таъсир кучини оширган.

Романда маликанинг оқила бир аёл, меҳрибон она, барча шаҳзодаларни тўғри йўлга солишга интиладиган момо, айнаи вақтда улкан бир сулоланинг ёлғиз кайвониси сифатидаги мақоми: “Гавҳаршод бегим ҳаяжондан терлаган кафтларини юзларига босди. Яноқлари ўт бўлиб ёнарди. Кейинги йилларда бошига кетма-кет тушаётган фожиалар маликани шусиз ҳам гангитиб қўйганди. Бу ўлимлар нафақат фожиали, балки ажодлару авлодлари шаъни учун уятли, маломатли ва бир умр ўчмас доғ бўлди” тарзида ишонарли акс эттирилган. Бу тасвирда малика сулоланинг фақат бугунини эмас, балки эртасини ҳам ўйлайдиган, теран назарли, ориятли кайвони сифатида намоён бўлган.

Адиба Гавҳаршод бегимни асло хато қилмайдиган, ҳамиша тўғри йўлни топадиган одам эмас, балки кўп қатори оддий бир аёл ўлароқ тасвирлаш йўлидан боргани асарнинг ҳаётийлигини таъминлаган. Турмуш йўлдоши Шохрух мирзонинг яна уйланаётгани сабаб кундошлик қисматидан зорланиб борган Гавҳаршод бегимга буюк Бибихонимнинг ғоят усталик билан унутилмайдиган сабоқ бергани тасвири муаллифнинг аёл руҳиятининг энг нозик жиҳатларини илғай билиш салоҳиятидан дарак беради.

Шаҳодат Исахон бош қаҳрамон руҳиятидаги ҳар бир катта-кичик ўзгаришни ҳаётий акс эттиргани учун ҳам малика ўқирманда жонли одам сифатида таассурот қолдиради. Ортидан тушган ёлланма қотилни кўргандаги Гавҳаршод бегим ҳолатининг: “Малика қадамини секинлаштираркан, беихтиёр қўлидаги тасбеҳи тушиб кетди. Мармар тошга урилган кумуш тасбеҳ хайҳотдай мусалло ичида ғалати овоз чиқарди” йўсиндаги тасвири орқали ҳам қотилнинг, ҳам маликанинг руҳий қиёфаси бирваракайига усталик билан чизилгани сабаб китобхон худди детектив асар ўқиётгандагидай таҳликага тушиб қолади.

Ёзувчи экстремаль руҳий ҳолатдаги маликанинг кайфияти манзарасини жуда таъсирли ва ўқирманни ҳаяжонга соладиган даражада аниқ чизади: “Гавҳаршод бегим зиналардан қандай пастга энди ўзи ҳам билмади. Бўғзини куйдираётган хўрлик, бағрини эзаётган андух шу қадар кучли ва аламли эдики, бундай аччиқ изтиробни у ҳаёти давомида иккинчи маротаба туймоқда эди. Биринчиси олти йил бўйида бўлмай, Худонинг берган куни бошига тушажак кундошлик балосидан хавотирда яшаётган Гавҳаршод бегимга Шохрух мирзонинг уйланаётгани ҳақидаги хабарни етказишган кун эди”. Адиба узок умр кечирган момонинг ўлим таҳдид қилиб тургандаги ҳолати билан севикли ёри бошқага уйланаётгандаги ёш жувоннинг руҳиятини жуда ўринли қиёслаш орқали бадий эффе́кта эришади.

Романда барчага яхшилик соғинадиган, ҳатто ўзига озор етказган душманига ҳам ёмонлик қилишни истамайдиган Гавҳаршод бегимнинг одамлар тўғрисидаги аламли ўйлари жуда ҳаққоний тасвирланган: “Тавба, нега одамлар шундай эркан-а? – ўзига ўзи савол берарди кўнгли қирилган Гавҳаршод бегим. – Ҳатто энг яқинларинг ҳам сен аларга тўғри йўл кўрсатасен, алар эрса тўғри йўл қолиб, эгри йўлдан кетишадур. Энг ёмони, юрган йўлларининг эгрилигини билганларидан сўнг ҳам бул хатоликлар учун ўзларини эрмас бошқаларни айблашадур. Сен борингни берасен, ҳеч нарсангни аямайсен, алар эрса оддийгина, текингина меҳрни ҳам кўзлари қиймайдур”. Ёзувчи бу хил андухли ўйлар суриш эзгу қалбли олижаноб одамларнинг барчаси учун ҳам қисмат эканини маликанинг ҳаёти мисолида яққол кўрсатиб беради.

Романда оғир касал ётган Шохрух ўғли Муҳаммад Жўқийни валиаҳд қилиб тайинлаганида, боласининг ҳукмдорлик салоҳияти йўқлиги, соғлиғи ночорлигини билганидан унинг валиаҳд бўлишини истамаган Гавҳаршод бегим билан норози ўғил ўртасидаги тўқнашув тасвирида инсоний драматизм ҳадди аълосида бутун кескинлиги билан акс эттирилган. Адиба қисқа тўқнашув тасвири орқали ҳар икки образ табиатидаги асл жиҳатларни яққол юзага чиқара билган.

Одамгарчилик, ор-номусни сақлашга интилгани боис ҳамиша маънавий юксакликда бўлган маликанинг Абусаид мирзо зуғумига учраган вақтда аҳвол сўраган Салим бонуга қарата: “Бизнинг ҳолимиз не бўлур эрди, – маъюсгина бош ирғади Гавҳаршод бегим. – Шоқолларга таланган шерлар ҳолиндамиз”, дейиши тасвирида ночор ҳолатга тушган баланд шахсият эгасига хос хусусият намоён бўлади.

Гавҳаршод бегимнинг: “Кимда-ким ўз оға-инисига душманлик қилса, анинг қаршисига Оллоҳ чиқишини билсун! Кимда-ким оға-инисидин қизганса, Оллоҳ

андин қизғонишини ҳам англасун! ...Бул туришда сизни душманлар эрмас, ўз-ўзингиз еб битирурсиз” йўсинидаги нидоси тахт иштиёқида адолату инсофни унутадиган темурий шахзодалар қисмати ҳақидаги башоратдай жаранглайди. Миқёсли фикрлайдиган малика ҳукмдорликни имтиёз эмас, балки масъулият ҳисоблайди. Бу жиҳат унинг Абусаидга қарата: “Тахтга қасос учун ўтирилмайдур, мирзом! – деди Абусаид мирзонинг вазоҳатини кўргач, кўзёшларини артиб, қаддини ростлади Гавҳаршод бегим. – Тахтга юрт қурмоқ учун, элу улуснинг корига ярамоқ учун ўлтириладур! Қасос учун тахтга ўлтирган ҳукмдорнинг ўзи ҳам ўшал қасоснинг қурбони бўладур! Балки бир йил, балки ўн йил ўтар... Ундин ошиқ эрмас”, деганида яққол кўзга ташланади.

Муаллиф асарда ҳар бир тимсолни ўз табиатига мувофиқ ҳаракат қилдиришга эришади. Бунга эришиш учун ёзувчи турли одамлар миносидаги ўзига хос қирраларни бутун нозиклиги билан пайқаши керак бўларди. Шаҳодат Исахон асарда ана шундай қобилятга эга ижодкор сифатида намоён бўлади. Қуйидаги тасвирда бу жиҳат янада аниқ кўринади: “Аёллар мавқе ва даражасига қараб, навбатма-навбат ҳайитликларини тавозе билан қабул қилишар, баъзилари жойларига етиб боришга ҳам сабрлари чидамай, қизиқишлари устун келиб, ярим йўлдаёқ тугунларини очишар ва аёлликларига бориб, бир-бирларининг инъомларига ўғринча кўз ташлаб қўйишарди. Жойларига ўтиришгач, секингина пичир-пичирни бошлашарди”. Бу тасвирда аёл миносидаги қизиқувчанлик, бесабрлик сингари жиҳатлар ғоят ёрқин акс этган.

Темурийларнинг уч авлодига хизмат қилиб, баридан марҳамат кўрган, лекин ҳеч бирига садоқат кўрсатмаган манфаатпараст, вазиятга қараб турланадиган, ўз қилмиши ва тутумларини тақдир иши дея оқлайдиган мунофиқ ва шафқатсиз Шайх ҳожининг қайвони Гаҳаршодбегим ҳақидаги ўйларининг: “Демак, навбат маҳди улёга келибдур. Бул ҳам Оллоҳнинг иши, – дея масъулиятни ўзидан соқит қилганича, Яратганнинг гарданига юклади мавлоно. Бундай вазиятда ҳақиқатни айтмоқлик нодонлик бирла баробардур” тарзида берилиши адибанинг шу образ руҳиятидаги асосий белгини хатосиз топа билганини кўрсатади.

Романда миллат тарихида турлича из қолдирган шахсларга хос жиҳатларнинг илдишлари ишонарли тасвирланган. Чунончи, Абусаид мирзо, Абдулатиф мирзо, Абдулазиз мирзолар шахсиятида кейинчалик бўй кўрсатган иллатлар қай йўсин шакллангани, қаердан сувлангани асосли кўрсатилган. Айниқса, тутумлари узоқ замонлардан буён кўпчилик учун жумбоқ бўлиб келаётган Абдулатиф мирзо табиатидаги иллатларнинг илдизи онаси Хусн Нигор бегимга бориб тақалиши романда жуда ишонарли кўрсатиб берилган.

Муаллиф асарида Абусаид мирзо табиатига хос хусусиятлар ҳақида ахборот бермайди, балки тутумларини кўрсатиш, ўйларини тасвирлаш орқали унинг асл қиёфасини ўқирманга намоён қилади. Чунончи, у Улуғбек ва Абдулатифнинг ишончини қозониб, уларнинг пинжига киради, қулай келиши билан ҳар иккисига хиёнат қилади. Самарқанд тахтини ёки кўнгил қўйгани Робия Султон бегимни танлаш пайти келганда суюқлисини эмас, тахтни танлайди. Кекса Гавҳаршод бегимнинг ўлимига сабаб бўлади. Муҳаммад Иброҳимни чув туширади, кўшлаб қардошларининг ўлимини ташкил қилади. Руқия бегимга зўрлик билан уйланади.

Абусаид мирзонинг кекса, аммо мағрур ва оқила Гавҳаршод бегим ҳақида: “Эчкининг ўлгиси келса, қассоб билан ўйнашур”, деган гап бор. Майли, биз эчкининг арқонини узунроқ ташлаймуз, истаганча ўйнашиб олсун!” деб ўйлаши ва бу гапнинг суҳбатдошларига қилган таъсирининг романда: “Улар шу пайтгача Абусаид мирзонинг кўнглидаги асл ниятини англагандай бўлсалар-да, лекин унинг бундай қалтис ишга журъат этишига унчалик ишонмаган, ўзларича, гумону тахмин

билан чекланишган эди, холос. Шу боис ҳар учаласи ҳам мирзонинг бу сўзлари замирида шунчаки пўписа эмас, балки қатъий бир қарор, қарор бўлганда ҳам ҳеч ким, ҳатто, валломати ҳам ўзгартира олмайдиган ёвуз бир ўч, интиқом борлигини пайқашди” йўсинида берилиши мирзонинг маънавий тубанлигини бутун кўлами билан кўрсатишга хизмат қилган.

Абусаид мирзо саройдаги одамлардан маликанинг олижаноблиги, адолати, ҳалоллиги тўғрисидаги ҳақиқатларни тинглагандаги ҳолати тасвири ҳам ғоят эсда қоладиган тарзда тасвирланган: “Абусаид мирзо уларнинг гапларини жимгина эшитар, эшитгани сари болалигидан бери юрагининг туб-тубида уйғонган ва йиллар ўтган сари катталашиб, тобора ёвузлашаётган ўчнинг исканжасида тўлғанар ва шу пайтгача олинган интиқоми кўзига камдай кўринарди. У бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмас, керак бўлса, алдар, сотар, хиёнат қилар, лекин мақсадидан қайтмасди”. Бу тасвирда табиатан эгаллаб турган юксак мартабасига муносиб бўлмаган майда, кечил ва ёвуз одам руҳиятидаги жирканч қирралар бутун мураккаблиги билан намён бўлган.

Ўспирин Алишер ва Руқия бегим ўртасидаги изҳорсиз севги чизиги киритилиши тарихий асарга ўзгача жозиба бахш этган. Абусаид мирзо билан бўлажак буюк шоир ўртасидаги совуқчилик, унинг кейинчалик Самарқандга ихрож қилиниши фақат дўсти Хусайн Бойқаро туфайли эмаслигига жуда нозик ва сирли ишора қилинган. Асарда буюк шоирнинг “Яхши” радифли рубойси ва “Ўлтурғуси” радифли ғазалининг келтирилиши ва унга Руқия бегимнинг жавоблари тасвири жуда ўринли бўлиб, асарнинг маърифий даражасини оширишга хизмат қилган. Шунингдек, Алишер Навоийнинг онаси Салимабону образи киритилиши ҳам романга ўзгача оҳор бахш этган. Ўқирман буюк Навоийнинг онаси билан тирик одам сифатида илк бор ушбу роман саҳифаларида дуч келади. Асар сюжет чизигидаги бу икки янгилик романга алоҳида маърифий салмоқ бахш этади.

Романда Абулқосим Бобур мирзонинг ёлғиз ўғли – болакай ҳукмдор Шох Маҳмуд мирзо тимсоли ғоят жонли ва табиий ишланган. Унинг табиатида болаларча содда, довдир ва кўрқоклик ҳукмфармолигу қайсарлик ҳамда эркалик билан ғалати йўсинда уйғунлашиб кетгани ишонарли тасвирланган. Шох Маҳмуд мирзо асардаги биргина лавҳада кўринган бўлса-да, эсдан чиқмайдиган тирик қиёфа эгаси ўлароқ таассурот қолдиради.

Дунёнинг нақадар тушунарсиз, одамлараро муносабатларнинг нечоғлиқ чигал экани бир умр нафақат Улуғбек ва Гавҳаршод бегимга, балки барча темурийларга фақат ёмонлик соғиниб келган, Абдулатифни отасига тезлаб, падаркушга айлантирган Хусн Нигор бегимнинг: “Абдулатифимни барчангизга, ҳатто, қиблагоҳига қарши гиж-гижлаган ҳам менман! Йўқса, ул жўмард шахзодам бул қадар мудҳиш қилмишига журъат этмас эрди... Анинг бутун разилликларига мен сабабчимен! Мен айтмасам, сизни зиндонбанд этиш шахзодамнинг хаёлига ҳам келмас эрди. Менинг йўл-йўригим туфайли шўрлик ўғлоним шул ишга қўл урди. Сизнинг ва давлатпаноҳ ўғлонингизнинг қазоси барча ғам-андуҳларимни аритадур, мен ҳам ҳукмдор ўғлонимнинг волидаси сифатинда яйраб яшаймен, деб хаёл қилибмен. Менинг ўшал қора ниятларим, разил шовғумларим эрса ўзимга эрмас... Ёлғизгина Абдулатифимга, набираларимга урди ва урмоқда. ...Шул боис қолган авлодиларини ҳам йўқотмаслик учун остонангизга бош уриб келдим. Мен бахти қаро муштипарни кечиринг, маликам” тарзидаги иқрори бош қаҳрамон ҳаётининг нечоғлиқ мураккаб кечганини кўрсатиши жиҳатидан аҳамиятлидир.

Романда садоқат ва мардликни тирикликдан устун қўйган Аҳмад ясовулбоши, ота юрти Самарқандни ва онасини эслатгани сабаб ялпиз пичак ейиш илинжида ҳаётини хатарга қўйган Абдураззоқ Самарқандий, маликага тухмат қилишдан

кўра қайноқ сувда куйиб ўлишни афзал билган навкар Турконшоҳ, Алишернинг шеърларида авлиёлик ҳиди борлигини туйган шайх Равосий, бўлажак даҳо шоирни дарвешликдан қайтарган Бобо дарвеш сингари эпизодик тимсоллар ҳам жуда ҳаётий ва ишонарли тасвирланган.

Бу асар барча даврлардаги ҳукмдорларга қайсидир даражада тегишли бўлаверадиган туганмас фожианинг кўплаб қирраларини ҳаққоний ва таъсирли кўрсатиб берганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Романда муаллиф қаҳрамонлари яшаган давр ва тимсолларнинг ўзаро муносабатлари даражасига муносиб тил қўллай билган. “Султон Абусаид мирзо канизақлар қуршовида келаётган Гавҳаршод бегимнинг елкасига бош қўйиб, таззия изҳор қилган бўлди: “Бандалик, маҳди улё маликам, кечмиш бўлсун!” Бу ифода йўсини ўша давр руҳини ташигани билан диққатга лойиқ.

Асарнинг бошида табиатнинг куйидагича жонли тасвири берилади: “Ҳирот боғларида баҳор оёқлаб, куртаклар япроқларга, ғунчалар довуччаларга айланиб, яшил рўмол ёпинган келинчақ каби ороланаётган кунларнинг бирида чарақлаб турган қуёш юзини булут қоплаб, майин эсаётган ел ўрнини бир пасда чанг-тўзонли, қуюн аралаш шамол эгаллади. Афғон шамоли Ҳиротда ҳар-ҳар замонда баҳор кечиккан йиллари, иссиқ ҳавонинг бирдан бошланиб, совуқ ҳаво билан тўқнашуви оқибатида юз берар ва кўпроқ экин-тикинга талафот етказарди. Кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмас бу сирли оқимнинг нафаси ҳам, овози ҳам ёқимсиз ва кўрқинчли, бунинг устига, жуда қудратли эди. У чийиллар, увиллар, ўрама ҳосил қилганича, солим илинжида отини қамчилаётган чавандоздай юлқинар ва йўлида учраган нарсаси борки, қомига тортиб ғорат этарди”. Ифода йўсини ва тилдан фойдаланиш маҳоратига кўра ҳам салмоқли бадий қиймат касб этадиган бу тасвир асардаги Гавҳаршод бегим ва тожу тахт илинжидаги кўплаб шахзодалар қисмати мувозий қўйилганлиги, ишоравий аҳамиятга эгаллиги билан ҳам айрича таҳсинга лойиқдир.

Тасвир объектига улкан муҳаббат, тилдан фойдаланиш ва сюжет қуриш борасида катта маҳорат натижаси бўлган ушбу романда ҳам бир қатор етишмовчиликлар борки, уларни бартараф этиш битикнинг қийматини янада оширган бўларди.

Аввало, асар “Гавҳаршод бегим ёхуд қиёмат ўйини” эмас, балки “Гавҳаршод бегим ёхуд қисмат ўйини” тарзида номланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Сабаби қиёматда ўйин бўлмайди. Қисмат эса ўйин кўрсатиши мумкин.

Иккинчидан, романда “Мен банди қўлингиз” (16-бет) тарзидаги жумла мантиқан нотўғри; “Шундай, мирзом, мулоҳазаларингизда жон бор ва фикрингизга юзда-юз қўшиламен” йўсинидаги гапда “юзда-юз қўшиламен” XV аср маликаси эмас, бугунги кўча одами ишлатадиган бирикмалар (49- ва 56-бетлар) учрайди.

Учинчидан, садри аъзам Шайхзода Пир Қавом тилидан: “Ҳирот шаҳри неча бор бузилиб, қайта тикланган. Милодий еттинчи асрда Ҳирот тахтига қурдлар ҳукмдори шоҳ Фаҳруддин ўлтирган. Ул ҳукмдорнинг кўплаб жанговар филлари бўлган ва бул қалъани асосан ўшал филлар учун қурдирган” шаклидаги давр одамнинг табиатига хос бўлмаган ифода мавжуд.

Тўртинчидан, Бобо дарвеш Алишерга тариқат фидойилари бўлмиш шахсиятларни санар экан, XVIII асрда яшаб ўтган Шоҳ Машраб номини ҳам келтирадики, бу мантиққа зиддир.

Айтилган камчиликлар тарихдаги ғоят чалқаш, қонли фожиалар ва чигал инсоний қисматларга тўла давр, унда яшаб фаолият кўрсатган шахсиятлар маҳорат билан тасвирланган ушбу романнинг бадий ва маърифий қиймати соя ташлай олмайди. Асар бугунги ўзбек тарихий романчилигида юз берган ўзига хос эстетик ҳодиса ўлароқ эътибор ҳамда эътирофга сазовордир.

Осмон яқин, ер юмшоқ

(Шу кунлар афсонаси)



Рўзимбой ҲАСАН

*Қардош икки халқнинг дилбар адиби Ўрозбой ога
Абдурахмоновга миннатдорлик ила бағишлайман.
Муаллиф*

...Мадрим шўронинг тушига ким кирди денг? Йигирма йиллар олдин ўтган отасимас, етти йил олдин “Алвидо!”ни айтишга тили айланмай оний лаҳзада омонатини топширган онаси ёки уч йил муқаддам автоҳалокатда вафот этган якка-ю ягона иниси ҳам эмас... Тилаган кирибди. Умрида кўрмаган, аммо бир таниқли ёзувчи асарининг бош қаҳрамони бўлган шу Тилаган уч ўғлини қаршисига чорлаб, сафарга отлантириб турганмиш: “Сен чапга юрасан, ўнгга буриласан, олдиндан бир шаҳар чиқади. Сен эса орқа-ўнгингга қарамай тўғри кетаверасан”.

Ота сўзини икки қилмаган фарзандлар “Хайру хўш!”ни айтиб, бириси кунботар, бириси кунчиқар томонга кетармишлар. Пиёдами, отдами, темир уловдами? Бу ёғи ёдида йўк... Ишқилиб, кетишар эмиш.

Тилаганнинг учинчи ўғли – супрақокди кенжаси эса, “Юрт ошган бировининг бошига шох чиқиб қайтиб эдики, меникидан чиқса, ундан кўра етмиш бобом оёқларини кавартган тупроқ яхши”, деб пастаккина кулбасига кириб кетармиш...

Мадрим шўро уйга кираётган супрақокдига: “Э, тўхта! Худо йўлига бир сархум сув бер!” демоқ бўлармишу қани тили айланса.

Томоқ дегани қакраб, қорин дегани ёниб, кўз дегани очилмай турган бандага осон тутманг! (Буни бошидан ўтказган бодафуруш аҳли яхши билади).

Рўзимбой ҲАСАН – 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. Унинг “Кечув”, “Уфқ ортидаги умр” (Муҳаббат Сафоева билан ҳаммуаллифликда) роман-эсселари, “Отам ҳақида”, “Бир бошқача одам” каби эсселар, “Бир бор экан...” сарлавҳали ҳикоялари тўпламлари, шунингдек, тарих, этнография, замонамиз қаҳрамонлари ҳақида ва бошқа мавзулардаги қирқдан ортиқ бадиий-публицистик китоблари чоп қилинган.

Кенжаси ўзимизга ўхшаган тепса тебранмас экан, ҳеч бўлмаса ота – шу умрида кўрмаган, китобий таниши Тилаган тилагини бажарар, деб аллақачон икки ёнга йўл солиб, қоралари кўринмай кетган ўғиллари ортидан қараб турган бандадан имдод сўрай деса... уям йўқ! Ерга кирдимиз, осмонга учдимиз?

Сўрашга ҳақи бор – уларнинг кулбаси ортида уфққа довури ялтираб бир улкан денгиз – Орол ястаниб ётган бўлса. Булар бир сархум сувни қизғанишса? Не замонларга қолдик?

Тилаган тилагининг адо қилмаса бу дунёсидан не умид?!

Оролнинг боласи (болаларидан ҳам) кўнгли совуб, “Э, сенларни бовурлар! Бир вақт боболаримиз бир чеким носини аямай, дарё бўйида отишиб чеккан бўлсалар” демоққа оғиз жуфтлаганда қайдандир Тилаганнинг овози келармиш: “Сув йўқ, сув йўқ!”

Мадрим шўро ҳайронлиги ошиб: “Кўрманми, шундоқ уйингиз ортида бутун бир денгиз ястаниб ётибди-ку! Баҳонани қаранглар!” дермиш ва ўпкалаганини билдириш учун бошқа томонига ағдарилиб ётармиш.

Қулоқлари остида Тилаганнинг маънос овози жаранглармиш: “Денгиз қуриди, денгиз қуриди... Бу ялтираб ётган сув эмас, шўр босган Оролқум, биродар! Оролқум – шўрқум! Шўр... шўр... шўр...”

“Шўр” сўзини эшитиб, Мадрим шўронинг тахир оғзи янада тахирлашиб, лаблари бир-бирига ёпишиб қолармиш. Шўр пешонасини силай деса... Қани кўлларида мадор?

* * *

Эрпўлат тажанг бир кайфиятда узун-ю эни тўрт қадамга тортмайдиган хонада тинмай юриб турибди. Неча қарра бориб-келди – саноғи йўқ.

Рўзимбой Ҳасан услубига чизгилар

Рўзимбой асл хоразмлик. Ёзганларида хоразм шевасининг барча ранг-ширалари ва оҳанги сезилиб, ифори барқ уриб туради. Гарчи Амударёнинг икки соҳилида тугилиб ўсган бўлсак-да, унинг ижоди билан адабиётимизнинг мард шоири, дўстим Матназар Абдулҳаким орқали танишганман. Яқиндан эса, умумий дардимиз бўлган Орол фожеаси ҳақида фикрлашдик. У Дўрмондан Урганча қайтаётиб менга “Бир бор экан” деган китобини бериб, вақт топсанг кўрарсан, деб кетганди... Урганча етиб олгач эса, “Осмон узоқ, ер яқин”ни жўнатди. “Бир бор экан” оғушида юрганча “Ернинг яқинига” қайтдим.

Рўзимбой менинг Оролга шўнгиб, сўнги қоралаган нарсам – “Денгиз тўла, ой ёруғ”имга қизиқиб қолибди ва ушбу асарини менга бағишлабди. Бирга саҳролар кезиб, талай Қоратовларга чиқишган дўстимга ҳурматим ошиб, фикр ёзишга бел боғладим. Дастлабки ёзганларимни кенжаси тоғи неварам Камол компьютернинг қаерига сақлаганини топа олмасдан, ҳозир қайтадан ёзганман.

Дунёнинг барча денгизу дарёларининг ўз соҳиллари бор. Барча денгиз соҳилларидан одамлар катта Оқ кемаларда бир-бирларини кузатиб ёки қутиб олишади. Фақат Орол соҳилига келган кемалар саёз қумларга ботиб қолган.

Ниҳоят ёшига нисбатан эрта оқарган пешона сочларини кўрсаткич бармоғи билан силади ва стол устида ётган япалоқ телефонни қўлига олди. “Профессор А. Одамбоев” деган ёзувни излади, топди, устига босди. Мана энди...

– Домла, салом! Узр, халақит бермадимми? Мен Эрпўлатман. Ҳа, ҳа шоир ва ношир! Кеча гаплашиб эдик...

У ёқда профессор А.Одамбоев нима дегани ҳозирча бизга қоронғи, аммо такаллуф билан гапираётган инимиз юз ифодасидан... кейин яна ва яна хона эни ва бўйини “ўлчашига” киришиб кетиши аниқдек эди.

– Йўқ, анча имзо тўпланди. Мана, мана...

Эрпўлат стол устида турган қоғозни олиб, тезкор кўз ташлади.

– Кеча ва бугун саккиз киши имзо қўйди. Яна... ҳамкасбингиз Сотлиқов пешин намозидан сўнг ўтаман деган... Кимлар? Ҳа, ҳа! Мана “Мурожаатнома” қўлимда турибди. Ёзувчилар уюшмасининг икки нафар аъзоси, уч нафар журналистлар уюшмаси аъзоси... Маъмун академиясидан икки илмий ходим... Яна... Хўп, тушундим сизни. Қачон?

Профессор А.Одамбоев мужмал гап айтди чоғи (буни Эрпўлатнинг телефонни жаҳл билан столга қўйганидан англадик) унинг кайфияти олдинги ҳолатга қайтди-қўйди.

У бошини қашлагач, яна хона бўйлаб юра бошлади.

* * *

Мадрим шўро минг азоб билан кўзларини очди. Нигоҳи тушгани Тилагану ўзининг уч ўғли эмас, дераза рахида терилиб турган гултуваклар бўлди. Аёли ҳар кун эрталаб гулларга сув қуярди. Елим идишнинг қайрилма жўмрагидан тип-тиник сув чулдираб қўйилар... Бу вақтда Мадрим шўро ўрнидан туриб, шими-ю қўйлагини

Амударёнинг пири Хубби дейишади. Академик Яҳё Фуломовнинг “Қадимий Хоразм суғориш тарихи” китобида қадим Мисрнинг буюк Нил дарёси ўртасидаги оролда буюк бобомиз Аҳмад ал-Фаргоний қурган “сув ўлчагич”и борлиги қайд этилади.

Сув оқимини ўлчаган олимлар авлодидан бўла туриб ўзимизнинг икки дарёемизни асрай олмасдан, Оролимиздан айрилганимизга биз ҳам ўқиб йиғлаётимиз ҳамон...

Соҳилсиз дарёлар оқмайди, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дейди халқимиз. “Денгизга ёққан ёмғир саховат эмас”, дейди буюк Навоий.

Биз кекса авлод Турк дунёсининг улуг денгизидан айрилиб қолдик, энди биргалашиб уни тўлдириб, тиклашимиз мавриди келди, Рўзимбой?

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпағистон
халқ ёзувчиси**

ахтарар, ошхонада сахар-мардондан тахт турган дастурхон хаёлидан кечар, аммо ҳали унга етгунча ҳовлига чиқиш, тўрдаги молхонага ёндош ҳожатхонага бориш, кейин ўғли ўрнатган қўлбола юзювгичда ювиниши керак бўларди.

Ҳозир эса... Деразининг бахмал пардаси орасидан қуёшнинг илк қизғиш нурлари жилваланиб турибди.

Гултуваклар жойида – уларнинг тагига сув қуядиган елим идишу уни кўтариб олган хотини йўқ. Қани ҳозир хотини кириб қолса, елим идишни гултувакларга эмас, тўғри эрининг оғзига тўғриласа. Шариллатиб қуяверса, қуяверса...

Мадрим шўронинг хаёлидан оғзи баттар курукшади, лабларини ялаб, сас берди:
– Оймомо! Оймомо, дедим!

Тагидаги дивандан, дераза раҳидаги гултуваклардан, бахмал парда-ю тўрт девордан садо чиқди – биров эшикни очмади.

– Оймомо!!!

Мадрим шўро ўрнидан кўзғалмоқчи эди – ҳоли келмади. Мисли елкасида шу эллик беш йилки кўтариб юргани – аллақачон тепакалга айланган калласи эмас, уч ботмон тегирмон тоши.

У ёстиғи тагидан телефонини олди. Зўрға очилган бир кўзи билан термоқ бўлган рақамини излади. Телефон ёрқинлигидан кўнгли ағдарилди – бўғзига келган ниманарсани яна ичига ютди, “падарлаънат” деб сўкиниб қўйди.

Ниҳоят “Прокурор” ёзувини топди. Телефоннинг чақириқ саси миясига игнадек санчилди.

– Оймомо?! Ҳамма кўчиб кетганми ё ўлиб қолдингларми? Қайдасан?! Мен... мен... Бир сархум муздек сув келтир!

У телефонни уникқан гилам устига ташлаб, яна кўзларини юмиб олди.

* * *

Ҳаммаси одатдаги иш тутумида – икки кун аввал бошланди – ундаям кечқурун – эл оёғи тинган вақтда тўсатдан барча маҳалла раисларини ҳокимликка чақиришди.

– Масала бундай, – деб палағда овозда гап бошлади ҳокимнинг маҳаллалар учун масъул ўринбосари, муқаддам Ички ишларда ишлаб, нафақага чиққан Шомилжонов. – Овқат-таом вазирлигидан энг катта байрамимизга бағишлаб “Йил бўғирсоғи” танлови ўтказиш ҳақида қарор келган экан. Шу танловни икки... Кўпи билан уч кун ичида ўтказиб, ҳисоботини етказишимиз шарт! Демак...

Собиқ мелиса майори ёнига ўтирган ёрдамчисига ўғирилди:

– Шу... Улуғ байрамга неча кун қолди?

Ёрдамчи қўлига телефонини олиб, анча вақт унга тикилди, сўнг бармоқларини букиб санади.

– Беш кун қолибди.

– Бугунни ҳам қўшгандами?

– Ҳозир....

У қайтадан бармоқ букишга тушди...

Ўринбосар томоқ қириб олгач, масалани тушунтирди:

– Демак... Тўрт кун қолибди. Боя кўпи билан уч кун деганим бекор қилинади.

Икки кун ичида танлов ўтказилиши шарт! Эшитдингларми?

Залнинг у ер-бу еридан маъкулловлар эшитилди.

– Бизда ўттиз иккита маҳалла борми?

Ўринбосар яна ёрдамчисига қаради. Ёрдамчиси гапини бош чайқаб маъқуллагач, яна томоқ кирди.

– Биз... Мен ҳоким бува билан танловнинг ташкилий томонини гаплашиб олдим. Ҳокимлик захирасидан ўн тонна аъло навли ун ажратиладиган бўлди. Бу ҳар маҳаллага тўрт коп ун берилади дегани. Шу унни олгач, қўл-оёғи чаққон аёлларни топиб... Йўк, ун берилишини кутиб ўтирмасдан бугун, мажлисдан чиқибок топиш керак аёлларни. Ўн нафар аёл бўлса, ҳар бирисига икки тоғора хамирга етарли ун берилса, қозон-товоқ ҳақида айтиб ўтирмайман, ҳар маҳаллада камида бештадан тўйхона бор, танловни шу тўйхоналарда ташкиллаштириш керак.

Ўринбосар гапини тугатиб, залда ўтирганларга синчков қаради.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

– Демак, унда мана ҳозир ёрдамчим танлов шартлари ёзилган қоғозларни сизларга беради. Оласизлару, уйга бориб хотинингиз қўйнига кирмай, танловда қатнашадиган аёлларни топиб, рўйхатни тузасизлар. Рўйхат эрталаб соат саккизу нол-нолда менинг иш столида бўлиши керак! Тушунарлими?

“Тушунарли!” деган бир-икки овоз эшитилди.

Ўринбосар ўрнидан туриб, олдидаги телефонини қўйлагининг ён чўнтагига солган вақтда кимдир “Ёғ-чи?” деб лўкма ташлади.

Ўринбосар овоз келган томонга қаради ва қаҳрли товушда гапирди:

– Ким ёғ сўради? Ким?! “Шабистон” шўроси сенми? Ҳамма сўраса-да сен қисиб ўтиришинг керак эди. Вилоятдаги ягона ёғ-мой заводи сенинг маҳалланг ҳудудида. Заводдан ҳар тунда қанча ёғ ўғирланишини эси паст болаям билади. Маҳаллада тинчлик ўрнатиш, ёғ ташувчиларни тийиб қўйиш ўрнига... Ўзинг шуларга шерик бўлиб, улуш олаётганингни билмайманми?! Ё бу ҳақида Ички ишларга айтишим керакми? Айт, десанг айтаман. У ерда шогирдларим ишлашади. А?!

“Шабистон” маҳалласи раиси не аҳволдалиги ўзига аён, бошқаларнинг ҳам дами ичига тушиб кетгани аниқ эди.

* * *

Мадрим шўро мажлисдан чиқиб, машинасига миниб, ўт олдириш у ёқда қолиб, телефонида ўринбосарларига топшириқ бера бошлади:

– Қарриев! Мен телефон қилганда дарров олмайсанми? Мен... Мен ҳозир ҳокимликдан мажлисдан чиқдим. Топшириқ бундай: ҳозир бошқа ўринбосарлар, котиб ва ходимларни уйғот! Ҳар бириси бўғирсоқ пиширадиган икки хотин топсин. Уларнинг исми-шарифини тонгги соат еттига менга етказасан. Тушундингми? Нима? Бўғирсоқ не деганинг не? Шу ейдиган бўғирсоқ-да! Тўй-томошаларда, ҳайитларда пиширишади-ю... Шу ўзимизнинг бўғирсоқ. Тушундингми? Эй, сен каловланма! Ўрнингдан тур, юз-кўлингни ювиб, ручка-дафтар олиб, рўйхатни шакллантиришга кириш. Мен... Бизлар ҳали ҳоким олдида ҳам киришимиз керак экан. Ҳоким ярим кечада юборадими, ким билади? Тезлаш!

Мадрим шўро ўринбосарига топшириқни бергач, машинасида анча вақт ўйланиб ўтирди, сўнг телефонини яна қовлаштириб, бировнинг рақамини топди. Телефон узун сас бера бошлагач, атрофига бир қараб олди.

– Ухламадингми, жоннн! Ҳеч ким йўқми? Мен... Ҳозир ҳокимликдан мажлисдан

чиқдим. Не мажлис? Бўғирсоқ ҳақида мажлис бўлди. Бўғирсоқми? Борганда айтаман, бўғирсоғим!

Мадрим шўро ёнма-ён қаторлашиб турган машиналар олдидан секин ҳайдаб бораркан, ҳамкасбларининг ҳам кимлар биландир телефонда гаплашаётганини кўрди. Ишини битказиб, йўлга чиқишга ҳозирланаётганлар билан бош ирғаб хайрлашган бўлди...

* * *

Кеча кун бўйи ҳокимлик томонидан бериладиган унни кутишди. Шом вақтида заҳирада ун қолмагани, ҳар бир маҳалла “Ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, танловни ташкиллаштириши” маълум бўлди.

Шаҳарнинг чекка кўчаларидан бири бўйидаги “Дрон” тўйхонаси эгасини эртага тушликда ўтадиган танлов учун шароит яратиб беришга зўрға кўндирди. Яхшиям, шу вақтда бошқа тадбир йўқлиги.

“Ўн нафар хотин бўғирсоқ пиширадилар. Бирор эллик-олтмиш чоғлик томошабин бўлади. Шуларга стол-курси ҳозирлайсан, тамом! Ҳа, қозон-ўчоқларинг тахт турсин!”

Тўйхона эгаси ғижиниб рози бўлди. Тўйхонада иккитагина қозон-ўчоқ борлигини айтгач, Мадрим шўро яна телефониға ёпишди...

Кеча кечқурун танловда қатнашадиган аёлларнинг уйларида қозон-товоқ топиб, тўйхонага келтиришди. Табиий газ йўқлиги учун бир ўринбосарини ўтин топишга юборди.

Ҳаммаси тахт қилинган, идора ходимлари билан эртанги муҳим сиёсий тадбир кўнгилдагидек ўтиши учун озгинадан олишди.

Ҳа, айтгандай шу кун тўйхонада ён туманлик бир анчагина бели бақувват одам ўғлининг никоҳ тўйини ўтказаётган экан – ярим кечагача тўй меҳмони сифатида яхшигана ичишганди. “Тадбирни ташкиллаштириш гуруҳи”нинг йиғилиши шундан кейинги гап.

Мана оқибат – Мадрим шўро ҳамон бошини кўтара олмай, ўзини ўзи сўкиб ётибди.

Ахир у ёқда сиёсий тадбир ёниб кетай деяпти. Яна ҳокимликдан барча маҳаллалардаги танловларда телевидениедан мухбирлар келиши ва ҳоким буванинг ўзи ҳам бирров бош суқиши ҳақида огоҳлантиришган...

* * *

Эрпўлат хонани нечанчи бора қадам-бақадам ўлчашни бас қилиб, яна қўл телефониға юзланди. Маълум исму шариф остидаги ўн бир рақам ҳаволарда учиб, қай макондаги улама ускуналар чиғириғидан ўтишига ярим дақиқалар кетди ва узундан-узун сас тор хонани – оёқ остидаги едирилган кафелларни титратгудек бўлди.

Эрпўлат бесамар кетаётган сасларни санади. Санаш ўн тўртга етганда номаълум қизнинг, “Абонет ҳозир жавоб бера олмайди, истасангиз овозли хабар қолдиришингиз мумкин”, деган гапи қулоққа чалинди. Эрпўлат бирор сония ўйланиб тургач, телефонни лабига яқин тутганча гапирди: “Домла, салом! Мен Эрпўлатман. Сиз билан олдин икки марта гаплашган эдим ҳайкал бўйича. Имзолар йиғилиб қолди. Энди сизнинг рағбатингиз – имзонгизни кутаяпмиз. Унвондор профессор сифатида сизнинг имзонгиз биз зиёлилар илтижоси керакли жойларда ечим топишида салмоқли бўлиши мумкин”.

У бироз ўйланиб тургач, яна қўшимча қилди: “Бўш вақтингизни айтсангиз, олдингизга ўтардим”.

Телефонни яна стол устига ташлади ва хона бурчагига тирғаб ўрнатилган одам бўйи ясама жавондаги олти қатор китоблар орасидан бирини олди ва дарров варақлади.

Шу лаҳзаларда “Шажараи турк” саҳифасидан ёлларини шамол ўйнаётган от устида ўтирган шоҳнинг дарғазаб овози янграгандай бўлди: “...Аммо бизнинг ота ва акаларимизнинг бепарвойлиқи ва Хоразм халқининг беуфуклиқи, бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизни Абдуллахоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилган еридин то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали деб фикр қилдуқ. Ҳеч муносиб киши топмадуқ. Зарур бўлди, ул сабабдин ўзимиз айтдуқ. Туркнинг масали турур: “Ўксуз ўз киндигини ўзи кесар”.

Яна бироз хаёлласа от устидаги шоҳ қиличини серпаши мумкиндек дарровкитобни ёпди.

* * *

Мадрим шўро аёли узатган сархумни қўшқўллаб олганча бир симиришда бўшатди. Сархумни хотинига қайтариб бераётиб, қаттиқ-қаттиқ кекирди, негадир, “Ўзига шукр!” деб қўйди.

Аёли ортига қайтаркан: “Чойни қачон ичасиз?” деди беҳафсала бир овозда.

Мадрим шўро аёли саволини эшитмагандек, ёстиғи тагидан телефонни олиб, кўзига яқинроқ келтирди ва керакли рақамларни излай бошлади ва ниҳоят “Бир тийинга қиммат одам” деган ёзув остидаги рақамни босди. У ёқдаги “бебаҳо банда” иккинчи сасдаёқ телефонни қўтарди.

– Эшитаман, ёшулли!

– Аввало салом бер! Ҳеч одам бўлмадинг-бўлмадинг.

– Салом, ёшулли!

– Ҳалиям ухляяпсанми?

– Йўқ...Турганимга бир соатлар бўлди!

Мадрим шўро яна кетма-кет кекирди.

– Турганимга ўн соат бўлса-да сендан фойда йўқ. Сендақаларни одамлар “Итга сояси тегмайди” дейдилар. Биласанми, нега шундай дейишади?Итга сояси тегмагани – ити йўқлиги. Эринчоқлиги – дастурхонда бир бурда нон қолдирмасдан, ушоғигача ўзи ютиб, ит боқмайдиганларга айтишади. Тадбир нима бўлди шундан гапир!

– Ҳозир чой ичиб, тўйхонага ўтаман.

– Чойни шу ёқда ич! Мен унғача ҳокимликка ўтиб келаман.

– Хўп бўлади!

– Ҳа, ёғ топилдими?

– Уйдан бир баклашка олдим. Танлов иштирокчиларига ҳам айтдим, ҳар бири ярим баклашкadan...

– Нега ярим баклашка?!

– Етармикан девдим...

– Бўғирсоқ ёғда бош-оёқ чўмилиб пишса мазали бўлади. Менга қуруқ қотирмоч керакмас.

– Бўлди, айтаман!

Мадрим шўро телефонни тўшак устига ташлади ва чуқур нафас олди. Кўз ўнгига муздек сувда чўмилаётган одамлар келди. Қани ҳозир муздек сувга тўла ҳовуз бўлса-ю мазза қилиб чўмилса – ичини ҳамон ёқаётган оловни “псс” этиб ўчирса.

У яна тўшакка чўзилди ва кўзларини юмиб олди.

* * *

Салим саманнинг икки лақаби бор.

Исмига “Саман”ини кўпроқ тиркашади. “Жиловдор” деганини эса, айтишга тил унчалик қовушавермайди.

Йўлдами-тўйдами юзлашиб қолсангиз, сизга маслаҳат ҳеч бўлмаса гап орасида бир бора “Жиловдор ака” деб қўймасангиз унда ўзингиздан кўринг – Салим саман деганимиз тўнини тескари кияди-туради. “Тўнини тескари кийса – ўзига!” деманг. Салим саман керак одам – шаҳардаги энг катта дўкон эгаси. Унинг дўконида неки темир-терсак бор – топилади. Икки-ю уч ғилдиракли мотоциклдан тортиб, от юганигача. Янги автоуловларни ҳам сотмоқчи бўлиб кўрди-ю, ўзининг айтишича: “Машина сотиб бири икки бўлган одамни кўрмадим. Бошу оёқ ғалва!” Аслида, ҳақиқатни очик айта олмайди. Уни “мошин бозор”га киритишмади – бу савдонинг катталари Бошкентда экан. Яна денг, қайбир вазирнинг куёвимиш...

Салим саман икки нарсага қизиқади. Шу биринчиси лақабларига айланган – от! Икки ошёнли уйига ёндаш қурдирган сайисхонасида бирор ўн бош от сақлайди. Отларга қараш учун икки туркманни ёллаган. Сайисхонасида беш бош туркмени ахалтака зот отлари ҳам бор-да!

Айтишларича, шаҳарнинг энг катта майдонида от етаклаган Шоҳ ҳайкали ўрнатиш таклифи Салим самандан чиққан, бу ғояни ўшал вақтларда шаҳар ҳокими бўлган Рустам Султон қўллаган. Асли қурувчи бўлган ҳоким ҳайкалнинг чизмасини ўзи чизган. Ҳайкалтарошга кўп юмуш қолмаган – Шоҳу отни қолипга куйган, холос.

Ҳайкал ўрнатилгач, Салим саманнинг куни туққан – ҳар кун саҳарда бориб ҳайкал атрофини айланган, от ёлларини силаган, жиловидан ушлаб, “Чув, жонивор!” деб ҳайқирган.

Ўзининг мақтанишига ишонсангиз, етти эмас, етмиш орқасининг тирикчилиги от билан ўтган. Яна денг, саҳрода от йўрғалатиб қўй боқиб эмас, хону султонлар қатида жиловдорлик қилиб. Адашсак, Ўзи кечирсин, Кўнадан қатига тўрт юз мулозимини олиб, янги шаҳар қурмоқ ҳавасида юрт ўртасига йўл олган ғозий Шоҳ отининг жиловини тутган ҳам Салим саманнинг қайбир бобоси бўлиб чиқади.

Салим саман эл катталаридан қолмай деб ўн беш йиллар олдин ҳаж зиёратини ҳам ўтаган. Ҳайкал ўрнатилганида элни йиғиб, катта тўй берганини биламиз – эл қатори қатнашганимиз бор. Ўшанда дастурхонга анов “шайтон сув” ўрнига қимиз тортилган. Ичган ҳам ичган, ичмаган ҳам.

“Салим саман қимиз ичирган” воқеаси шаҳар аҳли учун вақт уйқашига айланиб улгурдики, одамлар кимни ёки ниманидир эслашганда: “Салим саман қимиз ичирган йили Мамат шўро билан Московга боргандик”, “Канал бўйидаги завод Саман қимиз ичирган йили қурилган” ёки “Салим саман қимиз ичирган йили катта қизимиз туғилганди”, деб қўшиб қўядилар.

...Салим саман ҳалак, ҳайкал ҳалак бўлиб юрган даврда кутилмаган воқеа рўй берди – одатига кўра дўконига кетаётиб, Шоҳ билан саломлашай, отни эркалай деб бориб, қараса... На Шоҳ бор, на ҳайкал. Шу ердаги катта дўкон эгаси: “Ярим кечаси олиб кетишибди. Ким билади қайга? Нима учун?”дан нари ўтмагач, Салим саман йўл чеккасида қўйган машинаси ҳам эсига келмай, ҳокимлик биноси томон югуриб кетган.

Олдинлари – Рустам Султон ҳоким вақти маҳкама қоровули қўл қовуштириб кутиб оладиган, ичкарига кузатиб қўядиган эди. Ўрнига келган ҳоким кимлигини билмас, бу хабарни етказганлардан: “Умрида от жиловини тутиб кўрганмикан?” деб сўраган, улар елка қисгач ўзига-ўзи: “Ҳокимингга ишим тушмас, керак бўлса ўзи келар”, деб қўл силтаган Салим саманни мана энди ўша эски қоровул эшикдан киритмай турибди-да! Бир хаёли йўлига ғов турган қоровулга бошлаб калла қўяй деган пайти формали бириси чиқиб, вазиятни юмшатди. Ҳоким олдига нима мақсадда келганини эшитгач, содда қилиб тушунтирди: “Биламан, сизга ҳоким эмас, ҳайкал керак! Анов ижроқўм боғини яхши биласиз? Ундан эски қабристон томонга – қиблага юрсангиз, тўртта йўл кесишган жойда Шоҳу саман оти сизни кутиб турибди!”

Салим саман яна пиёда йўл босиб, терлаб-пишиб ҳайкал ўрнатилган жойга келган, хароба йўл устида турган Шоҳу саманни кўриб, йиғлаб юборган.

Ҳайкални олдинги жойига қайтариш учун Салим саман нималар қилмади – Бошкентга беш марта борди, не-не казоларга ялинди-ёлворди. Энг Катта ёнига киритишмади – шу вақтда Катта қайсидир давлатга жўнаворган экан...

Салим саманга алам қилгани каттагина идоранинг каттагина амалдори унинг дардини тинглагач: “Ҳайкални ҳеч ким кўчирмаган, ярим тунда сизнинг шоҳингиз отга мингану ўша жойга бориб: “Менинг ҳақиқий ўрним шу ерда!” деб туриб олган”, дегани бўлди...

Юраги гавдасидан катта шоир Эрпўлатга юқорига минг имзоли хат тайёрлашни илтимос қилган ҳам Салим саман. Яна ваъда берган: “Шоҳу от олдинги жойига қайтган куни, ука, сенга бир яп-янги машина мендан! Шу-шу Эрпўлат неча марта бу масалани газетларга олиб чикди, гуруҳ бўлиб хатлар уюштирди. Қани биров тингласа! Олинган жавоб хатлари эгизакдек бир-бирига ўхшайди: “Шаҳарнинг марказий бозор майдонига ўрнатилган шоҳу саман ҳайкалини кўчириш борасида маҳаллий ҳокимлик қарори мавжуд эмас. Маълум бўлишича, шоҳ ўрнатилган жойидан норозилик билдириб, бир кунда тунда отни етаклаб, шаҳарнинг бошқа томонидаги йўл устига бориб ўрнашиб олган. Шоҳ ва отини олдинги жойига қайтариш борасида маъмурлар уринишлари самара бермаган – шоҳ ўз сўзида қатъий турган.

Шоҳнинг қарорини муҳокама қилишга ваколатимиз йўқлигини билдирамыз”.

Булар бирор ўн беш йил олдинги гаплар.

* * *

Бугундан айтсак...

...Э, хотирамиз ўзимизда пайти айтиб кетайлик, Салим саманнинг яна бир қизиққани – танга йиғиш. Одамлар лоф аралаштириб айтишича, икки ошёнли уйининг юк машинаси кириб чиқадиган ертўласидаги бир хона паркет полдан шипгача тангага тўлганмиш.

Қанақа танга, деб шоширманг! Бир бошдан айтайлик. Катта давлат бузилиб, юртда доруломон бўлган даврларда савдогар аҳлига ҳавас қилиб бўлмасди. Пул дегани ой эмас, кун эмас, соат сайин қадрини йўқотиб, мишиқи болалар чўнтаги бир миллионлик пулларни кўрган, дўкондорлар пул санашдан бешиб, уни қопларга солиб, тарозуда тортиб, тахминий миқдорини чиқариб юрган кезларда “шапкачи”-ю соққачиларнинг уйи куйган. Ноёб маҳсулот топиб бериш, боласини ўқишга киритиб қўйиш, каттароқ мансабга ўтириш учун бериладиган “улуш” касодга учраган. Ахир, “Ўғлимни ўқишга киритиб қўйинг!” деб деканнинг уйига тўрт қоп пулни қандай олиб борасиз? Янги тузилган ҳокимлик тизимидаги ёғлиқроқ ўринга ўтириш учун эса бундан беш хисса кўпроқ улуш сўралади. Кўз олдингизга келтиринг, 20 қоп пул ортилган юк машинаси каттакон амалдор дарвозаси олдига келиб тўхтади, икки ҳаммол терлаб-пишиб, зил-замбил қопларни ичкарига ташишяпти. Амалдорнинг аёли бурнини жийирганча, ҳаммолларга беписанд қараб турибди. Яна буйруқ беради: “Икки қопини машинада қолдиришлар! Уч кун олдин хўжайиним Полвоннинг дўконидан импорт мебель олувди. Шунинг пулини ташлаб ўтасизлар!”

Шунақа замонларни ҳам яшадик. Аммо, бир куни... Салим саманнинг жияни янгилик топиб келди. Айтдики: “Етти йилки елкамизда тўртта юлдуз бўлса-да, биримиз икки бўлмади, дойи! Мендан кейин ишга кирганлар йўлини топиб, ёғли ўринларга ўтишди. Кичик юлдузларни каттайтиришди, яна Бошкентдан уй олишди. Шунга...”

Салим саман жиянининг ниятини англади, гапни қисқа қилди: “Кимга қанча бериш керак экан?”

Жияни бош чайқади: “Олишмаяпти-да! Одамини топгандим, у эса, “Бу қоғозингга кетниям артиб бўлмайди. Қаттиғидан – қизилидан келтир!” дебди.

Салим саман дубдан ясалган столни бармоқлари билан чертиб сўради: “Қанча... неча дона сўрашди?”

Жиянининг юзи ёришди: “20 дона. Хива хониники бўлсин – 10 граммлиги дейишди”.

Салим саман: “Ҳмм!” деганча бир зум ўйланиб ўтирди, сўнг ичкарига кириб кетди...

Салим саманнинг ўша – тоғасининг кўзини очган жиянининг ҳозир елкасида учта катта юлдуз – қўшни вилоятлардан бирисида бирор минг чоғлиқ мелисани ётқизиб-турғизиб юрибди...

Замон зумда тескари айланиб кетганини, сал бўлмаса оқимдан ортда қолганини англаган Салим саман танишлари орқали танга йиғишга киришди – фақат қизил тангаларни.

Доруломон юртда янги пул чикқан кезларда “қизил танга бозори” сал совуди, катта уммон ортидагиларнинг доллар дегани юртни олгач эса, ҳеч ким изламай ҳам қўйди. Хон замонидан қолган қизил тангалар бу пайтга келиб анқонинг уруғи бўлган – топилганлари тиш дўхтирларидан ортмасди...

Салим саманнинг “танга йиғаетгани” хабари элнинг қулоғидан ҳоли қолмади. Бир куни чекка туманлардан бирисида умри бўйи дўкончилик қилган бир таниши Салим саманни йўқлаб келди. Унинг “дарди” – енгил машинаси юкхонасига ортилган икки қоп тангадан ҳам оғирроқ экан. “Салим жиловдор ака! Шу десангиз бошимизга бир мушкул иш тушди. Эрта-ю кеч халққа хизмат қилайлик деб бу ёқда

якка-ю ёлғиз ўғлимиз кўзимиздан четда қолибди. Ичи қора ёмонлар уни йўлдан оздиришган. Аввал чектириб, сўнг игнага ўтқазишибди. Шу ўғлимиз колхоз раисининг уйини босган талончилар орасида борлигини қаранг! Жиловдор ака, сизни қора тортиб келдим. Бошқа кимга сарғаяй?!”

Дўкондорнинг ўғлини қамоқдан чиқариш учун тўрт минг “кўк”идан сўрашган. Бечора йиғлайди: “Бизда “кўк”и қайда, жиловдор ака! Анов қоғоз пуллар кет... Қўл артишга ҳам ярамай қолган вақтларида ҳеч бўлмаса темир-терсакка топширарман, деб танга пул йиққандим. Ана машина юкхонасида турибди. Ишонмасангиз, санаб кўринг – нақд бир миллион сўмлик! Банк курсида айтсам, тўрт минг долларга тенг! Шуни...”

Салим саман қўли очиқ инсон. Яна бечора ҳар икки гапининг бирида “Жиловдор ака” деб тургач нима қилсин! Суякларида қолмаган жиловдор боболари руҳлари чиркирамайдими?

Бангги ўғлининг хуни учун сўралган ўша тўрт минг “кўк”ни бериб юборди.

Аммо, лекин машина юкхонасидаги икки қоп тангани уйга киритиш бир азоб бўлдики, аввалида машинани ичкарига олишди, сўнг қоп оғзини очиб, ундаги тангаларни тоғорага тўкишди.

Салим саман ўйлаб кўрса, шу умри чекка қишлоқда ўтган дўкончи ундан кўра ақлли экан. Қоғоз пул дегани қўлнинг кири ҳам эмас. Кунора кадрсизланиб бораверади. Сариғу оқиш тангалар эса чирирмиди? Сандиқни тўлғазиб қўйса, ҳар кўрганда кўзингни қувонтиради. Қўлингга олиб мисли дондек шопирсанг, жирингидан қулоқларинг ҳузурланади...

Шу-шу Салим саман қора танга йиғувчиси деган ном чиқарди. Бир томони яхши – айрим ғаламисларнинг, “Салим саман хон тангаси йиғаяптимиш”, деган гапларига чек қўйди.

* * *

Эрпўлат телефонидан ҳафсаласи совуб, тушликка чиқиш учун энди эшикни кулфлаётганида, “Эрпўлат ака сизмисиз?” деган овоздан орқасига ўгирилиб қаради.

Қўлида кизғиш тусли хатжилд ушлаган йигит турарди.

– Салом. Ҳа, менман!

– Салом. Сизнинг ёнингизга келгандим.

Эрпўлат кулфга яна калит солди...

Йигит хушxabар атагулик юмуш билан келган экан. Қўлидаги хатжилддан икки варақни олиб, Эрпўлатга узатди.

Компьютерда инжудек терилган “Илтимоснома”да гап ҳайкални ўз ўрнига қайтариш ҳақида борар, қувонарлиси, унга йигирма етти киши имзо қўйганди.

Эрпўлат “Илтимоснома”ни ўқигач, юзлари ёришди, агарда илк бора кўриб тургани бўлмаганда ҳозир йигитни кучоқлаб, хона бўйлаб айлантирадиган кайфиятда эди.

– Жуда зўр! Юртимиз ҳамиша ватанпарвар инсонларга суянган. Афсус, бундай кишилар ҳамма вақт топилиб, кўкрак кериб майдонга чиқавермайди. Юрт тарихини биз яратганмиз, деб катта минбарларда дам уриб юрган профессорлар пана-пасткамга уриб кетган замонда... Ёш олимларнинг бу журъати тарихимизга ёзилади бир кун келиб.

У “Илтимоснома”ни стол устига қўйди ва йигитни қўярда-қўймай тушликка олиб кетди.

* * *

Мадрим шўро яна хотинини чақирди. Бу сафар келтирган сувнинг зўрға ярмини ичди ҳаммасини ичса ошқозонида неки бор қайтиб чиқадиган.

Хотинига қўли билан “Эшикни ёп!” ишорасини бериб, кўзини юмди. Қани бирор соатлар ухласа. Ҳеч бало кўрмагандай тўйхонага борар, тик оёқда бу савил қолгур танловни ўтказарди. Танловни эслаши билан катта қозонда чўғдек ёғда бижирлаб пишаётган бўғирсоқлар кўз олдига келди. Келса гўрға – қуйган ёғ ичи-бағрини ағдариб юборгудай бўлди. Лабларини қимтиб олди.

Сўнг кўзи илинди. Тушига кип-қизил чўғдек қуйган ёғда мисли даврада ўйнаётган энгилоёқ раққосалар каби тинмасдан айланаётган бўғирсоқлар кирди. Бурнини бекитганча ўзини тўрт ёнга урди. Қани бу бадбахт хиддан – тинмай айланаётган бўғирсоқлардан қутила олса!

...Минг азоб билан кўзини очди-ю яна юмди – кунчиқарга қараган деразадан куёш нурлари тушганди. Бошқа тарафга ағдарилиб ётай деганида, телефони сас берди. Ёстик тагидан телефонни олиб, ким кўнғироқ қилаётганини билмоқ бўлди. “Бир тийинлик...” сўзини ўқиганча телефонни қулоғига тутди.

– Не гап?

– Аҳвол ёмон, ёшулли!

– Не бало, тўйхонани ўтга қўйдингларми?

– Ўт қўйилса бошқа тўйхона топиларди. Тўйхона олдидаги...

– Тезроқ айт!

– Шохнинг оти йўқ!

– Қайси Шох? Қайси от?!

– От йўқ! Шохнинг ўзи сўлпайиб турибди. Ҳамма бекорчи шу ерда тўпланган.

– Мадрим шўро ўрнидан турди. Бошини чайқади, чуқур нафас олди.

“Дрон” тўйхонаси олдидаги чорраҳада турган Шох ва от ҳайкали энди ёдига келди. “Отини ким ўғирлаган? Кимга керак бўлди бу тошга айланган от?!”

Шу лаҳзада маҳаллада яна учта тўйхона бўлатуриб, тадбирни “Дрон”га белгилаганига афсусланди. Энди, катта йўл усти – манзарали маскан – анов телевидениечилар тасвирлари чиройли чиқсин, деб ўйлаганди-да!

У ўрнидан сал кўзғалди. Овози ўзига ёкмади:

– Ўғрилаб кетишибдимми?

– Отнинг ўзи ечилиб кетмагандир?

– Шу пайтда ҳазилга бало борми? Одамларни таркат!

– Қандай таркатай? Бекорчининг беш юзи шу ерда.

Мадрим шўро стул суянчигига илиб қўйган шимини кияётиб, ғўлдиради:

– Ҳокимликка айтилдимми?

– Ўзингиз айтасиз деб...

– Ҳозир бораман.

...Хотини шими тугмаларини илдирганча кўчага отилиб чиқаётган эри ортидан кичқирганча қолди:

– Юзингизни ювсангиз бўларди!

Салим саман халқаро учоқ касригага келиб, паттасини рўйхатдан ўтказмоқ учун навбатда турган вақтда телефони сас бериб қолди. Олдида турган одамга: “Навбатда сиздан кейин мен”, деганча сал чеккага чиқди.

– Не гап, Собирёз?

– Ҳали учмадингизми?

– Бир соатларга... Анов айтган ишим битдими? Буларни уйида пайти ушламасанг, ишхонасидан икки дунёда ҳам тополмайсан.

– Шунини айтмоқчи эдим. Саҳарда сиз билан қўнғироқлашгач, юзимни чала ювиб, Фарҳод аканикига бораётгандим... Шу десангиз... Мулла бува масжидидан ўтиб, чорраҳага келсам, одам текилиб кетибди. Эрталабдан кимдир шошиб машинада бировни уриб юборибдими, деб қарасам, қўзларимга ишонмадим. Сиз ҳам ишонмайсиз...

– Не гап?!

– Шоҳнинг оти йўқ!

– Қайси шоҳнинг?!

– Шу ўзимизнинг Шоҳнинг-да!

– Не йўқолади? Шоҳнинг ўзи борми?

– Бор, турибди қўлида жиловигина қолган...

Салим саман бир зум нима айтмоқни билмай тараддудланди. Ёнидан ўтаётган қайсидир таниши саломига бош чайқаб алик олди ва телефонга паст овозда гапирди:

– Балки... Бошқа жойга қўчиришаётган бўлишмасин? Аввал отни машинага ортиб, кейин Шоҳни олиб кетишмоқчидир... Лекин, ишларни тунда қилишади-ку!

Собирёз йиғламсираб жавоб берди:

– Менам ўйловдим, аммо маҳалла катталари ҳам шу ерда. Ўғриланди дейишяпти.

– Фарҳод ёнига ўтмадингми ҳали?

– Энди бораман. Сизга шу хабарни айтай дедим. Яна...

– Нима “яна”?!

– Шаҳардасиздан бошқа отишқибозий йўқ... Шунга яна сиздан гумонсирамасинлар, дейман-да...

Салим саманни тер босди. Қичимаган бўлса-да томоғини кирди:

– Келишсин, текширишсин – Отни сумкамга солиб олганман. Чет элдан яхши харидор чиқди, шунга сотиш учун кетаяпман. Билдингми? Бориб айт, анов изкуварларга!

– Мен... Мен... айтдим-да!

– Сен Фарҳодни кўр! Отни ўғрилатганлар топишар. Ёш боладек ҳайкал атрофида кўзингнинг шўрвасини оқизавермай!

– Яхши.

Салим саман нима қиларини билмай туриб қолди. Шу пайт учоқасри бўйлаб навбатчининг овози янгради: “Истанбулга учадиган йўловчиларни рўйхатга олиш давом қилмоқда”.

Салим саман рўйхатда турган одамлар сари икки қадам юрди-ю, тўхтади. Яна телефонини қўлига олди.

– Собирёз йўлдамисан? Унда эшит! Ҳозир Фарҳод-парҳодни қўй! Буёққа кел!

Мадрим шўро машинасини ўт олдириди, кеча қай гўрда чанг босган олд ойналарини ўлим азобида артди-ю аммо ташқарига ҳайдаб чиқа олмади. Газ хидидан сал қолди машина салонига қайт қилишига.

Мана энди тўйхона қайдасан, деб пиёда кетиб бораяпти ўзини-ўзи сўкиб.

Давлат аҳамиятига молик танлов икки кунда ўртага келтирилган, бугун ўтказилиши аниқлиги, танловга мухбирлар қатнашиши шартлигини била туриб ярим кечагача итдек ичишни сенга ким қўйибди, дейдиган йўқ. Ўзига-ўзи айтаяпти! Танловга Бошкентдан, вилояту шаҳардан казо-казолар келиши гўрга – ўттиз йиллик оқсоқоллик даврида улардан қанчасини кўрди. Ҳаммаси ўзига ўхшаган одамлар – тадбир тугагунча тишини-тишига босишади – ортидан бериладиган “бир пиёла чой”ни кутишади. Шу “бир пиёла чой” дастурхонида кимнинг кимлиги ўртага чиқади. Бу борада Мадрим шўро яқтаи жаҳон. Даврани олиб боришдан олдига тушадиган йўқ. Мактабда адабиёт муаллими бўлиб ишлагани, ҳали талабалик йиллари Умар Хайём рубоийларини тўла ёд олгани иш беради-да! Э, неча-неча вазирлар унинг даврабошилигига қойил қолишган – қўлидан қадаҳ олиб, ичишган.

Аммо, лекин, бироқ танловда шу блогер деган балои гўрларнинг қатнашгани чатоқ-да! Шу балогўрлар қачон, қай гўрдан чиқишди – энди ҳожатга бориб ҳам бемалол ўтира олмайсан. Ҳамма жойда ҳозир у нозир булар.

...Мадрим шўронинг ўзи ҳам бир пайтлар жазмани билан тўшакнинг ўзидаёқ қўлга тушиб, беш дақиқали тасвир жараёнларидан туғилганига минг пушаймон бўлгани бор. Эртага бу тасвирлар анов ижтимоий тармоқларга чиқиб кетса, аёли-ку майли, болалари-ю қудаси олдида ер билан бир бўлишини оний лаҳзаларда кўз ўнгига келтирган. Ишдан ҳайдалиб, хонанишин бўлишини ўйлаб, юраги хуруж қилишига сал қолган...

Шу балойи офатдан уни институтда ўқитган домласининг ўғли асраб қолди. Уям блогерлик қиларкан – ўртага тушди. Кенжа ўғлига машина олиб бераман деб йиққанини қўшқўллаб топширди. Ўрисия ўрмонларида ёғоч кесиб юрган ўғли бу хабарни эшитганида не қўйга тушди – отаўғил бир мартаям юзига солмади. Аммо, ўттиз уч йил бир ёстикқа бош қўйган аёли қовоқ-тумшугини осиб олди, уч ҳафта акасиникига кетиб ўтирди...

Ҳаммаси ўтди – асосийси, Мадрим шўро ўрнида қолди – бу шумхабар остонадан нарига чиқмади.

Мана энди не болаларни кўрмаган, блогерлар тўридан эсон-омон чиққан Мадрим шўро ўзини-ўзи сўкиб, тўйхона томон ғизиллаб бораяпти. Ҳозир уни отнинг ўғрилангани эмас, кеча ичган ароғи безовталаяпти. Ҳар қадам ташлаганида ошқозонидан сассиқ зардоб бўғзига урилади, ўқчиб юбормаслик учун панжаси билан оғзини бекитади. Қанча тез юрмасин, тўйхона ундан узоқлашиб бораётгандай...

* * *

– Эрпўлат, ўзингмисан?

– Салом, Салим ака!

– Э, узр салом! Ҳозиргина бир гап эшитиб, салом тугул исмим эсимдан чиқай деди.

– Тинчликми?

– Анов “Мурожаатнома”ни юборувдинми?

– Бугун юбормоқчи эдим. Ўн беш киши имзо қўйди. Орасида икки профессор, уч нафар Ёзувчилар уюшмаси аъзолари бор. Яна кеча айтолмадим ишларим қўпайиб. “Ёш олимлар” уюшмаси аъзолари шу мазмундаги хатни келтиришди. Йигирма етти ёш олим имзолабди...

– Яхши бўпти, аммо бошқа гап чиқиб қолди. Сен қаердасан ҳозир?

– Йўлданман, Хонқага яқинлашдик...

– Унда тўғри ўша жойга кел! Ўша, бизлар ўз ўрнига кўчираимиз деб шовқин солиб юрган ҳайкал турган ерга.

– Не гап? Тинчликми? Кўчиришяптими?

– Тоғ Муҳаммаднинг пойига келмаса, Муҳаммад тоғнинг олдига боради, деган ривоят бормиди?

– Наҳотки?!

...Салим саман ҳеч нима демай телефонни ўчириб қўйди.

* * *

Салим саман телефонини ўриндиққа ташларкан, ҳар сафар шу сабилга кўзи тушганида хотирасида жонланадиган ўша илк учрашувни яна эслади...

У “Матназар оға! Матназар оға! Ким бор?” деганича эшикни очганида, излаган одами деворга қапишганча, ким биландир телефонда гаплашаётганди. Овозини эшитганми-йўқми (шоир халқи хаёлпарастроқ келади), аммо эшик очилганига эътибор қаратди ва остонада турган Салим саманга ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан аввал телефон гўшагини, сўнг ўнг тарафда очик турган эшикни кўрсатди. Кутилмаган меҳмон жойидан қўзғалмагач, телефон гўшагининг паст томонини чап қўли панжаси билан бекитди:

– Келинг, Салим ака! Узр, салом! Сиз уйга кириб туринг, мен ҳозир...

Шоирнинг телефонда муҳим одам билан гаплашаётгани маълум бўлгач, Салим саман туфлисини ечиб, кўрсатилган хонага кирди...

...Матназар ака телефондаги гапини қисқароқ қилиб, ичкари кирганда Салим саман уй тўридаги столда қалашиб ётган китоблардан бирисини варақлаб турарди.

– Дастурхонга келинг! Узр, телефонда...

– Ҳечкиси йўқ!

Салим саман хонтахтанинг қибла тарафига – ёстиқлар суяб қўйилган томонига ўтирди ва қўлини дуога очди:

– Қайғулар ҳаром, дуолар ижобат бўлгай!

Сўрашишгач, Салим саман томоқ кириб гап бошлади:

– Матназар оға, бу сиз айтиб юрадиган дуо. Менга уни Худерган Нафуллаев бирда айтувди. Ёдлаб олибман, энди уни ўзим айтиб юрибман. Буни сизларда “плагиат” дермиди?

– Яхши одат – эл мулки! Дуо ҳам. Қани ҳамма сизга ўхшаб “дуо ўғриси” бўлса... Кулишдилар.

Матназар ака Салим саманни дастурхонга мурувват қиларкан эшик томонга қараб овоз берди:

– Музаффар!

Зумда эшикдан узун бўйли йигит кирди ва Салим саманга салом берди.

– Опангга айт! Дарров бирор нарса пиширсин!

Ҳали Музаффар чикмасдан Салим саман узрланди:

– Матназар ака, ҳеч нарса керакмас! Овора бўлманг! Мен... Сизни бир кўрай деб кириб турганим...

Матназар ака кулимсиради:

– Келиш – сизнинг ишингиз, кетишингизга эса биз рухсат берамиз.

Меҳмон дастурхондан бир бўлак нонга узанди, мезбон узатган пиёлани олиб, бир хўплаб, хонтахтага қўйди.

– Матназар оға! Шу... Сизнинг “Дарсдан сўнг” шеърингизни ҳар ўқиганда кўзларимга ёш келади. Бир кунда беш марта ўқий, барибир кўзим ёшланаверади. Устоз муаллима тақдирини жуда бошлаб ёзгансиз-да! Шеърга ҳайкал қўйилгани беҳуда эмас-да!

Меҳмоннинг бир оғиз сўзи мавзуни бошқа томонга бурди-турди.

Матназар ака ўзига хос (ойнаи жаҳонда шеър ўқиганида ҳам шу гапириш услуби оҳанги уйқашиб кетарди) овозда гапира бошлади:

– Салим ака, сиз боя кирганингизда Ўрозбой оға билан гаплашиб тургандим. Шу ҳайкал масаласида...

Меҳмоннинг саволомуз қарашига кўзи тушиб, изох берди:

– Ўрозбой оғани биласиз? Ўрозбой Абдурахмонов адабиётимизнинг катта титанларидан. “Чангалзор “пайғамбари”нинг ҳалокати” кассасини ўқимаган одам йўқ чиқар бизда?

– Э, ўша кассани ёзган кишими? Ў-ў-ў! Шу қисса “Туркистон” газетасида кетма-кет босилган даврда қанча шов-шув бўлиб кетган. Газетанинг бу сонини икки-уч карра ўқийман, кейинги сони келгунича охири нима бўларкан, деб ҳаловатим йўқолган. Қўшни кўчада яшайдиган почтачи аёлга: “Газета келиши билан дарров менга етказ! Пиёда вақт ўтказиб юрма – таксида кел, ўзим кира ҳақини тўлайман”, деб тайинлаб қўйганман. Э, аломат одамда шу Ўрозбой оға! Яхши юрган эканларми?

– Юрибдилар, ётибдилар Нукусда!

– Бу киши... Телевизорларда кўринмайди? Вақтлари йўқмикан? Орол денгизи ҳалокати ҳақида унда-бунда мақоласи чиқиб қолади...

– Ўрозбой оға тиксўз одам. Шунга катталар билан моши пишмайди.

– Саломат бўлсинлар!

Матназар ака меҳмоннинг пиёласи бўш турганини сезиб, дарров чой қуйди:

– Чой ичиб ўтиринг! Ҳозир бир нарсани “жиз”иллатиб келтиришади. Мен Ўрозбой оғага дардимни айтсам, у киши ўзиникини тўқди. Ўз дардини айтиб йиғлайдиган азадаги аёлларга ўхшадик.

– Тинчликми, ишқилиб?

– Ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор, бу шаҳардаги “ҳайкал кўчириш мусобақасини” айтаман. Юрт “отбозор” бўлиб кетди – ит... От эгасини танимайди, Салим ака. Ҳар куни ишга қўл ёқалаб пиёда бораман. Истай-истамай шу от минган ҳайкал ёнидан ўтаман. Ҳар ўтганимда мана бу ерим ёниб кетади! Тўғри, бу от минган ҳайкал миллатимизнинг улуғларидан. Аммо... шу от минган саркарда беш марта юриш қилиб, вайронага айлантирган, отлари учун арпа экишга буюрган шаҳарни қайта ўз ҳолига қайтарган, бу ҳам камдек бошқа манзилда шу номда янада улкан шаҳар барпо этган бобомиз ҳайкалига кўзга кўринарли манзилда жой йўқ.

Салим саманнинг гўштдор юзи янада кизаринқиради.

– Дардингни кимга айтасан? Ўрозбой оға билан шунини дардлашиб, енгиллашай

десам, оксоқол бу ёғини олди-кетди! “Э, Матназар, сен жўра тарихимиздаги бир бобомиз хўрлангани учун куйинаяпсан. Мен кўз ўнгимизда улкан денгизни йўқ қилганларга ҳайкал қўйишганидан задаман. Энди ўзим ҳам аллақачон вафот этган денгизга қай йўсин ҳайкал қўйиш керак деб бош қотириб ётибман”, дейдилар.

– Ҳа, ҳа, пахта деб денгизимизни бой бердик! Шу пахта ҳақида ёзган шеърингизга беш кетаман-да, Матназар ака! Қойил қилгансиз-да! “Томдаги лолақизғалдоқларга овоз беринг! Улар депутат бўлиб, Москвага кетишса, ўрнига пахта экамиз!” Даҳшат!

...Суҳбатлари чўзилди. Бир лаган қовурдоқни иштаҳа билан ейишди. Бу орада Салим саман ҳам бу борада юрагини эзиб юрган гапларни баралла айтди:

– Боя, “отбозор” деган гапингиз менга маъқул бўлди. Аслида бундан ҳам баттар! Шу шаҳарнинг бош майдонини айтинг! Охирги ўн йилда беш марта ўзгартирилди-ёв? Майдонда қўр тўкиб турган ҳайкаллар кўздан пана жойларга улоқтирилди. Огаҳийнинг салобатли ҳайкали бор эди. Қани у ҳозир?! Хоразмни дунёга машхур қилган Ал Хоразмийнинг қучоқ очиб турган ҳайкали қаерда ҳозир? Бу раҳбарлар... Эл билиб айтади: “Дангаса баҳона, иш билмаган ғоя кўтаради”. Ғоянгни пишириб е, дейдиган бирорта мард йўқ! Бу... Матназароға, шу “ҳайкалфурушлар” ҳақида бир зўр шеър ёзмайсизми?

– Э, Салим ака, Салим ака! Ҳозир шеър ўқийдиган қолдими? Ҳамманинг хаёлида пул!

– Шунини айтинг, шунини айтинг!

Салим саманнинг кейинги гапи зардали келди:

– “Юртдан чиққан пайғамбар сийланмайди”, деган отасўзимиз бор. Ихтиёр менда бўлганида сизнинг барча шеърларингизга ҳайкал қўярдим!

– Э, Салим ака, шоирга бунинг нимаси керак? Унинг шеърини ўқишса – шу минг ҳайкалдан афзал. Бир шеър минг одамнинг юраги тўридан жой олса, шу – ҳайкал эмасми!

...Кузатиб чиққан вақти Салим саманнинг хаёлига йўл бўйи ўйлаб келган гапи келди. Атрофига бир қараб олиб, Матназар акага юзланди:

– Шу десангиз, Матназар оға, сиздан бир нарсасўрай девдим.

Мезбоннинг вужуди кулоққа айланганини кўриб, давом этди:

– Эшитишимча, айтишдики, сиз элимизнинг катта шоири, тирик классиги бўлатуриб, ишга пиёда қатнар экансиз. Ҳатто ҳозир муштдек боладаям бор шу матоҳ – қўл телефонингиз ҳам йўқмиш...

Матназар оға кулимсиради, Салим саманнинг енгидан ушлаб, гапирди:

– Эшитган ривоятимга қараганда бир куни Хиванинг бой-бадавлат бир одами Огаҳий ҳазратларини йўқлаб келади. Бу пайтда ҳазрат нимадир ёзиш билан банд эканлар. Салом-аликдан сўнг меҳмон ҳазратнинг афтодаҳол кулбасига бир кур қайта назар ташлаб, гап бошлайди: “Таксир, отдан йиқилиб, вазири акбарликдан кетганингиздан буён қалъада камномасиз? Тантана-ю тўйларда сизни кўраман, деганлар сон минг. Боя кираётганда назарим тушди – отингиз ҳам кўринмади. Шунга... топган беш-ўн тиллоим, меники эмас, Аллоҳники, ижозат берсангиз сизга бир кулай фойтуну от, отга қарайдиган сайис берсам, юмшоқ аравада қалъага – тўйу томоша, биз каби мухлисларингиз зиёфатларига ташриф буюрсангиз!”

Бу гапларни эшитгач, ҳазрат кулибдилар ва девор тоқчаларида тахланиб турган китобларни кўрсатибдилар: “Мен оту фойтунда тўйма-тўй, зиёфатма-зиёфат юрсам, мана буларни ким ёзади, ким таржима қилади?”

Салим саман бош чайқади ва Матназар аканинг елкасига қоқиб: “Тушундим, узр!” деб машинасига минди. Эшик олдида кулимсираганча турган мезбондан узоқлашаркан, бояги гаплардан сўнг бўғзига тикилиб келган йиғини ўз эркига қўйиб юборди...

* * *

Мадрим шўро тўйхонани мўлжал олиб кетиб боради. Йўлни яқинлаштирай, тўғри кесиб чиқай, деб боши берк кўчага кириб, сўкинганча ортига қайтиб ҳам чиқди.

Уйлардан бириси эшиги ёнламасидаги кўрсаткичга кўз ташлаб, боши гангитганини англади – сал бўлмаса тамом тескари томонга бораётган экан.

Бир замонлар элга бош бўлган ва сўнг “пахта иши” замонасида Москва қамоқхоналари учми-тўртми йил ётган биров номидаги кўча маҳалланинг кунчиқар томонида – сал илдамроқ юрилса, қишлоққа – кенг пахтазорга чикилади.

У кўча ўртасида бир зум турди ва йўлини чамалаб олди.

Хаёлига шу пайтда айни шу саркарда ҳайкали ўрнатилиши билан боғлиқ машмашалар тушди денг!

...Бошкентдаги қайсидир тарихий илмгоҳ вакили бўлган оқсоч профессор Саркарданинг юрт озодлиги учун неча йиллар курашгани, неча карра жангга киргани ва енгани, охир оқибатда қароқчилар қўлида шаҳид кетгани ҳақида бир соатлар эзмалангач, мустақил юртда мустақиллик учун курашган бундай сиймоларга шаҳарнинг қоқ марказида маҳобатли ҳайкал ўрнатиш авлодлар бўйнидаги қарз ва фарз эканлигини атай таъкидларкан, залда ўтирганлардан бириси луқма ташлади:

– Ўн беш йил олдин Саркардага шаҳарнинг энг кўркам мавзеси – қадим шаҳарга олиб борадиган йўл устида ҳайкал ўрнатилган. Иккинчи ҳайкал шартми?

Профессор терлаб кетган пешонасини артаркан, луқма ташлаган одамга бир қараб қўйганча, ўз фикрини яна таъкидлади:

– Бундай зотларга миннатдор авлодлар ўнта ҳайкал қўйишса-да оз!

Ҳаммаси шундан кейин бошланди...

“Ўн беш йил олдин ўрнатилган маҳобатли ҳайкал пойида ёшларимиз ҳарбийга кетаётганларида тантаналар ташкил қилиш анъанага айланиб улгурди. Аскарлар шу ҳайкал пойида қасамёд қилишмоқда. Ҳайкал олдидаги хиёбондаги дарахтлар бўйи ён атрофдаги кўпқаватли иморатлардан ҳам ўсиб кетди. Энди, шу хиёбон бузиладими?”

Ёш олим йигитнинг куйиниб гапирганига залдагилар қўшилди. Кимдир: “Карантин вақтида шунча катта маблағни совуриб, яна бир ҳайкал яратиш шартми? Яхши кунларни кутайлик”, деса, яна биров: “Мен олтмишдан ортиқроқ мамлакатларда бўлганман, аммо бирор давлатда бу қадар улкан ҳайкалга кўзим тушмади”, деди.

Бошкентлик профессор ожиз қолганида шаҳар ҳокими тортишувга нукта қўймоқчи бўлди:

– Бу масала тепада ҳал бўлган. Ҳукумат қарори муҳокама қилинмайди!

Шунда воҳада ёш бўлса-да анча обрўли, яна Навоий ва Огаҳийни ёд билиши билан танилган, ўзиям асарлар ёзиб юрадиган фан доктори Абдулла Ўрозбоев минбарга чиқди. У ҳаяжонданми, “ҳайкалбозлик машмашаси” тортишувиданми қизариб кетган, асабийлашганини муштини қаттиқ тугиб олгани кўрсатиб турарди.

У минбарга муштини бир неча марта урганча сўз бошлади:

– Ҳурматли иштирокчилар! Мен ҳозир сизлар ҳайкали сони-ю қайга қўйилишини муҳокама қилаётган Саркарда ҳақида гапирмоқчи эмасман. Мен бошқа гапни айтмоқчиман. Билсанглар, дунёда шаҳар қурган ҳукмдорлар озмас. Бир вақтлар Александр Македонский жангда ўлдирилган оти шарафига Буцифал номли шаҳар қурдирган. Майли, отига қурдирадими, итигами, шаҳар қурдиргани – энг асосийси. Ахир шаҳарда одамлар яшашади.

Ҳмм! Македонский оти шарафига қурдирган шаҳар ўрнини қадимшунослар неча йилки излашяпти. Мисрнинг беш минг йиллик эҳромларига яқин ерда эса улкан шаҳар одамлар билан қайнамоқда. Бу шаҳар Искандария деб аталади. Бу шаҳарда Македонскийга ҳайкал қўйилган.

Узоққа бориб ўтирмайлик, ўрисларнинг бир неча аср бошкенти бўлган Петербургда бўлгансизлар. Шаҳарнинг қоқ марказида шаҳар асосчисининг отда турган ҳайкали бор.

Умуман айтганда, ўз номига шаҳар қурдирган ҳукмдору саркардалар беҳисоб. Аммо ўша шаҳарлардан озчилиги – бармоқлар билан санарлиси бизнинг замонамизга етиб келди. Бизнинг шаҳар ана шулар қаторида эканлигидан фахрланишимиз керак! Тўғрими?

Залда бир овоздан, “Тўғри!” деган хитоблар янгради. Ҳоким ва бошкентлик профессор ёш олимнинг фикри қайга кетаётганини англамай, бошқаларнинг хитобларига беихтиёр қўшилишди.

Ўрозбоев бир зум тин олгач, сўзида давом қилди:

– Дини исломда, “Аллоҳдан бошқага сизинманг!” деган гап бор. Чин мусулмон бўлган бу бобомиз ушбулик қонидани билган. Билангина эмас, унга риоя қилганки, ўзи янгидан яратган шаҳарга ўз номини тақамаган. Минг йилларки муқим турган бошқа кекса шаҳар номини янги манзилга кўчирган. Унга “янги” сўзини қўшган. Биз бугун давлатимиз номига фахр билан қўшаётган ўша “янги” сўзини!

Айтайлик, бобомиз ўзи барпо этган шаҳарга номини тақаши мумкин эди. Ҳеч ким эътироф қилмасди, аксинча қатидаги мулозимлар бунини олқишларди. Аммо у зот бундай қилмади. Агарда шаҳарга ўз номини берганда бизлар ҳозир Ғозий шаҳрида – унинг мухташам саройида ушбу мажлисни ўтказаётган бўлардик. Хўш, шундай экан...

У сўзини давом қилдира олмади. Залда гулдирос қарсақлар янгради.

Ҳоким ва бошкентлик профессор ҳам беихтиёр қарсақларга қўшилишди.

Ўрозбоев қарсақлар тинчишини кутди ва яна сўзида давом қилди:

– Хўш, шундай экан, йўқ ердан улкан шаҳар яратган зот ҳайкали нега бугун шунчалик хор?! Аввалида уни шаҳарнинг энг сергавжум жойига ўрнатишди. Аммо, кейин бошкентлик бир раҳбар кўрсатмаси билан иттопмас, кечирасизлар шу сўзларни ишлатишга мажбурман, жойга сургун қилинди? Нега?!

Бу сўзлардан сўнг бояги қарсақлар адо қолди. Энди барча ўрнидан туриб гулдирос қарсақни бошлаб юборишди. Ёшроқлари поли тепишди. “Тўғри!”, “Ҳақ гап!”, “Ҳайкал ўз ўрнига қайтарилсин!” деган хитоблар янгради. Кимдир бор овози билан: “У зотнинг ҳайкали бош майдонга ўрнатилиши керак!” деб бақирди.

Ҳоким қўлидаги қаламни столга уриб, зўр бериб, зални тинчланишга чақирар, бошкентлик профессор эса одамларга жавдираб қараганча қора терга тушиб кетганди...

Шундан сўнг сўзга чиққан “Ҳайкалкурилиш” ва “Ҳайкал кўчириш” деган ташкилотларнинг раҳбарлари гапини эшитадиган одам топилмади...

* * *

...Мадрим шўронинг хаёли бўлинди. Йўлини кесиб чиққан ўрта яшар киши, кўрсаткич бармоғини осмонга никтаганча, ниманидир гапирар, нарироқда турган икки аёл тўрт қулоққа айланганди.

Мадрим шўронинг тили зўрға айланди:

– Нима гап? Тушунтириб гапир!

Йўлтўсар чийилдоқ овозда гапирди:

– Ҳашар бўлса, уйма-уй юриб, иягида жони бор одамни кўчага ҳайдашга устасизлар. Бормайман, деганларни, “Ёрдаму бола пули бермайман!” деб кўрқитасизлар. Танлов бўлса – жимжитлик. Ўзларингдан ортмайди.

Мадрим шўро ўнғайсизланди. Хаёлини жамлади – қаршисидаги исёнкор банда кимлигини билмоқчи бўлди:

– Кимсан? Кўча ўртасида одам тўплаб, кичқириш нимаси? Идорага бориб...

Йўлтўсар бўш келадиганлардан эмасди.

– Кечадан бери идорангизга беш марта бордим, қоровулдан бошқа ит ҳам йўқ!

– Одамлар... Идорадагилар сиёсий тадбир бошидалар. Уларнинг кўча ўртасида шовкин-сурон қилишга вақтлари йўқ!

– Идорада ҳеч ким бўлмаса, сайёр қабул деганини яширинча бир гўрда ўтказсанглар, кўчада айтмай, қайда айтай?! Мана бизнинг кўчабоши Маҳмуд пиёни айтинг. Ўша танловга қизи ва аёлини ёздирибди. Текинга бир қоп ун, уч баклашка пахта ёғи олибди. Энди бир ой текин бўғирсоқ еймиз, деб мактаниб юрибди. Яна...

Шу пайт Мадрим шўронинг телефони сас берди. У телефондаги “Подҳоким” деган ёзувни қўриб, тараддудланди, ўзини сал четроққа оларкан, ҳалиям нималарнидир гапирётган одамга кўрсаткич бармоғи билан “Жим бўл!” ишорасини берди.

* * *

Салим саман тилига маҳкам одам. Нафсига ҳам. Эртага у ёқда турсин, бугун – бирор соатдан кейин нима қилишини ҳеч ким билмайди.

Лекин бирда тили ечилган – умри мазмуни бўладиган режаси ҳақида “гуллаб” қўйган. Йўқ, Салим саман элнинг катта ҳокиму кичик ҳокимчаларига сир берадиганлар тоифасидан эмас. Унинг тилини ҳатто “Туғма соқовларни гапиртира оладиган” мелисаларнинг азоб-қийноқлари ҳам гапиртира олмаган.

Янги чиққан бойлардан бириси вилоят марказида учта, Бошкентда иккита ҳовлиси борлиги, яна денг уч ошёнли ҳашаматли, оврупача усулда қурилган, хонлар ҳавас қиладиган ҳовузлири билан, қайсидир давлат банкида фалон миллион доллар сақлаётганини айтиб мактаниб қолди.

Салим саманники қўзиди, дилига келганини тилига чиқарди:

– Сен бола мактанма! Ўзинг топган қора тангадан айтсанг ярашади. Прокурор қайнотанг орқасидан бизнес қилиб, қайда катта қурилиш бўлса тендерда “ютиб” юрганингни кўчадаги эсидан оған жинниям билади. Сен курган кўпқаватли уйлар

олдидан ўтаётиб, аскиришга кўрқади одам – уй кулаб, бола-чақа тагида қолмасин деб. Ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормаيسان сен – шу ёшингда икки марта Ҳажга борган бўлсанг-да!

Янги чиққан бой бўш келмади:

– Сиз-чи? Ўзингиз қай йўл билан топдингиз? Нурулла бобонгиздан қолган тиллонгиз бормиди? Уч дўконни...

Салим саман унинг оғзига урди:

– Мен кичик дўкончада беш йил савдо қилдим. Топган даромадимга каттароқ дўкон солдим. Яна беш йил тежаб-тергаб бошқа дўкон кўтардим. Яна...

Янги чиққан бой қитиқ патига тегди:

– Топганингиз икки сандиқ қора танга! Ҳозир банклар ҳам олмайди бу чақаларни. Темир-терсак ўрнида топширсангиз, ҳақиға бир велосипед пули беришар...

– Ким айтди сенга тангаларни темир-терсакка топширади деб?

– Айтибсизу...

– Мен бу тангаларни Шоҳ ва оти ҳайкали шаҳар марказига ўрнатилган куни тепасидан вертолётда сочиш учун тўплайман. Билдингми?

– Ҳов?! Ақлингиз жойидами?! Сиз сочтирган қора тангани ким териб оларди? Ҳайкал атрофини булғадингиз деб жаримага тортадилар. Ўзингизга қайта тердириб оладилар ўша тангаларни. Қўлингизда супурги олиб...

– Ким айтди сенга қора танганинг ўзини сочади деб? Бу тангалар орасида минг дона Хива хонининг соф тилло тангалари ҳам бўлади. Сен ва сенга ўхшаган бир четда қолиб, ҳокимлару прокурорлар бир-бирини итариб-уриб териб олишади тангаларни. Танга топган қулларнинг бош майдонда бир-бирини ёқасидан олиб, бўйинбоғлари билан бўғиб, оғзи-бурини қип-қизил қонга белаганларини кўриб, томоша қилиб ўтираман. Билдингми?

Оғзи қулоғига етган янги чиққан бой топганни Салим саман сўнгги гапи билан ўтирган ерига михлаб қўйди – бойваччанинг оғзи очилганича қолди.

* * *

Мадрим шўро телефонни қулоғига яқин келтириб: “Эшитаман, ёшулли!” деганини билади у томондан қаҳрли овоз келди:

– Қаердасан?!

– Мен... Мен... Тадбир жойида... Танловни...

– Саҳаргача бўкиб ичиб, қайси итнинг катагида ётибсан?

– Мен... Мен... Тўйхонада танлов яхши ўтказилиши учун бош бўлиб турибман... Иштирокчилар...

– Қайси тўйхона?! Бориб анов мазорда ётган онангга айт бу гапларни! Тўйхонага келганимга ярим соат бўлди. Сен...

Телефон аввал елкасига сал-пал тегиб кейин асфальт йўлга тушиб, қарсиллаб синдим, ҳалиям нимадир деб гапираётган киши негадир унга қараб ташландими, хотинларнинг “Вой!” деб чуввос солиб бақирганларини эшитдим, йўлдан ўтаётган машина тормозини “ғийқ”латиб тўхтадим... эсида йўқ. Эсида қолгани кўчанинг икки томонидаги йўлакларга соя ташлаб турган дарахтлар боши узра айландилару сўнг ёп-ёруғ дунёни қоронғилик босди – юлдузлар “милт-милт” юз кўрсатдилар.

* * *

Бу вақтда...

...ҳоким хосхонасида беш киши тўпланган, улардан уч нафари хизмат формасида эди, бир-бирига гап бермай фавқулодда рўй берган ҳодиса сабаби ва айбдорларини излашар...

“Тез ёрдам” машинаси чинқирганча касалхона томон шошар, салонида омонат кўтарма ўриндиқда оғзидан кўпик сочиб ётган Мадрим шўрога, лабларини бўяб олган ёшгина ҳамшира қиз укол қилар...

...Қочиб кетган от ҳайкали ёнида тўпланган одамлар шовқин-сурон солганча нимадир деб бақиришар, ҳеч ким ҳеч кимни эшитмас...

...Собирёз елдирганча ҳайдаб келаётган машинанинг орқа ўриндиғига ўтирган Салим саман ким биландир телефонда қаттиқ-қаттиқ гаплашар...

...Тўйхона ошхонаси очик ҳовлисида ўрнатилган қозонларда бўғирсоқ “жиз”иллаб пишар...

...Йўловчи улов шаҳарга тезроқ етишини орзиқиб кутганча ён-атрофга эмас, фақат олдинга қараганча ўтирган Эрпўлатнинг юраги негадир безовта урар...

...Ўрозбой оға Дўрмондаги дала-ҳовлисидаги ёнғоқ тагидаги катда дийдорига тўймаган жўраси Матназар Абдулҳакимнинг “Жавзо ташрифи” китобини ўқиганча, олисларда қолган хотирасини титкилар...

...Куз келишидан дарак айтиб, бўйдор дарахтлар шохларини оҳиста силкитар, бир-ярим қуриган япроқлари йўлларга тўшалар...

...Кимлар ишга, кимлар бозорга, бировлар тўйга, кимлардир яқини жанозасига шошар...

...Етти қат осмон остидаги Ер эса барчасига бепарво оҳиста айланарди.

* * *

Шу куни яна бир воқеа рўй берган эмишки, бунинг рост-ёлғонлигига гувоҳлик қилолмаймиз.

Оти тўсат тарк этган Шоҳ атрофида тўпланган тўда-тўда оломонга қарайвериб, улардан кўнгли таскин топар имдод кутиб чарчагач, бирдан, “Тарқалинг, осий бандалар!” деб шохларга хос баланд овозда бақирганмишки, тўпланганлар тўрт томонга шаталоқ отиб қочиб, уч дақиқадан кейин юраги кўкрагидан пастда бўлган етти чоғли одам жасади ҳайкал атрофида гўё сочма ўққа учган чумчуқлар каби сочилиб қолганмиш...

Беғубор шеърият



Баҳодир ОБИД

Болалар дунёси тўлалигича ҳайрат ва хавотир, беғуборлик ва қувлик, шўхлик ва сиполик, жўшқинлик ҳамда қувноқлик каби туйғулардан иборат. Болалар учун шеър ёзишни истаган шоир ҳар нафасда ана шу жиҳатларни ёдда тутиши, воқеа-ҳодисаларни тийрак бола нигоҳи билан кузатиши, унга муносабат билдириши, болалар диди, қарашларига мос ва хос бадиий ифодалар, хулосалар ярата олиши лозим.

2022 йилда болалар учун чоп этилган китобларга бир назар ташлаймиз.

Замира Рўзиеванинг "Ҳалинчагим, ҳаййо-ху-ув" китобида "Боғбон бўламан" шеъри шундай бошланади:

*Богимиз юрт зийнати,
Кўндир файзу ҳикмати.
Хил-Хил мевалар богнинг
Богбонига раҳмати.*

Шеърда мевалар богнинг ҳосили бўлиш билан бир қаторда, богбонига раҳмати, миннатдорлиги тарзида талкин қилинмоқда. Яъни ҳар бир қилинган эзгу иш ҳеч қачон ерда қолмайди...

Зикрилла Неъматнинг "Оламни англа, болам" шеърий тўпламини, таъбир жоиз бўлса, мўъжазгина шеърий энциклопедия деб атаган бўлардик.

Шоир бўлимларга сарлавҳалар танлашда ҳам қофиядош сўзлардан унумли фойдаланган.

Баҳодир ОБИД – 1978 йилда туғилган. Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Унинг “Дилимдаги дунёларим”, “Келгин, гулим, эркалагин, бог бўлайин” номли шеърий тўпламлари, болалар учун “Сеҳрли қармон” деб номланган саргузашт-фантастик қиссаси чоп этилган.

*Бухорода бир гул бор,
Номидир "Тугмачагул".
Боларининг бол тўла,
Жомидир "Тугмачагул".*

Набижон Эрмат “Эллик эркин куш” шеърий тўпламида алифбо тартибида жами 50 куш ҳақидаги фикрларини баён этган.

*"Шарқона" булбулларнинг
Навоси янгроқ, чақин.
Ғарбникида паст нола,
Лекин "нота"си яқин.*

Шоир Қурдош Одинаевнинг "Ориятли бола" шеърий тўплами мавзу жиҳатдан ранг-баранг. "Айбдор – хўроз" шеърида Шаҳбознинг ҳозиржавоблигини шоир ўзига хос ифодалайди:

*– Нега дарсга кечикдинг,
Ухлаб қолдингми Шаҳбоз?
– Устоз, айб менда эмас,
Ухлаб қолибди... Хўроз...*

Китобда айрим нуқсонлар ҳам бор. "Ўзбек аскарари" шеърининг биринчи бандида фикрни бадиий ифодасиз, очиқ айтиш ҳолати кўзга ташланади:

*Ватан байроғига фидо бўламан –
Сақлаб қолмоқ учун қўрқмай ўламан!*

Охирги сатрдаги "қўрқмай ўламан" бирикмаси ўрнига "жондан кечмоқ", "ҳаётни бахш этмоқ", "жонни қурбон этмоқ" каби ифодалардан фойдаланилса, бизнингча, шеър мавзуси ва мазмунига ҳамоҳанг бўларди.

Ижодкор Рўзимурод Болқиевнинг "Зукколарга эслатма" номли жумбоқ-саволлардан иборат шеърлари жами тўрт китобдан иборат. Шоир биринчи китобдан жой олган "Фазовий фигуралар" шеърида фазовий фигуралар ҳақидаги талқинда қофия ва кўчма маъно имкониятидан моҳирона фойдаланади:

*Фазовий фигуралар,
Куб, шар ҳамда цилиндр.
Билиб олинг, албатта,
Бу зангламас билимдир.*

Аммо ижодкор баъзи ўринларда фикрни оддий баён қилиш йўлидан боради. Бундан ташқари, айрим қаторлар якунидаги қофиялар бир-бирига нисбатан оҳангдошлик касб этмайди. Шунингдек, бир шеърдаги туюқлар сонидан тафовут сезилади. Масалан, биринчи китобдаги "Қанча қуйиш мумкин?" шеъри шундай ифодаланади:

*Бир челаққа кетар сув ўн литр,
Челақда бордир қаранг, беш литр.
Челақда бордир бўш жой яна анча,
Сувдан қуйиш мумкиндир, айтинг қанча?*

Мазкур шеърда бирон шеърий санъатдан фойдаланилмаган. Шунингдек, биринчи ва иккинчи қатор якунида келадиган "ўн литр" ва "беш литр" сўзлари ўзаро қофия бўла олмайди. Қолаверса, саккиз қатордан иборат шеърда "челақ" сўзининг уч маротаба такрорланиши ижодкордан болалар учун ёзиладиган шеърнинг бадиияти, шакл ва мазмун мутаносиблигига жиддий эътибор қаратишни талаб қилади, албатта.

Дилшод Ражабнинг бир туркум шеърлари "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг илк сонларида чоп этилган. Шоир "Қиш манзаралари" шеърида ёзади:

*Симёғочнинг симлари
Кўринади тор бўлиб.
Қишнинг совуқ кунлари
Лайлак келар... қор бўлиб.*

Ёки давомида:

*Қийқим-қийқим оқ мато –
Тўкилар қор парчалар.
Минглаб нинаси билан
Қалпоқ тикар арчалар.*

Шунингдек, газетанинг бошқа сониди таниқли шоир Нуруллоҳ Остоннинг бир қатор шеърлари эълон қилинган. Шеърлар болалар кайфиятига мос, қисқа, равлон ва қувноқ руҳда битилган.

Шоир "Чархпалак" шеърида шундай ёзади:

*Ариқда сув шилдирар,
Чархпалагим гилдирар.
Наф тегсин деб экинга
Сув чиқарар текинга.*

Чархпалак образида ўзгалар учун беминнат хизмат қиладиган, фойда келтирадиган сахий инсон образини кўраимиз.

2022 йил давомиди "Гулхан" журнализда ҳам болалар шоирлари, таниқли ижодкорлар томонидан турли мавзуларда яратилган ижод намуналари эълон қилиб борилган. Унда устоз шоира Кавсар Турдиеванинг "Микроб, вирус ва саломат қиз ҳақиди эртак" шеъри тозалик ва озодалик, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини тарғиб қиладиз. Шоиранинг ушбу гўзал асари Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўминнинг "Тиш чўтка, порошок ва атирсовун эртаги" шеърига ҳамоҳанг. Бу тажриба, шубҳасизки, бугунги ёш ижодкорлар учун улкан ибрат. Чунки улғайиб келаётган авлод ўзидан олдинги устоз ижодкорларнинг анъана ва услубларини бойитиши, ривожлантириши зарур.

“Гулхан”нинг бошқа сониди Туроб Юсуфнинг “Хатарли ўтлоқ” шеърида чигирткалар сакраб юрган ўтлоқда бол йиғиб юрган асаларини кўрган Дум чумоли унга танбеҳ беради:

*Дум чумоли ҳол сўрар
Вазият борасида:
– Нима қилиб юрибсан
Тентаклар орасида?*

Шоир Эрпўлат Бахтнинг ҳам шеърларида асаларига мурожаат бор. “Асаларига насиҳат” шеърида “Асалари, асалсан десам, талтайиб кетиб, мени чақиб олдинг, қўлимни майиб қилай дединг”, дея шикоят қилади шоир қаҳрамони. Кейин эса унга яхшигина насиҳат беради:

*Насиҳатга қулоқ сол,
Юргил ўпкангни босиб.
Асал – тотли неъмат-ку,
Бўл номингга муносиб.*

Яна “Гулхан”да Тошкент вилоятида яшовчи 8-синф ўқувчиси Ифора Баҳромованинг “Устоз” шеъри келтирилган бўлиб, шеър шундай якунланади:

*Узтоздир йўлимиз ёритган чироқ,
Илм сирларидан у берган таълим.
Заҳматли йўлида оқар минг ирмоқ,
Ирмоқ – шогирдлари, дарё – муаллим.*

“Тонг юлдузи” газетаси ҳам ўз нашрларидаги асарлар билан ёш авлоднинг маънавий-маърифий тарбиясига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Нашрнинг 2022 йилдаги сонларини кузатар эканмиз, уларда таниқли шоирлар, ҳаваскор ижодкорлар ва ўқувчи ёшларнинг кўплаб ижод намуналари чоп этиб борилганлигига гувоҳ бўлдик. Газетанинг илк сониди устоз шоир Салим Ашурнинг “Болалик дунёси” шеъри келтирилган бўлиб, асар ғоят самимий руҳда битилган ва унинг якунидаги банд ўқувчига кучли ғоявий таъсир қилади:

*Эртага тонг отади,
Ҳозир қуёш ботади.
Болаларнинг юрагин
Алпомиш уйғотади.*

Болаларнинг юрагини Алпомиш уйғотишида улкан маъно-мантиқ мужассам. Келажак алпомишлари боболари Алпомишга муносиб бўлиб уйкудан уйғонадилар. Чунки уларни келажакда буюк ишлар кутмоқда.

Заҳро Ҳасанованинг “Рассом”, “Капалаклар”, “Соябон” каби шеърлари ҳам таҳсинга сазовор. Шоирамизнинг “Соябон” шеърида набирасининг қувончи учун

ҳар қандай эзгу ишга тайёр турадиган ўзбек онаси, бувисининг қалб кечинмаларини ҳис қиламиз. Набираси пушти ранг соябон олиб келишни илтимос қилади. Аммо болалар дўконида кўк, сарик, яшил соябонлар бор. Пушти ранги эса йўқ. Шундай бўлса-да, меҳрибон буви бунинг чорасини топади:

*Қизим хурсанд бўлсин, деб,
Қўлдан бермай ҳар онни.
Пушти ранг мато топиб,
Ясадим соябонни.*

Журналда Ориф Тўхташнинг “Энг яхши ният” шеърида бугунги тинч, осойишта ҳаётимиз ёт эллардаги ғалаёнлар, урушларда умр кечираётган болаларнинг аянчли ҳаёти билан қиёсланган. Шоирнинг нотинч эллардаги болалар ҳаёти тасвирига оид сатрлари, айниқса, характерли:

*Минг бир хатар-хавотирда
Ўтиб борар кунлари.
Эс таниган боласининг –
Қуролдадир қўллари.
Кўрмоқ эмас, ҳатто хаёл
Қилмоқ қийин бу ҳолни.
Ногаҳонда япроғига,
Қон сачраган ниҳолни...*

Туроб Ниёзнинг “Мақолнинг давоми” туркумида халқ мақоллари шеърий усулда давом эттирилган бўлиб, буни ҳам ўзига хос тажриба дейиш мумкин. Масалан:

*“Меҳнат қилсанг, яшарсан,
Катта-катта ошарсан”.
Аммо бўлсанг эринчоқ,
Дардингга дард қўшарсан.*

Аммо баъзи ўринларда мақол давом эттирилганда, фикрларни оддий баён қилиш ҳолати ҳам кузатилади:

*“Сув қадрини чўлда юргандан сўра”,
Дўст, яқинларингни хор қилма сира.
Ниманинг қадрига етмасанг агар,
Хор-зор бўладирсан унга минг карра...*

Шоир Равшан Исоқов “Музейлар” шеърида музейларнинг турфа хиллиги, улардаги ёдгорликлар, обидалар тарихдан сўзлашини айтади. Шеър якунида эса шоир аслида дунёнинг ўзи музей – обида эканлиги, фақат буни кўриш, ундан хулоса чиқариш учун қалб кўзлари кўр бўлмаслиги зарурлигини файласуфона ифодалайди:

*Мухрланар воқелик бир-бир,
Хаёлингиз айлайди асир.
Асли дунё обида – музей,
Қалб кўзингиз бўлмаса басир.*

Ижодкор Гўзал Ғайбуллаеванинг “Ялқов чивин” масали келтирилган. Шеър учун танланган мавзу долзарб, яъни болаларни ялқовликдан, тайёрига айёр бўлишдан қайтариш. Тозалик, покликка ўргатиш. Ижодкор бор иқтидорини ишга солган, аммо шеърда чивиннинг ҳақиқатан ҳам ялқовлиги, тайёрхўрлиги ва ифлосликка одатланганлиги билан боғлиқ ҳолат таъсирчан бадий ифодаларда очиб берилмаган. Ижодкор кўпроқ баён йўлидан борган. Якунда ҳам фикрни очик ифодалайди: Кимда қандай орзу, ўй, Тили шуни сўзлайди. Пашша, чивин ҳар доим Ифлос жойни излайди.

Анвар Мирзозода қаламига мансуб кувноқ топишмоқлар ичида пахта, чанок ва кўсақлар тасвирига бағишланган ташбеҳли ифодалар ғоят жонли ҳамда таъсирчан:

*Бир ўсимлики, ўзгача,
Шохларида кўзача.
Панжасида нишолда,
Гупуради кузгача.*

Аммо баъзи топишмоқлар бадий ифодаларсиз, жуда ҳам жўн бўлиб қолган. Масалан:

*Эрталаб очилар,
Кечқурун ётилар.*

Ёки:

*Ерга қовун пўчоқ тушиди,
Сездим қовун-тарвуз нишиди.
Ерга япроқлар тўкилди,
Ўлкамга олтин келди...*

“Ғунча” журнали саҳифаларида ҳам ўтган 2022 йилда устоз шоирлар ва ижодкорларнинг бир қатор шеърлари эълон қилинган.

Азамат Худойберганов “Ўрмонда тўп ўйини” шеърида ўрмонда гўштхўрлар ва ўтхўрлар ўртасидаги футбол ўйинини болаларга хос кувноқлик билан тасвирлайди.

Шеърда ўтхўрлар ўз чаққон ҳаракатлари сабаб йиртқичлар устидан ғалаба қозонадилар ва буни нишонлайдилар. Жаҳли чиққан Арслонвой эса “тўпни ғажиб ташлайди”. Шеърда биз йиртқичлар ва ўтхўрлар ўртасидаги баҳс мисолида гўё ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги жангни кўргандай бўламиз. Эзгулик эса ёвузлик устидан ҳамиша ғолиб келади.

Яна журналда устоз шоирлар Шукур Қурбоннинг “Бекинмачок”, “Эркатоӣ”, Зафар Исомиддиннинг “Фазогирлар”, “Жуда кизик” каби шеърлари чоп этилган.

Ёш ижодкор Барнохон Ражабованинг журналнинг 6-сонида эълон қилинган “Шоколад емай қўйсам”, 9-сонида чоп этилган “Минораи калон” шеърларини топилмалар акс этган ижод намуналари дейиш мумкин.

*“Шира ема”, дейсиз сиз,
Шунда ўйлаб қоламан:
Шоколад емай қўйсам,
Қандай ширин бўламан?!*

Фахриддин Ҳайитнинг “Бойлик” шеърида болакайнинг саволи кишини ўйлантиради:

*Тушунмайман, бермас эмиш
Ишламаса ойлигин.
Ҳориб нима қилар дадам,
Бўлса мендек бойлиги?*

Зарнигор Бакированинг “Бир қошиқ шўрва” шеъри болалар тасаввуридаги беғуборлик ва қизиқувчанликни акс эттиради:

*Бувим айтган бир қошиқ,
Шўрва қани, ойижон?
Таътиб кўрайин десам,
Овқатга тўла қозон.*

Худойберди Комиловнинг “Чорасиз рассом” шеърида боладаги вазиятдан чиқиш, ҳозиржавоблик акс эттирилади. Ёш рассом чизган расмда ҳаммаёқ қип-қизил. Аммо осмоннинг нега қизил эканлигини исботлай олмай, бунинг асл сабабини айтишга мажбур бўлади:

*Хўш, нега унда осмон...
– Уфф, бунча кўп сўрогинг?
Қандоқ қилай, бўлмаса
Бошқа рангли бўёгим?!*

Юқоридаги таҳлилларни умумлаштирган ҳолда, хулоса қилиш мумкинки, ўтган 2022 йилда болалар шеъриятида атроф-табиат, кушлар ва жонзотлар, ўсимликлар олами билан яқиндан таништириш орқали ҳаётий, фалсафий фикрларни талқин этиш тенденцияси устуворлик касб этади.



**Низомиддин
МАДРАҲИМОВ**

Кўзим самода қолмишдур

Биз очкўз мижоз

Ҳаёт – емакхона, биз очкўз мижоз,
Барча егуликлар бунда мужассам.
Хизмат кўрсатувчи дафтарингга ёз,
Ейишга пушаймон, ичишга қасам.

Иштаха очилди, сабр ёпилди,
Кимгадир кўп тегди, кимга эса кам.
Одатий саволга жавоб топилди,
Ейишга пушаймон, ичишга қасам.

Нафсининг насиҳати бўлмади адоғ,
Кўз юмиб очгунча бўлдик муттаҳам.
Ана бўш оштовок, ана бўш қадах,
Ейишга пушаймон, ичишга қасам.

Ҳаёт сахнасидан ирғитганида,
Сенга қай юз билан қараймиз Эгам?
Хом сутдан бошлаб сўнг қилмадик канда,
Ейишга пушаймон, ичишга қасам.

Ҳаёт – емакхона, биз очкўз мижоз,
Барча егуликлар бунда мужассам.
Хизмат кўрсатувчи дафтарингга ёз,
Ейишга пушаймон, ичишга қасам.

***Низомиддин МАДРАҲИМОВ** – 1989 йилда тузилган. Қўқон давлат педогогика институтини тасарруфидан ташкил этилган “Данғара кўп тармоқли техникуми”ни тамомлаган. “Пари қиз” шеърий тўплами нашр этилган.*

Қолмишдур

Аё дўстлар ғариб бошим ажаб савдода қолмишдур,
Кўнгул хануз узулмай ул гўзал Раънода қолмишдур.

Телбалик чўққиси узра боқиб оламға хайронмен,
Товоним тошда-ю аммо кўзим самода қолмишдур.

Кунора йўқлагайдурман ўшал пири муғонларни,
Бало лашкарлари бисёр, умрим балода қолмишдур.

Узулса бир куни жоним, таним туфрокқа кўйгайлар,
Жоним Аллоҳга қайтгайдур, номим дунёда қолмишдур.

Парво килма Абу Дангал, Барносиға, Раъносиға,
Барноси ҳам, Раъноси ҳам бир кун хатода қолмишдир.

Эртакларга айланди у

* * *

Сўз бошласам,
эртакларга айланди у
сен бошлаган эртакларинг битмас дединг.
Ооо, билсайдинг
менинг исмим
қанча бахтсиз эртакларда якун эди.
Дединги, нелардир руҳингни кемирар,
ха, – дедим, мен руҳи хастаман,
сўзларинг ўзини рост қилди.
Чолғулар тўхтади.
...сўнг куйлар торларни уздию
жонига қасд қилди.
Сен эса уларни терасан
кимларга тутасан даста-дасталаб.
ва ўлик куйларим шивирлар
“ёдингга келмасми руҳи хасталар?”

ёдингга келмасми руҳи хасталар...



**Хилола
ЖЎРАҚУЛОВА**

Хилола ЖЎРАҚУЛОВА – 2001 йилда туғилган. Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

* * *

...ва умрим бошланар мендан-да аввал,
Елкам-у ўпкамни эзғилар ҳаво.
Ҳали туғилмасдан, кўзни очмасдан
Номим нима эди, ибтидо?

Чарчадим дунёнинг эшикларидан,
Тўртала томоннинг исми эрур “берк”.
Мен сени севмаган кунларимда ҳам
Мавжудмидинг, эрк?

Нозикликдан қочиб, борликдан қочиб,
Фақат дардларингга жўр бўлолса уд.
Ўзимни сен билан кўмиб ташласам,
Мен ҳақда кимларга сўзладинг, сукут?



**Бобомурод
САЪДУЛЛАЕВ**

Оҳиста чайқалиб ўтади юрак

* * *

Уйқудан кўзларинг очасан секин,
Муаттар нафасда баҳордан дарак.
Гўё, кўтаролмай туйғулар юкин,
Оҳиста чайқалиб ўтади юрак.

Кўзгуга боқасан сочларинг ёйиб,
Очилиб борасан ўрганинг сайин.
Ногаҳон, кўзингда кўзларим кўриб,
Уятдан жилмайиб қўясан майин...

Сен рўмол ўрайсан ва шундай дейсан:
“Сочларим тортмасин телба хаёлинг”
Сен асли билмайсан ўтли севгимга,
Олов туташтирган ҳарир рўмолинг.

Бобомурод САЪДУЛЛАЕВ – 2004 йилда таваллуд топган. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети талабаси. “Қалб фаҳри” номли шеъррий китоби чоп этилган.

* * *

Викорли тоғларга қор тушди бу кеч,
Қор тушди илҳом бахш кенгликлар узра.
Шу дамда қуршади мени бир ўкинч
Висолинг қумсадим айна шу лаҳза.

Юлдузлар самода рақс тушар бир-бир,
Дуёнинг энг гўзал афсонасидай.
Айна шу фурсатда манзилинг қайдир,
Шу фурсат мен сени қайлардан топай?

Бу олам сеҳрига борми ниҳоя,
Ҳар бир мўжизадан қувнар юрагим.
Гўзал манзарани кўрсайди дея,
Сени ҳам ёнимга келар чорлагим.

Юлдузлар мактанар шўх кулгу солиб,
Хайратга тушди деб тоғлар ҳам хурсанд.
Мен эсам хаёлга бурканиб олиб,
Сенинг ҳақингдаги ўйлар билан банд.

Ҳар оқшом чертади деразамни ишқ

Шеърларим кўп

Боғларингда булбул бўлай, қондош элим,
Тоғларингда бир гул бўлай, жондош элим.
Тонгларингда шудринг бўлай, сирдош элим,
Ҳали сенга айтадиган, шеърларим кўп,
Юрагимда айтилмаган сўзларим кўп!

Олтин унган, далаларинг ўпай майли,
Майса унган, қирларингда чопай майли.
Не топсам ҳам, фақат сендан топай майли,
Ҳали сенга айтадиган, шеърларим кўп,
Юрагимда айтилмаган сўзларим кўп!



Назокат
АТОҚУЛОВА

Назокат АТОҚУЛОВА – 1979 йилда туғилган. Гулистон давлат университетининг “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий ишлари” факультетини тамомлаган. Унинг “Юракдаги нидолар”, “Сабодан изланг” номли шеърый китоблари чоп этилган.

Бургутларинг тоғларингда, жуфт-жуфт бўлар,
Баҳорингда, қалдирғочлар учиб келар.
Шамоллар-чи, қир-далангни кучиб елар,
Ҳали сенга айтадиган, шеърларим кўп,
Юрагимда айтилмаган сўзларим кўп!

Дарахтзор-у, боғлар бугун чўлларинг ҳам,
Узоқларга яқин бўлди, йўлларинг ҳам.
Элим сени чиройлидир кўлларинг ҳам,
Ҳали сенга айтадиган, шеърларим кўп,
Юрагимда айтилмаган сўзларим кўп!

Қойилман мен, сенинг дўппи-чопонингга,
Сихат тилай, бугун сени жон-танингга.
Мақтовлари бори бўлсин, шу шаънингга,
Ҳали сенга айтадиган, шеърларим кўп,
Юрагимда айтилмаган сўзларим кўп!

Хизир назар қилган Юртим, бир қизингман,
Офтоб кулган, олам аро, гул юзингман.
Сен бир дарахт, мен-чи сени илдизингман,
Ҳали сенга айтадиган шеърларим кўп,
Юрагимда айтилмаган сўзларим кўп!

Кетайлик дейди

Ҳар окшом чертади деразамни ишқ,
Тур дейди, юр дейди, кетайлик дейди.
Ғанимдай поралаб ўч олаётган,
Соғинчнинг шивири қалбимни ёйди.

Ойнинг ўртаниши самода гирён,
Бедорлик кўйлагин кийган бир нафас.
Телба кўнгил аро, бўлар тўполон,
Шивир-шивир изғир, маҳзун куйли сас.

Саболар тонг чоғи, чайқалар беғам,
Гулбарралар узра беҳолдир йўлак.
Ғуборлар барчаси йиғилишиб жам,
Илинж чўққисига бўлгандек тиргак.

Соғинчнинг ҳар они фараҳбахш ёғду,
Қалб аро нурлардан ошён-у бир тахт.
Руҳимга ингандек бир ёруғ туйғу,
Соғиниб кутганим, балким шудир бахт.

Ғанимат бу кунлар ўтиб бормоқда



Умида
ҒАФҒОРОВА

Вақт қиличи

Ҳаёт дарахтида митти япроқдек,
Шохларда тизилиб турибмиз қатор.
Бирга яшамоқлик битта баҳорда,
Насиб этмағайдир ҳеч кимга такрор.

Ғанимат бу кунлар ўтиб бормоқда,
Сездингми, баҳорий насимлар тинди.
Азизим, қўлимни чўздим сен томон,
Тийрамоҳ боғларда кезамиз энди.

Кел, кулиб яшаймиз қолган кунларда,
Боқий андуҳларга бермасдан тутқич.
Биз билан кетмоқда қадамдош ҳаёт,
Қўлида ялтирар вақт деган қилич.

Чархланган қилич у алмийсоқ кунда,
Қиёмат тонгида балки тингайдир.
Азизим вақт деган бешафқат қилич,
Беҳишт эшигида балки сингайдир.

Ишқ ичаман

Ишқ ичаман кўнглимдаги кўзим билан,
юлдузайлов кўк осмондан, насибам деб.
Ой тўлишиб, озганида ҳикмат излаб,
доғларини ўқиғайман “ҳабибам” деб...

Умида ҒАФҒОРОВА – 1974 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. Шеърлари Республика матбуотида эълон қилинган.

Ишқ ичаман униб чиққан ҳар майсанинг,
осмон акси тушиб турган япроғидан.
Ялпизидан жаннат бўйи келган юртнинг
чучмомолар униб чиққан тупроғидан.

Мовий осмон кўксига бош қўйиб, бегард
оқ булутлар товланади чаман-чаман.
Кўкда ногоҳ пайдо бўлган еттита мард
рангин жило ҳимматидан ишқ ичаман.

Кафтларимги кўнар оппоқ лайлакқорлар,
кўкка боқсам улар билан тенг учаман.
Мени бахтли қилиш учун пастга тушган,
бу илоҳий неъматлардан ишқ ичаман.

Омонат ва ўткинчи бу ҳаётда мен,
сиз учун ҳам нафратлардан воз кечаман.
Бу дунёни яратган зот менга берган-
қалбим, кўзим, руҳим билан ишқ ичаман.

Сен билан...

Куласам осмонга кулардим
Сен билан...
Юлдузлар кўнарни кафтимга.
Қорларнинг қўйнида ноз ила,
Майсалар унарни тафтимда...
Қанот қоқар эдим сен билан,
Ҳатто чиқар эдим
Ойларга,
Бошимга тож қилиб офтобни,
Салом берар эдим тонгларга.
Ёмғирлар ёғарди дур бўлиб,
Ҳовучлаб пойингга сочардим.
Унарни бир осмон, бир фазо,
Мен эса юлдузлар терардим...
Сен билан қайтардим эртакка,
Болалик чоғимга кўнардим.
Ариқча бўйида ялпизнинг
Баргида яшашга кўнардим.
Сен билан уммонда бир чўғман,
Фитратим, фикримда Боримсан,
Сен билан ҳам борман, ҳам йўқман,
Сен менинг азалий Ёримсан.

Парижга сафар

Ҳикоя



Юсуф РАСУЛ

...Атроф туман... Анчадан буён бу қадар кўнгилга яқин сафар бўлмаган. Олдимизда Дания, Олмония, Нидерландия, Бельгия каби мамлакатлар. Сўнг Франция. Ва Париж...

Биз Парижга борамиз. Орзулар шаҳрига...

“Дадажон... Ўзимни англаб етгач, сизни тушуна бошладим. Нима десам экан, туйғуларимни сўзда ифодалай олмайман...”

“Ўғлим, сен ҳам мени деб анча толиқдинг. Ўжар боласан-да! Парижга борамиз деб туриб олдинг. Сенга ачиниб кетаяпман. Бироз дам олсанг бўларди”.

“Йўқ менга ачинманг, дада. Қаранг, шунча узок йўл боссак, ҳам сира чарчаганим йўқ. Ёнимда бўлсангиз толиқмайман. Дунёнинг қайси бурчагига десангиз кетаверамиз. Ахир бу мен учун катта бахт. Омад. Ўз падарингни дунё кездириш ҳар бир фарзанд учун гўзал бир неъмат”.

“Майли, ўзингни қийнамасдан мошинани секин ҳайдайвер. Толиқсанг, тўхта. Бироз дам олиб, яна кетамиз. Йўлда ухлаб қолмасанг бўлди. Чиройли жойлар экан...”

“Ҳа, қаранг, денгиз устида қурилган дунёдаги энг узун кўприкдан ўтаяпмиз. Мана буни мўъжиза деса бўлади. Ҳеч қандай устунсиз шунча узун кўприкни қандай қуришган экан?”

“Ҳа, ҳақиқатдан, ишонгинг келмайди. Олдин киноларда кўрардим. Болтиқ бўйида шимолни жануб билан боғловчи бу узун кўприк ҳақида жуда кўп фильмлар ишланган. Шунинг ҳам ўзимизга ўхшаган одамлар қурганми? Биз томонларда оддий кўприкни қуриш катта муаммо. Булар эса денгиз устида шу қадар улкан кўприк тиклашибди. Таракқиёт дегани мана шунақа бўларканда”.

Юсуф РАСУЛ – 1971 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият тузилиши Академиясини тамомлаган. "Кўнгилдаги масофа" китоби нашр этилган.

“Ҳа, дада, Европа халқлари қанчалик улкан тараққиётга эришганини шу кўприкка қараб ҳам билаверинг. Булар биздан жуда ҳам илгарилаб кетишган. Биз эса ҳали ҳам молларга сомон йиғамиз. Пахса деворлар қурамыз. Турмушимиздаги оддий муаммоларни ўзимиз ҳал қилиш йўлларини билмаймиз. Интилиш йўқ. Ҳаракат йўқ. Фикр йўқ. Тафаккур йўқ...”

“Сен жуда ҳам ўзгариб кетибсан, ўғлим...”

“Ҳа, ўзгардим, дада. Ҳаёт, турмуш, йиллар инсон дунёкарашини ўзгартириб юборар экан. Энг муҳими, қандай жойда, қандай жамиятда яшаш. “Муҳит кучли экан, эгдим бўйнимни”, деб ёзганди Чўлпон ҳам. Чўлпон ҳам дунё кезган. Европа шаҳарларини келиб кўрган. Билганки, бу томонда ҳаёт бошқача. У томонда эса эски ҳаммом, эски тос”.

“Парижага олдин ҳам борганмисан, ўғлим? Жуда чиройли шаҳар дейишади. Бир марта бўлса ҳам Парижга боришни орзу қилардим”.

“Ҳа, дада, икки марта борганман. Эйфель минорасига чиққанман. Сена дарёси сохилларида узок ҳаёлга толиб юрганларим эсимда. Қайтиб кетгим келмаган. Юрагимга ўрнашиб қолган ўша манзара. Париж – орзу умидлар шаҳри. Севишганлар шаҳри ҳам дейишади. Эйфелга чиққан ёшлар бир умр бахтли бўлишар экан. Қайдам... Ким билади дейсиз? Бунда ҳам бир сир бўлса керак...”

“Ҳа, эшитганман...”

“Ухляпсизми? Майли, бемалол дам олиб кетаверинг. Мендан хавотир олманг. Йўл юравериш ўрганиб кетганман”.

...Инсон туғилган кунидан бошлаб қаршиликка дуч келади. Ҳаёт, дунё, инсонлар жамияти билан қаршиликка. Қолаверса, ўзи каби инсонлар билан ҳам... Уларга қарши туриб яшаш керак. Бўлмаса ҳаётини чил-парчин қилиб ташлашди. Ҳаёт – қарши туриш дегани. Мен кўпинча шулар ҳақида ўйлайман.

Эҳ, дадажон. Сизни Парижга олиб бораман, деб ваъдалар берардим. Мана келдингиз. Энди орзуларимни амалга ошириш фурсати етди.

Кўп одамлар ўзлари яшаб турган қишлоқдан чиқмай ўтиб кетишади. Дунёда Париж деган шаҳар борлигини билишмайди ҳам. Аслида ҳаёт, умр саёҳат учун берилганини улар тушуниб етишмайди. Сафар қанчалик улкан машаққат бўлмасин, инсонни тоблайди. Сафарга чиқмаган одам ҳеч нарсани англамайди. Инсонни улғайтирадиган, инсон қиладиган ҳаракат – аслида сайру саёҳат... Ҳеч бўлмаса ҳаёл дунёсига сафар қилиш керак. Ўзига сафар қилиши керак инсон, дейман. Туйғулар, орзу ҳаёлларга...

Инсон ботинида ҳам улкан дунё бор. Шу дунёни кашф қилолмасанг яшашдан не маъни бор?! Лекин одамлар ўз ички дунёларига чуқурроқ разм солишга ийманишади. Кўпчилик ўзи билан ўзи ёлғиз қолишдан қўрқади. Ёлғиз қолдими одамлар олдида чопади. Жамиятга кириб яшириниб олади.

“...Дада, ухляпсизми?”

“Йўқ. Ҳаёл суриб кетаяпман. Сен ухлаб қолмагин тагин”.

“Ухламайман... Қаранг, денгиз устида қурилган йўл ҳам тугади. Энди улкан кемага чиқамиз. Баландлиги етти қаватли уйдек келади. Автомашиналар, автобуслар ҳам жой бўлади ичига. Кичкина шаҳарнинг ўзи. Дўконлар, ресторанлар, концерт заллари дейсизми... Ташқарида нима бўлса ичкарида ҳам бор”.

“Бунақа катта кемани биринчи марта кўришим. Ҳақиқатдан улкан экан. Шуни ҳам одамлар ясаганми, ўғлим? Қойил қолмасдан илож йўқ”.

“Мен ҳам биринчи марта бу кемага чиққанимда ҳайрон бўлганман. Данияни Олмония билан боғлаб туради булар. Ҳар соатда, кечаси-ю кундузи қатнайди. Болтиқ денгизи шу ердан бошланган. Нариги томонда Эстония, Латвия, Литва... Тепада Финландия...”

“Ҳа, олдинлари харитадан кўрардим. Энди ўз кўзларим билан кўриб турибман. Расмидан кўра ўзини кўриш керак экан. Денгизнинг гўзаллигини қара! Дунёда шундай чиройли жойлар бор экан... Биз эса қишлоқдан чиқмай яшаб юрибмиз”.

“Дада, сиз боя ҳаёлга толиб жимиб қолганингизда мен ҳам шулар ҳақида ўйладим. Бизни одамларимиз қишлоқни дунё деб ўйлашади. Улар учун кичкина қишлоқчаси ҳам катта дунё. Оила, фарзанд, тирикчилик ташвишларидан ортиб дунё кезишга имкони йўқ қанчаларининг...”

Европа халқлари эса топадиган мояналарининг нақд олтмиш фоизини сайру саёҳатларга сарфлашар экан. Бизнинг одамларимиз эса нари борса икки-уч фоиз маблағларини”.

“Бизни одамларимизда пул йўқ-да, ўғлим. Бўлса ҳам уйим-жойим, дейди улар. Саёҳатга пул сарфлагунча тўй қилгиси келади. Уй қуради”.

“Буни менталитет дейишади. Ўзбекчасига зеҳният. Европада одамлар зеҳниятини чуқур ўрганган рухшунослар кўп бўлган. Уларга динсиз, агностик ёки даҳрий деган тамғалар босишади. Лекин инсон руҳиятини ҳеч ким уларчалик чуқур таҳлил қилиб бера олмайди. Одам боласининг дунёга келган чоғидан то умрининг охиригача бошқариб турадиган нарса аслида ўша инсон умри давомида кўрган-кечирган тажрибалари, олган билимлари, кўникмалари, тафаккури деб билишади. Инсон тақдирини яратадиган нарса ҳам аслида тажриба. Ҳиндлар буни карма дейишади”.

“Инсон тақдири олдиндан белгилаб қўйилган. Тақдир деганлари бор нарса! Ҳеч ким ўз тақдиридан қочиб қутула олмайди. Тақдирни Худо инсон туғилмасдан олдин яратган. Ҳаммамиз ўз тақдиримизга кўра яшаб ўтамыз. Тақдир ҳукмидан ҳеч ким қочиб қутула олмайди, ўғлим”.

“Сиз шундай дейсиз, дада. Лекин тақдири илоҳий билан инсон иродаси бошқа-бошқа нарсалар. Инсонда икки нарса мужассам. Моҳият ва шахсият. Биз моҳиятан инсонмиз. Яъни, инсон қиёфасида туғилганмиз. Инсон ўлароқ яшаймиз. Инсонлик моҳияти бизни ҳаётимиз, сиз айтгандек тақдиримиз. Лекин туғилган кунидан бошлаб то умринининг охиригача инсон ҳаётига катта таъсир қиладиган нарса шу инсоннинг ўзи, унинг шахсияти. Шахсият ва моҳият бир-бирига чамбарчас боғланган. Инсон моҳияти унинг шахсиятига таъсир қилмаслиги мумкин, лекин шахсият моҳиятга кучли босим ўтказади. Инсон ҳаёти шахсият атрофида турлича бўлади”.

“Билмадим, ўғлим. Дунёнинг ишлари қизиқ-да. Ҳаёт ҳақида ҳамма ўзича фикр-лайди”.

“Мана энди кемадан чиқамиз. Бу ёғи Олмония”.

“Чиройли жойлар экан. Олмония деганда немис фашистлари эсга тушади. Фашистларга қарши урушда совет халқи йигирма миллион қурбон берган. Йигирма миллион инсонни шулар кириб битирган. Бу уруш ҳар бир оилага шундай даҳшат солган. Улар ўлим лагерлари қуришган. Одамларни тириклайин ўтда қуйдиришган. Инсоният тарихида бу қадар ваҳшийликни ҳеч ким қилмаган бўлса

керак. Лекин урушдан кейин немислар тезда ўзларини ўнглаб олишда. Яна кучли тараққиётга эришди булар”.

“Улар учун тозалик, озодалик энг муҳим нарса. Дунё халқлари ичида инглизлар билан немислар энг тоза, озода халқлар деган гап бор. Ҳар куни эрталаб албатта чўмилишаркан. Инсон руҳиятига, тафаккурига энг керакли нарса ҳам ҳар куни тоза сувда чўмилиш аслида”.

“Далаларининг чиройлилигини қара. Ҳамма нарса саранжом-саришта. Бирор жойда ахлат уюми кўринмайди. Халқи меҳнаткаш экан. Ҳа, немислар кучли тараққиётга бекорга эришмаган. Бунинг бирон сири бўлса керак. Немислар ишлаб чиқарган техника, транспорт воситаларини айтмайсанми? “Мерседес”, “Ауди”, “Опел”, БМВ... Бизни қишлоқда ҳамма “Опел” минади...”

“Бу ерларда эса Худонинг берган куни ёмғир ёғади.

Ҳар гал Олмонияга келганимда шу манзарага дуч келаман. Далалардан туман кўтарилади. Йўлни кўриш қийин. Йўл босасиз, йўлингиз кўпаймайди. Денгиз бўйига яқин жойлар-да...

Эҳ, дадажон. Жуда ажойиб инсонсиз-да Сиз йўлларни томоша қилиб кетаверинг. Менинг ҳам ўз ишим бор. Нималардир хаёлимдан кетмайди. Болалик кунларимни эслайман. Хотиралар қуйилиб келади...

Муҳожирлик, ўзга юртларда дарбадар кезиш ҳам жонимга тегиб кетди. Ватанимни соғинаман. Лекин боролмайман. Болалар бор. Шулар ўқисин... Европа таълимини олишса, ҳеч бўлса халқига, ватанига ёрдами тегадиган инсонлар бўлишади, деб орзу қиламан. Албатта келажакда... Лекин инсоннинг келажаги қоп-қоронғи. Ҳеч нарса кўринмайди. Ўтмиш хотиралари хаёлингизда истаганча ястаниб ётади. Келажак ҳақидаги тасаввурлар ўрни эса бўм-бўш.

Биласизми, дада, мен кўпинча инсоннинг ҳеч қандай келажаги йўқ, деб ўйлайман. Аслида вақт бугундан ўтмишга қараб ҳаракат қилаётгандек туюлади. Биз келажакка эмас, ўтмишга қараб кетаётгандекмиз. Келажак орқада қолади. Нега шундай?..

Тасаввур қилинг, мусаввир сурат чизаяпти. Қоғозда ҳеч нарса йўқ. Бу келажак. Мусаввир суратни чизиб бўлди. Таблода тасвирлар кўринди. Бу ўтмиш. Айти дақиқада мусаввир келажакдан ўтмишга қараб ҳаракат қилмадими? Бу бундай қараганда одатдаги тасаввурларга тўғри келмайдиган мураккаб тушунчалардек туюлади. Лекин аслида ундай эмас. Инсон туғилади. Туғилиш одам боласининг энг сўнгги даври аслида. Яшаш, умр кечириш, тирикчилик ўтказиш билан вақт ўтади, холос. Ҳар бир ўтаётган кунлар инсонни келажакдан ўтмишга олиб бораверади”.

“Ўғлим, ёшлигингда жуда шўх бола эдинг. Ҳозир эса оғир-вазмин бўлиб қолибсан. У пайтларда қаттиқ назорат осида яшардик. Совет давлати, коммунистик режим инсонларни бир қолипга солиб турганди. Мақтовлар авжига чиққан замонлар. Лекин ўша пайтда ҳам фикрларинг бошқача эди”.

“Билмадим, дада. Ўша пайтларда ҳам озми-кўпми адабиётга қизиқардим. Нималардир ёзардим, ўзим тушунмасдим. Ёзганларимни ўқиб, ҳайрон бўлардим. Уларни худди бошқа киши ёзгандек туюларди. Олдин бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман. Кейинчалик шунга ишона бошладим. Мени ичимда мендан бошқа яна кимдир бор эди. У айтарди, мен ёзардим. Кейинчалик ёздирётган киши ўзим, шахсия-

тим эканлигини тушуниб кетдим. Шахсият инсон моҳиятига зид ўлароқ мустақил ривожланар экан. Бу кўпинча адабиётда намоён бўлади...”

“Ҳа, эсимда бор, бир шеъринг бўларди “Кетаяпман ўзимдан хавотирланиб” деган. Шу шеъринг менга ёқарди, ўғлим”.

*Қаричлаб, белгилаб чораларимни,
Хаёлимга тизиб бор имконимни.
Кетиб бораяпман ҳаёт оралаб,
Танимга яшириб сабил жонимни.*

*Кўзларимдан кимдир атрофга боқар,
Қалбимда қўр тўкиб ўтирар кимдир.
Кетаяпман... ўзимдан хавотирланиб,
Ичимдаги кимдир ҳанузки жимдир.*

“Ҳа бу шеър ўша пайтда ўзимдан ҳайратланиб юрганимда ёзилган, дада. Эсингизда қолган экан-да?”

“Ҳа, албатта. Кўп шеърларингни ёддан биламан, ўғлим. Ахир сен менинг юрагимдаги гапларни ёзасан”.

“Дада, биласизми, оталарнинг саксон беш фоизи ўғилларга ўтар экан. Бу дегани мен сизнинг ўзингизман. Мен сизман, сиз эса менсиз. Фақат тасаввурларимиз, дунёқарашимизда фарқ бўлиши мумкин.

Энди тасаввур қилинг, одам авлодлари нима учун инсонлик фазилатлари билан ўзларининг асл манбаълари Одам Атога, Одам Ато орқали Яратувчига боғланган? Бу ерда ҳеч қандай ҳайратланарли сир йўқ”.

“Ўғлим, бу дунёда биз тушуниб етмаган нарсалар жуда кўп. Инсон онги, маънавияти чегаралангани боис бу ҳаётнинг моҳиятига етиш жуда қийин”.

“Ҳа, ҳаёт жуда мураккаб, дада! Ҳаётнинг моҳиятига етиш қийин. Аслида ҳам шундай. Маъносиз нарсанинг моҳияти бўлмайди”.

“Бу нима деганинг, ўғлим? Ҳаётнинг маъноси йўқ, демоқчимисан?”

“Ҳа, ҳаётнинг маъноси йўқ, дада. Лекин ҳар ким ҳаётдан маъно излаши керак. Ҳар бир киши ўз умри давомида ҳаёт ҳақидаги саволларига ўзи жавоб топиши керак. Чунки, ҳаёт олдида, ўлим олдида инсон ёлғиздир. Бу дегани ҳар кимнинг ҳаётдан сўрайдиган нарсаси бўлиши керак. Излайдиган, интиладиган, умид қиладиган нарсаси ҳам”.

“Қара, Рейн дарёси ёнидан ўтаяпмиз. Карл Маркс шу ерда туғилганми? Қойил, инсоният тарихида анчайин из қолдирган кўп кишилар Олмонияда туғилиб ўсишган...”

“Дунёда немислар, англизлар, славян халқлари жамики ихтироларни қилишган. Қолган халқлар уларнинг кашфиётлари орқасидан яшаб келишади. Ўзимиздан мисол. Руслар Марказий Осиёни босиб олишгач, замонавий таълим марказларини, шифохоналарни қуришди. Турли завод ва фабрикаларни тиклашди.

Улар бўлмаганда ибтидоий аҳволда яшашда давом этармидик? Мени ҳайратга солган нарсаси: собиқ иттифок кулаб, руслар таъсири кесилгач, саноат корхона-

лари сони кескин камайиб кетди. Оддий асфальт йўллар куриш ишларини хитойликлар қўлга олганини эшитиб, халқимизга жуда ачиниб кетдим. Мактабни битирган ёшлар борки Россияга мардикорчиликка жўнайди. Замонавий ўқув муассасаларида таълим олаётган ёшлар эса жуда кам. Нега шундай?”

“Таълим соҳасида кучли ислохотлар қилинмас экан, аҳвол ўзгармайди, ўғлим. Бу бир ёки икки йилда амалга ошадиган нарсаси эмас. Саноат корхоналарини бошқара оладиган илм ва тафаккурли ёшлар секин-аста кўпайиб бормоқда. Лекин улар жуда кам. Ёшлар билан жиддий шуғулланмас эканмиз, улардан яхши мутахассис бўлишни талаб қилишга ҳақимиз йўқ”.

“Мен ҳам шундай фикрдаман, дада. Барча муаммоларни илм билан ечиш мумкин. Муаммолар эса қалашиб ётибди. Халқимиз Европача таълим олган зукко ёшларга ҳамиша муҳтож. Ўтган йили Швециядаги “Волво” ширкатида амалиёт ўтагани келган хўжандлик бир йигит билан танишиб қолдим. Жуда ҳам тиришқоқ, билимли экан. Қанийди, унга ўхшаган ёшларимиз кўпайса”.

“Бунинг учун шароит бўлиши керак. Ёшларга йўл бериш шарт. Шунда ҳаммаси яхши бўлади”.

“Албатта, дада. Мен ҳам шундай фикрдаман. Мана гап-гаштак билан бўлиб Нидерландиядан ҳам ўтиб кетибмиз. Бу ёғи Бельгия. Кейин эса Франция чегарасига қадам қўямиз”.

“Сенинг кўзларинг йўлда. Мен эса атрофни кузатиб кетаяпман. Голландия, сен айтган Нидерландиядан ўтаётганимизда табиатнинг, далаларнинг гўзаллигини кўриб, ҳайратда қолдим. Далалардаги экинлар ранги бир-бирига ўхшамайди. Ўзи кичкина мамлакат бўлса ҳам бутун дунёга машҳур. Голландия сигирлари... Голландия гуллари... Буларнинг ҳаммаси меҳнат, илм, изланиш натижаси”.

“Дада, анча толиқдингиз, шекилли. Майли, бироз дам олинг. Секин кетаверамиз. Парижга яқинлашганда уйғотаман”.

...Эҳ, дадажон! Жимгина, овоз чиқармай ухлайсиз-да. Сизга ҳавасим келади. Ваҳший дунёда қанчалик қийин бўлмасин ўз ҳаётингизни куриб яшадингиз. Халқ ичида ўз обрў-эътиборингиз бор. Мен-чи, бу ҳаётда нима қилдим, нимага эришдим? Шулар ҳақида ўйлайман. Гоҳ ўтган кунларимдан қониқиш ҳосил қиламан. Гоҳ ўзим ўзимга ачинаман. Университетни битиргач, маҳаллий газеталарда ишладим. Кейин ҳаётим халқаро матбуот билан боғланди. Эндигина уй-жой қилиб, тинчгина яшай бошлаган пайтимда, Европага йўл олдим, шу жойларда абадий қолиб кетдим. Бу ерда мени ҳеч ким танимайди. Қўни-қўшнилари оддий муҳожирларга қарагандек қарашади. Одам билан одамнинг иши йўқ. Ҳеч кимга кераги йўқ, ташландик матодекман. Фарзандларим Европача таълим олишяпти-ку, деб ўзимга тасалли берган бўламан. Лекин дардим кўп менинг. Ғамим кўп. Шундай жимгина, осуда яшаб, ўлиб кетишни истамайман. Худди қоронғи уйда чироқ кидириб юрган кўр одамдекман...

Бу дунёда инсонни тўлақонли бахтли қиладиган нима бор? Кўнгилга ёкадиган касбими? Тўқис ҳаётми? Хотин-халажларми? Фарзандларми? Яхши касбим бор, оилам, фарзандларим бор. Лекин нимагадир ҳеч нарсадан қониқиш ҳосил қилмайман. Ҳамиша ич-ичимдан ёлғиз ҳис қиламан ўзимни. Ташқарида одамлар билан ҳамнафасман, лекин ичимда ёлғизман. Мен ёлғизман, дада. Ёлғизман. Нега шундай? Нима учун?”

“Ўғлим, нима ҳақда ўйлаяпсан? Кўзларинг қизариб кетибди, анча толиққан кўринасан?”

“Йўқ дада, шунчаки ўзим хаёлга толиб кетаяпман. Уйғондингизми? Мана, ҳадемай Париж шаҳрига кириб борамиз. Мазза қилиб шаҳар айланамиз. Тарихий жойларни кўрамиз. Меҳмонхонага жой буюртма қилиб қўйганман. Эртага ҳам бир кун вақтимиз бор”.

“Раҳмат, ўғлим. Умрингдан барака топ. Бу ҳаётим давомидаги энг унутилмас сафар бўлди. Сендан мингдан минг розиман”.

“Хар бир фарзанд қилиши керак бўлган иш-да бу, дада. Мен ҳам ўз фарзандлик бурчимни адо қилсам, қандай яхши. Ҳали сизни кўп айлантираман. Бошқа тарихий шаҳарларни ҳам бориб кўрамиз. Инсоният яратган мўъжизалардан ҳайратланиш қандай яхши”.

“Қара, Париз, деган ёзув кўринди. Бу Париж деганими?”

“Ҳа, дада. Французлар Парижни Париз дейишади. Бу ёғи ўша афсонавий шаҳар. Биз Парижга кириб келдик. Мен ўз орзуимга эришдим. Анча вақтдан буён шуни орзусида эдим”.

“Ҳа, эсимда бор. Қишлоққа борганингда Эйфель минораси олдида тушган суратингни кўриб, мени ҳам албатта Парижга олиб борасан, деганимда, сен ваъда берганинг. Мен эса сен туфайли орзуимга эришдим. Ваъдангни бажардинг, ўғлим”.

...Ўшанда қоронғи туша бошлаган пайт эди. Биз юкларимизни меҳмонхонада қолдириб, Парижни томоша қилдик. Эйфель минорасига чиқиб, шаҳарнинг тунги манзарасини кўрдик. Сайёҳлар кемасида Сена дарёси бўйлаб сузиб, тарихий жойларга бордик...

Дадам ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Кейинчалик қишлоққа қайтгач, одамларга Париж ҳақида тўлқинланиб гапириб юрганларини эшитдим.

...Ўшанда биз Парижга йўл олганимизда, нафақат орзулар шаҳри, балки ўз ўтмишимиз, Ўзлигимиз сари йўлга чиққанимизни ва бу сафарни ҳали узоқ вақт орзиқиш билан эслаб юришимизни ўйлаб ҳам кўрмаган эдим.

Швеция, 2015 йил

Олис дарахтзорлар ортида

(Хотира-новелла)¹



Чинни ўтирган жойидан туриб, сигирни яна ажриқзор томон хайдайди...

– Ҳей, ақлсиз, аввал тўйиб олмайсанми, кейин “мў-ў”лайверасан!

Салим эса ҳалигина қўлига теккан хуштакни завқ билан чалади. Хуштакдан аввал бикир-бикир қайнаган сувнинг товуши, сўнгра қушнинг чиройли овози чиқади.

Сигир лорсиллаб Салимнинг ёнига боради ва тумшугини унинг бошига суркайди. Салим уни бошини силаб эркалайди.

– Ҳа, семизгинам, гўсалангни соғингдингми, шошмай тур, салдан кейин борамиз.

Ўзимча ўйлайман: “Бечорагина-ей, боласини соғиниб ҳалидан бери “мў-ў” лаётган экан-да”. Шу лаҳзада миямга кимдир гугурт чаққандек бўлади: бибим!

Дарҳол Чиннига юзланаман:

– Бибим нима деган эдилар?

Чинни дарёнинг сувидай сокин таъкидлайди:

Зағчаларнинг чуғур-чуғури кучаяди. Боғ томондан қийшайиб томга қапишиб ўсган катта шотут дарахтининг учида қолган меваларини талашади улар. Бир мусича зағчаларга яқинлашишга қўрқиб том устида хурқиб ўтиради. Унинг туриши, афт-ангори қишлоғимиздаги Роҳила янгачага жуда ўхшаб кетади. Роҳила янгача ҳам меҳрибон ва ювош. Ҳеч ким билан уришмайди, кимдир унга гап билан ташланиб қолса, фақат йиғлайди.

Негадир шу дамда мусичага раҳмим келади. Майизга айланган шотутлардан илингим келади ва қўлимни чўзиб тўрт-беш донасини узиб олдига ташлайман, мусича пилдир-пилдир юриб уларни ейди.

Шу жойда миямга ажойиб фикр келади. Ҳануз менга ортини ўгириб ўриқларини томга ёяётган бибимга сездирмай Чиннидан ўч олгим келади. У мени қўрқоқ деганмиди?.. Шарт ўрнимдан тураман-да, шотут дарахтининг томга ёндош катта шохига оёқ қўяман, новдага маҳкам ёпишиб, Чинниларнинг томи томон қарайман, у ҳам биз томонга диккайганча қараб турганини кўриб кучланаман. Қизик, дарахтга осилиб тушаяпману, бирор жойим қалтирамайди, аксинча завқланаман. Ерга тушиб олиб, яна шу дарахт орқали томга тирмашиб чиқа бошлайман. Унчалик қийин эмас экан, фақат чаққон ҳаракат қилсанг бўлгани. Ва ниҳоят томга оёқ босаман.

¹Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Халидан бери биз томондан кўз узмай турган Чиннига мағрур қараб қўяман. Энди у бошини эгиб олади. Мен эса ишимни тугатиб, нарвондан тушаётган бибимнинг ортидан йўргалайман. Томдан тушаётганда яна ютоқиб олис дарахтзорлар тарафга қараб қўяман.

Бибим туша солиб одатдаги ишларига яна шўнғиб кетади. Мен ҳам сув сепиб катта супургида ҳовли юзини супуриб қўяман. Худди кимнингдир буйруғига итоат этгандек, ҳар куни бир хиллик давом этаверади, этаверади.

Авваллари бу ҳолат мени зериктирган бўлса, энди ўзгача завққа чулғанаман. Чунки юрагим ичида олисдаги дарахтзорлар ортидаги сир яшилланиб туради. Одатдаги юмушларимни тугатиб, ҳозиргина соғиб келган сутини докадан ўтказаетган бибимнинг ёнига югуриб бораман:

– Яна нима иш қилай, биби?

У бир лаҳза “шу ўзингмисан?” дегандай юзимга ажабланиб қарайди-да, сўнг дунёдаги энг меҳрибон овозда эркалайди.

– Баракалла, қизим, бузоқчага кўпроқ сут қолдирувдим, тўйгандир ҳам, яна бўкиб қолмасин, югуриб бориб, уни устунга боғлаб қўй.

Бибим айтгандай югуриб оғилхонага кираман. Оғзининг атрофларида сут кўпиклаб ҳануз эмаётган бузоқчани онасидан зўрға ажратиб, оғилхона устунига боғлаб қўяман. У мендан ўпкалангандай ортини ўгириб олади. Онаси бўлса узаниб, “Хафа бўлма, одамлар ўзи шунақа тошбағир бўлади” дегандай боласини чалап-чалап қилиб ялай бошлайди.

Она-болани ёлғиз қолдирганча, бибимнинг боғини оралайман. Намозгар шаббодасида бибим эккан гуллар яйраб тебранади. Гултожихўрозга қўнган бир ўйчан капалакнинг қанотларидаги чиройли нақшни томоша қиламан. Каштага моҳирлик билан гул солгувчи бибим ҳам бундай нақшни чизолмайди. Қизиқ, капалакнинг қанотидаги нақшни ким чизди экан-а?

Бибимдан сўрасам, нукул, “Худо”, дейди. Дунёдаги шунча кўп ишни ёлғиз Худонинг ўзи бажаришига қойил қоламан.

Баъзи-баъзида ичиб келиб онамни дўппослайдиган дадамга ҳам инсоф берган Худо-да! Бир куни оғир муштидан ҳовли юзида чўзилиб қолган, хушсиз ётган онамнинг теппасига келиб ўшқирди дадам:

– Тур, ўзингни артистликка солма, болалар кўрқади...

Ўшанда кунора телевизорга чиқадиган артист аёл кўз олдимда жонланган. Артистлар ҳам шундай хушсиз чўзилиб ётаркан-да, деб ўйлаганман. Анча вақтдан кейин ўзига келган онам бизларни кийинтириб, дадамдан аразлаб, бибимникига олиб келган. Бибим эса нукул бир гапни такрорлаган:

– Дадаларингга Худо инсоф берсин, ҳар куни шуни тилайверинглар.

Биз уч қиз жўр бўлиб, “Дадамга инсоф бер, Худо”, деган гапни худди синфда муаллим ҳукми остида хор бўлиб айтадиган давлат мадҳиясидай такрорлайверамиз. Кичкина синглим тили чучуқлиги боис инсофни “иншоф” деб талаффуз қилганида, бибимнинг жаҳли чикарди...

Бибим рост айтган экан, дадамга биз сўраган инсофни Худо берди-ю, бора-бора онамга қўл кўтармайдиган бўлди...

Баъзи-баъзида Худони жуда кўргим келади, ростдан ҳам у осмонда яшармикин?! Айни чоғда миямга ёруғ иқроор чакмоғи чақилгандай бўлади “Балки унинг маскани олис дарахтзорлар ортидадир?”

– Ҳаммангни ўлдираман, керак бўлса дунёингни ҳам тилка-пора қиламан!..

Бу жазавали ўкирик нафис ва ширин хаёлларимни чил-чил синдиради. Юрагимга аллақандай ларза кириб олгандай қалт-қалт титрайман. Оёғимни судрашга мажолим қолмайди. Икки қўли хамир юқи бибим мен томонга қараб югуради:

– Қўрқма, қизим, қўрқма, бу нокас Ражаб одам бўлмайди, қани, юр-чи...

У мени сўрига бошлаб келади, қолган қўллари титраб, бир пиёла сув ичказади. Сал ўзимга келгандай бўламан.

Нокас Ражабнинг ҳовлиси томондан келаётган дағдағали ўкирик баландлашади:

– Ҳамманг ифлоссанлар, иркитлар, ҳаммангни ўлдираман!

Бибимнинг меҳрига суяниб дадиллашаман ва унга сездирмай нарвондан лип этиб томга чиқиб оламан. Томда атайлаб қолдирган китобимни шамол варақлаётганини кўраман. Қўрқа-писа хануз бўкираётган нокас Ражабнинг ҳовлисига қизиксиниб қарайман. Қуёшнинг сўнгги қизғиштоб нурларида унинг ҳовлиси қонга белангандай кўринади кўзимга. У эса худди қишлоғимиздаги Розик девонадай сочини чангаллаб у ёқдан-бу ёққа югуради, ёмон гаплар билан сўкиниб, бақиради, дағдаға қилади. Ва шошилиб уйига киради-да, милтиқ олиб чиқади. Милтиқдан жуда қўрқаман. Дадамнинг ов милтиғини ҳам ёмон кўраман. Назаримда унда қон доғи борга ўхшайди. Шунданми, нокас Ражабнинг қўлидаги милтиқни кўриб ғужанак бўлиб оламан. У бўлса сўкина-сўкина милтиғини ўқлаб, яна томоғини йиртиб бақиради:

– Худондан ҳам қўрқмайман, керак бўлса, уни ҳам ўлдираман.

У осмонга қараб варанглатиб кетма-кет ўқ узади.

Қўрққанымдан ҳушимдан кетай дейман. Пастда овқат учун хамирош олаётган бибим сергак тортиб, мени қидиради, жон ҳолатда чақиради:

– Қизим, қанисан, қаёққа кетдинг?!

Томдан қайтиб тушаман. Бибим мени койийди:

– Сенга бу томоша эмас, болам.

Сўнгра қўлларини хамир юқидан тозалаб ювади. Ва менга буюради:

– Қани, олдимга туш!

– Қаёққа борамиз!

– Сулаймон тоғанинг уйига...

Бирдан Чинни билан аразим ёдимга тушади. “Ялиниб келди, деб ўйлайди” деган хаёлда тисланаман:

– Ўзингиз бораверинг...

– Ақлингни еганмисан, қизим, бу Ражаб деганларидан ҳамма нарсани кутса бўлади...

Кўз олдимга Ражабга ўхшайдиган эртақлардаги ёвуз дев гавдаланади. Ва пилдираб бибимнинг олдига тушаман. У йўл бўйи ўзича ўзи гапириб боради:

– Раҳматли Қумрихон яхши аёл эди, ёлғиз ўғли учун ўлиб-тирилди. Эри урушдан қайтмагач, эркак бўлиб яшади. Аммо Ражабни талтайтирди. Ўғли учун бир қўли ўғри эди. Қайси тўйу маърақа бўлмасин, дастурхондан боламга деб қанд-курс, майда-чуйдани енгига яшириб олиб келарди. Ражаб охирида нима қилди, қун бермай ўлдирди онасини... – Ҳа урушни чиқарганининг кўзи оқиб тушсин! Дадаси тирик бўлганда мўмин-қобил, тарбияли бўларди Ражаб бечора ҳам.

Бибим Ражабни эмас, урушни қарғарди негадир...

Дарвозаси, кўча томонга очиб қўйилган ҳовли остонасида бибим овоз беради:

– Сулаймон тоға, Сулаймон тоға.

Бибимга ҳам ҳайронман, оппа-очиқ турган дарвозадан кириб бораверсак бўлмайдами, чақириб нима қилади, деб ўйлайман. Ва шином дарахтзор ўртасидан ўтган йўлакнинг икки четида нозбўйлар нозланиб бўй таратаётган ҳовлига разм

солиб қарайман. Олди очиқ айвонда бир тўп болалар кий-чув қилиб ўйнапти. Уларнинг орасида Чиннига кўзим тушади-ю, тумшайиб оламан. Ўша айвондан лорсиллаган семиз аёл тушиб келади. Танийман бу – Чиннининг онаси, бир-икки марта кўрганман. У бибим ва менга пешвоз чиқади:

– Келинг-келинг, опа...

У бизни бошлаб айвонга олиб келади. Чинни мени кўра солиб югуриб келади, жилмаяди ва секин елкамдан ҳазиллашгандай чимчилайди. Мен ҳам араз-паразни унутиб унга қараб илжаяман.

Ичимга аллақандай ёруғлик кириб олгандай бўлади.

Фонус таратаётган хира нурлар ичида ҳали бир марта ҳам кўрмаганим, исмининг ўзиёқ Ражабдек зўравонни кўрkitган Сулаймон тоғани қидираман. Шу чоғ болалар орасидан дўриллаган овоз келади:

– Келинг, опа, келинг. Чинни, тоза кўрпачадан олиб чиқ...

Овознинг эгасига қарайману, бутун вужудимда ўргимчак ўрмалагандай бўлади.

Бу одамнинг юзлари қоғоздай обдон қирқилиб, кейин эса эринмай ямаб чиқилгандай, катта ёстиққа суяниб ўтирар экан, оёқсиз тиззалари қалт-қалт титрайди. Ўйлайман, қизиқ бу одамнинг нимасидан девга ўхшаган Ражаббой кўрқар экан?

Бибим Чинни олиб чиққан кўрпачага ўрнашиб ўтириб олади ва ҳалидан бери Сулаймон тоғадан кўз узмай тик турган менга имо қилади:

– Кел, ўтир.

Сулаймон тоғага салом бераман. У алик оларкан жилмаяди:

– Бу Бахшанданинг каттасими?

Бибим, ҳа, дегандай бошини лиқиллатиб кўяди, сўнг кўлини фотиҳага очади-ю, хонтахта атрофида дарахт шохига тизилиб турган кушлардай қатор ўтирган бир тўп бола бибимга жўр бўлади.

Сулаймон тоға фонусга ишора қилади:

– Чирокқа ўрганиб қолган эканман денг, фонус юрагимни сиқади. Паат дивижўкнинг мойи тугаб қолибди.

У бироз сукут сақлаб мавзуни ўзгартиради:

– Опа, бу Ражаббой яна хунар кўрсатдими, дейман. Пақ-пуқ этган овозлар келди ўша томондан...

Бибим юрагини тўкади:

– Ҳа, у бу кетишда жинни бўлиб қолади.

– Бугун Ҳожарнинг ёнига борган экан, акаси ҳайдаб юборибди, шунинг алами.

– Алами дейсиз, унинг жаҳл устида кимнидир ўлдириб қўйиш сиёғи бор.

– Ҳеч нарса қилолмайди. У кўрқоқ бола, фақат тўполондан нарига ўтмайди.

Кўрқоқларнинг овози баланд чиқади одатда.

Бибим билан Сулаймон тоғанинг суҳбати зериктиради, ҳалидан бери ҳовли юзида мени имлаётган Чинни томон бораман.

У қулоғимга шипшийдди:

– Кўрдим...

– Нимани?

– Дарахтдан тушиб-чиққанингни, қийинмас-а?

Бибимнинг томорқасида сўрамай чиққан шўрадай кериламан:

– Жуда ҳам осон экан...

– Дугон, мени кечир, ярим йўлда сени ташлаб кетганим учун.

Унинг бу гапи мени тупроққа айлантиради. Билмайман, нимагадир кўзларим ўз-ўзидан ёшга тўлади.

Шу пайт ҳалидан буён ўчоқ бошида куймаланаётган Чиннининг онаси овоз беради:

– Чинни-уув, қани тез келгин ёнимга, косаларни олиб бор дастурхонга.

У қўйиб юборса, қаергадир ғойиб бўладигандай қўлимдан маҳкам ушлаганча ўчоқ бошига мени ҳам судраб боради. Чиннига қўшилиб ўзидан ёқимли хид таратаётган косалардаги лўбло қайишни дастурхонга ташийман. Охирида бир даста чўбин қошиқларни кўтариб, семиз бўлса-да, ҳаракатлари чаққон Чиннининг онаси ҳаммага қошиқ улашиб бўлгач, дастурхонга келиб ўтиради.

Ҳаммаёқни ҳўриллаган, пишқирган товушлар босиб кетади. Бу ғалати шовқинни бир боланинг пиқ-пиқ йиғиси бузиб туради. Сулаймон тоға овқатдан бош кўтариб ўша инжиқ боласига танбеҳ беради:

– Яна нима бўлди, ўғлим, нега бунақа ношукурсан-а?

– Бу менинг қошиғим эмас, меникида сариқ гулчалар бор эди, – дейди бола йиғи аралаш чуқур ҳўрсиниб.

– Ҳа, ўғлим-а, санлар тўқсан. Паад урушнинг ичида оч қолиб, тупроқ шимган пайтларимиз бўлган... Ма, менинг қошиғимни ол...

Отаси узатган қошиқни олган бола йиғидан тўхтаб, кавшанишга тушади.

Бибим косасидаги овқатга нон ботириб ер экан, икки кўзимни Сулаймон тоғадан узмай ўтирган мени тирсаги билан секин туртиб пичирлайди:

– Одам кўрмаганмисан, овқатингга қара...

Бибимнинг тазйиқида косага қошиқни солиб, шунчаки ковлаб қўяман. Негадир косадаги овқатда Сулаймон тоғанинг кўрқинчли башараси акслангандай бўлаверади, иштаҳа ҳам бўғилади. Ҳар қанча уринмай овқатни кўнглим тортмайди.

Худди косанинг остидан нимадир излаган одамдай қошиқ билан ковлайвераман, ковлайвераман. Биқинимни эса бибимнинг чўпга ўхшаган тирсаги тешай дейди.

Жонимга оро киргандай, шу пайт “пақ-пук”, “қасур-кусур” қилган ваҳимали товушлар худди ёнгинамизда жаранглагандай бўлади. Бир лаҳза ҳўриллаш, “чалп-чулп”, “кумур-кумур”лар синфимизга комиссия келганда бўладиган жимликка алмашади.

Сулаймон тоғанинг йиртилган қоғоздек юзида қаердандир адашиб учиб келиб кўнган иккита катта қора кўнғиздек кўзлари ичида хавотир кучаяди:

– Бу бола жуда ўзидан кетди, ё бировнинг бошини ейди, ё ўзиникини. Чинни, тур кизим аравамни олиб кел.

Чинни товушқондай ирғиб туради-ю, аравачини судраб келади.

Чиннининг дўлпосдай онаси Сулаймон тоғани худди чақалокни кўтаргандай кўтариб аравачага ўтказди. Сулаймон тоға тим қора қошларини уйиб, тахта аравачани ғижирлатиб ҳайдайди.

Сулаймон тоға билан кетишга чоғланган бибимнинг ортидан мен ҳам эргашаман.

– Сизларга нима бор у ерда, ўтириб овқатларингни енглар, – дейди у буйруқ оҳангида.

Бобомнинг чилвирга илинган каклигидай бибим таппа ўтиради. Мен ҳам ўтириб унга суянаман. Негадир унинг бутун танаси дир-дир титрайди. Бу титраш юқумли касалдай менга юқади:

– Бибижон, уйимизга кетайлик.

– Овқатингни егин, – дейди бувим овозига кўчган титроқ билан.

Рўпарамда ўтириб олган Чинни аллақачон овқатини еб бўлган, аммо менга ҳар замонда олақараш қилиб қўяди.

Мен эса ҳамма нарсани унутаман-да, чиройли хаёлларим ичига ғойиб бўламан.

Ҳали мактабга чиқмаган пайтларим эди. Биздан уч-тўртта ҳовли нарида

турадиган Чўтир хола бизникига тез-тез ўзи пиширадиган, бутун қишлоқ аҳли тилига тушган ширин дурдали кулчаларидан олиб чиқарди. Юзидаги ҳар хил шаклдаги беҳисоб чуқурчалар уни шу қадар бадбашара кўрсатардики, у келиши билан бир ковакка беркиниб олардим. Чунки унинг хунуклигидан кўрқардим. Дадам, онам, сингилларим тамшаниб ейдиган кулчаларига қўлимни ҳам теккизмасдим.

Бир куни онамдан:

– Нега Чўтир холанинг юзи хунук? – деб сўрадим.

Офтобрўяда ўтирган бобом онамнинг ўрнига бамайлихотир жавоб берди:

– Эри Нарзи носкаш унинг юзига омоч ҳайдаган...

– Энди у тузалмайдими? – сўрайман бетоқат.

Бобом омборхона томонга имо қилади:

– Хувв ўша ерда халтада тарик бор, бир ховуч олиб юзига сепиб юборсанг, чуқурчалар тўлиб тузалади.

Онам бобомга жаҳл билан қарайди. Аммо ҳеч нарса демайди. Энди мен Чўтир холанинг йўлини пойлайман. Ва ниҳоят икки-уч кун ўтиб уйимизга ширин ҳидлар таратадиган хушхўр, иссиқ кулчасини кўтариб у кириб келади. Мен шоша-пиша омборхонага югуриб бир ховуч тарикни олману, унинг юзига сепиб юбораман. Ва Чўтир хола бирдан тузалиб, мени алқашини пойлайман. Аммо онамнинг аччиқ тарсакиси ва Чўтир холанинг “вой кўзим”лаши мени яна қочиб, бир ковакка беркинишга мажбур қилади. Хаёлларим ичидан чиқар эканман, пиқиллаб кулишдан ўзимни тўхтата олмайман.

Бибимнинг ўткир тирсаклари яна биқинимни нишонга олади:

– Овқатингни емасанг, тур, Чинни билан идишларни ювинглар.

Худди шуни пойлаб тургандай ўрнимдан югуриб тураман. Идишларни кўтариб олган Чиннининг ортидан ошхонага бораман.

У худди бозорга мен билан чиқиб ҳамёнини ўғирлатган онамдай ковоғини уяди:

– Бугун аччиғимни чиқардинг. Нуқул дадамга қараб ўтирдинг. Бадбашара экан, деб ўйладинг-а, мен буни сездим.

Яна содда ва овсарлигимга бораман:

– Юзларига нима қилган?

Худди қорни очиб қолгандай Шарофат янганинг юзига ўхшаган яп-япалоқ ой тинимсиз ошхонага мўралайди.

Ошхона ёп-ёруғ бўлиб кетади. Чақир-чуқур қилиб идиш юваётган Чинни шарт ортига ўгирилади:

– Сен ҳеч нарсани билмайсан, дадам бомбанинг тагида қолган. Ўша ерда уч кун ётган, кейин Надя аммам дадамни қутқарган билдингми? Надя аммам Москвада яшайди. Шунақа жойни эшитганмисан ўзи?

– Ҳа, ҳар куни эштаман, ҳар эрталаб радиога айтади-ку, “Говорить Москва, говорить Москва...” деб.

– Надя аммам ҳар йили келиб-кетади. Шундай зўр шокалодлар олиб келади.

– Нима, амманг ўрисми?

– Ҳа ўрис, лекин яхши ўрис, ўзи чиройли.

Чиннининг мақтанчоқлиги гашимни келтиради. Негадир уни ўз ҳайратим билан енгим келади:

– Биласанми, бугун зўр нарсани билиб олдим.

Ошхона томига кўниб олган ой бир сакраб Чиннининг тим қора кўзларига жойлашиб олади:

– Қанақа нарсани?

– Худо қаерда яшайди биласанми?

- Осмонда, осмоннинг энг баланд жойида.
- Йўқ, кўз илғамайдиган олис дарахтзорларнинг ортида яшайди у...
- Буни қаердан билиб олдинг?
- Билдим-да, эртага сенга ҳам кўрсатаман.
- Худоними?
- Йўқ у яшайдиган жойни...

Чинни ишониб-ишонмай менга қарайди.

Шу пайт ҳовлида бегона уч-тўртта шарпа пайдо бўлади. Бибим, Чиннининг онаси, ҳалиги шарпалар нима ҳақдадир гаплашар, аллақандай бесаранжомлик ичида юрагим қандайдир ёмон нарсани сезгандай қаттиқ дукиллай бошлайди. Бибимнинг ёнига югуриб бориб, хушбўй қалағай рўмолидан тортаман:

- Уйга кетайлик.
- Ҳозир, болам, ҳозир... Чиннини ҳам бирга олиб кетамиз.
- Қандай яхши. Чинни, кетдик, – дейман қувончдан сакраб.

Чинни катта одамларга хос чимирилади:

– Девонамисан, нега бақирасан? Ражаб тоға ўзини отиб қўйибди, одам ўлганда паст гапириш керак билдингми!

Бу гапни эшитиб баданимда миллионлаб чумолилар ўрмалайди, ичимда калтироқ уйғонади:

- Иби, бечоргина-ей...

Бибим, Чинни ва мен хомуш уйга қайтамиз. Йўл бўйи бибимнинг кўзёши тинмайди, ҳар замонда чуқур "ох" тортиб қўяди:

- Эссизгина... ўзи ўзини жувонмарг қилди, ҳа номгинангга киргин келсин уруш.

Гўринг нурга тўлгур Қумрихон нималарни орзу қилган эди-я...

Бибимнинг дарвозаси олдида уч-тўртта хотин бир-бири билан чуғурлашиб ўтиради. Оппоқ азали либосларни кийиб олган бу аёллар узокдан гуллаган бодом дарахтларига ўхшаб кўринади.

Бибим мен билан Чиннини буткул унутиб кўксига муштлайди.

– Ҳамма айб ўзимда, бора солиб Сулаймон тоғани етаклаб келмайманми, болагинани асраб қолармидик.

Чинни бибимнинг қўлини маҳкам ушлаб олиб яна билағонлик қилади:

- Сиз билан дадамни отиб қўяр эди агар борсанглар.

Бибим сувга тўйган камиш каби тебранади, аммо индамайди. Рўпарамиздан ҳалиги оқ кийинган аёллар бизга қараб келаверишади. Бири-бирига гап бермайди:

- Хола, қаерда эдингиз?
- Сизни ярим соатдан буён кутамиз.
- Эшитдингизми, Ражаб ўзини отиб қўйибди.
- Ҳожарни ҳозир олиб келишди.

Пахса деворлар ковагидами, ўт-ўланлар орасидами чирилдоқлар қаттиқ сайрайди. Уларнинг сайроқлари ичида бибимнинг шикаста овози зўрға эшитилади:

- Сизлар бораверинглар, мен ортингиздан етиб бораман.

Ҳовлига кира солиб бибим азали кийимларини олиш учун сандиққа, мен эса дастурхонга ўраб қўйилган нонга ёпишаман, совиб қолган чойга нон ботириб ейман. Чинни:

- Нима, сен каттачимисан? – дейди.
- Нима дегани у каттачи?
- Боди дегани, нега уйимиздан овқат емадинг?

Унга қандай жавоб беришни билмайман. Бибим хонадан шошилиб чиқади-ю, мени жавоб топишдан қутқаради:

– Ақлли киз бўлиб ўтиринглар, уйга кириб ухланглар. Мен энди кечаси билан Хожарнинг ёнида бўламан.

Бибим кетиши билан иккаламиз ҳам ора-чора паст йиғи овози келаётган, ҳалигина тирик юрган ва энди мурдага айланган Ражаб аканинг ҳовлиси томонга қўркиб қараймиз.

Гарчи ичимда ваҳимали ўйлар ҳувиллаётган бўлса-да, Чиннига қўрқмаслигимни кўрсатгим келади.

– Қўрқаяпсанми, мен эса қўрқмайман, бобом айтганлар ўлим одамнинг ухлашига ўхшайди.

Чинни менинг қаҳрамонлигимни чипакка чиқаради:

– Эй, мен Ражаб тоғани ёмон кўрардим, ўлса ўлмайдами, сан билмайсан-да. Салимни дарахтга боғлаб қўйиб хивич билан урарди... Лекин ёмон одамнинг арвоҳи ҳам ёмон бўлади.

Яна чиранаман:

– Мен арвоҳ деган гапга ишонмайман.

Шу пайт толор тепасида аллақандай куш патиллаб қанот қоқади. Мен дир-дир титраб Чиннини маҳкам кучоқлайман.

– Юр, уйга кириб ётамиз энди.

Чинни ҳам мунғайган кўйи менга эргашади. Дераза, эшикларни маҳкам ёпиб уйкуга кетамиз.

Сахарда бибимнинг меҳрибон овозлари бизни уйғотади:

– Иби ман ўлмасам, ҳаммаёкни ёпиб олганларинг нимаси, димикиб кетмадингларми?

У дераза-эшикларни ланг очиб қўяди, ёзнинг ифорга тўла тонги шаббодаларни етаклаб уйга киради. Ташқаридан Хожар янгачанинг чинқириб йиғлаётган овози ва бибим иштиёқ билан тайёрлайдиган қайнатма шўрванинг иштаҳани китиклайдиган ҳиди келади.

Апил-тапил туриб ариқ томон югурамиз. Қаергадир шошилиб оқаётган сувда юз-кўзимни юварканмиз, бир-биримизга маъюс тикиламиз; гўё кечаги фожиа бизни бир кечада улғайтириб қўйгандек бўлади.

Бибим бирпасда сўрига дастурхон ёзиб, биз учун пиширган ширчайни олиб келади. Бибимнинг ортида ёзнинг шу иссиқ кунида чопон кийиб, белини катта белбоғ билан чандиб боғлаган, кўзлари йиғлаганидан қизариб кетган Салим кўринади.

Чинни дик этиб ўрнидан туради:

– Иби, Салим сен ҳам шу ердямидинг?

Салим бошини эгиб, сўрига келиб ўтиради. Овози ҳиқиллаб чиқади, ўзидан олдин кўзларига тўлган ёш гапиради гўё:

– Дадам, дадажоним...

Энди хўнграб йиғлайди. Бибим унинг елкасига қоқади:

– Болам, мард бўл. Қани, ширчайингга нон тўғраб сол, совумасин. Куч йиғиб ол, ҳали бақириб йиғлашинг керак бўлади.

Бибим Салимни обдон юпатгач, яна ошхона томонга кетади.

Чинни пайтдан фойдаланади:

– Салим, оёғингни уриб синдиргани эсингдан чиқдими, ўшандан буён чўлокланиб юрасан, болалар сенга Салим чўлок деб ном ҳам қўйган. Ёки ариқдаги сувга бошингни босиб тургани-чи, агар мен кўлини тишламаганимда ўлиб кетар эдинг. Нима, шундай ёмон одамни деб яна йиғлайсанми, ўлса ўлиб кетмайдими? Йиғлама, ол, ширчайинг совуди.

Бу гапларни эшитиб, сесканиб кетаман. Хаёлимда Ражаб тоға эртаклардаги жаллод бўлиб гавдаланади.

Салим бошини эгиб, ҳеч кимга кўрингиси келмаётган одамдай ийманиб ширчойига нон битириб ейди. Кўзёшлари косадаги ширчойга чик-чик томади.

Бибим ошхона томондан овоз беради:

– Салимжон, бўлдингми, болам, қозонни кўтаришиб юбор.

У апил-тапил ўрнидан туради-ю, бир қозон иссиқ шўрвани бибим билан кўтаришганча йиғи авжига чиққан ҳовлига кириб кетишади.

Гарчи Чинни билан Ражаб тоғани ёмон кўрсак-да, қўшни ҳовлидан келаётган йиғи таъсириданми, ғамгин тортиб қоламиз. У дастурхонни эпчиллик билан йиғиштириб, косаларни ариқда ювиб келади-да, эчкидай сакраб деворга чиқиб олади:

– Дугон, сигиримни далага олиб чиқишим керак, кетдим...

– Кейин қачон келасан?

– Кечга яқин.

Чинни кетгач, яна хувиллай бошлайман. Мендаги бу галги зерикиш ваҳималими-ей, қайғулими-ей – ҳеч тушунмайман. Боғимизда бири-бирига навбат бермай сайрайдиган кушлар ҳам бугун жим. Қизиқ, улар ҳам одамларни тушунаркан-да. Бибим айтмоқчи, сояга ўхшаб ҳовли юзида у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа бориб келавераман.

Уйимиз томига қўнай деб қолган қуёшнинг парчаси юрагимга тушади. Югуриб бориб нарвонга тирмашаман. Томда анави кундаги ёлғиз мусича пилдираб юради. Вой эси паст, китобим юзини булғаб қўйибди. Бир зумда китобни эсимдан чиқараману, қадим сеҳргарлар каби мени ўзига ром этган ўша олисдаги дарахтзорлар томон қарайман. Улар бугун янада ёрқинроқ, янада тиникроқ кўринади. Аниқ биламан, Худо ана шу дарахтзорларнинг ортида яшайди.

Бирпасда сураётган хаёлимдан ҳам зерикаман-да, яна қўлимга Тургеневнинг “Арафа”сини оламан. Ўқишга берилиб, атрофни унутаман. Китобнинг ичидаги нимадир мени ўзига тортиб кетади. Китобни ҳузур қилиб ўқиб тугатаман. Жуда ёқимли бир ҳисни туяман, аммо ҳеч нарсани тушунмайман. Ичим дунёнинг ғалати шивир-шивирига тўлади. Яна олис-олисларда ястаниб ётган дарахтзорларга энтикиб қарайман. Улар мендан кимнидир ёхуд ниманидир яшираётгандек туюлади. Ўша томонга қараб кетган йўл мени ўзига тортаверади, тортаверади...

Кейин эса ширин бир чарчоқ танамга ёйилиб, томга ёндошиб ўсган шотутнинг соясига чўзилиб оламан.

Узоқ-узоқлардан Чиннининг тошга тегса тошни ёрадиган овози қулоғимга элас-элас эшитилгандай бўлади:

– Дугон, мен келдим, қаердасан?!

Кўзимни эриниб очаману, кўркиб кетаман. Қаердалигимни ҳам англолмайман. Пастдан гўнғир-гўнғир овозлар келади. Улар орасида хавотир ва меҳрга тўла бибимнинг овози нақ юрагимга келиб урилади:

– Худо мени жонимни олсин, қаерга кетди экан-а?!

Ўрнимдан шарт тураман, ҳеч тўймайдиган мусича чўчиб қанотларини потирлатади.

Томнинг лабига келиб, негадир ўксинаман, аммо нимадан ўксинганимни ўзим ҳам билмайман. Йиғлаган алфозда чорпоядан мунғайиб ўтирган бибимга қарайман:

– Бибижон, шу ердан.

Бибим сесканиб тепага қарайди:

– Эй, ишинг курсин, туш пастга!

Энди ростакамига ҳўнграб йиғлайман.

Бибим худди ниначидай ғизиллаб келиб нарвонга ёпишади:

– Нима бўлди, ўзи туша қол, қизим...

Пастга туша солиб, кўзим чорпоянинг чеккасида ўтирган, бошига дока солиб олган аёлга тушади. Шоша-пиша салом бераман. У эса, агар саломинг бўлмаганда ямламай ютардим, дегандай беўхшов илжаяди:

– Яхши киз экан-ку бу.

Хотиржам тортган бибим нотаниш аёл билан суҳбатини давом эттиради.

Дарвозахонанинг соясидан Чинни бибимнинг кўзига кўринмаслик учун секин бошини чўзиб, қўли билан “бу ёкқа кел” деганча имо қилади. Уни кўриб суюниб кетаман. Сездирмай ўша томонга шошаман. У қўлимдан ушлаб кўчага судрайди:

– Сенга зўр нарса кўрсатаман, юр.

– Нимани кўрсатасан?

– Кўчада бир гала жўги юрибди, улар жуда ёмон. Бир марта уйимизга кириб бир халта сузмани, кир ювадиган тоғорамизни ўғирлаб кетган. Кел, уларга тош отамиз.

Мен жўги номини эшитиб музлаб қоламан ва ўзимни фош қиламан:

– Жўгилардан ёмон кўрқаман.

– Ҳей кўрқок, ана қара, келяпти.

Чинни кўлидаги майда тошларни уларга қараб отади.

Аммо жўгилар парво ҳам қилмай, ўз тилида нималарнидир гапириб, бостириб келаверади. Шунда аламзада Чинни ҳамма қишлоқ болаларига ёд бўлиб қолган термани бошлайди:

*Жўги биби аранги
Иштонлари фаранги...*

Чиннидан илҳомланиб мен ҳам жўр бўламан. Улар ичидан қоп-қора семиз хотин тилла тишларини яраклатиб бақиради:

– Яқинроқ кел, иккалангни ҳам иштоним ичига солиб олиб кетаман...

Биз томонга тобора яқинлашиб келаётган жўги хотиннинг ваҳимасидан қалт-қалт титрайман. Чинни бўлса қилт этмайди. Шу дамда унинг ботирлигига ҳавасимми ёки ҳасадимми келади. Бу гавдаси мендан кичкина жиккакина қиз нега ҳеч балодан кўркмас экан, деган ўй ўтади кўнглимдан. Шунинг баробарида унинг кўлидан тортаман:

– Юр, уйга кирайлик.

Чинни хоҳлар-хоҳламас менга бўйсунди. Ҳовлига кирамиз. Бибимнинг Чиннига кўзи тушиб тилло топган қулдай юзи ёришади:

– Келдингми, қизим, дугонанг билан ҳовлида ўйнаб ўтиринглар. Ундан бохабар бўл, ман Ҳожар янгангнинг ёнида бўламан.

Чинни хўп дегандай бошини қимирлатади. Мен эса югуриб бориб бибимнинг этагидан маҳкам ушлаб оламан. Бибим савол бериб улгурмасдан ҳовли юзиди бизни таъқиб қилиб келаётган жўги хотин пайдо бўлади:

– Оҳай, қаёнга қочасан, ҳа бошингни табар...

Бибим менинг қўлимдан этагини шахд билан ажратади, лабидаги кулранг холи теппага кўтарилади. Унинг жаҳли қаттиқ чиқса шундай бўлади:

– Ҳа, нима гап, нега шовқин соласан?!

– Оҳай янгажон, индамаса баччаларингиз бизни тошбўрон қилади, мазоқ қилади, акун биз ҳам Худонинг бандаси.

Қора хотин ҳовли юзиди ялпайиб ўтирганча кўксига муштлаб уриб йиғлайди. Унга раҳмим келиб, мен ҳам йиғлайман. Чинни тескари қараб олади.

Бибим ариқ лабидаги мажнунтолдан хивич синдириб олади. Чарсиллатиб оёқларимга уради. Худди оёғимни қовоғари чақиб олгандай бўлади. Бақириб йиғлайман. Семиз жўги хотин эса бибимга гиргиттон, бўлиб, тинмай жаврайди:

– Оҳай янгажон, ҳовлингизни омад келадиган эшигини кимдир боғлаб кетибди, атаганингизни олиб чиқсангиз, шу эшикни очаман, бўлинг-бўлинг, бўлмаса тирноғингиздан сочингизгача куйиб кетасиз.

Бибим ичкари уйга кириб дурдали кулча, ширинликлар чиқариб беради жўги хотинга. У бўлса “Бори шуми?” дегандай бибимга мўлтириб қарайди.

Ҳалидан бери чорпоёга суяниб турган нотаниш хотин бибимни жўгига тезлайди:

– Сиз ҳам қизиқсиз, буларнинг раҳмини еганингиз сари ўзидан кетади. Ҳайдаб юборинг-ей.

Жўги хотин ҳамма қолиб энди уни қарғай бошлайди:

– Ҳўй қўтир, сани шундай банду баст қилиб ташлайман акун, жойингдан қимирламай мурдадай ётадиган бўласан, ҳайми?!

Бибим бир сўз демай жўгини дарвоза тарафга бошлаб кетади, сўнгра дарвозани занжирлайди-ю, бошини эгганча нотаниш аёл билан Ҳожар янғачанинг уйига ўтади. Ҳар-ҳар замонда у ёқдан қўрқинчли йиғининг овози келади. Аммо мен азбаройи аламадалигимдан ҳеч нарсадан қўрқмайман энди.

Ёнимга келиб ўтириб олган Чинни билан ҳам гаплашгим йўқ. Шартта тураману, йўлга отланаман. Неча кундан буён мени ўзига тортаётган хуув ўша олис дарахтзорлар томонга қараб йўлга тушаман. Ортимдан эргашиб келаётган Чинни чинқиради:

– Ҳейй, қаёққа кетаяпсан, уйлариңгиз бошқа томонда-ку?!

– Сенинг ишинг бўлмасин, сотқин, мени калтаклатиб томоша қилдинг-а?

– Шуям калтаклаш бўлди-ю, бибинг сени силагандай урди. Укамни йикитганим учун онам мени шундай савалаганки, мана излари ҳали ҳам бор.

У оёғи, елкасидаги ўйиқ, қизарган жойларни кўрсатади. Шу дамда кўзимга Чинни бирам яхши кўринадики, уни қучоқлагим келиб кетади:

– Қандай чидадинг?

– Ёкамни тишлаб ўтиравердим. Сени биров урса ёқангни тишла, шунда оғриқ сезилмайди. Энди айт, қаёққа кетаяпмиз?

– Узоқдаги дарахтзорлар ортига.

– У ерда нима қиласан?

– Ҳаммадан беркиниб оламан. Мени ҳеч ким яхши кўрмайди, бибим ҳам ёмон кўради.

– Девонамисан, юр қайтамиз.

– Биласанми, дадамнинг қафасдаги бир каклиги бўларди, бирам чиройли эди, кўп сайрарди. Дадам уни боласидай яхши кўрарди. Аммо у доимо йиғлаётгандай туюларди менга.

– Қўйсанг-чи, қушлар ҳам йиғлайдими? Дадам айтганлар, қушлар йиғлашни ҳам, қулишни ҳам билмайди. Шунинг учун Худо уларга осмонни бериб қўйган.

– Йўқ, алдамаяпман, у йиғларди. Бир куни дадам ишга кетгач, аста бордим-у, қафаснинг эшигини очдим. У менга аввал ҳайрон бўлиб қаради, кейин қанотларини потирлатди, аммо миқ этмай қафасда ўтираверди. Мен киш-кишлаб, бир амаллаб қафасдан ҳайдаб чиқардим. У учиб бориб сўрига қўнди, секин-секин юриб пирр этиб учди-ю, томдан ошди. Мен қилган ишимга хурсанд бўлиб кунни ўтказдим. Кечки пайт дадам ишдан келгач, бирам жаҳли чиқди, бор аламини бақир-чақир қилиб онамдан олди. Сўрида ҳаммамиз овқатланиб ўтирган пайтимиз қўшнимизнинг семиз мушуги ҳовли юзига ниманидир тишлаганча судраб келди.

Бу дадамнинг каклиги эди. Кўзлари аламдан қизариб кетган дадам сўридан сакраб тушди-ю, менга қараб: “Қилган ишингни кўрдингми, овсар?!” деб бакирди. Бу ҳам етмагандай, эртаси куни бизникига онамнинг дугоналари меҳмонга келди. Онам менга ўзининг эркатой пахта гулли янги пиёлаларини шкафдан олиб келишимни айтди. Уларни олиб келаётганимда остонага қоқилиб кетиб кўлимдаги янги пиёлалар ерга тушиб чил-чил синди. Онам елкамдан қаттиқ чимчилаб ўшқирди: “Сен одам бўлмайсан!” Ўша куни бибимникига қочиб келдим. Шундан буён шу ерданман. Онам олиб кетаман, деб бир неча марта келиб-кетди; бормаيمان, дедим. Энди бибим ҳам мени ёмон кўриб қолган, кўрдинг-ку, қандай савалади. Менинг ҳеч кимга керагим йўк...

– Қўйсанг-чи, дугон, ўзинг эркатой экансан, дадам билан онамдан мен эшитган даққиларни эшитганингда, менга раҳминг келарди...

Чинни мунгайиб гапирар экан, намозгарнинг майин шаббодаси кўксимга урилар, йўлнинг ёқасидаги ариқ ичидаги қурбақаларнинг таниш ва ёқимсиз овози тобора авжланар, бепоён далалар узра шафақнинг қирмизи ранги жилоланар, онда-сонда палаклар устида нимадир ялт-юлт этгани кўзга ташланарди.

Бирдан сандалимни ечиб югургим келади:

- Чинни, ким ўзарга ўйнаймизми?
- Майли. Ютқизсанг, йиғламайсан, ҳайми?

Иккаламиз узоқ югурамиз. Оҳиста елаётган шаббода югурганимизда қулоғимиз остида қандайдир узун товуш бергандай бўлади. Олисдаги шафақрангга беланган дарахтзорлар худди кўл чўзсак етадигандай яқингинамизда солланади гўё.

Югуриш асносида бибим қавиган серпахта кўрпадек юмшоқ йўлнинг илиқ тупроғи товонимга хуш ёқади, ариқ лабидаги қартайган ялпизнинг чучмал хиди шудринг сийпалаётган даладан таралаётган ўзгача хидга қоришиб, дунёда ҳали ҳеч ким кашф қила олмаган атирдек димоғимни тўлдиради. Югураман – энтикаман, энтикаман – югураман. Намозшом қўнғизлари қулоғимнинг ёнгинасидан тез эсаётган шамолдай ўз тилида ниманидир қуйлаб, ғиз-ғизлаб ўтади ҳар замонда.

Ва ниҳоят, нафас ростлаш учун Чинни билан баб-баравар тўхтаимиз. Қорайиб келаётган осмон остидаги кенглик ниҳоятда сирли, айна пайтда ваҳимали туюлади. Олисдаги дарахтзорлар ниҳоятда яқин жойда нафас олаётгандек бўлади. Чинни бир сакраб йўлимни тўсади:

- Бўлди энди, ортга қайтамыз.
- Қара, дарахтзорга жуда яқин қолди, яна бир югурсак етамыз.
- Эҳ-ей, у жуда узоқда, яна ўн марта шундай тезликда югурсак етармиз.
- Жон Чинни, яна югурайлик.
- Йўқ, бўлмайди, хувв анави ариқ ёнбошидаги катта тўқайзорни кўряпсанми, қуёш ботгандан кейин ўша ердан шоғоллар чиқади. Ёки шоғолдан кўрқмайсанми?
- Қўрқмайман.

Яна кимўзарга ўйнаб, югуриб оптимизга қайтамыз. Энди ҳалигидек шаштим йўқ. Ҳар замонда оптимга – тобора олислашаётган, мени нимаси биландир ўзига тортгучи сирли дарахтзорга қарайман. Ичимда барибир ўша жойга боришга ўз-ўзимча аҳд қиламан.

Рўпарамиздан келаётган қора шарпа юрагимга ваҳима солади. У йўлимизни тўсади, ғалати иршаяди. Эғнидаги увадаси чиқиб кетган чопонига ўралганча, бошидаги пешонасида қизил юлдуз нишони қадалган телпагини ҳар замонда гижимлаб қўяди. Чинни таққа тўхтайди. Менга ҳам тўхтагин деб имо қилади.

На соя, на одамга ўхшаган бу кимса хунук ёқимсиз илжаяди:

- Ҳа, чумчуқчалар, ўйнаяпсизларми? Ражабни кўрмадингларми?!

Чинни бир зум довдирайди:

– Иби Қаландар бобо, Ражаб тоға кеча ўлди-ку!

– Алдама, Ражаб тирик.

– Худо ҳақи, кеча ўзини ўлдирган.

– Ҳой, Худо дема, сени ҳам Умнаткул муллага ўхшаб қамашади, кейин ўшадан ўлигингни олиб чиқишади, Худо йўқ, билдингми?!

– Ўзингиз биласиз, менга ишонмасангиз, уйдан бориб сўранг.

– Ҳей, бўлмаган гап, у ўлмайди, жони тошдан қаттиқ унинг. Даладан бугдой ўғирлаганида қамчи билан роса савалаганман, териси шилиниб кетган, лекин ўлмаган. Энағар бармоғимни тишлаб олган, мана ҳали ҳам қон оқаяпти.

Қаландар девонанинг бармоғидан ҳақиқатдан ҳам қон оқарди.

Чиннининг дум-думалоқ кўзлари намозшомнинг сўнгги нурларида ялтираб кетади, ҳар ҳолда бу қўрқув эмас эди:

– Қаландар бобо, кўлингизни кесиб олдингизми?

– Эй сен, хомкалламисан, ҳозир айтдим-ку Ражаб тишлаган, деб. Ҳалигина ўзи уйимга келиб, мени қақирди, чиқсам: “Далангдан бир қоп бугдой ўғирладим. Қани энди менга кучинг етармикин?” дейди нуқул. Ҳозир сенга кучим етишини кўрсатаман, деб қамчимни топгунимча қочиб қолибди бадбахт.

Қаландар девона белига ўраб олган узун қамчисини ечиб олиб тупроқли йўлга қарсиллатиб уради. Шудринг тушган йўлдан ожизгина чанг кўтарилди. У энди бизнинг борлигимизни эсидан чиқариб, қутурганча югуради, ҳар замонда жон аччиғида бакиради:

– Ражаб, қаердасан, чиқ буёққа!..

Йўл бўйи Чинни маъюс тортиб қадам ташлайди.

Ҳар замонда ўзига-ўзи “бечорагина-ей” деб қўяди. Бу ҳолатда уни биринчи бор кўришим. Ичимда ўйлайман: шундай ақлли, эпчил, қиз нега китоб ўқишни билмас экан-а, ёки ақлли одамларга китоб ўқишнинг кераги йўқмикин?!

Бибимнинг ҳовлисига кириб келганимизда сўри устидаги дастурхонда нимадир ўраб қўйилганига кўзимиз тушади. Чинни югуриб бориб уни очади:

– Қандай яхши бибинг бор-а, қара, иссиққина шовла ёнида шақароб ҳам бор. Роса оч қолибман ўзиям.

Иккаламиз шоша-пиша катта ариқда оёқ-қўлимизни ювиб, мазза қилиб овқатланамиз. Сўнгра ҳовли юзини тозалаб, сув сепиб супурамыз.

– Чинни, энди кетиб қолмайсанми? – деб сўрайман гўё у кетиб қолса ҳаммаёқ хувиллаб қолишидан қўрққандай.

– Бугун сигиримизни даладан укам олиб келади, сал кейинроқ кетаман.

– Дугон, нега ҳалиги девона одамга йўл бўйи ачиниб келдинг, у бир пайтлар жуда золим бўлган экан, ўзинг эшитдинг-ку.

– Бу ёлғон, Қаландар бобо жуда меҳрибон, қаёққа кетди экан-а, ишқилиб адашиб қолмасмикан?

– Эссиз, ўша дарахтзорга етишимизга озгина қолган эди-я, бекор қайтдик йўлдан, узоқдаги ўша дарахтзорларнинг ортида нима бор экан, жуда билгим келаяпти.

– Ана унда ўзингча у ерда Худо бор, дединг; иккинчи ундай дема. Чунки Худо етти қават осмон ортида, сенинг у дарахтзорларинг ортида эса хас-хашақдан бошқа нарсаси йўқ, манимча.

Чиннининг бу гапи менга оғир ботади, бирдан жаҳлим чиқади:

– Сен худди қўшнимиз Адол холага ўхшаб, ҳамма нарсани биламан, деб ўйлайсанми?!

Чинни қикирлаб кулади:

– Ким у Адол холанг?

– Билмаган нарсасини ҳам биламан, деб туриб олади. Пахтахонада бир кино кўрдим, зўр экан. “Сайгам” деган ҳиндийский дейди. Дадам кулиб, “Сангам” бўлса керак деса ҳам билганидан қолмайди. Раж Капурни Каж Капур дейдими-ей, шунақа, ҳамма гапи ғалати, лекин ўзини билагон ҳисоблайди.

– Менга қара, дугон, сизларда ҳам кинони пахтахонага қўйишар экан-да, биз ҳам кўсак чувиб кўрамиз ҳар гал. Киноларни кўшиқларини ҳам ўрганиб олганман.

Чинни шўрлаган юзини кафти билан биров сидиради-да, бир ёкимли овозда куйлай бошлайди:

Дости, дости нариҳам...

Мен ҳеч қачон ерга урса кўкка сапчидиган бу ўғил бола табиатли жимитгина, чайир қизнинг кўшиқ айтишини тасаввур қилмаганим учунми ёки унинг жуда ширали овозда куйлаётгани учунми маҳлиё бўлиб қоламан.

Чинни бўлса тобора авжланади. Бу кўшиқни аввал ҳам эшитганман, аммо бунчалик яхши эканлигини билмаганман. Кўшиқнинг сўзларини тушунмасам ҳам, худди ичим аллақандай ҳовурга тўлгандай бўлади.

Ҳарф танимаса танимабди, китоб ўкимаса ўкимабди, барибир Чинни зўр қиз, уни энди ҳеч қачон хафа қилмайман, деб ўз-ўзимга аҳд қиламан.

Шу пайт оғилхона томондан сут тўла челак билан келаётган библимнинг овози кўшиқни ўткир пичоқдай кесади:

– Ҳой уятсиз, бас қил!

Чинни кўшиғини тўхтатиб, оғзини кафти билан ёпади. Ва секин шивирлайди:

– Ўлдим энди...

Библим ўзининг қуш юришида бизга қараб келаверади. Тўрт томонга райҳон ҳидига қовушган янги соғилган сутнинг бўйи таралади. Шунақа мазза қиламанки, гўё юрагимга осмон кириб олгандай бўлади.

Чинни катта айб иш қилиб қўлга тушган одамдай бошини эгиб олади. Библим эса унинг елкасига қўлини қўйиб секин шивирлайди:

– Она қизим, кўшнимизникида кечагина таъзия бўлган бўлса-ю, сен бакириб кўшиқ айтсанг, бу марҳумни масҳара қилиш бўлмайдими?!

Чинни бошини кўтармай йиғи юққан овозда гўлдирайди:

– Бошқа қилмайман!

Бир зумда юрагимга аллақандай оғир нарса кўчиб ўтгандек бўлади. Библим бўлса Чиннининг сочини силаб, худди ҳеч нарса бўлмагандек, қўлига катта сопол лаганни олганча боғнинг четидаги йўгон симларга чирмашган узум дарахтлари томон бошлаб кетади. Ҳалидан бери сўрида липиллаб турган керосин лампанинг ожиз сирли шуъласида ўйнаётган митти капалакчаларнинг бири шошилиб келиб юзимга урилади, сесканиб кетаман. Библим боғ адоғидан овоз беради:

– Чирокни бу ёққа олиб кел, қизим.

Шоша-пиша чирокни кўтариб, уларга етиб оламан. Библим оғзидан бол томиб мактайдиган, ҳар бир донаси ёнғокдай-ёнғокдай келадиган “Дили каптар” деган узумдан тўрт-беш бош узиб, лаганга солади.

Ва Чиннининг қўлига тутқазади. Сезиб тураман, библим кўз остидан ҳар замонда менга қараб қўяди. Ҳали аразим, алашим кетмагани учун ундан кўзимни олиб қочаман. Ва беихтиёр сиёҳранг тусга беланган осмонга қарайман. У ерда худди Сафия янғачанинг юзидай яп-япалоқ ой кўзимни қамаштиради. Нима учундир гашим келади. Чинни бўлса тинмай библимга суйкалади:

– Раҳмат, бибижон, сизни яхши кўраман.

– Ҳа, яхши-яхши, бора қол энди, қизим.

Мен эса ҳалигина бибимдан ҳақорат эшитиб йиғлаган Чиннини танимайман. Уни яна ёмон кўра бошлайман. Ҳеч қачон хафа қилмайман, деган аҳдимни-да ёмон кўраман. У лаганни кўтарганча чопқиллаб уйига томон кетади. Ҳатто мен билан хайрлашмайди. Ғашимга тегаётган ой эса ялпайгандан-ялпаяди. Нима бало, бибим ҳам, Чинни ҳам ялинмачоқми?

Бибим бошини эгганча сўри томон кетади. Турган жойимда қотиб қоламан. Менинг борлигимни ҳамма ёдидан чиқаргандайми-ей ёки ҳеч кимга керагим йўқдайми, деган совуқдан-совуқ хаёллар ичида қоламан. Хўрлигим келади. Нега туғилганман ўзи?! Яна қаергадир кетиш васвасасига тушаман. “Қаёққа?” дегувчи одамнинг ўзи йўқ. Ҳалидан бери қўлимда ушлаб турганим керосин чирокни ёзнинг дайди шаббодаси липиллатади. Ичимда ҳам нимадир липиллайди. Ва бирдан яна олисадаги дарахтзорлар ортидаги сирли манзил хаёлига тўламан. Ёнимдаги шилдираб оқаётган ариқчадан нимадир сакраб оёғим устига ўзини ташлайди: “вақ-вақ!”

Барча ширин хаёлларим қўлимдан тушиб синган чинни косадай чил-чил бўлади. Азбаройи кўрққанимдан бақириб юбораман: “Онажон!”

Бемехр десам – бемехр эмас, меҳрибон десам – меҳрибон эмас бибим яна балогардон бўлади. Мен томон югуради:

– Кўрқма, қизим, бу ўзимизнинг қурбақа-ку...

Биби-невара етаклашиб ҳовлидаги энг шинам жой – тахта сўрига бориб ўтирамин. Худди менинг устимдан кулгандай қурбақалар бири қўйиб бири, баъзан эса жўр бўлиб вақиллайди. Бошимиз тепасидаги токнинг гуж-гужон шапалоқдай барглари кимнидир ғийбатини қилгандай шивир-шивир қилади.

Бибисими, бобосидан қолган севимли пиёласида кўк чой ичаётган бибим худди мендан олислашиб кетгандай. Хўрлигим келади, унинг меҳрини соғинаман. Аксига олиб чиройли хаёлларим ҳам қаергадир кетиб қолган.

Чирокнинг хира нурида эски кўзойнагини тақиб олган бибим энди кўрпа қавишга ўтиради.

Уфф, сикилиб кетаман. Сўрининг четроғида жойимни тўшайману, осмонга қараб ётаман. Осмондаги юлдузлар бугун шу қадар кўпки, узумнинг шапалоқдай барглари орасидан милдир-милдир қилади.

Шундоқ ёнгинамда фарқ пишган шакарак олмалар тап-тап этиб тўкилади. Бу кичкина укамнинг мўккисини кийиб, алпон-талпон юришидан чиққан “тўп-тўп” этган ширин товушни эслатади.

Бу совунхўр укамни яхши кўраман. Қаерда атир совун бўлса, олиб ёйди, кейин эса қиқир-қиқир кулади. Кулганида оғзидан рангли пуфакчалар чиқади. Ўшаларни эслаб ўз-ўзимдан кулиб юбораман.

Кўрпа қавиётган бибим ҳам жилмаяди:

– Ўзимнинг ҳардамхаёл қизимдан ўргилай.

– Ҳардамхаёл эмасман!

Бибим кўзойнагини олиб қўйиб, қавиётган кўрпасини йиғиштириб қўяди-да, мен томонга сурилади:

– Қизим, биламан, мендан хафа бўлдинг, аммо бу сенга сабоқ бўлсин. Дунёга одам-ку одам, ҳар қандай курту кумурсқа ҳам умид билан келади. Яшаш тарзи ҳар хил бўлиши мумкин, лекин уларни хўрлашга, масхара қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Тушундингми гапимни?!

– Тушундим.

– Бибим бераҳм деб ўйладингми? Сени савалаётганда жигарим сел бўлиб кетганини қаердан ҳам билардинг?..

Унинг кўзларидан шашқатор ёшлари оқиб, юзидаги ариқчага ўхшаган ажинларни тўлдиради. Бибимни маҳкам кучоқлаб оламан:

– Мени кечиринг...

Унинг танаси айвонимиз олдида ўсган, ҳар йили шиғил мева берадиган ўрик дарахтидай қаттиқ.

Баъзан бирор касаликка чалинса, онам бизни шу дарахтни кучоқлаб туришга мажбур қиларди. Ва дарахт дардимизни ўзига тортиб олишини таъкидларди. Ҳақиқатан ҳам шу дарахтни кучоқлаб олганимиздан сал ўтмай тузалардик.

Ҳозир бибимни кучоқлаганда ҳам ҳалиги совукдан-совуқ хаёлларим, аразларим тарқалиб кетгандай бўлади. Худди иссиқ чойга солинган шакардай эриб кетаман.

...Учиб кетаяпман. Икки оппоқ, қора рангдан тушунуксиз нақш солинган қанотларимга ҳар замонда завқланиб қараб қўяман. Баландликка кўтарилганим сари юрагим ҳаприқади.

Фақат олдинга қараб учаяпман. Пастга тепадан қараш жуда кўрқинчли. Ва ниҳоят ўша ўзим талпинган дарахтзорларга етаман. Унинг ортига ўтишим билан ерга шунақанги мулойим қўнаманки, ҳатто қўнганимни сезмай қоламан.

Бу ерда худди тўй бўлаётганга ўхшайди. Одам жуда гавжум. Энг қизиғи Чўтир хола мени қувониб қарши олади. Юзида битта ҳам чўтири йўқ, бирам чиройли силлиқ юзлари офтобда ялтирайди. Кўлидаги бир тахлам патирларини ҳаммага улашиб юрибди. Адол хола эса олдида оқ пешбанд тақиб олиб, худди шаҳарликларга ўхшаб, кичик аравачада музқаймоқ сотяпти. Қишлоғимдаги ҳамма шу ерда. Онам эса бир чеккада бошини эгиб, пахтадан чигитини ажратиб ўтирибди. Ўтган йили сувга чўкиб ўлган Туроб ака ва ўзини осиб қўйган Шоди сувчи иккаласи ниманидир устида баҳслашяпти.

Сирли, доимо талпинган манзилим – олисдаги дарахтзорлар ортини мендан олдин қишлоқдошларим эгаллаб олишганига аламим келади, баралла йиғлаб юбораман. Худди ердан чиққандай шу лаҳза чақимчи синглим пайдо бўлади:

– Ҳа, алам қиялпими, ажаб бўлсин, буларни мен бошлаб келдим бу ёққа.

Унга кимлигимни кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, қанотларимни қоқмоқчи бўламан. Аммо қанотларимдан ному нишон йўқ. Улар бирпасда қаёққа ғойиб бўлди экан, деб ўйлайман. Синглим эса мени масхара қилиб кулади, кулаверади. Миямга санчилаётган бу кулги мени уйғотиб юборади.

Уйғониб, не кўз билан қарасам икки синглим бир-бири билан қувлашмачоқ ўйнаб, бибимнинг ҳовлисида ўйнаб юрибди. Ўрнимдан югуриб тураману, ариқдаги муздай сувга юз-кўзимни ювиб, сингилларим томон чопаман. Ҳозиргина кўрган тушимдан чиқиб келгандай чақимчи синглим афтимга тиржайиб қарайди:

– Апа, уйғондингми?

Уларни қаттиқ соғинганман, бирини қўйиб бирини қучиб эркалатаман; ҳидлайман – қишлоғимизнинг ҳиди келади улардан. Икки синглим ҳам мени кучоқлаб олади. Кейин тўрт тарафга аланглайман:

– Ким билан келдинглар?

Иккаласи олма шохига қўнган қушлардай баравар сайрайди:

– Онам билан.

Оёғимдан бошимгача ёқимли бир ҳарорат қуршагандай бўлади мени. Бу нималигини билмайман. Меҳрми, соғинчми?! Бўғзимдан сирғалиб чиққан савол ҳам жуда қайноқ:

– Онам қаерда?

– Хувв, анави томонга бибим билан кетишти.

Уларга ақллигимни кўрсатиб қўйгим келади:

– Ҳа, яқинда бир одам ўзини отиб қўйди. Фотиҳага кетишибди-да. Сизлар ҳам бақир-чақир қилманглар, бибимнинг жаҳли чиқади. Юринглар, яхшиси шакарак олма терамиз.

Икки синглимни эргаштириб боғнинг ичига олиб кираман. Учта челақни олмага тўлдирамиз. Челақларни ҳовли юзига қўйиб, яна сўрига қайтамиз.

Кичкина синглим бўйнимга осилиб эркаланади:

– Апа, энди биз билан уйга кетасанми?

Синглимнинг бусаволи мени шошириб қўяди. Нимагадир кулоқларим шанғиллай бошлайди, бошим айланади. Кетаманми? Ахир бу ерни – бибимнинг уйини яхши кўриб қолганман-ку! Унда Чинни, хувв олисдаги дарахтзорлар ортидаги орзу қилган манзилим нима бўлади?! Бибим-чи? Доимо кушларнинг чуғурига тўлган, тунда юлдузларнинг милтир-милтирини кузатадиганим тахта сўри-чи? Буларнинг барчаси мени чандир арқон билан ўзига маҳкам боғлаб олгандек эди гўё. Ҳаттоки, мени “чумчуқча” деб чақириб, болаларга кулги қилган Қаландар девона ҳам шу дамда жуда қадрли туюлиб кетади.

Югуриб бориб нарвонга тирмашаман. Икки синглим ҳайрон. Томга чиқиб катта хаяжон билан теваракка боқаман. Хувв ана, Қаландар бобо яна телпагини осмонга отиб ўйнайди.

Чинни! Чинни нега кўринмайди ёки яна сигирини судраб ўтлатишга кетдимикан?! Нега уни ҳозир кўргим келаяпти? Яна ўгирилиб, олис-олисларда солланиб турган дарахтзорларга томон қарайман. Бибим қавиган кўрпадай юмшоқ тупроқли йўлдан эски ашуласини ҳузур қилиб айтганча меҳрибон аравакаш Норбой тоға арава устидаги бидондан тўрт томонга сув сачратиб дала томонга келаяпти. Бидондан сачраган томчилар қуёш нурида ялт-юлт этганча, худди менинг юзларимга сачрагандай бўлади. Сесканиб кетаман. Юзимни қўлларим билан сийпалаб қўяман; қизиқ, негадир юзим ҳўл...

Оёқларим учида туриб қарасам-да, дарё кўринмайди. Мен, ахир, буларни қандай ташлаб кетаман?! Бирдан бибимнинг “Худо меҳрибон ва сахий, нимаики сўрасанг беради” деган гапи ёдимга тушади. Бироз каловланаман, қандай қилиб сўрасам экан? “Худо осмонда бўлса, бибим нега нукул ерга қараб ибодат қилади экан-а?” деган тентак савол ўрмалайди миямда. Охир бир қарорга келаман, аввал бибимга ўхшаб тиз чўкиб, сўнгра осмонга – яъни Худога қараб ёлворишга тушаман:

– Художон, мен яхши кўрган ҳамма нарса мен билан бирга бўлсин, уларни ўзимга кўчириб бер, Художон...

Ҳалигина ёноқларимга сачраган сув кўпаяди. Сўрайвераман-сўрайвераман... Ҳовли юзидан келган меҳрибон овоз мени ўзимга келтиради:

– Апанг қани?

Довдираганча нарвондан тушаман:

– Мана ман, онажон!

Менга қараб қучоғини очиб келаркан, онам бухороча оҳангда мани эркалайди:

– Эрка қизим мани, қайсар қизим мани.

Югуриб бориб, унинг қучоғига ўзимни отаман. Ва хўнграб, ичкиб-ичкиб йиғлайман.

Онам хавотирланади:

– Сенга нима бўлди, қизим?!

Чакимчи синглим эса ҳақини бергиси келмаётган қарғадай чакимчилик қилади:

– Бунингиз девона бўлиб қолган. Томга чиқиб бир нарсалар қилди.

Онам эса унга парво қилмайди, аксинча, мени бағрига қаттиқроқ босади; салдан кейин мени ўзидан узоқлаштириб, суюнади:

– Менга қара-чи, ўхў, бўйларинг анча ўсиб қолибди-ку...

Чақимчи синглимга яна жон киради:

– Лайлак, лайлак, лайлак.

Ҳалидан бери ҳовли юзида алпон-талпон юрган ширинтой укам ҳам уни такрорлайди:

– Лалак, лалак...

Уни кўтариб оламан, ҳар галгидек атир совуннинг ҳиди келади ундан.

Укамни юзимга пана қилиб, онамга сўз қотаман:

– Онажон, мен уйга қайтмайман.

Ҳалидан бери онамни меҳрга тўлган кўзларида бирдан муз парчаси яраклаб кетади:

– Нега? Уйбезормисан, болам? Бормасанг, даданг келиб ўзи олиб кетади барибир. Сен бу ерда бибингни эркалашларидан тантиқланиб кетибсан. Қани, укангни ерга қўй-да, лаш-лушларингни йиғиштириб олдимга туш!

Шу пайт онамнинг елкасига боши айланган чиройли қалдирғоч келиб кўнади. Яна онамнинг кўзлари меҳр шуъласига тўлади. Шўх-шаддод синглим буни кўриб қийқиради:

– Қалдирғоч, қалдирғоч, эшигингни тезроқ оч!

Шовқиндан чўчиган қалдирғоч бир қанот қоқади-ю, учиб кетади. Онам синглимни қойийди:

– Эҳ, бемаза...

Бибимниқидан уйга қайтарканмиз, ҳали ҳам Худо менга беражак мўъжизадан умид узмайман. Аммо у мўъжиза рўй бермайди.

Йўл бўйи ортимда қолаётган олис дарахтзорларга қарай-қарай кетаман. Умримда илк бор кўнглимнинг хувиллашини эшитаман.

* * *

Ёшим олтмишдан ошибди ҳамки, кўнглимда илдизлаб кетган бу хувиллаш давом этади. Олис дарахтзорлар ортидаги соғинч ҳам ана шу хувиллаш оҳангида келади.

Баъзан-баъзан эса қариган тушларимда “Дугон, қаердасан, мен келдим!” деган овоз жаранглайди. Уйғониб бу овозни излайман, аммо тополмайман...

Аслида мен туш кўраяпманми... Йўқ, аксинча – дунё деган баҳайбат туш ичида қачонлардир меҳрибон бибижоним айтган соялардай изғиб юрибман, холос.

Олис-олисларда эса дарахтзорлар маънос шовуллайди. Уларнинг ортида нима борлигини хануз билмайман.



**Хосият
РУСТАМОВА**

Шоирона исённинг ошкора акси

Замонавий ўзбек адабиётида аёллар шеърятининг юксалиб бораётгани истёъдодни кадрлаш тушунчаларининг моҳияти бир қадар ўзгарганидан далолатдир. Бу жараён бугунги куннинг тарихий мазмунини, унинг ғоявий эҳтиёжлари, адабиёт ва воқелик муносабатларини акс эттиради. Айтиш жоизки, адабиётшуносликда гендершунослик масалалари бўйича изланишлару тадқиқотлар “Шахс ким?”, “Инсон ким?” деган саволларни ўртага ташлангач бошланди. Ўз-ўзини тафтиш қилиш масаласи, айниқса, замонавий ўзбек адабиёти шоирларидан Зебо Мирзо поэтикасида устунлик қилади.

*Майсалар титроғи кирар жонимга,
Чайқалар кўксимда олов денгизи...
Гулладим сочимдан тирноғимгача,
Мен қандай дарахтман,
Мен кимман ўзи?*

Зебо Мирзонинг “Оловдарахт” шеъри худди шундай сатрлар билан бошланади. Шоир ердаги ҳар бир ҳаракатни англайди, бунда у табиат билан руҳияти уйғунлигу номутаносибликлардан сўзлайди. Майсаларнинг титроғини ҳис қилсада, қалбида олов денгизи ёнаётганини, лекин ичида олов борлигига қарамай, сочидан тирноғигача гуллаганини, руҳиятидаги бундай эврилишни англамай, “Кимман?” деган савол билан қисматига мурожаат қилади. Бу шеър тамоман анъанавий қарашларни йўққа чиқаради, бунда шоирнинг ўзини дарахт тимсолида тасвирлаши бир қадар ҳайратга солади, одатий тасаввурларда мавжуд аёлга хос хислатлар тамоман кўз олдингизда ғойиб бўлади, фақат руҳий изтиробдан иборат шахсий

Хосият РУСТАМОВА – “Шуҳрат” медали соҳиби. 1971 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини, Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети қошидаги Олий Адабиёт курсини тамомлаган. Унинг “Осмондаги уй”, “Нажот”, “Ридо”, “Юпанч” “Девор” “Август”, “40:0”, “Ишғол”, “Унутилган йиллар”, “Орзу”, “Бебош булутлар”, “Туннинг боши қоронғу”, “Саргардон соялар”, “Жигарранг дафтар”, “44 кун”, номли, шунингдек, хорижда ҳам йигирмадан ортиқ китоблари чоп этилган.

тафтишларгина кўзга ташланади. Кейинги сатрларида инсон руҳининг вужудига сиғмай кетиши, инсон табиатининг идрокдан устун келиш ҳодисаси юз бериши эҳтимолини шоир аввалдан башорат қилади:

*...Ҳатто ҳаёлан ҳам
Ёнимдан ўтма,
Дунё айрилади ахир ҳушидан.*

Дунё сўзи ила шоир бутун борлиғини назарда тутяпти, шу боис муҳаббатига ўзига яқинлашмасликни сўрайди, чунки олов аланга олса, ҳамма нарсани кулга айлантириши муқаррарлигини билдирыпти, муаллиф сифатида у ўз руҳиятида содир бераётганини яхши англайди ва бунда ички қуввати ўз чегарасидан ошса, инсон нимага қодирлигини ўзи ҳам билмаслигини баён қилади:

*Оҳ, улар-ку, улар,
Ўзим ҳам, ҳатто
Қўрқаман оловнинг
Ўйғонишидан!..*

Зебо Мирзонинг “Ишқ” деган китоби борасидаги фикр билдирган Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон унинг жуда кўп шеърларида ўз-ўзини жасорат билан тафтиш этганини, гоҳ муҳаббатдан телба бўлгандай, юрагида энг муҳкам қатламларгача дунёга очганини ва шеърларида “нур билан соя қўшилган”, “майсалар титроғини яширган кичик бахтни сиғдиролмаган улкан юрак” инсон кўз ўнгида намоён бўлганини айтади: “...Бугунги ўзбек шеърлятида аёл шоирларнинг алоҳида ўрни, янада очиқроқ айтадиган бўлсам, “эркаклар” шеърляти билан тенглашган даражадаги мавқеи бор. Ана шу ўринни, мавқеи белгилаган ва белгилаётганлардан бири Зебодир...

Юқорида фикрлари қаторида Хуршид Даврон мабодо Шўро тузуми даври бўлганида, шоирнинг аксарият шеърлари шак-шубҳасиз “гражданлик руҳи”дан маҳрум, деб баҳоланиши, субъективизм кўриниши сифатида танқид остига олиниши эҳтимолдан холи бўлмаслигини эътироф қилади. Узоқ йиллик катагон диктатурасига асосланган тузум даврида шеър адабиётнинг энг субъектив тури экани батамом унутилганини, ҳар бир шоирдан, ҳар бир шеърдан ижтимоийлик талаб этилгани ва ўша даврларда бу адабиётшунослигу адабий танқиднинг “қонуни” бўлганини билдиради. Унинг фикрича, айрим олимлар “Поэзия – вазифа ва моҳият эътибори билан сиёсий масаладир, шеър – шоирнинг ижтимоий виждонидир”, деб ҳисоблашган ва у бунга қаттиқ қоралайди. “Ҳолбуки, шоир “мен” деб ёзади ва бу “мен” қанчалик инсоний ва табиий бўлса, унинг ёзганлари “биз”нинг мулкига айланади”, дейди у ва шеърнинг аслида нималигига урғу бериб, шеър, аввало, ғойибдан пайдо бўлган туйғу, юракни (шоир юрагини) жунбишга соладиган, йиғлатадиган, шодлантирадиган инсон туйғуси эканлигини таъкидлайди. Шоир истейдоди шу туйғуни нечоғлик қабул қила олишини, шу туйғунинг аслигини сақлаб, бошқа юракларга етказиши билан ўлчанишини айтади.

Юқорида Хуршид Даврон Зебо Мирзонинг шеърлятидаги фаолиятига баҳо бериб, у аёл бўлиши мумкин, бироқ шеърлятда бажараётган роли айрим эркак муаллифлардан яхшироқ, деган фикрни илгари сурган ва бекорга шу сўзни ишлат-

ганда, кўштирноқ ичига олгани йўқ, назаримизда. Биламизки, ҳар доим ҳам ботин зоҳирига уйғун келавермайди. Руҳнинг исёнлари, туғёнлари, ички кечинмалари вужуддан айро кечади. Шоир яратган шеър руҳнинг мулкидир. У баъзан сирли, баъзан ошкора қисматиға исён қилади:

*Зулм ханжарлари санчилиб бўлган,
Севги чечаклари янчилиб бўлган.
Ҳақорат тўкилган,
Ҳақ даргоҳида
Ҳақир жандалари титилиб бўлган.
Бир исён қонларда етилиб бўлган...*

Шоирнинг “Ортимда” шеъри жамият етказган укубатларга кўтарилган ошкор исённинг акси, у юқоридаги сатрларда, ўзига нисбатан қилинган хиёнатларга, зулмларга нисбатан қонида исён етилганини, сабр косаси тўлиб келганини баён қилади. Ўзининг ҳолатини кейинги сатрларда янада чиройлироқ, яна ёрқинроқ ифода этади:

*Кўнгил горат бўлган заминга ўхшар,
Қандай чидаш мумкин бу қабохатга?
Юрагимни қора илонлар чақар,
Чаён малҳам қўяр кўр жароҳатга...*

У кимга ишонишни билмаслигини тан олади, кўнгли жароҳатлардан зада бўлгани, юрагидаги қора илонларнинг (илон – душман тимсоли) қолдирган жароҳатларига чаён (чаён – адабиётда дўст киёфасидаги душман тимсоли) малҳам қўяди. Иккинчиси биринчисидан хавфли бўлган жамиятда қандай яшаш мумкин, дейди шоир. Бироқ кейинги сатрларда маскулинликка хос қараш кўзга ташланади. Руҳ бу зарбаларга муносиб жавоб қайтаришни истайди.

*Қайрилиб бир зарба бергим келади,
Бир зарб-ла барини қиламан барбод!*

Орқасига қайрилиб, ортида турганларга бир зарба беришни истайди. Ҳаммасини эркакчасига ҳал қилишни истайди ва ўша зарбаси билан уларни яксон қилишни истайди. Зарба билан жавоб қайтариш ҳар икки жинс вакиллариға ҳам хос ҳаракат, бироқ ўз ғанимини яксон қилиш даражасидаги куч, одатда, табиатан эркакларға хос жисмоний қудратдир. Бу шоирнинг ўзини руҳан нечоғлик кучли тасаввур қилишини намоён қилади. Фақат шоирни ҳар сафар аламини ютишга бир сабаб тутиб туради ва бу илоҳий важ эканлигини у куйидаги сатрларда келтирган:

*Улардан қўрқмайман, билланиҳоя,
Ҳар он кўзимга мил тортса-да сабрим.
Сенга боқиб турган юзимни
Бир дам
Сендан ўғиришидан қўрқаман, Раббим!*

Ҳар қанча сабри тўлганини ҳис қилмасин, шоир ўзини яратган Зотга орқасини ўгириб, уларга зарба беришни истамайди. Қудратли Зотга орқа ўгиришни ўзига эп кўрмайди, орқасида турганлар ҳеч қачон ундан ўтиб кетолмайдилар, улар ҳамиша ортида тураверади. Уларга қарашнинг ўзи бир зум бўлса-да, Оллоҳдан олислашув, уларга жавоб қайтаришнинг ўзи руҳан Яратгандан неча минг қадам узоқлашув билан тенг бўлиши мумкин, сўнг масофани қайта кичрайтириш учун яна қанча руҳий изтироблар юзага келиши мумкин, эҳтимол, шу зарба билан шоир улар даражасига тушиб қолишдан ҳам қўрқади. Шундай экан, шоир сабр косаси тўлиб бораётганини ҳис қилса-да, шайтонга ҳай беради ва Оллоҳга қараган юзини ўгирмасликка қарор қилади.

Муҳаббат ҳақидаги шеърида ҳам инсон бўлиб яратилганига шоир руҳи исён қилади:

*Азизим,
Не учун майса эмасмиз,
Еллар ўпганида суйкалиб ўтган?
Не учун, не учун дарахт бўлмадик,
Илдизи,
Шохлари чирмашиб кетган?
Ариқлар бўйида гиёҳдай ўссак,
Сувларда тушимиз эшилармиди?
Адирлар ортида шамол бўлсайдик,
Кўкларда руҳимиз қўшилармиди?*

Шоирнинг бу машҳур шеъри бошдан охирига қадар исён ва тугён, кишилиқ жамиятида яшаётган инсоннинг ўз муҳаббатига етишолмаслик қисматидан норозилигидан туғилган. У майса бўлишга ҳам кўнади, шабада эсганида, ўшанда муҳаббатининг дийдорига эришиши мумкин бўлади, севгилиси билан бирга дарахт бўлиб яратилмаганидан ўкинади, балким иккисининг илдизи бир-бирига ковушиб кетармиди, ариқлар бўйидаги сувларга тушини айтган гиёҳ бўлишни истайди, ҳатто севгилиси билан бирга шамол каби яратилганида ҳам майли эди, ўшанда кўкларда руҳи кўшилишига умид қилади. Кейинги сатрларда у тақдирдан норозилигининг сабабларини бирма-бир келтиради:

*Нечун мавжудмизу, нечун йўқдаймиз?
Бармоқлар учида нозик бир титроқ?
Нафаслар қўшилиб турганда нечун
Оловлар ичида жим кутиб турмоқ?*

Вужуд бору, руҳ йўқдай, чунки у муҳаббати билан бирга эмас, жамиятдаги қонуниятларни тан олгиси келмайди. Нафаси қўшилиб турса ҳам, сукут сақлаши керак бўлади. Ҳар сафар муҳаббати томон ошиққанида, йўлига ғов бўладиган хан-жарларга кўзи тиралади.

*Нечун пичоқларга тиралар кўзим?
Кўкка суянгандай суянолмайман?
Нечун қўлингизда лоладек ухлаб,
Кўксингизда тонгдек уйғонолмайман?*

Бу адоксиз саволлар уни адоғи йўқ саҳрога бошлаб келади. Шу боис шоир кейинги сатрларда ҳаётини саҳрога менгзайди.

*Не учун ҳаётим бу қадар саҳро?
Нечун юрагимда бу қадар зорлик?
Қаришимда шовуллаб оқар бир дарё,
Бир томчи сув сўраб ўтинолмайман...*

Зебо Мирзонинг ёзиш услубида туйғуларини ошкора ифодалаш принципи етакчилик қилади. Фикрларини баён қилишга ийманиб ўтирмайди, айти шу жиҳати ила унинг шеърляти бошқа аёл ижодкорларнинг лирикасидан тамоман фарқланади. Руҳиятидаги исён сўзларига кўчади ва кўркмай, “Нега инсон бўлиб туғилдик?” деган саволни ўртага ташлайди.

*Азизим,
Не учун инсон яралдик,
Кўнглимиз сизмаса еру самога?
Оҳ, энди шу қадар муҳабат билан
Биз қандай яшаймиз бу тор дунёда?
Биз нечун яралдик ёлгон дунёда?..
Азизим, не учун майса эмасмиз?*

Муҳаббати шу қадар кучлики, еру самога сиғмайди, шунчалар тор дунёда у қандай яшашни давом эттиришни билмайди. Чунки ёлгончи оламда ҳақиқий ишққа ўрин йўқ. Одам бўлиб туғилиб, бирга бўлиш қисмати битилмаганида, ерда яшашдан нима наф, инсон бўлиб туғилишдан мантиқ нима, ундан кўра, майса бўлиб туғилсак бўлмасмиди, деган гина-ю фарёдлар бор бу шеърда. Зебо Мирзонинг шеърляти ана шундай ишқ ва туғёнларга йўғрилгани билан ҳам таъсирлидир.

Персонажлар нутқидаги дисфемизм



Юлдуз
ХЎЖАМОВА

Сўз – бадий асарнинг энг асосий элементи бўлиб, улар асар персонажлари тилида турли услубларда намоён бўлади. Кимдир ҳар сўзни секин-секин чертиб гапирса, айримлари дудукланиб, соқовланиб сўзлашади, баъзи персонажлар эса адабий тил меъёрини бузиб гапиришади ва бу табиий ҳолат ҳисобланади.

Чунки ёзувчи персонаж нутқини унинг асарда тасвирланган воқеалардаги ўрни, индивидуал характер-хусусиятларига қараб ишлаб чиқади. Яъни асар қаҳрамонининг табиатига мувофиқ нутқ тузилиши, сўз бойлиги ва бошқа тил хусусиятларини тузиб бориб, унинг табиатини очади. Қаҳрамонни типиклаштириш ва индивидуаллаштириш учун зарур бўлганда бадий тил лексикаси ресурслари – архаизм, неологизм, метафора, евфемизм, дисфемизм, профессионализм, диалектизм каби элементлардан ҳам фойдаланилади¹.

Маданий нутқ соҳиби ўз фикрини чиройли ва киши кўнглига оғир ботмайдиган қилиб ифода этади. Бирор фикрни тингловчига малол келмайдиган қилиб ифодалаш воситалари “эвфемизм” дейилади. Масалан, “ёмон бўлибди”нинг ўрнига “яхши бўлмабди”, “касал” ифодасидан кўра “мазаси йўқ” дейилса, киши кўнглига қаттиқ ботмайди. Яъни эвфемизмни ўринли қўллаш қаҳрамон маданиятлилиқ даражасини билдиради. Турмуш ўртоғининг исмини айтмаслик (дадаси, дадажониси, ойиси дейиш ёки катта фарзандининг исми билан чақириш), сизлаш кабилар ҳам эвфемизмга мисол бўла олади.

“Дисфемизм” эса эвфемизмнинг акси бўлиб, “ёмон бўлибди”ни “расво бўлибди”, “касал” сўзининг эса “дард урибди” тарзида қўлланишини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Асар персонажлари нутқида дисфемизмнинг кўп қўлланиши кишининг маданиятсизлигини кўрсатади.

Дисфемизмларнинг семантик гуруҳлари доираси асосан сўкиш, ҳақорат, қарғиш, киноя, масҳара тушунчаларини ифодаловчи бирликлардан иборат.

1 Умутов Х. Адабиёт назарияси: дарслик. Шарқ. –Т.:2002

Юлдуз ХЎЖАМОВА – 1991 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети филология факультетини тамомлаган. Кўплаб илмий мақолалари ўзбек ва жаҳон матбуотида чоп этилган.

Бу ҳолатни Америка ёзувчиси Холид Хусайнийнинг Рустам Жабборов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган “Минг қуёш шуъласи” (A A thousand splendid sun) асарида бадий тил лексикаси ресурсларидан келиб чиққан қарғиш сўзлари мисолида кўриб чиқишимиз мумкин:

“– Хў қўлгинанг сингур, ахмоқ! Менга кўрсатган кароматинг шу бўлди-ми? Бу митти ҳароми мени хонавайрон қилмаса гўрғайди. Шундай қимматбаҳо нарсани синдирди-я!”²

Персонажлар нутқидаги қарғишни англатувчи мазкур дисфемизмлар уларнинг хулқ-атвори, касб-кори, ҳаётий тажрибаси, руҳияти, ёши, ижтимоий келиб чиқиши ҳақида ҳам маълумот беради. Мазкур парчада ҳам онанинг қизига қарата айтаётган қарғишидан персонажларнинг ижтимоий келиб чиқишини яққол ифодалайди: оила она ва қиздан иборат, отасининг ўз оиласи бор, она ва қизнинг фақирона яшаш шароити тасвирланади.

Ёки жаҳон адабиётининг ёрқин намоёндаларидан бири бўлган Уильям Шекспирнинг “Ҳамлет” асарининг Жамол Камол томонидан қилинган бевосита таржимасига тўхталсак. Аввало мазкур таржима асар яратилган тилдаги лексик қатламлар аслиятга мувофиқ тарзда сақлангани билан ажралиб туради. Бундан ташқари қўлланган мурожаат ифодаловчи бирликлар персонажлар руҳияти ва ўзаро муносабатини янада таъсирлироқ очиб беришга хизмат қилган.

Бадий бўёқлар ва тасвирий ифодалардан, антитеза, метафора, дисфемизм, ўхшатишдан унумли фойдаланилган. Мазкур асар таржимасидаги дисфемизм эса унинг таъсирчанлигини ифодалашга хизмат қилган.³

“Ҳамлет:

*Ҳой, кўзингиз қайда?
Ўша юксак яйловдан шу сассиқ алафга
Қандай қилиб тушолдингиз, кўзингиз қайда...
Яна ким билан,
Қотил билан, ҳайвон билан, бир муртад билан.
Падаримнинг тирноғига арзимайдиган
Қирол кийимини кийган қўғирчоқ билан,
Салтанатга човут солган қароқчи билан.
Тоғни тоқчада кўрибоқ қўлтиққа урган,
Уни этак остида сўнг ўғирлаб чиққан ўғри билан.” [8;313]*

Ушбу парчадаги қўлланган “сассиқ алаф”, “қотил”, “ҳайвон”, “муртад”, “қўғирчоқ”, “қароқчи”, “ўғри” каби дисфемизмлар бирор ёқимсиз нарса ёки ҳодисага эътиборни қаратишдан иборат бўлиб, дисфемия – стилистик жиҳатдан салбий бўёқдор ёки нейтрал сўзларни суҳбатдошни атайлаб камситиш, уни обрўсизлантириш ёхуд бирор аниқ вазиятда норозилик, менсимаслик, нафратланиш каби муносабатларни ифодалаш мақсадида ишлатилган.

Хулоса қилиб айтганда, дисфемизация тил бирликларининг прагматик маъноси бўлиб, ўз навбатида, нутқий маънодошлик қаторининг бойишини ҳам таъминлайди. Персонажлар нутқидаги дисфемизацияни индивидуал усул сифатида баҳолаш мумкин. Бу индивидуаллик эвфемизмдаги индивидуалликка нисбатан бирмунча устиворлиги билан характерланади.

2 Холид Хусайний “Минг қуёш шуъласи”. Янги аср авлоди. –Т.:2016

3 Йўлдошев М. Бадий матннинг исоний таҳлили .-Тошкент: Фан, 2010.

Жаноб ернинг қўлида қўлим



Дилрабо
ТУРСУНҚУЛОВА

* * *

Ассалом, қир иним, тоғ оғаларим,
Елкаси бағрингдай кенг синглинг келди!
Бирига Тошканнинг тундлигин ортиб,
Бирида ярадор тасаввур елди.

Арча япроқларин силаб кўзимга,
Бўғзимдан ифори таралар аён,
Ковушимни судраб ўзи тўзиган
Туфроқлар ҳолимни этади баён!

Алланима мени элтади сенга,
Ёмғирли ҳавода янтоқ ҳовури?
Кўзимни юмганча қўлимни тишлаб,
Қоғоз тепасида не бор қоврилиб?!

Ассалом, толедан сўйлагувчи кўк,
Бағрингда ястанган қорачиғларим.
Мен куч топаман! Елкамни ўйиб
Ошён этинглар! Қайта туғ мани!

Дилрабо ТУРСУНҚУЛОВА – 2003 йилда туғилган. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси. Шеърлари Республика матбуотида чоп этилган.

Ракс

Биз вальсга тушаётирмиз
Жаноб ернинг қўлида қўлим.
Бағрига тортганда бошим айланиб
Киражакман қўйнига.

Ва мусиқа хили ўзгариб
Кучиб турган белимни қўяр,
Боз кетаман бошим айланиб.
Юлдузлар – зина.

Худди шундай ичу ташимда,
Киприкларим шўр шаробга маст.
Уза тушиб ётсам ой билан
Ер томондан эшитилар сас
“Ўзингга кел...”

Қучолмайман энди на сени,
На ердаги бирон ошиқни!
Коинотнинг шаффоф сатҳига
Ўтирамиз сўз улоктириб.

Ким ўзарга ўйнармиз, балки
Тутокиб...

Бир ёнимда сомондан эртак...
Бир ёнимда етти қароқчи
Қўриб ётар дудоғим болин,
Юпитер ҳеч қилолмас таҳдид.

Марс – гарчи совуқ сайёра,
Боқсам музлаб кетади қўзим.
Йўл ясайман юлдузни сермаб,
Ва боришдан тилайман тўзим...

Куй чирмашар томирларимга,
Яна ерга қайтаман бадар.
Марс, ёнингга бораман албат,
Май қўтариб кейинги сафар.

Коинотдан келади садо
"Ўзимга кел, кел, эй Дилрабо!"

Бутун дунё кар бўлса,
мен бақирсам
бақираверсам...
Нега дунёни кар туғмадинг, энажон?
нега кўр туғмадинг
дарёга тушганимда
дириллаб
кўзи мошдай
зириллаб
пойлаб турган ошиғимни?!

Чўлоқ туғсанг бўларди-ку, эҳ,
калтақдан қочганимда
кувлаган отамни.
Онамни ҳам тоғ қилиб туғдинг
бошидан кўндирдинг оқ булут
бир қанот ҳам берсанг бўларди
энажон
бағридаги жарлари ўксук
йиғларлар ҳамон.

Энажоним
кўлларим чўнг юзингни силаб
каваргани ҳаққи
Ишқни янги туғмадинг ҳатто!
куш уйқуси қилиб ўтирар
минг асрлик чинор тагида
гоҳо-гоҳо
ўкириб кўяр
кушлар ахлат ташласа ногоҳ
сағир ётар йўл узра бир қиз
куёшдан нур эмиб
ердан зулмат ичиб
ҳар сўзимга монанд:
оёғидан мункийди ҳар кез
бармоқлари қийшиқ-мийшиқ
кўр туғибсан қизингни, эна
фақатгина эмас лол.

“Мени нега туғдинг, энажон?!”
деюрман
деюрман
деюрман ҳайрон!

БАТАН

Чанг кўчалар,
Пастак уйлар,
Йўл четида қаровсиз қолган
Иштонсиз юрган бола.
Меҳри томар қуёшнинг
Қўли қўлига тегмай
Нон ёпаётган онам юзидан.
Ховлига кирган шабада
Қўшиқ куйлаб ўтади
Қачон одамлардай яшайсиз дея?
Онамнинг куя тегиб қолган юзига
Юзимни босаман паришон
Яна қандай яшамоқ мумкин?
Жигарларимга тарқатаман иссиқ кулчалар,
Сой бўйига отиламан,
Бағримга сув отилар,
Мени қайга отдилар?!
Чоғланаман дарҳол ва дарҳол
Юзимни ювмоққа,
Мудроқ босган кўзим очмоққа,
Ишқаб-ишқаб кеткизолмайман
Юзимдаги қора куяни...

Ўтиш

Мени маъзур тут,
Раҳмоним!
Ичимда ваҳший тун қамалган,
Ҳар кеча кетарлар изиллаб,
Шафақни излаб...

Томчилар ялайди юзимни,
Шамоллар йўқ қилар изимни,
Оч руҳим рақс этар увиллаб,
Атрофи ҳувиллаб.

Оловранг кўзларим, оловлан,
Минг йилки тутайман қаловдан,
Ҳеч йўкса ер бўлиб тўкилай,
Осмонга сигинай!

Заррамдан ўсади адрасмон,
Кулгимдан шудринглар сачрайди,
Сен менга тепадан қарайсан –
Имоним етмайди!

Бир тоғда вулқонман, отилсам,
Дунёга кўп зарар тегмайди.
Энг, энг баланд борган учкунман
Аъмолим етмайди.

Сув дединг, сув бўлдим,
Гул бўлдим, нур бўлдим,
Ранг-рўйи сур бўлдим,
Етмайди, етмайди!

Ўт дединг, кундан ўтдим,
Қиличу қиндан ўтдим,
Кўр бўлиб дундан ўтдим
Бир мужда келмайди...



*Шоир бизни юрак ютиб ботинимизга -
рухиятимиз катрига назар солишга ва унда
сийратимизни ўзимиз тасаввур этгандек эмас,
балки аслида ўзимизнинг ким эканимизни
аниқ кўришга даъват этади...*

Жаҳ БРҲА





**Манзар
АБДУЛХАЙР**

“Ситам зангин темурдек кўнглидин...”

Ошиқнинг ҳижрон онларидаги маҳзун аҳволи руҳияси, тимсол-тасвири эса миллий мумтоз адабиётимиздаги энг кўҳна мавзулардан биридир. Алишер Навоийнинг ҳар бир ошиқона руҳда ёзилган ғазали замирида ҳам “ошиқи покбоз”нинг забун ҳолати, сурату сийрати ва унинг ботиний ҳазинлиги англанади. Навоий шеъриятида ҳузр тасвирининг бу қадар синоатдорлиги бундай ғазаллар зоҳирӣ ва ботинӣ бадий кайфият уйғунлигида, аксари “ҳасби ҳол” руҳида ёзилгани билан аҳамиятлидир.

Алишер Навоийнинг шундай ғазаллар сирасига кирувчи “Наводир уш-шабоб” (“Йигитлик нодирликлари”)нинг 504-ғазалини тўлалигича келтирсак:

*Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун,
Нишона ҳар бирига, дермен, ушбу хаста бош ўлсун.*

*Юзунгнунг меҳридин бир зарра сотмон, гар фалак жавфи,
Тўла бўлсун филурий, ҳар филурий бир қуёш ўлсун.*

*Ситам зангин темурдек кўнглидин, ваҳким, қира олмас,
Нечаким нолаи зоримда суҳондек харош ўлсун.*

*Қуёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташибх,
Оғиз гар зарра, Чўлпон – кўз, янги ой анга қош ўлсун.*

*Агар пайконларинг кўз истабон топти кўнгул, ғам йўқ,
Келиб йиғлар маҳал ул қатра сулар кўзга ёш ўлсун.*

Манзар АБДУЛХАЙР – филология фанлари доктори. 1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Ижодкорнинг “Соҳил оҳанглари”, “Мовий уфқ”, “Сўз руҳи”, “Тааммул”, “Сўз сари, Сўзинг сари” шеърӣ тўпламлари ҳамда “Тимсоллар сири”, “Навоий асарларининг изоҳли лугати” илмӣ-адабий монографияси, “Лисон ут-тайр” табдили, “Хамса”нинг тўлиқ табдили” сингари китоблари нашр этилган.

*Сипоҳий ҳуснунга бир маҳчаси раҳшон алам бўлғай,
Қуёш кўзгусига оҳим сутуни гар тудош ўлсун.*

*Кўнгулда сирри ишқин асрай-асрай ўлдум, эй соқий,
Қадаҳ тутким, харобот аҳлига фош ўлса фош ўлсун.
Кўнгулга жон била бир доғинг оздур, қўй яна бир ҳам,
Неча икки гадога бир дирам узра талош ўлсун.*

*Ўларда тенгдурур шоҳ айласун гулиан гулин мафраш,
Вагар гулхан кули узра гадо соҳибфирош ўлсун.*

*Навоий ашк дурридек тиларким кўзда ер бергай,
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун.*

Ушбу 10 байтли ғазал азалий сурат ва маъно мутаносиблигига қай тарзда дахлдорлиги борасидаги тасаввуримизни янада кенгайтиришда муҳим адабий манба бўлиб хизмат қилади. Улуғ шоирнинг “Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун, Нишона ҳар бирига, дермен, ушбу хаста бош ўлсун” матлафининг ўзиёқ ғазалнинг бутун мазмун-моҳиятини, аниқроғи, ошиқнинг аҳволи руҳиясини яққол намоён қилади: агар илоҳий жазба теккан ошиқ кўнглим, яъни ишқ ҳавоси ичра ёр ишқи кўйида руҳий парвоз қилар маҳалида борди-ю фалакдан тошлар дўл ёғса тош бўлсин. Чунки чин ошиқ учун кавну макон кенликлари-да писанд эмас. Илло, у руҳий ҳаракатда – бу йўлда фано бўлишга тайёр. Бунга бир белги сифатида, энг аввало, бу “ошиқи покбоз”, яъни илоҳий ишқ кўйида бемор – Навоий тошга айланган ёгинларнинг ҳар бирига бош бўлсин.

Бу суратланиш ғазал мисралари оша бардавом этиб, “Юзунгнунг меҳридин бир зарра сотмон, гар фалак жавфи, Тўла бўлсун филурий, ҳар филурий бир қуёш ўлсун” дейилган.

Юз (сурат)нинг Навоий тахайюл ва тасаввурида жилоланган мужассами, айниқса, Румий Ҳазратлари талкинида янада равшанлашади: “Сурат (юз) ишқ нуридир”. Чунки ишқсиз у ҳам қийматдан маҳрум. Нур – аслсиз номавжуд нарса. Шунга кўра, Тангрига сурат дейилмаганидек, нур ҳам дейилмайди. Чунки сурат нурдир.

Бир: “Ишқ суратсиз бўлмаганига, рўёбга чиқмаганига кўра суратнинг нури бўлиши керак” – дейди. Биз “Ишқ суратсиз нечун тасаввур этилмасин?” – деймиз. Ишқ ҳатто суратни майдонга келтирди ва ундан юзминглаб сурат ҳосил бўлди. Булар айна замонда рўёбга чиққан, шаклу шамойил олган суратлардир”. Яъни юз – илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чеҳраси. Айна маънода ушбу байт мазмуни қуйидагича: эй ёр, юзингнинг меҳридан, яъни нуридан ҳам бирорта зарра сота олмайман. Чунки сенинг қуёшдек меҳринг, яъни нуриг менинг ошиқ қалбимни қиздирди. Жамолнинг мушоҳадаси кўнглимда кучли завқ-шавқ пайдо қилиб бўлди. Модомики шундай экан, бу ишни қилмаслик эвазига менга фалак осмон тўла қуёшдек-қуёшдек келадиган тиллаларни ҳадя этса ҳам мен уларни рад этаман.

“Ситам зангин темурдек кўнглидин, ваҳким, қира олмас, Нечаким нолаи зоримда суҳондек харош ўлсун” – кўнглимдан чиқаётган нола-ю зоримнинг эговда қирилатгани каби сасига барҳам бериб бўлмагани сингари ундаги зулм-ситам

зангларини қириб олиш ҳам гўё темирни қиргандай оғир юмуш. Бу байтни яна қуйидагича талқин қилиш мумкин: агар инсон жаҳон молига қаттиқ боғланса, кўнглини занг босиб, темирдай қалб соҳибига айланади. Бундай кўнглини дунё зангларида тазалаш нақадар мушкул.

“Қуёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбих, Оғиз гар зарра, Чўлпон – кўз, янги ой анга қош ўлсун” байтидаги энг характерли сўзга эътиборни қаратадиган бўлсак, бу – “чўлпон” сўзидир. Бу сўз Алишер Навоий асарларида “ёруғ тонг юлдузи”, “гўзал”, “чиройли”, “порлоқ” сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, мумтоз адабиётда “Чўлпон” – “Зухра”, “Ноҳид” номлари билан ҳам юритилади. У “қуёш системасидаги тўққизинчи катта сайёралардан бири, Ерга энг яқин, қуёшдан ҳисобланганда иккинчи сайёра” ҳисобланади. Форсий ривоятларга кўра эса, у афсунгар Ҳорут ва Морут ошиқ бўлган аёлдир. Улар ҳақида Қуръони карим “Бақара” сурасининг 102-оятида мужда, яъни хабар келтирилган. Аниқроғи, бунда яна шундай маъно бор: ишқ шундай таврдирки, бу кўйга тушган инсон-ку инсон, то ҳатто фаришталар-да йўлдан озишлари муқаррар. Зеро, ўша малоиклардан бири, яъни Ҳорут ишқ туфайли кўкдаги юлдуз оҳанжамасига, иккинчиси, Морут ердаги бани башар авлодига мансуб бўлган аёл жинсига ошиқи беқарор бўлиб қолган эди.

Ушбу байтда “муроату-н-назир”, яъни “мутаносиб” (Изоҳ: бир-бирига мос ва монанд лафзларни бир байтда тўплашдир. Масалан, қуёш ва ой, кўз ва қош сингари сўзлар) бадий санъати қўлланилган. Бу санъат мумтоз адабиёт-да “таносуб”, “талфиқ”, “тавфиқ”, “ийтилоф” деб ҳам юритилади (Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойеъ ус-санойеъ. Таржима, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Алибек Рустамов. Т., 1981, 232-бет).

Шоир фикрича, Қуёшни Тонг юлдузи тугул ойга ҳам ташбих қилиб бўлмайди. “Эй фалак, нидоимни эшит! Майли, ташбихда сенга бир йўл кўрсатай. Агар сен ёрнинг оғзини бир зарра деб билсанг, унинг шахло кўзини Чўлпон юлдузи, қошини эса, янги чиққан ойга қиёс қила қол” маъносини келтирган Навоий “чўлпон” сўзини гўзаллик тимсолида қўллаш баробарида сонияда минглаб қақирим йўлни босиб ўтадиган тез учар сайёра – Чўлпон, аммо у вафо, муҳаббатда ҳеч қачон қуёшдек гаранжон, яъни оғир, вазмин бўла олмаслигини поэтик рамзларда ифода этади.

“Агар пайконларинг кўз истабон топти кўнгул, ғам йўқ, Келиб йиғлар маҳал ул қатра сулар кўзга ёш ўлсун” байтининг мухтасар маъноси: киприкларинг гўё найзадек кўнглига санчилишни истаган бўлса, начора. Бундан ғам йўқ. Чунки йиғи келган маҳалда, ўша найза теккан кўнгли булоғидан кўз очган чашма сувлари вақти келиб сўқир кўзларга кўз ёш бўлишга асқотиши мумкин.

Навоий Ҳазратлари ғазалларида ошиқнинг ҳолати қанчалар забун бўлишидан қатъи назар, унинг руҳи самолар қадар юксак экани ушбу “Сипоҳий хуснунга бир маҳчаси рахшон алам бўлғай, Қуёш кўзгусига оҳим сутуни гар тутош ўлсун” гўзал шоирона ташбихи воситасида тараннум этилади. Мазкур байтда шундай бадий тафаккур илгари сурилади: сипоҳий, яъни ҳарбий хизматчи сени жомолинга туғнинг учига ўрнатилган олтиндан ясалган ярим ой шаклини тутгани монанд менинг оху нолаларимдан ясалган устун қуёш кўзгусига рўбарў бўлиб, куйса-куйсин!

“Кўнгулда сирри ишқин асрай-асрай ўлдум, эй соқий, Қадах тутким, харобот аҳлига фош ўлса фош ўлсун” байтида қўлланилган “соқий”, “қадах” ва “харобот” – тасаввуфий рамзларга ишора. Соқий – пири комил, Ҳаққа етишган киши; маърифат булоғи. Қадах – май ичиладиган идиш; ориф инсон қалби. Харобот – пир даргоҳи,

пири комил хузури, комил инсонлар йиғини. Ана шу маъноларга кўра байт мазмуни қуйидагича: кўнгилда ишқ сири асрайвериб тоқатим тоқ бўлди. Эй пир, комил инсонлар аҳлига бу махфий сирим, яъни Ҳаққа ошиқлигим ошкор бўлса бўлсин, энди менга “қадах” тут!

Маълумки мумтоз адабиётда доғ сўзи “куюк”, “куйган жой”; “қоралик”; “қиздирилган темир билан инсон ёки ҳайвонлар танасига босилган белги, “нишон”, “накш”, “из”, “жароҳат” ва “ғам-андух”, “қайғу алам” сингари маъноларда келади. Навоийнинг мазкур ғазалидаги “Кўнгулга жон била бир доғинг оздур, қўй яна бир ҳам, Неча икки гадоға бир дирам узра талош ўлсун” байтидаги “доғ” сўзи кўпроқ “ғам-андух” маъносида келган. Байт мазмуни қуйидагича: икки гадо бир дирам устида талашгани унинг камлигидандир... Лекин сен кўнгилини унга ташбих қила кўрма! Ахир, кўнгил битта бўлса ҳам, унга битта ғам-андухнинг камлик қилади, шу туфайли яна ғам-андухлар қўшавер!

“Ўларда тенгдурур шоҳ айласун гулшан гулин мафраш, Вагар гулхан кули узра гадо соҳибфирош ўлсун” байтида: майли, бу ўткинчи дунёда шоҳ, то ҳатто дунёдаги барча чаманзор гулларида гилам қилиб устига ўтирсин, гадо эса, бунини акси ўлароқ, гулхан кулидан ўзига тўшак қилсин! Аммо, ҳар иккиси ҳам оламдан ўтгандан сўнг улардаги ўша фарқ йўқолади, яъни уларда тенглик пайдо бўлади, деган ҳикматли маъно бор

Улуғ шоирнинг ушбу ғазалида матлаъдаги биринчи мисра мақтаъда иккинчи мисра бўлиб қайтарилади. Мумтоз адабиётда бу санъат лафзий санъат турларидан ҳисобланиб, у “радди матлаъ” деб юритилади. Бу ҳолатни ушбу ғазалнинг мақтаъидан билиб олиш мумкин:

*Навоий ашк дурридек тиларким кўзда ер бергай,
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун.*

Мақтаъ маъноси: Навоий кўзида абадий макон тутиш учун дуру жавоҳирга ўхшаш кўз ёш истади. Гарчи бу йўлда, яъни ёр ишқига етишиш орзуси йўлида кўкдан ёғётган ҳар бир дўл унинг бошига тошдек урилсин! Лекин, у бу ботиний аҳдидан ҳеч вақт қайтмайди, аксинча, унга тоабод содиқ қолади.

Умуман, ғазал, хусусан, ундаги “юз”, “ишқ” ва “хусн камоли” образлари замиридаги туйғу ва тимсолларнинг беназиру бетакрорлиги кишини ҳайратга солади. У ботинан ишқ маъноларига бойлиги, суратан эса, ишқ йўлида бетимсол қиёсийликни ўзида жо этган бадий тафаккур маҳсули сифатида Ҳазрат ғазалиётида муҳим ўрин тутади. Бу ғазал китобхон тасаввурида ишқни суръалантиради ва унинг тафаккур тарзида янгича бир эврилиш пайдо қилади.



**Рустамжон
УММАТОВ**

Наманганда туғилмаган наманганлик

ҚИЗИЛРАВОТ

1971 йилда чикқан “Зафарнома” тўпламида Суннатулла Анорбоев қаламига мансуб “Норин сувин ичганлар” номли очерк бор. У “Ёшликка саёҳат” сарлавҳаси билан бошланади. Муаллиф ёзади:

– Қизилравот! Оғир кунларда пешанамни силаган, нон-туз, шуур берган, юрагимга ўт солган, қанот богла, уч деган, башарият бошига фашизм кулфат ёғдирганда: “Бор, болам, ҳимоя қил!” деган азиз ва муқаддас тупроқ! Бу ердан Норин кўриниб туради. Мен турган дўнг тагидаги Янгиариқ анҳори шу дарёдан сув олади ва Қизилравот ерларига сув беради. Болалигим Норин бўйида ўтди. Ёз кезлари тенгдошларим билан қумлоқ қирғоқда кунни кеч қилардик. Тошқин дарё тўлқинларига тўши уриб, балиқ мисоли сузардик. Мол-қўйларни соҳилдаги тўқайга ҳайдаб, ўзимиз қуш тухумини қидириб, оролдан-оролга санқиб кетардик. Мен турганимда, уйда ҳеч ким бўлмасди, ҳамма далада. Уйқули кўзларимни ишқалаб, кўчага чиқиб, дадамни топгани йўлга тушаман. Яланг оёқ, иштончан ҳолимда дала йўлидаман, орқадан арава тақир-туқури эшитилади. Биламан, қайрилсам бас, серсоқол дадамни кўраман, албатта. Қўшотли ясси араванинг суянчиқли курсисида савлат тўкиб ўтирибдилар. Чопқиллайман-да, гилдиракнинг ўқиға оёғимни қўйиб, қўлларим билан тирмашаман, дадамнинг пинжиларига сингиб кетаман.

Рустамжон УММАТОВ – 1952 йилда туғилган. Наманган давлат педагогика институтини (ҳозирги НамДУ) тамомлаган. Унинг “Чароғбон”, “Кўнгил гавҳари”, “Видо манзили”, “Одам борки...”, “Самандар”, “Ахсикент”, “Зулматда сўнган зиёлар”, “Унутмас мени богим” каби йигирмага яқин насрий ва назмий китоблари нашр қилинган. Жюль Верннинг “Klodius Votbarnak”, “Робинзонлар мактаби”, “Музлар исканжасида”, Шарль Лораннинг “Наполеонзода” ва “Наполеоннинг жосуси”, Александр Дюманинг “Икки Диана”, Бруно Травеннинг “Олтин касофати” сингари Европа адабиёти дурдоналарини ўзбекчалаштирган.

– Сени изингдан топдим, – дейдилар ва қўйинларидан нон оладилар, мен кавшана бошлайман...

Болаликнинг бунчалар санъаткорона тасвири юрак тубидаги унутилаёзган энг тотли ва беғубор ҳисларни уйғотади. Ўқийсиз-да, ўша дамларни қўмсаб, соғинч ва армонлар уммонига чўмасиз.

Демак, Суннатулла Анорбоевнинг “бахтиёр” болалиги Қизилравотда, Норин ёқасида, Уйчининг олис бурчагида ўтган экан-да. Бундан чиқдики, атоқли адиб наманганлик эдими? Бу саволга жавобан “Худди шундай эди” деворсак, Асакамиз асло кетмасди. Лекин, келинг, ҳаммасини тартиби ва мавриди билан айтганимиз маъқулрок.

АНОРБОЙ ХИДИР ЎҒЛИ

Анорбой буванинг бомдоддан то хуфтон қадар тилидан қўймайдиган икки калимаси бор эди: ё Аллоҳ, ё Муҳаммад. Қизиллар замонида яшайдиган одам имонсиз бўлиши, Худони танимаслиги шарт эди. Анорбой буванинг гуноҳи фақат шугина эмасди, мадрасада ўқиган, арабчани билади, ақли ва илми расо, боз устига минг қўйли чорвадор бой, уюр-уюр йилқиси, нортуя ва моялари ҳам бор. Ахир, “бойлар йўқолсин, яшасин йўқсиллар!” шиориға бу тўғри келмайди-да. Ҳаммасини бир кунда тортиб олишди, мол-давлатнинг урвоғи ҳам қолгани йўқ. Буларни Анорбой бува чўл кезиб, янтоқ чопиб, пешана тери билан топганди.

– Бойлик – қўлнинг кири, Худодан қўймасин, – деди ота.

Кулфатнинг каттаси ҳали олдинда экан: минг қўйли бойларнинг барини (улар 17 киши) Туркистон шаҳри четидаги бир саройға қамаб, икки кунгача қуролли соқчилар қуршаб туришди. Кейин вагонға ҳайдашди, қиёмат қўпди. Поёнсиз қозоқ кенгликлариға, мангу уйғоқ Яссавий бобонинг Туркистонига, чорвалариға ризқ-рўз берган Бетпақдала-ю Мирзачўлга Анорбой бува қаби уламолар ва давлатмандлар энди сиғмас эди. Шунда ҳам мўйсафид фақат “шукур” деди.

Аяқизбиби изиллаб, болаларини бағриға босди, йиғлаб-йиғлаб қолаверишди. Поезд шу кетганича неча кун ҳаллослаб, тарақлаб юрди-да, йўқсиллик ва бадарғаға қувилган бойларни Сибирияға элтиб ташлади. Бу ёқда энди сунбула бошланиб, пахта терилаётган пайт, у ёқда тўпикдан баланд қор, қулоқни учирадиган изғирин. Ёшу қарига, соғу касалға шафқат йўқ, “қулоқлар” қорда қарағай кесишға маҳқум, сахарда ишға чиқишға, “норма”ни бажаришға мажбур.

Қарноқдаги кулфатлар ундан баттар: тўнғич ўғил Асадуллани ҳам Сибир қилдилар. Шу кетганича қайтмади, дом-дараги чиққани йўқ. Анорбой ота бу фалокатдан беҳабар бўлиб, ота-ўғил кўришмадилар ҳам, дийдор қиёматға қолганича қолаверди.

Яхшининг ёри – Худо, дебдиларки, ҳақни ноҳақ қилган эмас. Бўйчан, полвонкелбат, истарали, ортиқча гап-сўзи йўқ, соқол-мўрти қордай оппоқ Анорбой бува қай бир чизгилари билан фариштаға ўхшаб кетарди. Ўзининг шу ҳолиға, кўрган кунига қалбан иқрори ҳам бор: манглайға битгани, Аллоҳнинг тақдири шудир-да. Ахир, амри илоҳий бўлмаса, баданиннга битта тикон қирмайди-ку. Ана шу қиёфа ва ана шу руҳдаги мўйсафиднинг сурати-ю сийрати ишбошилардан бириға ёқиб қолишини қаранг! Унинг суҳбатлашгиси келди (яхшилар ҳар ерда бор-да). Қария содда дўлвор оҳангда бор гапни очиқ айтаверди:

– Ўлимдан хабарим бор, лекин айбим нималигидан хабарим йўқ. Башарти, гуноҳим бойлигимда бўлса, ҳаммасини топширдим. Ҳовли-жойим мусодара қилинган, бола-чакам кўчада қолиб, синглимнинг уйида сиғинди бўлиб ўтирибди. Шу топда иссиқ жонимдан, эгнимдаги манави йиртиқ чопондан бўлак ҳеч нарсам йўқ. Нима қилай? Худо бир йўлга солар...

– Московга ариза ёзиб берайми? – сўрайди ишбоши.

Қариянинг юраги шувиллади: аллакимлар ёзган экан, ҳолини бешбаттар қилишди.

– Қўркманг, – деди унинг кўнглидагини сезган одам, – яхши бўлади.

Бу ёғи эртакка ўхшайди, чунки, қатагон қиличи қонсираган у замонда кимгадир шафқат ва марҳамат қилиниши ақлга сиғмасди. Хуллас, ишбоши ариза ёзибди, ўқиб берди, охирида шунақа дейилганди: гуноҳим бўлса, илтимос, гуноҳимдан ўтиб, ижозат беринг, кўча-кўчаларда тентираб қолган бола-чакамнинг олдига борайин...

Алқисса, мўъжиза юз берди ва тўрт мучаси соғ-омон Анорбой бува Туркистон вокзалида поезддан тушди. Қарноқ йўлини кўзлаб турган чоғи қўлтигидан олиб, милиция идорасига физиллатишди. Рўпарасида эски таниш – Сибирияга ҳайдаган бошлик, озодлик хатини обдан ўқиб-ўқиб, пешанасини тириштирди:

– Қарноғингга борсанг, яна тутиб, шу ерга олиб келишади. Яхшиси, сен бошимга бало бўлма-да, бола-чақангниям олиб, узокрокқа гумдон бўл, қорангни кўрсатмасдан қуриб кетгин!

Иккинчи сургун ҳақидаги ҳужжат-фармонни ҳам дарров ҳозирлашди. (Бундай “долзарб” юмушлар катта қирғин чоғи яшин тезлигида адо этилиб, ёқмаган одамнинг ўзи ҳам, ёстиғи ҳам оппа-осон қуриларди.)

...1931 йилнинг баҳорида Қозоғистондан қувилган бир неча ўзбек оиласи Қизилравотга етиб келди. Юқорида айтилгандай, кўчада қолгани йўқ, сомонхонага жойлашди. Осон овқат қайда бор? Оғир кунлар эди, бари бир меҳнат қилганга нон-насиба бор. Ҳайтовур, 34-йил кулиб келди. Суннатулла Анорбоев эсдаликларида (2002 йили) шундай ёзади: *Ёғин кўп бўлди. Адирга сепилган қайроқи (лалми) бугдой болаларни кўмадиган даражада битиб берди. Ким ер таталаб эккан бўлса, кам бўлмади, барака топди. Дадам Қоравултепа айланасига тиккан ошқовоқ ва тарвуз чунонам бўлдики, ташиб тугатолмай қийналиб кетдик. Яратгувчининг сендан – ҳаракат, мenden – баракат, дегани шудир-да. Бироқ ҳасад ёмон экан, ҳасадгўй кимсалар: “Илгариги бойлар яна битиб кетди, бой – бойга боқар, сув – сойга оқар”, деб тўполон кўтаришди. Биз яна “ёт унсурлар”, “қулоқлар” бўлдик-да, Оқсоқол амакимнинг, Йўлдошхўжа поччамнинг оилаларини – ҳаммамизни совхоздан ҳайдаб чиқаришди. Норин дарёсининг Учқўрғонга рўпара соҳилига қапа тикдик. У ерда ҳам тинчлик бўлгани йўқ. Чортоққа кўчиб кетдик. Бир яхши одамнинг четроқдаги (хилват) боғида қишладик. Мактабга қатнашимнинг ҳеч иложи йўқ, аммо дадам келтириб берган анчагина китобларни ўқидим, у кишидан араб алифбосини ўрганиб, бемалол ўқиб-ёзадиган бўлдим.*

Ердан қор кетган кезлари “элчи” келди, далага одам зарур экан, Қизилравотга қайтдилар. Анорбой буванинг оиласи ишдан қочган эмас, қул ўлмабди – ризқи қийилмабди. Неъматулла қори бўлди, тўйлар ҳам ўтди. Мўйсафид тўксондан ошди, бир қўлида – ҳасса, бошқасида – кетмон. Ётмади-турмади, 65-йили қазо қилди. Икки ўғлини урушга жўнатиб, бирини қайта кўрмаган, бир эмас, уч фарзанд доғини тортган ота эди. Асадулла, Тожиддин, қизи Ободхон, кампири аллақачон чин дунёга кетиб бўлишган.

СУННАТУЛЛА АНОРБОВ

Унинг илк болалик хотиралари Карноқ ва Туркистон билан боғлиқ. Яссавий бобонинг қадамжосини зиёрат қилганлари, ўша ерда кокили кесилгани эсида. Қайта-қайта кулоққа тортилиб, сургунга қувилган оиланинг қора кунлари шуурига муҳрланиб қолганди. Жаннатмонанд Наманганда у кўргиликлар камайган эса-да, замона ўзи нохуш эдики, кийналдилар. 1935 йили акаси Неъматулла Суннатуллани Жийдакападаги мактаб-интернатга жойлаштирди ва йигитча тўликсиз ўрта маълумотни шу ерда олди. Наманган педбилимюртида ўқий бошлади. У 1941 йили Тошкент педагогика институтининг талабаси эди. Уруш бошланди. Суннатилла Анорбоев 1-Белоруссия фронтида артиллерия взводининг командири эди. Ғалабага бир қадамгина қолган. Померанияда фашистлар тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатарди. 1945 йил 3 март тунидаги жанглар қақшатқич бўлиб, оғир яраланди. Турли госпиталларда ярим йилдан ортиқ даволанди ва 45-йилнинг сентябрида Тошкент вокзалида поезддан тушди. Оёғида аскарча зилдай этик, эгнида Европанинг гарди қўнган шинель, кўксиди икки орден, икки медаль. У Тошкентда яшаётган акаси Неъматулла қори билан кўришиб, кейин Уйчиға жўнамоқчи эди.

Трамвайга чикди ва ўз бахти билан юзма-юз келди. Бу бахт урушдан олдинги сабоқдоши Ҳожияхон (Ҳожинисо) Шокирова эди. Икков талабалик чоғларини эслашди, Ҳожияхон институтни битириб, аспирантурада таҳсил олаётган экан. Тасодикий учрашув ва йўл-йўлакай суҳбат икковнинг тақдирига бир умрлик муҳрини босди. Йигитнинг режалари мутлақо ўзгарди: Қизилравотга боради, ота-онасини суюнтиради ва Тошкентга қайтади. У худди шундай қилди, кундузи ишлаб, кечки пайт ўқишни давом эттирди ва 1946 йили Ҳожияхон билан тўйлари ҳам ўтди. Кези келдики, Ҳожияхон Шокирова (1922–1999) ҳақида ҳам икки оғиз сўз лозим. У киши Суннатулла аканинг илҳомчиси, ҳамкори, кўмакдоши, биринчи ўқувчи ва танқидчиси эди. Шу аёл адибга тўрт фарзанд ҳадя этди: Холида, Барно, Улуғбек, Шербек. (Холида – журналист, мутаржим, отасининг қаламига мансуб “Сузиб борар архарлар” қиссасини ва бир неча ҳикояларини рус тилига таржима қилган.) Ҳожияхон опа филолог, адабиётшунос эди, кунт билан халқ оғзаки ижодини ўрганган. Жумладан, у 1946 йили ЎзФА тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими ходимаси бўлиб, “Тўрўғли” туркумидаги “Қирқ йигит ва қирқ қиз” достонини ёзиб олган. Асарни самарқандлик шоир Раҳматулла Юсуф ўғли айтиб берган. Достоннинг Ҳ. Шокирова дастхатида битилган ўша нусхаси орадан ярим аср ўтиб, китоб ҳолида (Тошкент, “Ёзувчи”, 1996) нашр этилганди. Миннатдор Суннатулла ака ёзади:

– Мени ўқишни давом эттиришга руҳлантирган, ижодда илҳомчим ва биринчи муҳарририм Ҳожинисо эди. “Меҳр” қиссамдаги воқеа ва қаҳрамонларимни бевосита ундан эшитганман, “Сайли” романидаги бош қаҳрамон тимсолини ҳам рафиқам туфайли топиб олгандим. У ҳаётининг сўнгги дамларигача болаларни ва мени деб ўтди. Ҳожинисонинг покиза руҳи олдидаги узилмас қарзимни ҳар он, ҳар соат ўйлайман.

Адибнинг болалик чоғларини заҳарлаган қатағон жафолари кейин ҳам неча ўн йиллар бўйи таъкиб этди. Жийдакапа мактаб-интернатида ўқиганида қалбига ижод оловини солган киши адабиёт муаллими Тожи Ҳасаний бўлиб, йигитчани ўғлидай кўрарди. Бу сўрашини қўймасди, у эса адоқсиз саволларга жавоб айтиб толмасди.

Ҳасаний домла ўзи шеърлар ёзарди, уни Тошкентда ҳам танишган. Шунчаликки, Суннатулла олтинчи синфда эканида, Жийдакапага Уйғун ва Отажон Ҳошим ташриф буюришди, улар Тожи Ҳасанийни йўқлаб келгандилар. Суннатулла Анорбоев мактабдаги ўша учрашувни умр бўйи унутгани йўқ. Негаки, санокли кунлардан сўнг Ҳасаний домлани дарс чоғи тутиб кетишди, у халқ душмани эмиш. Отажон Ҳошим (1905–1938) 1937 йилнинг августида ҳибсга олинган, унинг “шериклари”ни ҳам тинч қўйишмади. Жийдакапа мактаб-интернатидан Ҳасанийдан ташқари физика ўқитувчиси Надиев домланиям қамокқа тиқишди. Чунки, у ҳам Отажон Ҳошим билан кўришган ва тушлик чоғи бир дастурхонда ўтирган эди. Қарангки, Суннатулла Анорбоев институтда икки устозга ихлос қилиб, алоҳида меҳр қўйганди: Ҳамид Сулаймонов ва Абдурахмон Алимўхаммедов, иккови ҳам қамалди. Чамаси, Суннатулла Анорбоевнинг ўзидан ҳам шубҳаланувчилар бор эди. Шунинг учун ё бошқа бир баҳона топилгандирки, у “Қизил Ўзбекистон” газетасидан ҳайдалди. 1953 йили сал-пал эркин нафас олишга имкон бўлиб, Суннатулла Анорбоев Ёзувчилар уюшмасига ариза ёзди. Мажлис чоғи роса саволга тутишди, ҳаммасига жавоб қайтарди, таржимаи ҳолининг бирор нуқтасини яширгани йўқ, неча марталаб сургун қилинганини, устозлари қамокдалигини – ҳаммасини очик айтди. Овозга қўйилди:

– Хўш, Суннатулла Анорбоевни Ёзувчилар уюшмасига қабул қиламизми?

Ҳайтовур, маъқул деганлар қарши овоз берганлардан жиндай ортиқроқ чиқиб, у аъзолик гувоҳномасини олди.

ИЖОД

Адибнинг ижодий фаолияти бой ва ранг-баранг. Дастлаб адабий-танқидий мақолалар ёзди. У 1965 йилга қадар “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” газеталарида, “Шарқ юлдузи” журналарида, “Ёш гвардия” нашриётида, Ёзувчилар уюшмасида фаолият кўрсатди. Суннатулла Анорбоев 1968 йилдан “Гулистон” журналарида бўлим мудир бўлиб, айна ижодий жамоада узоқ ишлади. Ўтган асрнинг 60-йилларида Суннатулла Анорбоев ўқувчиларбоп етук асарлар ёзди ва болалар ёзувчиси сифатида оғизга тушиб кетди. Хусусан, “Хайр, боғчажон-боғча” (1962), “Тўрткўзнинг бошидан кечирганлари” (1963) тўпламларидаги ҳикоялар жажжилар дунёси ва руҳияти муаллифга жуда ҳам таниш эканига бадиий далил бўлганди.

Умуман, Суннатулла Анорбоев синчков ва кузатувчан адиб, бошқалар пайқай олмайдиган энг кичик чизгилар ҳам унинг назари ва эътиборидан яшириниб қололмасди. Шунинг учундирки, очерклари ҳаётнинг табиий ва санъаткорона инъикоси бўлиб, қаҳрамонлари муаллиф яратган персонаж эмас, жонли инсон сифатида гавдаланарди. Мавзуга муносабат масаласи ҳам шунақа: бир бор тилга олинган масала деярли такрорланмайди, Суннатулла ака космик мавзуда ҳам ёзган. Айна хусусда “Парвоз” очерки (1973) алоҳида диққатга сазовор. Унда ўзбек олимларининг космик тадқиқотларга қўшган ҳиссаси таҳлил этилган. Муаллиф алколоидлар муаммосига алоҳида тўхталиб, академик Собир Юнусов кашфиётларининг илмий-амалий аҳамиятини яққол кўрсата олган. Зотан, Собир Юнусов Ўзбекистон алколоидлар кимёси мактабининг асосчисигина эмасди, олимнинг бу борадаги салоҳиятини бутун дунё илмий жамоатчилиги тан оларди...

Меҳнаткаш ва дўлвор қишлоқ кишилари, бунёдкор ва илмга чанқоқ ёшлар, она табиат ва жониворлар Суннатулла Анорбоев асарларининг бош қаҳрамонларидир. Яна шуниси муҳимки, бу образлар Анорбоев “ўргатган” тилда эмас, жайдари ва табиий сўзлаб, эркин ҳаракатланадилар. Суннатулла Анорбоев ярим асрдан зиёд муттасил ва баракали ижод қилди, маҳорати тобора юксалиб, янги-янги мавзу ва жанрлар билан бойиб борди. Адиб айрим долзарб ва қадрдон қаҳрамонларига гоҳо такрор ҳам мурожаат қиларди, чунончи, у аввалроқ “Оқсой шалолалари” қиссасини ёзган. Орадан йиллар ўтиб, шу мавзунини тагин қаламга олиб, “Оқсой” романини яратди ва асар олтимиш йил бурун босилиб чиқди. Мавриди келгани учун таъкидлаш ўринлики, адибнинг “Сайли” романи ўз даврида миллий насримизнинг катта воқеаси ва ютуғи бўлганди. Алалхусус, “Умр” қиссаси адибга катта шуҳрат келтирган. Асар воқеалари ўтган асрнинг 30-йиллари Наманганда кечади. Уларни болалик чоғи муаллиф ўз кўзи билан кўрган, қаҳрамонларни ҳаётда учратган. Суннатулла Анорбоев сермахсул ёзувчи, асарлари жуда кўп: “Парвоз” ва “Гўзаллик излаб” тўпламлари, “Меҳр” (1964), “Саржинчи чол” (1968) номли қиссалари, “Ҳамсухбатлар”... Кейинчалик у томошабинлар учун ёза бошлади: “Чумчуқ сўйса ҳам...” комедияси, адибнинг илк драматик асаридир. Индаллосини айтганда, Суннатулла Анорбоев ўзбек адабиётига муносиб ҳиссасини қўшган, ўзининг ўрнига, услуби ва овозига эга бўлган йирик ёзувчилардан бири эди. Фахрланамизки, адиб Наманганнинг бир ўғли бўлиб, Уйчида улғайган.

Суннатулла Анорбоев (1922–2003) ҳаёт бўлса, бу йил юз ёшга тўларди. Унинг қизилравотлик тенгқур дўстлари, ҳамқишлоқ ва синфдошлари оламдан ўтиб кетишган. Лекин хотиралар барҳаёт. Марҳумларни ёд этмоққа ҳамиша бурчимиз.



*Ўшоднинг кўнчилиги учун марҳаматлик эҳсони
шундаки, унинг завқидан дохий санъаткор
ҳам, гўр хаваскор ҳам бебаҳра қолмайди.*

Абдулла ОРИНОВ





Қуш киприги

Ибодат РАЖАБОВА

Қишлоғимизнинг номи Қалъаи Мири шикор (ов амирининг қалъаси). Унинг иккита масжиди бўларди. Биттасини ақли ғовлаб кетганлар йикитдилар. Ўрнини пахтазор қилар эканлар... Иккинчиси ҳали-ҳануз қад ростлаб турибди, баланд, кодоклари вассажуфтли. Лекин жуда фарсуда. Минорчаси даричаларидан қачон азон янграганини ҳеч ким хотирлай олмайди.

Кеч кузақда дала тутлар қавакларидан нам тортган чумчуқлар эски масжидимиз вассажуфтли қавакларидан кишни ўтказиш учун гала-гала бўлиб қайтган оқшомларнинг бирида “Сайёҳ Қушлар” шеърий китобини ўқишга тушиб кетдим. Китоб муаллифи Гулноз Мўминова.

*Хуш бор! Хуш бор!
Эй кўчманчи қуш,
Шамолларни ёндирсин отинг.
Уч! Қатламдан қатламларга кўч,
Дийдаларни куйдирсин ёдинг.
...Сен кезмаган майсазорларга,
Сен кўринмас рўёларга ҳайф.
Сен туймаган оҳу зорларга,
Сен оқмаган дарёларга ҳайф.
...Қалбинг ҳаққи, етган манзилинг
Тиклаб берсин бир янги дунё.*
(“Кечиккан хайрлашув” шеъридан)

Ибодат РАЖАБОВА – 1956 йилда туғилган. Самарқанд давлат педагогика институтининг филология ҳамда Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетларини тамомлаган. Унинг “Осмондаги фаришта”, “Бухорода гужумлар гуллади”, “Қуш киприги” сингари шеърий ҳамда бир қатор насрий-тарихий асарлари чоп этилган.

Гулноз Мўминова шеърий якунни эмас, давомдорликни зарқўб қилади.

*...Мезонларга термулиб узоқ,
Нимагадир келар бўзлагинг...*

(“Хазонрезги тилида айтар” мисраси
билан бошланадиган шеърдан)

*Хазонрезлар бағридан топгин,
Бу боғларнинг сўнгги олмасин.*

(“Сумбуланинг сувлари мисол” мисраси
билан бошланадиган шеърдан)

*Яланг боғлар бўзлаб ётаркан,
Баргларидан бўлганча жудо.*

(“Кеч куз манзараси” шеъридан)

*Кўнглим қудугини қуритди кузак,
Мендан чиқиб кетди юввош гиначи.
Турибман – қаришимда охири йўқ йўл,
Теграмда бир чала сариқ ниначи.*

(“Июль” шеъридан)

*Ларзага келтирар умрим йўлагин,
Учрашган тошларнинг қарс-қурс товуши.*

(Ўша шеърдан)

“Учрашган тошларнинг қарс-қурс товуши” янги топилма. Шоиранинг кузатувчанлик топилмаси зарўлчар уймоқдай дастхўрда эмас, оҳорли тош. Тошга урилса, бўғиқ овоз чиқаради, қўриқчи итнинг тундаги овозидан ҳам кўрқинчли, ҳам дилгир. Гул гулга урилса, хид таралади. Сариқ ниначи билан мовий ниначилар бир-бирига урилиб кетса, шамол ҳуштакчи. Агар табиат, унинг гўзалликлари, тоғлар маҳобати-ю, сувнинг тонг пайтидаги ажиб ҳиди бўлмаса шеър ҳам туғилмас эди.

*Асфальт етмай қолган йўлакка,
Зумрад гилам ёйгандир вақт.
Сени минг йил кўрмаган дўстдай,
Деразангдан тикилар дарахт.*

(“Ташриф” шеъридан)

*Қушларни бошлаб борар,
Галабоши, ёвқур қуш.
Булутларни ёнлаб гоҳ,
Шамолларга урар тўш.*

*Ўсмоқлик ҳаёт демак,
Бу ҳикматдан безмас У.
Фақат галасин ўйлаб,
Изгиринни сезмас У.*

*Машаққатга тўлиқдир,
Асли бу самовий роҳ.
Кўкда йўлбошчи бўлиш,
Ердагидан қийинроқ.*

*Қанотлар толиб ногоҳ,
Парвоз сусайган чоғи.
Йўлбошчининг ўрнини,
Эгалларкан ҳамроҳи.*

(“Қушларни бошлаб борар” мисраси
билан бошланадиган шеърдан)

Гўзаллик фақат гавҳари шабчироғда эмас, ундан ҳам баланд турадиган шеърый мисраларда ҳукмрон. Бу ҳукмронлик қаричини томоша қилинг.

*Кўкда йўлбошчи бўлиш,
Ердагидан қийинроқ.*

Хулоса аниқ, мукаммал, оҳори баланд. Худдики, юз ёшдан кўпроқ умр кўриб, ҳаёт билан видолашган Саъдий Шерозий салласини “ёлғиз қолмасин” деб қушлар бўйнига ташлаб, гир-гир айлангандай мусаллам. Тош остини ковласангиз, бирибир тош чиқади. Занданача матоҳи ипак ипларидай юраги суфта шоира ёзган шеърлар мисраларини варақлайверсангиз “сим-сим эшиклар” очилади. Ёнбош ётиб, гуллаётган Бухорий токзорлар ичини айлансангиз майхумлар оғзини очиб, думалаб чархизону тушгандай туюлади. Буни таъсир акси дейилса керак. Гулноз Мўминова гулга гулрафторлик қилгандай мисралар елкасига гули қоқу юкларини юклайди. Тасаввурингиз камалак зотидан саккизинчи рангни топиб олгандай маҳваш.

*Чархнинг терс мезонида,
Гоҳ ўнг, гоҳ тушлармиз.
Дўстим, билсанг, бизлар ҳам,
Асли сайёҳ қушлармиз.
...Қанот қоқамиз тинмай,
Мақсад олис бир йўлдир.
Мудом бизни чорлаган,
Жануб – асли кўнгилдир.
...Истеҳзо қилганларга,
Айт, жимгина, хайр-хўш.
Қайдан билсин соғинчни,
Жанубга бормаган қуш.*

(“Чархнинг терс мезони” мисраси
билан бошланадиган шеърдан)

Халқда айтилади-ку “Мусофир бўлмагунингча, мусулмон бўлмайсан”, деб.

“Қайдан билсин соғинчни жанубга бормаган қуш” мисраси ҳам ўша ҳикматнинг синоними. Сувдан элаклаб олинган хом тилладай – тоза, мусаффо, қусури йўк.

Ғаройиб хулосага келдим: Гулноз Мўминова шеърлари, ғазалларини чўнтаксиз, ҳарир либос кийиб, ўқиш керак экан. Нега деганда чўнтаксиз кийим ақл-хуш, иймонингизни озодлик сари бошлайди. Таъма йўқ. Бировнинг ризқига панжа уриш хасталиги йўқ. Сиз дарахтдайсиз. Соя, мева, ёғоч бериш бор, “Сендан угина, мендан бугинаси” йўқ...

*Қалбим Сенинг хилватинг
Зарра йўқ, малол, эй, дўст.
Сен ҳам мен-чун то абад,
Жануб бўлиб қол, эй, дўст.*

Невараларга эртак айтиш ёшида бўлсам ҳам эртак хумори билан яшаётганимга ўзимнинг кулгим келади..

Эмишким бир мамлакатдаги “Шоирлар мактаби”нинг минг нафар ўқувчиси бор экан. Вазифалари кеча-кундуз шеър битиш. Ўчоғу дастурхонлари мамлакат хазинаси ҳисобидан. Шох иқтисодчи эмасми, хаёлга ботибди.

“Мингтадан кўра битта зўри – қатрон”. Эртаси вазирага: “Мактабдаги минг нафар шоирбачаларни зиндонга солиб, кузат”, дебди. Шундай қилибдилар. Уч кундан кейин натижани шохга етказибдилар... “Шоирбачаларнинг тўққиз юзтаси йиғи-сиғи, фарёд биланд банд, юз нафари эса ёзипти”. Шох: “Тўққиз юзтасини озод қилиб, юзтасини қолдириб, кузат”, дебди. Хукм адо этилибди. Тўққиз юз нафар шоирга қалам эмас, омон сотиб олиш учун пул ҳам берилибди. Улар хурсанд, шоирликнинг ҳам баҳридан кечиб, уйлари томон жуфтакни ростлабдилар. Қолган юз нафар зиндонбандларни уч кун кузатсаларки, тўқсон тўққизтаси “вой, дод” билан овора. Фақат биттаси сархуш, шеър ёзаётган экан. Шох: “Тўқсон тўққизтасини кўчат бозорига юбор, боғдорчилик қилсин, ўша биттасини дарборга олиб кел, ҳақиқий шеърни ана ўшаси ёзади”, дебди. Дарборда қолган ўша битта шоир авлодидан кейинчалик Мавлоно Румий етишиб чиққан экан...

*Ажаб ишлари бор ўзбекнинг, агар
Овчи отар бўлса бирор бўрини,
Овоза бўлади зумда, одамлар
Уйига келтирар қўйнинг зўрини.*

*Ким ҳада беради, ким ёпади тўн,
Милтиққа тикилар кимдир ҳавасманд.
Зулмат ҳаётига чиққан каби Кун,
“Мойидан берарсиз”, дейди бир дардманд.*

*Тирногин беришар тумса хотинга,
Тишлари бешикка бўлади тумор.
Иснод келтирганча инсон отига
Терисин талашар неча харидор.*

*– Ўғлинг мерган бўлса, – ўйлар халойиқ,
– Фақат бўри бўлса ови – нишонни.
Эл ичра яшаса ҳурматга лойиқ,
Эту мойга тўла бўлса қозони.*

*Шу тўда ичида пайқадим Сени,
Ҳайрат-ла боқардинг бўри лошига.
Ўғлим, яқин борма, инграгиб мени –
Қўл урма онангинг қариндошига!*

(“Тойифа” Меҳрожга насихат” шеъри)

“Тойифа”ни ўқиб, Шамсиддин Хожа Ҳофизнинг:

*“Шароби талх меҳоҳам, ки мардафкан бувад зўраш,
Ки то як дам биосоям, зи дунёву шару шўраш”*

мисралари отам товушида кулоқларимда янграгандай бўлди. (Таржимаси: Аччиқ шароб истайман, унинг кучи мардни йиқитар бўлсин, Бу дунёнинг шўру ғавғосидан бир нафас осуда бўлай...) Ана ўша “Шароби талх” Гулноз Мўминованинг “Тойифа” шеъри, ҳар қандай юкни кўтаради нортауя ўркачидаги куёшларга пишган ёғидай.

Хожа Ҳофиз Шерозий Мавлоно Румий қабри бошига бориб, чиллаи хавотир ўтирган экан, “Дафтари шаш” учун. 39-куннинг тунида чақмоқ чақиб, дўл ёғибди. Ҳофиз чиллаи хавотирда... Дўл қорга айланибди. Ҳофиз чиллаи хавотирда... Қор ёғиб, ёғиб, Ҳофизни бағрига олибди, Шерозий чилласи хавотирда... 40-куннинг тонгида Хожа Ҳофиз терий кўрпадай қотган қорни ёриб, муборак бошини чиқарсаким, тилсим очилган, Мавлоно Румий қабри юзида “Дафтари шаш” нур таратиб турибди... Қани энди бугун ўша “Дафтари шаш”дай чилла тутишга арзирли назмий хазина дарагини топсам, саксон кун чиллаи хавотир ўтирган бўлмасмидим, “Дунё ба умед” деганлар-ку. Борди-ю унғача Гулноз Мўминованинг айтишларича, Бухорий хомқаймоқдай ёғ боғлаб, тафаккуримда эриб кетса, мен ҳам Румий уйига меҳмонга боришни ихтиёр этармидим... Маснавийбода ичиб қайтардим, ёронлар...

Бу дардни Навоий: “Нақди ишқин кўйди жона, қилди кўнглимни ҳалок”, Бобур: “Сен эй гул, сарвдек, саркашлигингни кўймадинг ҳаргиз”, Машраб: “Фалакка қўл узатиб, шамси анварни узиб, бўлмас”, Фурқат: “Бу ерга шўхи барно бир келиб, кет”, деган эдилар. Гулноз Мўминова эса:

*Бизам осмонидан адашган моҳмиз,
Ҳасрат карвонлари талашган роҳмиз.
Юсуф қамчисини кўйдирган “оҳ”миз,
Зулайҳо кўксиди гирёна келдик.*

(“Вале, озурдамиз, озор ичинда” мисраси билан бошланадиган шеърдан) деб ёзибди. “Юсуф қамчисини кўйдирган “оҳ”миз” мирасида талмеҳ суврати ҳувайдо.

Гулжамол билан “Бухоро тонг отгунча” суҳбатларимизда баҳслашамиз: “Зебинисобегим қандай зўр, ичидаги бор жавоҳирларни айтиб кетди. Биз нега чала-яриммиз” дейди суҳбатдошим. Мен: “У шоҳнинг невараси, шоҳнинг қизи, шоҳнинг синглиси, ғамлаш учун унга чўнтак керак эмас эди. Шусиз ҳам мўл-қўл. Биз-чи, биз кечалари “ором олиш” ҳисобидан ижод қиламиз. Югурмасак, рўзгор қайда?” дейман.

Суҳбатдошим: “Гулноз Мўминованинг оиласи, тўрт нафар боласи, қайнона, қайнота. У ёқда ҳар кун эшиттириш тайёрла деб, Ўзбекистон радиоси турибди. У

барибир юз нафар шоирнинг битта жасоратчисидай, гўзал ижод қияпти”, дейди. Мен эса муғомбирона: “Уни дарборга жўнатиш керак”, дейман.

*Гул япроқдан шудринг тушса сирғалиб,
Узугим-ла тутиб олдим, ёронлар.
Маъшуқлар шод, аҳли ушшоқ музтариб,
Маъшуқларни Ҳаққа солдим, ёронлар.*

*Баргга пуфлаб кўкка отсам – қуш бўлди,
Қум юзига суврат солсам – туш бўлди,
Ситамларим юрагимга куч бўлди,
Шу куч билан омон қолдим, ёронлар.*

*Қуш қаноти сирлашармиш ел билан,
Англомадим дунни мажнун дил билан,
Сўнг баҳорлар шифо топмас гул билан,
Сўнг баҳордек хаста бўлдим, ёронлар.*

*Тун сувларга чизганда ой расмини,
Ғам оширгай севгили юз ҳуснини,
Дуоларда такрорладим исмини,
Зикр ила тилни тилдим, ёронлар.*

Маъшуқларни Ҳаққа солдим, ёронлар...

(“Айтим”дан)

Қалай, Хожа Ҳофиз айтганларидай: “Каманди сайди баҳромий биафкан, жоми Жам бардор”, бўлдим. (тарж. Баҳромий ов қуролини ташлаб, Жамшид Жомини кўтар.) Жоми Жам кўтардингизми? Тирикликнинг назм аралаш инжуси шу-да. Инжуни ўзингиз тополмасангиз, ҳеч ким уни Сизга “Ма, ол, эрка танбал”, демайди.

Бир гап ичимда сиғмаяпти. Ёрилмасимдан олдин айтиб, қўяй. Эмишким, “Аёллар шеъриятини ўқиб бўлмайди”. Бу шўрланган деворнамо гапни Зебинисобегим йиқитиб, сурма қилиб, кажрафторлар юзига сепиб юборган вақт 1660 йиллар эди. Шунинг учун ҳам Бегим:

“Тарчи ман Лайли асосам, дилчу Мажнун дар ҳавоет” деб қўшиқ айтган эди, шонга кўмилиб. Кейин Ҳалимахоним Худойбердиева, Фароғат Камолова бу ўргимчак торларини узиб, шамол ихтиёрига топширганларида, ёмғир шаррос қўйилиб, узматорлардан асар ҳам қолмади. Энди бу жасоратни такрорлаш Гулжамол Асқарова, Гулноз Мўминова, Нодирабегим Жамолова, Тилланиса Нурғди каби давомчиларнинг чекига тушганини қаранг (ўзимни ҳам қўшсам, бўларди-ю...). “Жасорат керак эмас, шусиз ҳам аксиома даврон сурияпти”, дейсизларми, ризқингиз хом олтин бўлсин, илоҳо. Узр-ку, айрим эркаклар учун шоирлик – мансаб, сарпо, боғ, ҳовли (Афанди айтганидай) қорин ғами, янгачалар нози бўлган ҳолларниям кўрдик, кўряпмиз... Бир соддағуфтор мендан, “Орден, медалларингиз борми”, деб сўради. “Жойим йўқ”, дедим. “Нега” дейди? “Бу дунёнинг менга тегишли ҳамма жойини қоғоз, қалам, дастхатлар эгаллаган, олганим билан қаерга қўяман?”, дедим ҳазилнамо.

*Нозимнинг яшил китоби
Қўлим етар жойда турар
Муқовадаги хира сураддан сўрагум:
Арзирми бу дунё
Ранжитмоққа севганларингни?*

*Жавоб ўрнида чуқур сукут қайтарар Нозим
Қайгу қадар ичкин бир сукут
Чуқур хўрсингум
Ва бирдан оғир туйила бошлар
Икки сийнамдан бири.*

(“Фикр оғриғи” шеъри)

“Ва бирдан оғир туйила бошлар, Икки сийнамдан бири” мисрасига ўхшаш ҳақиқатни бундан олдин бирор жойда ўқиганмидингиз, мухлис. Бу ҳақ рангизни Гулноз табиатдан топиб, Сизга марҳамат қиляпти. Шукр қилинг...

Яқинда “Огоҳи Саййид Амир Кулол” дастхат рисолаи форс тилидан таржима қила туриб, бир мўъжизага дуч келдим. Эмишким, Хожа Порсо иккинчи ҳаж сафарига чиқишдан олдин Саййид Амир Кулол қабри зиёратига борибдилар. Амир Кулолдан ишорат бўлибди. “Амир Ҳамза қабри тавофига боринг. “Хожа Порсо Амир Ҳамза қабри тавофига борсалар”, “Бизнинг хонадонга боринг” ишорати бўлибди. Борибдилар... Амир Ҳамзанинг қизлари – Бибича хотун жамоатхонада ўтирган Хожа Порсога ходимлари орқали лаълида ситилган пахта юборибдилар. Ҳамма ҳайрон.. Хожа Порсо “Шуд, шуд, мо фаҳмидем”деб, нафис пахтани алоҳида хуржунда жойлаштиришни ходимларига буюриб, ҳаж сафарига отланган экан. Ҳаж амалларидан кейин уч кун ўтиб оғирлашган Хожа ходимларига: “Ўша, Бибича хотун бериб юборган пахтани келтирингким, бу лаҳзада керак бўлди”, дебдилар. Бухорий нафис пахта келтирилгач, жонлари узилибди. Чакакларини Бухорий пахта билан боғлаттирган авлиёуллоҳ араб тупроғининг “Бақия” қабристонида ётибдилар...

Башоратчи Бибича Хотуннинг волидлари Амир Ҳамза, “Одамлар ўз ўғиллари билан фахрлансалар, биз ўз қизимиз билан фахрланамиз” деган эканлар, тириклик чоғларида.

Биз ҳам бугун ёмғирни ёмғир, дўлни дўлдемай, қалам тебратаётган шоираларимиз билан фахрланамиз. Гулноз Мўминова айтим айтиб, шеърлар ёзиб, таржималар қилиб, рўмолини шайдой боғлаб, одмигина юрибди. Бу – ёзганларидан сархуш бўлиб юришдан даракдир, ёронлар.

Армонга айланиб қолмасин...



**Роҳатой
ҚУРБОНОВА**

Ота-онам савдо ходимлари бўлишган. Китоб ёки газета ўқишмаган, эртадан кечгача ишда бўлишарди. Бола эсам-да, вужудимда отилиб турган мутолаага берилиш кимдан ўтган, билмайман. Ўн уч ёшлардаги қизалоқлик чоғимдан уйимизга яқин бўлган матбуот дўкони – “Киоска”дан “Шарқ юлдузи” журнаlinesи ҳам сотиб олардим. Етмишни қоралаган, калтагина кумуш сочига тарокли “ободок” тақиб оладиган рус кампири мен севадиган ўша киоскада сотувчи эди. Мен эса, унинг доимий мижози бўлганман ва қачон қарама, у мени хуш қаршилаб, “Ўқи, ўқиганинг яхши!” деб олқишлабам кўярди.

Раҳматли ота-онамдан миннатдорлигим шундаки, китоб ва вақтли даврий нашрларни сотиб олиш ёхуд обуна бўлишимизга ҳечам қаршилиқ кўрсатишмаган, аниқроғи, пулни қизганишмаган. Хонадонимизга почтачилар орқали ўнлаб газета-журналлар, ҳатто, Россияда чиқадиган “Крестьянка”, “Работница” каби нашрлар пешма-пеш етиб келарди ва уларни ўқиш мен учун энг завқли машғулот ҳисобланарди, эҳтимол, бу хоббим бўлгандир.

Мутолаа қилиб, бадиий адабиёт ичига шўнғиб кетганимдан, ўсмирлик чоғларимданок шеър ва ҳикоялар ёза бошлаганман. “Шарқ юлдузи” журнаlinesининг адабий танқид саҳифаларида айрим танқидчиларнинг фикрига қўшилмаган ҳолда, адабиёт ўқитувчимизга ўз фикримни билдириб ҳам ўтардим. У эса, “Тавба, еттинчи синф ўқувчиси “Шарқ юлдузини ўқиб, таҳлил қияптими?” деб куларди-да, “Сен келажакда филологияда ёки журналистикада ўқишинг керак, деярли тайёрсан!” дер эди. Битта афсус қиладиганим, ўша кезлар бир мартагина болалар газетасига шеъримни юборганман, холос.

Йиллар зумда ўтиб кетди-ю, болалик ўрнини турмуш ташвишлари эгаллаб, қалам тебратишга аранг фурсат топиладиган кунлар ҳам бошимга тушди. Менга на филологияда, ва на журналистикада ўқиш насиб этмади. “Агар насиб этганида,

Роҳатой ҚУРБОНОВА – 1966 йилда тугилган. Тошкент юридик техникумини тамомлаган. “Қиз қалби” номли насрий китоби чоп этилган.

дейман ҳозир, ё, адабий танқидчи ва ё, талай илмий ишлар муаллифи бўлардим!”
Ахир, ҳалигача, юрак шуни истайди-да!..

Ёзувчилар уюшмаси. Унга аъзо бўлмоқлик менгаям катта орзу бўлиб келгани боис умримда биринчи марта уюшмага келдим. Илк бор бир тадбирда – ёзувчи ва шоирлар даврасида бўлдим, яъни ўзим хоҳлаган даврада. Баъзан шундай бўладики, ўзингга муносиб бўлмаган давралардаям ўтириб қоласан. Масалан, гап-гаштакларда. У ердаги танишлар орасида маънавият ва адабиёт нима эканини билмайдиган думбулларам бор ва ўзининг хурмача қилиқлари ёки оғзига келганини валдирайвериши билан асабингга тегади. Мен китоблар ҳақида, бугунги маданият ва маънавият ҳақида ким биландир гаплашарканман, ёнимда ўтирган бир бойвучча аёл ойтовокдек қўлtelefonини юзимга тираб, болаларининг хорижий шаҳарлардаги саёҳатда тушган суратларини, ўзининг сўнгги русумдаги қимматбаҳо ва камёб автомобилни, баҳоси бир неча миллиардларга бориб тақаладиган ҳашаматли уй-жойларини, адоғи йўқ кийим-кечаклари-ю еган-ичган овқатларигача кўз-кўз қилишдан зерикмайди. Қани энди, “Ҳой, инсон! Менга буларингизни ҳеч қизиғи йўқ! Моддий нарсаларингизни мактанманг!” дейдиган тил бўлса. Ачинарлиси, бу аёл журналистикани битирган, лекин мутлақо бошқа ишларда, бошқа лавозимларда тирикчилик қилиб келган. “Ўўнтаги бой, аммо маънан қашшоқ одамдан кўрк” ибораси айнан мана шундайлар учун айтилгандек, гўё. Дунё фақат ҳашамдор ҳаётдан иборат дея мол-дунёга кўр-кўрона ҳирс қўйиш, маънавиятни энг охириги ўринга тушириб қўйиш – даҳшатнинг ўзи эмасми? Шу сабаб, адабиёт аҳли орасида бўлиш менга ўзгача кайфият беради, боягилардан эса имкон қадар узоқроқ юришга ҳаракат қиламан.

Бугун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси дилга ором бергувчи ям-яшил, тинч-осуда бир гўшанинг бағридан жой олган. Бу ерга илк қадам ранжида қилдим, жаннатга қадам босгандек, юрагимдан завқ-шавққа тўлдим. Ва, “Адиблар хийбони”да тирик тимсолдек турган сеvimли ёзувчи-шоирларимизнинг нафасини ҳам ўзимда туйдим. Эҳ, аттанг! Умр селдек тезда ўтиб кетаркан! Қанийди, вақт тизгинидан тутиб туришнинг имкони бўлсайди, мен Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Одил Ёкубов, Ҳалима Худойбердиева, Носир Фозилов, Пиримқул Қодиров, Ҳамид Ғулом, Неъмат Аминов сингари дарғалар билан кўришган, беш-ўн дақиқа бўлсин, суҳбатларидан баҳраманд бўлган бўлардим. Минг афсус, энди бу менга катта армон бўлиб қолди...

Энди, кўнглимдаги талай орзуимни амалга оширишим керак: Абдулла Қодирий уй-музейига бориб, у ижод қилган хонани, ишлатган буюмларини ўз кўзларим билан кўриш, руҳан у билан ўша даврга саёҳат қилиш... Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад ва бошқа ижодкорларнинг ижодхоналаридаям бўлиш... Ҳозирда яшаётган сеvimли ижодкорлар билан учрашиш, мулоқотда бўлиш... Буларга албатта эришаман, деб ўйлайман.

Alyoshkaning xayollari



**Robert
ROJDESTVENSKIY**

1

Erta tongdan,
To kechgacha,
O'rgatishar.
– O'rgan, – deya
O'jarlik-la
Dars o'tishar.
– Ana – Bulut,
– Mana – Ona,
– Bu-chi – Qoshiq.
– Qani, takrorla.
Indamayman
Jim turaman.
Goh ming'irlab
O'tiraman.
O'rganishni
Xohlamayman
Demayman.
Chunki hali
Gapirishni
Bilamayman.
Vahti kelar
Ketarman yurib.
G'oz turarman
Ko'kragim kerib.

Robert Ivanovich ROJDESTVENSKIY – Sobiq Ittifoq Davlat mukofoti laureati. (1932-1994)
Rus adabiyotining yirik namoyandasi. Moskvadagi M. Gorkiy nomidagi Adabiyot institutida o'qigan. Shoirning “Bahor bayroqlari”, “Sinov”, “Tengdoshimga”, “Shahar tovushi”, “O'sha yigit uchun”, “Oxirgi she'rlar” nomli kitoblari nashr etilgan. Shoir bir necha bor O'zbekistonda bo'lgan va zamondosh o'zbek shoirlarining otashin she'rlarini rus tiliga mahorat bilan tarjima qilgan. Uning “Do'stlar sayyorasi” va “Odamlarga ko'p narsa kerakmas” nomli kitoblari o'zbek tilida nashr etilgan.

So‘zlarman ham
Shunda hech tinmay.
– Bu qush, – derman,
Balki to‘xtamay.
– Tutun, – deyman
Ko‘kka o‘rlagan.
– Xantal, – deyman
Tilim kuydirgan
Uyni uy, – deyman
Rasmini solib.
– Qoshiq, – deyman
Qoshiqni olib.
– Ona! – derman
Ko‘tarib – sasim
ana shunda derlar:
– Ko‘p gapirma, Jim!

12

“Qaynoq” degan
So‘z bor lug‘atda.
Qaynoq bo‘lsa,
Puflang, albatta.

Unga aslo
Yaqin yo‘lamang.
O‘zingizga
Jabr tilamang.

Choy biqirlar
Tinmasdan, qaynoq.
Yangi pishgan
Pirog ham shundoq.
Taqsimchadan
Bug‘ chiqar bo‘lsa,
Kuydiradi
Kim agar tegsa.

Bulardan ham “qaynoq”
Ekan-ku, bilsam.
Onajonim bag‘ri
Rostini aytsam!

21

Men dunyoga
Kelmasdan burun.
Ko‘p narsani
Topishgan, tayin.
O‘ylab-o‘ylab,

Qorni topishgan.
So'ng ustiga
Muzni yopishgan.
Keyin esa,
Topilgan dengiz.
O'lchashgandir
Suvini, shubhasiz.
Shirin bo'tqa
Tanni yayratar,
Vannadagi ko'pik
Ko'nglim chog' etar.
Beshik uchun
Qo'shiq yaralgan.
Sohir ovoz
Har yon taralgan.
Yopgan nonga
Qarang, birodar.
Ichida-chi,
Jizzasi ham bor.
Yangi yilga
Archa ham tayin.
Yasharib ketadi
Bu ko'hna zamin.
Bularning barchasi
Yaxshidir juda.
Ammo afsus,
Bilmadim sira,
Dorini kim topgan?
Achchiq, bemaza.

Bahrom AKBAROV tarjimasi



Bahrom AKBAROV – “Shuhrat” medali sohibi. 1961 yilda tug'ilgan. Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zMU) kimyo fakultetini bitirgan. Uning “Kichkintoylar kitobi”, “Hayolimdagi hikoyalar”, “G'alati sinov” nomli kitoblari nashr etilgan. Shuningdek, “Mitti botir” nomli kitobi nemis va rus tilida, “Qo'rqmas botir haqida ertak” kitobi rus tilida nashr etilgan.

Адабий ҳаёт

* * *

2 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгашининг 2022 йил фаолияти якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

* * *

6 февраль. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров қаламига мансуб “Бобур. Юлдузли тунлар” романининг инглизча наشري (“Babur: Starry Nights”) чоп этилди. Лойиҳа Каримов Фонди томонидан бажарилди ва Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таваллудининг 85 йиллигига бағишланди. Романни британиyalik адабиётшунос Керол Ермакова инглиз тилига ўгирган. Таржима матни Жули Уикенден томонидан таҳрир қилинган. Таниқли ўзбек расмони Бобур Исмоилов эса нашр учун суратлар ишлаган. Китоб Франциянинг нуфузли “Nouveau Monde Editions” нашриётида чоп этилган.

* * *

7 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Тожик адабиёти кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

9 февраль. Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги шоир номидаги давлат адабиёт музейи, Ўзбек тили ва адабиёти университети рўпарасидаги Алишер Навоий ҳайкаллари пойида гул кўйиш маросимлари, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида улў мутафаккир Алишер Навоий таваллуди муносабати билан чоп этилган “Истиклол даври ўзбек навоийшунослиги” ўттиз жилдлик тўпламининг тақдироти ҳамда “Назм ва наво” кечаси кечаси бўлиб ўтди. Адиблар хиебонида шоирнинг муҳташам ҳайкали пойида давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, вазирлик ва идоралар, устоз ва талаба, ижодий ташкилотлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида кутлў сана нишонланди.

* * *

10 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида турк шоири Юнус Эмронинг “Ўлмас кўнгул” номли китоби тақдироти бўлиб ўтди. Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида босилган тўпладан шоирнинг “Ишқ даъвосин қилган киши”, “Эслармисан сен ул кунни”, “Сен бу жаҳон мулкени”, “Ишқингда ғарқ бўлубон” каби ижод намуналари ўрин олган.

* * *

14 февраль. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 540 йиллик таваллуд кунига бағишланган тадбирлар жойларда кенг нишонланди. Тадбирларда Ҳиндистон, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Америкадан келган бобуршунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этдилар.

* * *

15 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан таниқли адабиётшунос, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқаро Бобур мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг бой маънавий мероси ва ибратли ҳаёт йўли ҳақида замондошлари, шогирдлари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар ёзган мақолалардан иборат “Ғайбуллоҳ Ас-салом замондошлар хотирасида” номли китоб нашр этилди.

* * *

17 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Чингиз Айтматов номидаги халқаро Иссиққўл форуми вице президенти Динара Жумабоева ва Бишкекдаги Қирғизистон-Ўзбекистон дўстлик жамияти ижрочи директори Беғижон Аҳмедов билан учрашув бўлиб ўтди. Унда қатор ўзбек адибларига халқаро Иссиққўл форумининг “Чингиз Айтматов” медали, шунингдек, Ўзбекистон-Қирғизистон ўртасидаги адабий алоқаларни ривожлантиришга фаол ҳисса қўшаётган ёзувчи ва шоирларга фахрий ёрликлар топширилди.

* * *

21 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан улуғ тилшунос, шарқшунос ва манбашунос аллома, академик Алийбег Рустамийнинг энг машҳур асарлари жамланиб икки жилддан иборат сайланма тузилди.

* * *

26 февраль. Адабий танқид кенгаши фаолиятининг 2022 йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

27 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда “Туркий адабиёт хазинасидан” 100 жилдлик асарлар мажмуаси нашрдан чиққани, ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти томонидан улуғ венгер шоири Шандор Петёфи таваллудининг 200 йиллигига бағишланган энг яхши таржима асарлар танлови ўтказилгани ва бунда ўзбек шоирлари, таржимонлари фаол иштирок этгани эътироф этилди. Жорий йилда Андижонда қирғиз-ўзбек адабиёт кунларини ўтказиш юзасидан таклифлар ўртага ташланди, аниқ режалар келишиб олинди. Шунингдек, Султон Раевга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолик билети топширилди.

* * *

28 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Бадий таржима кенгашининг 2022 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

МУНДАРИЖА	
БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР	
Ғафур ҒУЛОМ. Умримиз боқийдир, умримиз боқий	4
НАЗМ	
Дилмурод ДЎСТ. Кўнгил қайга деса, бош олиб кетсанг	44
Ҳалима АВАЗМУҲАММАД. Ишонаман, мўъжизалар бор ...	48
Рустам ЭМИН. Гувуллайди Сирнинг шамоли	52
Мансур ЖУМАЕВ. У ўтли кунларни қўмсайман ҳануз	56
НАСР	
Содиқ АНВАР. Ташриф. Қисса	8
Шукур ЖАББОР. Аяман дафинаси. Ҳикоя	62
Абдурашид МАҲМАТОВ. Сирли таёқ. Ҳикоя	66
Рўзимбой ҲАСАН.	
Осмон яқин, ер юмшоқ.	79
Юсуф РАСУЛ. Парижга сафар. Ҳикоя	115
Ҳалима АҲМАД.	
Олис дарахтзорлар ортида. Хотира-новелла	122
ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА	
Баҳодир ОБИД. Беғубор шеърият	101
МУШОИРА	
Низомиддин МАДРАҲИМОВ. Кўзим самода қолмишдур	108
Ҳилола ЖЎРАҚУЛОВА. Эртақларга айланди у	109
Бобомурод САЪДУЛЛАЕВ. Оҳиста чайқалиб ўтади юрак	110
Назокат АТОҚУЛОВА. Ҳар оқшом чертади деразамни ишқ	111
Умида ҒАФФОРОВА. Ғанимат бу кунлар ўтиб бормокда	113
ТАДҚИҚОТ	
Хосият РУСТАМОВА. Шоирона исённинг ошкора акси	140
Юлдуз ХЎЖАМОВА. Персонажлар нутқидаги дисфемизм	145
ЁШЛАР ИЖОДИ	
Дилрабо ТУРСУНҚУЛОВА. Жаноб ернинг қўлида қўлим	147
ТАҲЛИЛ	
Қозоқбой ЙЎЛДОШ. Бадий маҳорат меваси	73
БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ	
Манзар АБДУЛҲАЙР. “Ситам зангин темурдек кўнглидин...” .	152
АДАБИЁТ ВА ШАХС	
Рустамжон УММАТОВ. Наманганда туғилмаган наманганлик ..	156
МУТОЛАА	
Ибодат РАЖАБОВА. Қуш киприги	162
Роҳатой ҚУРБОНОВА. Армонга айланиб қолмасин	169
BOLALAR ADABIYOTI	
Robert ROJDESTVENSKIY. Alyoshkaning xayollari	171
Адабий ҳаёт	174

Шарқ юлдузи

2023

2-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктан назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обунда даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳқўча, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:
71231-23-67, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
17.04.2023
Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 5000 нусха.
Буюртма №3

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган. “DAVR MAXSIMUM MEDIA” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳар Олмазор тумани Чаманбоғ МФЙ Бешқўрғон-3 мавзеси, 30 уй, 8 хонадон.
Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Муҳаррир:
Дилфуза Маҳмудова
Мусахҳих:
Моҳира Ҳусанова
Саҳифаловчи-дизайнер:
Муҳаммадсодиқ Сайфуллаев
Copyright © “Шарқ юлдузи”